

Ғ. САЛОМОВ

# ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Университетларнинг филологик йўналишдаги  
гуманитар факультетлари юқори курс  
студентлари учун ўқув қўлланмаси

*ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим  
министрлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ — „ЎҚИТУВЧИ“ — 1983

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор *С. Мамажонов*,  
филология фанлари доктори, профессор *У. Норматов*

**Филология фанлари кандидати, доцент *Н. Комилов*  
жамоатчилик асосида таҳрир қилган**

Ушбу қўлланмада таржима тарихи илмий ва адабий юксалиш, ғарб ва шарқ адабий ҳамкорлиги жараёни билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Асосий таҳлил методикаси факт ва далилларни қийёсий-типологик ва услубий текширишдан иборат. Муаллиф адекват таржима яратишнинг восита, талаб ва принципларини кенг аспектда услубий-миллий хослик, жанр спецификаси, шеърӣ таржимада вазни ифодалаш, давр колорити, шакл билан мазмун бирлигини сақлаш сингари махсус масалалар бағридан қидириб топишга интилади. Қитоб университетлар ва педагогика институтларининг адабий-лингвистик йўналишдаги гуманитар факультетлари студентлари ва таржима санъати проблематикаси билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

*На узбекском языке*

*САЛЯМОВ ГАЙБУЛЛА ТАДЖИДДИНОВИЧ*

**ОСНОВЫ ТЕОРИИ ПЕРЕВОДА**

Учебное пособие для студентов старших курсов  
гуманитарных факультетов университетов

*Ташкент — „Ўқитувчи“ — 1983*

Редактор *С. Аҳмедов*

Муқова расмони *П. А. Фёдоров*

Техн. редактор *Т. И. Грешникова*

Бадий расдактор *П. А. Бродский*

Корректор *Г. Қорабоева*

ИБ 2579

Теринга берилди 23. 12. 1982 й. Босишга рухсат этилди 28.06. 1983 й. Формат 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Тип. қоғози № 1. „Литературная“ гарн. Кегли 10, 8 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,5. Нашр. л. 13,99. Тиражи 4000. Зак. 762. Баҳоси 80 т.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—291—82.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-босмахона. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1983 й.

Типография № 1 ТППО „Матбуот“ Государственного комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1983.

С 4602000000—201  
353(04)—83 157—83

«Таржима назарияси асослари» қўлланмаси университетларнинг филологик йўналишдаги гуманитар факультетларининг таржимачилик ихтисоси юзасидан дастлабки тайёргарлик даврини ўтган юқори курслар студентларига мўлжалланган. Чунки бу қўлланмада «Таржима назариясига кириш» таҳсилида олинган асосий билимлар янада чуқурлаштирилади, таржиманинг услуб, миллий хослик, жанр спецификаси билан боғлиқ мураккаб, махсус масалаларини ойдинлаштиришга ҳаракат қилинади. Бинобарин, мазкур «Асослар» таржима таҳсилидаги иккинчи, юқори босқич ҳисобланадики, ҳар иккала қўлланма билан танишган, уни ўзлаштирган киши бу соҳада тугал бир циклни ниҳоясига етказган бўлади.

Ушбу китобда таржимага комплекс тадқиқот объекти ва таҳсил предмети деб қаралади. Унда таржима шунчаки текстлар чоғиштирмасидан иборат лексик-грамматик тавсиф эмас, балки қиёсий-услубий ва типологик аспектда таҳлил этилиб, қайта яратишдан иборат мураккаб жараённинг бирдан-бир асосий воситаси деб талқин этилади.

Таржима санъати билан яқиндан таниш бўлган кишида: ҳар бир таржима таржимоннинг таржимани қандай тушуниши маҳсулидан иборат, деган таассурот туғилади. Ҳақиқатан ҳам, айни бир адиб асарининг бир нечта таржимон қаламига мансуб таржималари бир-биридан жиддий тарзда фарқланади. Бошқача айтганда, муайян бир объектнинг бир нечта таржимаси ҳеч қачон бир-бирига мутлақ тенг бўлиши мумкин эмас. Ҳатто айни бир шахс маълум бир асарни ўз ҳаётининг турли даврларида (мавсумларида) таржима қилганида ҳам, унинг таржималари бир-биридан тафовут қилиши мумкин. (Бу ҳодиса ушбу сатрлар муаллифининг «Таржима назариясига кириш» китобида ленинча инъикос назарияси билан боғлаб тушунтирилган эди.) Шундай экан, таржимада, хусусан, бадиий таржимада субъектив омил жуда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бундай субъективлик таржима қоришмасини «назарий» оқлаш, оригинални (асл нуса) хоҳлаганча талқин қилишга асос бўла олмайди. Таржимадаги субъективлик санъат ва ижодий яратувчиликка хос субъективликдир.

Юқорида айтилганлардан таржима жараёнининг объектив қонуниятлари, таржима принциплари, унинг назарий талаблари, қоидалари, шарт-шароитлари йўқ, деган хулоса келиб чиқади-ми? Асло. Чунончи, бунда маълум бир давр адабий ҳаракати, адабий оқимлар ва майллар, муайян бир адиб ва унинг бирон асари доирасида ва шулар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қатъий бир талаб, концепция, принциплар ишлаб чиқилиши муқаррар. Айтайлик, классицизм, романтизм, реализм талаблари асосида яратилган адабиётлар таржимасининг талаб ва принциплари мазкур адабий ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади. Турли даврлар, адабий тур, жинс ва жанрларга мансуб асарлар таржимасининг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Ниҳоят, услубий ва миллий хослик, шеърӣй вазнлар тақозоси билан туғиладиган қонуниятлар ҳам мавжуд. Қўлингиздаги «Таржима назарияси асослари» китоби адекват таржима яратиш жараёнининг ана шу назарий жиҳатларини қиёсий-услубий ва типологик аспектда ойдинлаштиришга бағишланган. Эҳтимол, ўзининг ана шу жиҳатлари билан ушбу дарслик ҳозиргача яратилган шундай типдаги бошқа ишлардан фарқланса керак.

#### ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- КОС — Кыргызча-орусча сзздук. М., 1965.  
НАЛ — Навонӣ асарлари луғати. Тошкент, 1972.  
РУЛ — Русча-ўзбекча луғат.  
ТНК — Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.  
УРЛ — Ўзбекча-русча луғат, М., 1959.  
ЎТИЛ — Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981.

## МАДАНИЙ-ИЛМІЙ ҲАМҚОРЛИК ВА ТАРЖИМА

Миллий мансублик ва  
интернационал муштараклик туйғуси

XII аср Шарқ классик адабиётининг буюк намояндаси Жалолиддин Румийда (1207—1273) шундай масал бор: турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши учрашиб, иттифоқо бир дирам пулни топиб оладилар. Улар форс, турк, рум фуқароси (грек) ва араб эдилар. Ҳалиги бир дирамга нима харид қилиш масаласида тўртовлон довлашиб қоладилар.

Форси гуфто: «Аз ин чун вораҳем,  
Ҳам биё, к-инро ба ангуре диҳем».  
Он араб гуфто: «Маозоллоҳ ло,  
Ман инаб хоҳам, на ангур, эй дағо».  
Он яке к-аз турк буд, гуфт: «Эй кўзум,  
Ман намехоҳам инаб, хоҳам узум».  
Он ки руми буд, гуфт: «Ин қилро  
Тарк кун, хоҳам ман истофилро»<sup>1</sup>.

Мазмуни шундайки, форс «ангур» олмоқчи, араб — «инаб», турк — «узум», грек эса «истофил» харид қилишни истайди. Бу ғалва сабабидан хабардор бўлган юз тилни билувчи бир полиглот томонларни муросага келтириб, ўша бир дирамга узум олиб беради. Бас, маълум бўладики, форс, араб, турк, грек тўртталаси ҳам, ҳар бири ўзича айни бир нарсани олмоқчи бўлишибди-ю, лекин уларнинг тилларида ўша нарсанинг номи ҳар хил бўлганидан, бир-бировининг тилига тушунмай, ўзаро жанжаллашаётган эканлар!

Бу лисоний муштараклик эмас, балки тиллар «парокандалиги» самарасидир. Инсоният ягона тушунча, лекин у турли-туман уруғлар, қабилалар, қавмлар, халқлар, миллатларга бўлинган, улар эса бир неча минглаб тилларда сўзлашадилар. Бунинг сабабини маълум ва машҳур бир ривоят қуйидагича шарҳлайди.

«Бобил минораси» ҳақидаги қадимги яҳудий афсонасига кўра, бутун ер юзини сув босгандан кейинги даврда Месопотамия-

<sup>1</sup> Жалолиддин Руми. Аз китоби «Ҳикоятҳои халқии «Маснави». Нашриёти давлатии Тоҷикистон. Душанбе, 1963.

даги Сенаар мулкида одамлар тўпланиб, шаҳар ҳамда баландлиги кўк гумбазига тутшиб кетадиган минора қуришга аҳд қилганлар. Тавротда айтилишича, одамзод наслининг бундай шакклигидан дарғазаб бўлган тангри таоло уларнинг тилларини шу қадар «аралаш-қуралаш» қилиб юборганки, оқибатда кишилар бир-бирларини тушунмайдиган бўлиб қолганлар. Сўнгра ҳудуд одамзод авлодларини бир-биридан жудо қилиб, уларга Ер куррасининг турли-туман бурчакларидан маъво (макон) ато этган. Қурилмай чала қолган шаҳарга «Бобил» номи берилган (ривоятга кўра, бу қадимги яҳудий тилидаги «балал» — «аралаш-қуралаш» феълидан олинган). «Бобил минораси» ҳақидаги афсонада Бобил мулкида (Вавилонияда) зиккуратлар (баҳайбат диний ибодатхоналар) бунёд этилиши ва қурилишларда жуда кўплаб эл-юртлар, қавмлар, турли-туман этник гуруҳларнинг иштирок этганлиги ўз аксини топган.

«Бобил минораси қурилиши» (*Вавилонское столпотворение*) деганда оломоннинг алғов-далғовлари, ғала-ғовур, «ит эгасини танимайдиган» ҳолат тушунилади<sup>1</sup>.

Мазкур икки манба — масал ва ривоятда инсониятни азалдан банд этиб келаётган тил билан боғлиқ икки ҳодиса — лисоний муштарақлик туйғуси ва тиллар «парокандалиги» ҳодисаси ўз аксини топган. Чунончи, «Бобил минораси»да инсоният ихтиёрида азалда ягона тил — муштарақ алоқа воситаси мавжуд бўлиб, сўнгра тиллар «парчаланиб», тармоқланиб кетганлиги воқеалари ҳикоя қилинса, Жалолиддин Румий масалида гўё ана шундан кейин кечмиш ҳодисалар, яъни тиллар парокандалиги ҳодисасининг чигалликлари «конкрет» манзара — форс, араб, турк, грек тилларининг тўқнашувидан келиб чиққан бамисоли «қиссадан-ҳисса» қаламга олинган.

Тил синфий ҳодиса эмаслиги маълум, бошқача айтганда, тил синфларга нисбатан бефарқ. Лекин яна шу нарса ҳам маълумки, синфлар тилга ёки тилларга нисбатан асло бефарқ эмас. Акс ҳолда, синфий жамиятда, капиталистик тенгсизлик ва қўлиқ шаронтида, кўп тиллилик ҳукм сурган жамиятда, муайян бир тилга ёки бир гуруҳ тилларга алоҳида имтиёзлар берилган ҳолда, бошқа тилларнинг таъсир доираси чеклаб қўйилмас, уларда сўзлашувчилар таҳқирланмас эдилар. Чунончи, феодализм даврида икки тиллилик формалари ҳар хил кўринишга эга бўлади. Христианлик, ислом, иудаизм, буддизм бу даврда жуда кўп кишиларга таъсир ўтказди. Айни вақтда черков диний китоблар, рисоалар, авлиё-анбиёлар ҳақида асарлар яратилдиган тилни расмий ҳукмрон тил деб эълон қилади. Масалан, Ғарбий ва Марказий Европа халқлари орасида латин тили расмий черков, фан ва маданият тили деб шоён қилинган. Жанубий ва шарқий славянлар яшайдиган территорияларда эса эски славян тили тарқалган. Жануби-ғарбий, Жанубий, Жануби-шарқий Осиёда, Африкада бир қанча мамлакатларда ҳукм-

<sup>1</sup> Большая Советская Энциклопедия. Издание третье, т. IV, с. 221.

рон бўлган ислом дини талабига кўра араб тили ва араб ёзуви расмий фан ва маданият тили бўлиб қолган эди.

Бироқ синфий тенгсизлик, зулм, зўравонлик асосида ўрнатилган тузум шароитида мажбуран қабул қилдирилган икки тиллиликнинг умри боқий бўлмайди. Аксинча, эзувчи мустабид ҳокимиятдан маҳаллий халқ қандай нафратланса, унинг томонидан ўрнатилган расмий давлат тилига ҳам ишончсизлик, нафрат билан қарайдилар. Аммо кўпмиллатли совет тузуми негиздаги икки тиллилик ва кўптиллилик эса тамомила бошқа хусусият ҳамда фазилатларга, баравар ривожланиш истиқболига эга. «Совет жамиятидаги икки тиллиликнинг энг муҳим хусусияти шундаки,— она тили билан миллатлараро тил тенг ҳуқуқлидирлар. Улар рақобат қилмайдилар, балки бир-бирларини тўлдирадилар, бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар»<sup>1</sup>.

Октябрь инқилобидан кейинги даврда қолоқ ва чекка ўлкаларни мамлакатнинг илғор қисми даражасига кўтариш, иқтисодий ижтимоий турмуш, маданий ҳаёт ва ондаги қолоқликка узил-кесил барҳам бериш мақсадида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планлари амалга оширилиши, илмий-техника революцияси даврида қўлга киритилаётган ютуқлар салмоқдорлигини янада кўтариш, унинг самараларини умумхалқ мулкига айлантириш, жаҳон афкор оммасининг миллий озодлик ҳаракатларига хайрихоҳлик, уларни амалда қўллаб-қувватлаш ва бошқа шу каби чора, тадбир ҳамда ҳолатлар рус халқи билан бирга унинг қудратли тилининг обрў-эътибори ва халқаро нуфузини янада ошириб юборди.

Шу тариқа кўрамизки, деб ёзади фалсафа фанлари доктори, профессор С. Ш. Шермухаммедов, Совет давлатининг дастлабки кунларидан бошлаб рус тили умуминсоний маданият самараларини кенг тартиб ва ташвиқ қилиш, илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, совет фанини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Мамлакатимизнинг тараққиёти тажрибаси, совет олимларининг кашфиётлари, бизнинг қудратли техникамиз, совет кишининг жаҳон маданиятига қўшаётган барча янгиликлари жумлан жаҳондаги олимлар, сиёсатдонлар, саноат мутахассисларининг диққатларини тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Бу ерда рус тили воситачи, жаҳон таржимони сифатида намоён бўлмоқда. Бир томондан, рус тили мамлакатимиз халқларининг жаҳон маданияти ютуқлари билан ошно бўлишларига кўмаклашса, билимнинг истаган соҳасида башарият эришган нарсалар билан уларни таништирса, бошқа тарафдан, рус тили инсониятни совет маданияти ютуқлари билан таништира бошлади. Албатта, эндиликда миллий совет ёзувчилари, олимларининг асарлари, тадқиқотларини улар қайси тилда ёзилган бўлсалар, тобора кўпроқ

---

<sup>1</sup> С. Шермухаммедов. Русский язык — великое и могучее средство общения советского народа. М., «Просвещение», с. 81.

ўша тиллардан жаҳондаги кўпчилик тилларга бевосита ўгиришга ҳаракат қилинмоқда. Бироқ шундай бўлишига қарамай, жаҳон ўқувчиси бизнинг мамлакатимизда билимнинг истаган соҳасидаги ютуқлардан асосан рус тили воситасида, яъни миллий ёзувчилар, олимларнинг асарларини русча таржималарда ўқиб, ё бўлмаса уларни рус тилидан муайян тилга таржима қилиш орқали хабардор бўлмоқдалар.

Советлар мамлакатада миллатлар аро умумий тилга эҳтиёж туғдиришга олиб келадиган манбалар нималардан иборат? Булар йирик қурилиш иншоотлари, корхоналар, завод-фабрикалар, илмий, хўжалик ва маданий муассасаларда қарор топган кўпмиллатли коллективлардан иборат. Бундан ташқари, фан, техника, адабиёт ва санъат, мактаб, маориф соҳаларида яратилган улкан китоб фондларига мурожаат қилиш, назарий адабиётлар ҳазинасида баҳраманд бўлишга интилиш ҳам рус тилини чуқур эгаллашни талаб этади. Ижтимоий ҳаётда қатнашиш, коллектив бўлиб хизмат қилиш ва яшаш жойларида одамлар бир-бирлари билан умумий тил топишга ҳаракат қилар эканлар, беминнат, барчага баравар, қулай восита — рус тилига мурожаат этадилар. Зотан, Жалолиддин Румийнинг юқорида эслатилган масалида ҳали XII асрда атиги тўрт миллат вакили тасодифан дучлашиб қолганда, «умумий тил» топиш зарурати туғилгани жуда мароқли бир тарзда ҳикоя қилинган экан, бизнинг замонамизда, 130 миллат вакили доимий яшайдиган ва қандайдир тарихий-афсонавий иншоот — «Бобил минораси»ни қуриш эмас, балки реал ва муаззам коммунистик жамият негизини ўрнатиш йўлида биргаликда фаолият кўрсатадиган, ҳар кун, ҳар соатда бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро муомала, мулоқот қилиб турадиган Совет Иттифоқида, 100 дан ортиқ миллат кишилари яшайдиган Совет Ўзбекистонидан ҳам бир миллатнинг ўз она тилидан ташқари миллатлар аро ягона, бирлаштирувчи умумий тил — рус тилига эҳтиёж туғилиши тасодифий ёки муваққат ҳодиса эмас, балки доимий, қомуний заруратдир. Бинобарин, рус тилини ўрганиш бошқа бир миллатга кўрсатилган «илтифот», «такаллуф», «олийжаноблик» ёхуд «ҳиммат» эмас, балки ҳар бир миллат, ҳар бир шахснинг ўз маънавий, маданий, илмий камолоти учун ҳаётий зарур эҳтёждир.

Миллий-рус икки тиллилигини ёки шу сўзнинг кенг маъносидаги билингвизм принципини изчиллик билан қўлланиш рус тилининг иттифоқчи ва автоном республикаларда муваффақият билан фаолият кўрсатишининг энг муҳим шартидир, деб ҳисоблайди академик П. Н. Федосеев. Унинг фикрича, билингвизм, яъни икки тилни эркин эгаллаш фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки дунёнинг бошқа кўп мамлакатларида ҳам кенг эътироф этилган. Бироқ бизнинг социалистик давлатимиз шароитида тенг ҳуқуқли икки тиллилиқ, билингвизм формаларидан бири, принцип эътибори билан тамомила ўзга асосга қуриладигани, бунда миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус



тилини эгаллашга эҳтиёж ошиб бориши билан бир қаторда, миллий тилнинг янада равнақ топиши ва бойиши содир бўлади.

Чунончи, бундан кейин ҳам изчил ва оғишмай тушунтириш олиб бориш зарурки, миллий-рус икки тиллилиги шароитида миллий манфаатларга ҳеч қандай зиён-захмат етмайди, балки аксинча, қулай лисоний вазият вужудга келади, бу эса интернационалик билан миллийликни гармоник суратда қўйим келтиришга олиб келади. Бинобарин, СССРда тил қурилишининг статки принципларидан бири сифатида тенг ҳуқуқли икки тиллик янада тараққий этишга ва халқ таълими, айниқса миллий луғатлар ва олий ўқув юртларининг турли босқичларида кенг қўлланишга муҳтождир. Миллий мактабда икки тилликдан изчиллик билан фойдаланиш жонли муомала-муносабатга шундай бир табиий муҳит яратадики, бу оғзаки русча нутқ малакаларини тезроқ эгаллашга шаронт туғдиради ва шу туфайли иттифоқчи республикаларнинг олий ўқув юртларида уни янада ўрганишни давом эттиришга қулайликни вужудга келтиради<sup>1</sup>.

Рус тили интернационалистик воситачилиги фаолиятининг гоят муҳим аспектларидан бири — халқаро ва бутуниттифоқ миқёсидаги ташқи ва ички воситачилик ҳамда таржимачилик функциялари масаласи оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, агар XVII аср — Россияда махсус таржима уюшмалари эндигина тузила бошлаган даврдан бошлаб то XX аср — Совет Иттифоқининг бутун дунёда равнақ топган таржима ўлкасига айлангунга қадар босиб ўтилган даврни бир тасаввур қилиб кўрилса, рус халқининг обрў-эътибори тобора ўсган сайин рус тилининг нуфузи ҳам шу қадар ошиб борганлиги, айти вақтда, шулар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда рус адабиётининг қардошлик, дўстлик, жипслаштирувчилик, сафарбарлик миссияси, рус тилининг буюк таржимон сифатидаги воситачилик функцияси ҳам муттасил чуқурлашиб ва кенгайиб борганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Рус адабиёти тараққиётининг истаган бир даврини олиб қараманг, унинг намояндалари — адиблар, мутафаккирлар, танқидчилар **таржима муаммоси** ҳақида жуда зарур гапларни айтмаган, катта таржимачилик фаолияти билан шуғулланмаган, таржима санъати оламида ўз бахтини синаб кўрмаган йилларга дуч келиш амри маҳолдир. М. В. Ломоносов, В. К. Тредиаковский, А. Д. Кантемир, Н. М. Карамзин, В. А. Жуковский, А. С. Пушкин, Н. И. Гнедич, А. В. Дружинин, Н. А. Полевой, А. А. Фет, В. Я. Брюсов, И. С. Тургенев, Д. М. Минаев, И. Введенский, П. И. Вейнберг ҳамда рус революцион демократлари В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернышевский ва бошқалар ўз ижодлари ва адабий-танқидий фаолиятларида таржима

---

<sup>1</sup> См. П. Н. Федосеев. Заключительное слово. — «Русский язык — язык дружбы и сотрудничества народов СССР». Материалы Всесоюзной научно-теоретической конференции. М., «Наука», 1981, с. 223—224.

санъати ва танқиди соҳасида ниҳоятда қимматли бадний обидалар қолдирдилар, чуқур илмий фикрларни изҳор этдилар.

Доҳиймиз В. И. Лениннинг тил билиш соҳасидаги беназир қобилияти, амалга оширган ажойиб таржималари, мавжуд таржималар юзасидан изҳор этган ғоят чуқур, нозик, мароқли фикрлари ўзи бир жаҳондир. Хусусан унинг хорижий тилларни ўрганиш борасида тўғри ва «тескари» таржима усулларида фойдаланиш, рус адабий тилининг изоҳли луғатини яратиш зарурати юзасидан айтган мулоҳаза ва таклифлари ҳеч қачон ўз актуаллигини йўқотмайди.

Совет даврида таржимачилик соҳасида қилинган ишлар эса ўз миқёси ва фавқуллода нодир тажрибалари салмоғи, аҳамияти жиҳатидан беқиёсдир. Хусусан, Алексей Максимович Горькийнинг хизмати ва раҳнамолиги таҳсинга сазовор. Совет даврида фаолият кўрсатган рус ва бошқа славянзабон адиблар орасидан бадний таржима билан шуғулланмаган кишиларни топиш қийин. Рус зиёлилари ичидан, ёзувчилардан ташқари, профессионал таржимонлар ҳам етишиб чиқди. Қисқаси, рус, украин, белорус тилларида яратилган бой таржима адабиётининг юксалишида М. Лозинский, Б. Пастернак, С. Маршак, И. Тхоржевский, Л. Пеньковский, Вл. Державин, Н. Тихонов, К. Симонов, П. Антокольский, М. Рильский, Н. Грибачев, М. Бажан, С. Иванов, Р. Қазакова, Ю. Суровцев, Г. Марков ва бошқа жуда кўп ёзувчи, шоир, таржимонларнинг хизмати катта. Юқорида номлари зикр этилган адиблар ўзбек адабиёти асарларини рус тилига таржима қилишда ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улардан ташқари, Н. Ушаков, Н. Ивашев, С. Бородин, М. Салье, А. Наумов, С. Сомова, З. Туманова каби рус ёзувчилари ўз ҳамкасаба ўзбек авторларининг роман, дoston, ҳикоя, шеърларини русчага ўгиришда ва бу билан уларнинг номларини бутуниттифоқ ва жаҳон адабиёти миқёсига кўтаришда ҳалол хизмат қилдилар. Шу тариқа, рус тилининг воситачилиги туфайли ўзбек классик ва совет адабиёти асарлари, оғзаки халқ ижоди обидалари русча таржималарда, улар орқали жаҳондаги ўнлаб, йигирмалаб тилларга ўгирилиб, рўйи заминнинг турли минтақаларида тарқалди.

Агарда рус тилининг улкан таржимачилик фаолиятини Иттифоқимиздаги 78 тилда яратилаётган барча миллий адабиётларга тадбиқан олиб қаралса, бунинг устига, сон-саноксиз ижтимоий-сиёсий ва илмий-техника асарлари таржималари, расмий ҳужжатлар ва кинофильмлар ўғирмаси, турли-туман илмий анжуманлар, муассасалар, дипломатия, туризм, спорт маросимларида олиб бориладиган таржималар билан қўшиб қаралса, бирон-бир замонда, дунёнинг бирон-бир қисмида, бирон-бир миллий тил фаолиятида бундай сахий, сермазмун, файз-баракали лисоний-эстетик яратувчилик ҳодисаси ҳеч қачон бўлмаганлиги ва ҳозирда ҳам йўқлиги аён бўлади.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда саноат, қурилиш иншоотларини барпо этишда, моддий ҳаёт тарзини социалистик негизга кўчи-

ришда, ер ости конларини топиш ва уларни кенг миқёсда ишга туширишда, катта сув хўжалигини барпо этиш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш ва механизациялаштиришда, қисқаси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида маҳаллий халқларга русларнинг кўрсатган ва кўрсатаётган бегараз ёрдами шак-шубҳасиздир. Жумладан, фан ва техниканинг қайси тармоғини олиб қараманг, унда рус олимларининг бевосита иштирокидан ташқари, ҳар бир илмий соҳа ва йўналиш бўйича маҳаллий халқлар орасидан йирик мутахассисларнинг етишувида ҳам уларнинг ҳиссаси озмунча эмас.

Бу ўринда фан ва маданият тарихи, тилшунослик, шарқшунослик, луғат ва таржима билан шуғулланган айрим олимларнинг фаолияти билан танишайлик.

Академик **В. В. Бартольд** 1928 — 1930- йилларда туркшунослик комитетининг раҳбари бўлган. У В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) ни ташкил этишда фаол қатнашган, Совет Шарқи халқларининг алифбосини арабчадан лотинчага ўтказишда олимнинг муносиб хизмати бор. В. В. Бартольднинг Яқин, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва араб халифалиги, ислом, турк, мўғул халқлари тарихи, филологияси ва этнографияси, Афғонистон, Эрон, Закавказье, Хитой тарихига оид жами 685 асаридан 320 таси Ўрта Осиё тарихига бағишланган. «Мўғул истилоси даврида Туркистон», «Туркистоннинг суғорилиш тарихи», «Улуғбек ва унинг даври» «Ўрта Осиёда қадимдан то руслар келганга қадар кечган даврда пахтачилик» каби асарлари ҳозирга қадар ўз илмий қимматини йўқотган эмас.

Улкан рус олимларининг фаолияти кенг жўғрофий кенгликларда кечиши баробарида, бир қанча миллий-этнографик ва маданий регионларни қамраган, жуда кўп тиллар ва адабиётларни тадқиқ этишга қаратилган, бинобарин, ўз илмий ишларининг мазмунигина эмас, балки мундарижаси эътибори билан ҳам халқлар дўстлиги, илмий ҳамкорлик ва интернационализм манфаатларига хизмат қилади. Масалан, академик **В. М. Жирмунский** тилшунослик, адабиётшунослик, фольклор соҳаларида атоқли олим бўлиб, 400 дан ортиқ илмий иш ёзган, жанубий славян ва роман-герман халқлари адабиётини тадқиқ этган, туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг эпик адабиётини ўрганган. У немис тили тарихи ва диалектологияси, туркий тиллар шеаларининг зукко билимдони эди.

Академик **И. Ю. Крачковский** араб тили ва адабиёти, форс, турк, ҳабаш (абиссин), лотин, яҳудий ва аллақанча европа тилларини билган. И. Ю. Крачковский 400 дан ортиқ асарнинг муаллифидир.

Профессор **Е. Э. Бертельс** Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданияти, тили, адабиётига оид 500 дан ортиқ асар ёзиб қолдирди.

Профессор **Н. А. Баскаков** бир қанча туркий тиллар (қора-

қалпоқ, нўғой, хакас, татар, олтой, қораим, уйғур, туркман ва б.) бўйича грамматик очерк ва дарсликлар яратган. Хусусан, икки тилли луғатлар тартиб беришда олимнинг хизмати жуда катта. Чунончи, уйғурча-русча, русча-уйғурча, русча-қорақалпоқча, қорақалпоқча-русча, хакасча-русча, русча-туркманча, туркманча-русча, русча-нўғойча, нўғойча-русча луғатлар тузишда фаол иштирок этган.

Умуман, Россияда туркология фани, туркий халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, ёзуви, тили, шеваларини ўрганиш, илмий грамматика ва луғат яратиш иши узоқ тарихий анъаналарга эгадир. Чунончи, академик В.В. Радлов ярим аср давомида яратган «Турк лаҳжалари луғати тажрибаси» 1888 йилдан 1911 йилгача тўрт жилддан иборат жуда катта ҳажмда (1230 саҳифа) босилиб чиққан, бу ғоят бой луғавий хазина совет даврида саккиз китобга жамланган ҳолда қайта чоп этилди. Шунингдек, инқилобдан олдинги даврда татар, озарбайжон, туркий, форс тилларидан дарс берган, 1861 йилдан Россия ташқи ишлар министрлигининг Осиё бўлимида татар ва арман тиллари бўйича таржимон бўлиб ишлаган профессор А. З. Будагов ҳам икки жилддан иборат «Татар-турк лаҳжаларининг қиёсий луғати»ни яратган (Санкт-Петербург, 1869).

Академик С. Е. Малов «Олтин ёруқ» номли қадимги нодир уйғур қўлёзмасини топган. Унинг «Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари» (1951), «Туркларнинг Енисей ёзуви» (1952) сингари ва бошқа асарлари жаҳон илм аҳлига маълум.

Академик А. Н. Кононов «Ўзбек тили грамматикаси», «Ҳозирги турк адабий тили грамматикаси» автори бўлиб, Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» ва Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарларини шарҳлаган.

СССР Фанлар академиясининг ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, профессор А. К. Боровков таҳрири ва иштирокида тузилган, то ҳозирга қадар асосий дастур бўлиб келаётган беш жилддан иборат русча-ўзбекча ва бир томли катта ўзбекча-русча луғатлар, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати К. К. Юдахин тузган «Қирғизча-русча луғат» ватан туркшунослиги фанини ривожлантиришга қўшилган улкан ҳиссадир.

Туркий тилларни илмий ўрганишда, грамматика ва луғатлар тузишда профессор Э. В. Севортян, профессор В. М. Насилов, профессор В. В. Решетов, профессор А. Шчербак, профессор С. Н. Иванов ва бошқа рус олимларининг ҳам муносиб хизмати бор.

Рус шарқшунос олимлари фаолиятига хос нарсаси шуки, улар илмий тадқиқот, лексикография (луғатчилик) ва таржима ишларини аксарият қўшиб олиб борадилар. Бу ҳар учала соҳа ҳам ўз моҳияти ва амалий аҳамияти эътибори билан миллий маданиятларнинг интернационал мазмунини бойитиш, совет кишиларини халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади. Академик И. Ю. Крачковский машҳур ўрта

осиёлик энциклопедист-олимлар Абурайхон Беруний билан Абу Али ибн Синонинг жаҳон фани тараққиётидаги ўрнини белгилаш ишига муносиб ҳисса қўшди. У «Минг бир кеча», «Калила ва Димна» ҳамда Қуръонни араб тилидан русчага таржима қилди. Шунингдек, бу икки буюк даҳо — Беруний ҳамда Ибн Сино меросини рус тилига таржима қилишда, бу соҳада таҳрир, тадқиқот, шарҳ ишларини қўшиб олиб боришда, бу билан ўрта осиёлик мутафаннин олимларнинг бебаҳо илмий меросини Совет Иттифоқи ва чет элларда пропаганда қилишда таниқли рус олимлари профессор **В. Н. Терновский**, профессор **П. Г. Булгаков**, профессор **А. Беленицкий**, профессор **А. К. Арендс**, **М. Саъе** ва бошқаларнинг ҳам фаол иштирокларини кенг илмий жамоатчилик яхши билади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бой намуналарини рус тилига ўғиринишда рус адиблари муносиб фаолият кўрсатдилар. **Л. М. Пеньковский** — «Алпомиш» билан «Орзигул» достонларини, **С. Сомова** — «Қуптуғмиш»ни, **Вл. Державин** — «Равшан»ни, **С. Северцев** — «Рустамхон»ни, **П. Железнов** — «Муродхон»ни, **Н. Заболоцкий** — «Ширин билан Шакар»ни ўзбек тилидан русчага ағдардилар.

Қисқаси, асрлар оша қадимги туркий ёзувлар тилсимини очиш, бу улкан маданий ёдгорликларни уларнинг ўз қонуний эгалари қўлига тутқазиш, Шарқ халқлари яратган бой илмий ва адабий обидаларни рус тилига таржима қилиш билан уларнинг тарқалиш доирасини беқиёс кенгайтириш, жонбозлик билан икки тилли ва қўп тилли луғатлар тузиш орқали туркий тиллар бисотини сақлаш, уларни халқлар муомаласига узатиш, қиёслаш ва бойитиш, илмий грамматикалар ёзиш воситасида бу тилларнинг ички тараққиёт қонунларини очиш борасида атоқли рус олимлари чинакам байналмилал аҳамиятга молик ишларни амалга оширдилар.

Бас, халқаро нуфузга эга бўлган, миллатлараро дўстлик ва қардошлик тилига айланган рус тилининг бешқа халқаро тиллар олдида фазилати ва каромати нимадан иборат? Рус тили бой, қудратли ва фасиҳ тил. Булар ҳаммаси тўғри. Лекин рус тилига бундай халқаро эътибор рус халқининг олийжаноб хислатлари билан белгиланади. Олайлик, санскрит, лотин ва эсперантонинг ҳам жуда ўнғай жиҳатлари бор. Санскритда бой маданий мерос нақшланган, лотин — халқаро илмий тил, эсперанто эса муштарак сунъий тил. Қанчалик қулайлиги бўлмасин, бири — ўлик тил, бошқаси — маълум шартлиликка асосланган ва ҳоказо. Рус тили эса ҳозирги замондаги энг жонли, юз миллионлаб кишилар сўзлашаётган, қимматли илмий асарлар, юксак адабий ва санъат обидалари, қудратли техника намуналари яратилаётган тил. Таъбир жоиз бўлса, рус тили дунёдаги энг демократик тил — жаҳон афкор оммасига миллий озодлик ва социал тараққиёт гояларини етказиб турибди; бу — таржимон-тил бутун дунё миқёсида миллатлар ва халқларга улар томонидан яратилган асарлар, сўз санъати намуналарини улашиш ва

узатишда фаол роль ўйнамоқда; рус тили майда миллатларни ассимиляция қилувчи, мавҳ этувчи эмас, балки миллий мансубликни кашф этувчи, кичик сонли халқларга гражданлик мустақил тараққиёт ҳуқуқини берувчи, улар ўртасида тенглик мавқеини жорий этувчи тилдир.

Рус тилига жаҳон миқёсида ва Советлар мамлакатида умумхалқ ишончи, ҳурмати ва эътиқодининг сабаби мана шунда.

## ИЛМИЙ ҲАМҚОРЛИК ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ХИЗМАТИДА

1891 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да (19 — 20-сонлар) «Рус тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида» мақола босилиб чиққан эди. Мақола автори Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ҳеч қачон бирон бир фан у ёқда турсин, лоақал илмий термин ҳам яратмаган, ҳатто *самовар*, *стол*, *лампа* каби оддий сўзлар ҳам уларга рус тилидан ўтиб ўзлашмоқда, деб даъво қилганди. Унинг фикрича, гўё ўзбеклардан ёки қирғизлардан бирон кимса европа олимларининг бирон асарини ўз тилларига ўгиришни орзу қилиб қолса, шу ондаёқ ниятидан қайтишга мажбур бўлади, зеро, Туркистон аҳолисининг тили қашшоқ, унда илмий истилоҳлар йўқ, шу сабабдан маҳаллий халқларнинг тилларига таржима қилиш ҳам мумкин эмас.

Туркий қавмлар орасида ҳеч қачон олимлар чиқмаган, улар илм-фандан узоқ бўлганлар, ўрта осийликларнинг тилларида ҳеч қандай илмий истилоҳот бўлмаган деган уйдирма даъволар ҳатто бизнинг замонамизда ҳам аҳён-аҳёнда эшитилиб қолар эди. Бундай зарарли кайфиятларга барҳам беришда йирик совет олимлари ёрдамга келдилар. Бу ўрнида И. Ю. Крачковский, А. Беленицкий, И. Веселовский, П. Булгаков, М. М. Рожанская, В. Воробьёва, М. Вигодский, А. Григорьян, Э. Григорьян, А. Кубесов, И. Левинова, Г. Матвиевская, Б. Розенфельд, Т. Столярова, С. Толстов, А. Юшкевич ва бошқаларнинг номларини чуқур ҳурмат билан тилга олиш лозим.

М. М. Рожанская ўзининг «Ўрта аср Шарқда механика» номли монографиясида мазкур фан тараққиётида ўрта аср шарқ олимларининг жуда катта ҳиссаси борлигини соф илмий, аниқ математик йўсинда исбот қилади. Китобдан жой олган юзлаб мураккаб қизмалар, жадваллар, формулалар буни яққол кўрсатиб туради<sup>1</sup>.

Механика фанининг ўрта асрлардаги тараққиёти даврини ўрганишга юзланган ҳар бир тадқиқотчининг олдида дафъатан: шарқ олимлари асарларининг қанчалик мустақиллиги ва оригиналлигини аниқлаш муаммоси кўндаланг бўлади. Аниқла-

---

<sup>1</sup> Рожанская М. М. Механика на средневековом Востоке. М., 1976. (Ушбу китобдан олинган кўчирмаларнинг бети қавс ичида берилади — муаллиф.)



ниши лозим бўлган жумбоқлар кўп. Чунончи: бу асарлар қадимги юнон олимлари яратган китобларнинг таржимаси-ю, шарҳланишидангина иборатми, агар шундай бўлса, улар юнон ва ҳинд илмий меросини сақлаб қолиш ва бу хазинани Ғарбий Европага узатишда воситачи бўлибгина хизмат қилганми ёхуд мустақил яратилган тадқиқотларнинг натижасими? Уларнинг механикаси фақат амалий мақсадларга хизмат қилганми ё бўлмаса ўрта аср шарқ олимлари ўз олдиларига жиддий назарий проблемаларни ҳал этишни ҳам мақсад қилиб қўйган эдиларми? Боринки, бу асарлар механика фанининг антик давр билан Ғарбий Европада узлуксиз ривожланиши оралигида восита бўлса, бу воситачилик нимадан иборат ва у қандай содир бўлган? Ниҳоят, Ўрта ва Яқин Шарқ олимлари механика фани тараққиётида қўлга киритган оламшумул ютуқлар ўрта асрларда яшаган Европа олимларига маълум бўлганми, агар маълум бўлса, бу Европа механикаси тараққиётига таъсир қилганми, агар таъсир қилган бўлса, қандай қилиб?

Ана шундай ғоят муҳим муаммоларга жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб олган олима М. М. Рожанская механика фанининг ибтидоий давридан то ўрта асрларгача босиб ўтган тараққиёт йўлини унинг ҳозирги равнақи мавқеидан туриб изчил тадқиқ қилган. Унинг китобида, бир томондан, қадимги юнон олимлари Архимед, Аристотель, Птоломей, Герон, Эвклид, Гиппарх, Евдокс, Гераклид, Калипп, Ветрувий, Менелай, Теон Александрийский, Аристарх Самосский, Архит Тарентский, Гипсий Элидскийларнинг асарлари, улар яратган назариялар чуқур ўрганилса, иккинчи томондан, ўз асарларини араб тилида ёзган Абул Ҳасан Али ибн Абу Саид Абдурраҳмон ибн Юнис, Аҳмад ибн Абдулла Ҳабаш ал-Ҳосиб ал-Марвозий, Нуриддин ал-Батружий ал-Ишбили, Авҳад аз-замон Абул Баракот ал Бағдодий, Абу Бакр Муҳаммад ал-Қаражий, Аҳмад ибн ал-Фадл ал-Бухорий, Фаҳриддин ибн ас-Соатий ал-Хуросоний, Исмоил ибн ар-Раззоқ ал-Жазоирӣ, Абу Саҳл Вайжон ибн Рустам ал-Қўхий, Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Ҳайсом ал-Мисрий (Басрий), Абул Фатҳ Абдурраҳмон ал-Мансур ал-Хазиний, Ибн аш-Шатир, Яҳё ибн Абу Мансур, Иброҳим ал-Фазарий, Саҳл ат-Таборий, Қутбиддин аш-Шерозий, Насриддин ат-Тусий, Абу Отман ибн Лужун, Муҳаммад ибн Мансур, Абу Мансур ан-Найризий, Абу Абдулла ал-Хоразмий, Ибн Аби Усайба, Сайиддиддин ибн Роқик, ака-ука Бану Мусолар, Абу Али ибн Сино, Собит ибн Курра, Ёқуб ибн Тарик, ал-Мағрибий, ал-Урдий, ал-Мажритий, Абу Машар, Ибн Холдун, ал-Асфизорий, ар-Розий, Ибн Ёқут, ал-Киндий, ар-Румий, Али Қушчи, ал-Қоший, Улуғбек, Умар Хайём, ал-Фаргоний, ал-Фаробий, ал-Баттоний, Абурайҳон Беруний, Ибн Ироқ сингари жуда кўп олимларнинг математика, механика, астрономияга доир илмий тадқиқотлари атрофлича текширилади. Шарқу Ғарб олимларининг илмий ҳамкорлиги шу даражага етган эдики, миллати, дини, яшаган мамлакатидан қатъи назар, улар бир-бирларини яхши тушунар, бир-бир-

ларига мутлақо бегона эмас эдилар. Худди шу сабабдан юнон олимлари Платон, Аристотель, Птоломей, Эвклид бутун Шарқ илм аҳлининг лафзида *Афлотун, Арасту, Батлимус, Иқлидус*га айланиб кетганлари сингари, буюк Шарқ алломалари ал-Фарғоний-*Альфраганус*, Абу Али ибн Сино-*Авиценна*, Абурайхон Беруний-*Алиборона*, ибн Бажжий-*Авемпас* (ёки *Авемпаче*), Ибн ал-Хайсон-*Алгезен*, аз-Зарқалий-*Азархиель*, ал-Битружий-*Альпетрагий*, Ибн Рушд-*Авверроз*с тарзида Европа илм аҳлининг ўз олимлари бўлиб қолган эдилар.

«Ўрта аср Шарқида механика» китоби шу фаннинг статика, динамика, кинематика сингари асосий бўлимларини қамрайди. Унда куч ва ўлчов, оғирлик ва тортиш тушунчалари, гидростатика ва гидродинамика соҳасида қилинган ишлар, математикага ҳаракатнинг татбиқ этилиши, ҳаракат параллелограми, кинематик-геометрик моделлаштиришнинг математик аппарати хусусида маълумотлар берилади. Хусусан, Ибн Синонинг динамик концепцияси, Ибн Сино ва ал-Беруний талқинида ҳаракатнинг моҳияти проблемаси, сферик-астрономик функциясининг, ал-Хоразмий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Яҳё ибн Абу Мансур, ал-Баттоний, Ибн Юнис, Абул Вафо, Ибн Ироқ, ал-Беруний талқини масалалари жуда қизиқарли қилиб ёритилган. Механика фани қонунларининг осмоний жисмларга нисбатан татбиқи борасида Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё олимларининг жаҳоншумул хизматлари китобнинг «Осмоний жисмлар ҳаракатини моделлаштириш», «Ал-Хоразмийда осмоний жисмлар ҳаракатининг модели», «Яҳё ибн Абу Мансур ва Ҳабаш ал-Ҳосибларнинг зижларида Қуёш ва Ой ҳаракати», «Ал-Берунийда осмоний жисмлар ҳаракати модели» каби бўлимларида очиб берилган. Трепидация назарияси, импедус назарияларининг юзага келиши ва ривожиди Ибн Сино, Абул Баракот ал-Бағдодийларнинг хизматлари алоҳида қайд этилган.

М. М. Рожанская монографияси механика фанига алоқадор билимларнинг ибтидоси гарчи юнонлардан Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё олимлари ихтиёрига ўтган бўлса-да, улар томонидан беқисс бойитилгани ва ижодий ривожлантирилган ҳозиргача ўрганилмай қолаётган қўлёзмалар асосида исботлаб берилган. Китобнинг охирида олима ҳозиргача дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган қўлёзмаларнинг фақат бир қисмигина ўрганилгани, бу қўлёзмаларга йўл очиш ва уларни янада кенгроқ миқёсда тадқиқ этиш эса фанда фавқулудда кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкинлигини қайд этадики, бу ишора фан тарихи, хусусан, қомусий нашр масалалари билан шуғулланаётган ўзбек олимларининг ҳам диққатини тортмаслиги мумкин эмас.

Табиий фанларнинг тараққиёт тарихини чуқур ўрганган олимлардан Ф. Умаров, С. Сирожиддинов, Г. Матвиевская, А. Аҳмедов ва бошқалар XVIII аср олими Ҳасан Али Марокашийнинг наҳотки Абу Али Биржоний ва Шарқнинг бошқар

Марога мактаби ва  
Николай Коперник



буюк астрономлари, Эвклид, Птолемей, ар-Розий, Ибн Сино каби машҳур фан даҳолари геоцентризм тарафдори бўлиб, Ер ҳаракат қилмайди деб ҳисобласалар-у, гениал олим Беруний геоцентризмга шубҳа билан қараб, гелиоцентризм таълимотини ёқласа, деб таажжубланганини айтадилар!<sup>1</sup>

Худди шунга ўхшаш ҳодиса — гелиоцентризм қонуниятини илмий асослаб берган Николай Коперник ғоялари билан Мароға астрономия мактабининг буюк вакили Насириддин ат-Тусийнинг қарашлари ўрасидаги муштараклик хусусида М. М. Рожанская ҳам хабар беради. «Бу ҳатто Коперник Шарқда ўз салафларига эга, бинобарин, Коперник назариясининг пойдевори худди ўша ёқда тикланган», деган фикрга ҳам сабаб бўлганлигини айтади (284).

Жуда қизиқ ҳодиса! Абурайҳон Беруний, Насириддин ат-Тусий қаёқда-ю, Николай Коперник қаёқда! Турли замонлар, турфа мамлакат олимларининг илмий қарашларида ўхшашлик не тариқа пайдо бўларкин? Бундай муштараклик қонунийми ёки тасодифийми?

Рус олимаси бу борада ат-Тусийдан ҳам кўра аш-Шатирнинг қарашлари Николай Коперник назариясига кўпроқ қойим эканлигини айтади. Лекин шу билан бирга, у ёзади: «Бундай ҳолда аш-Шатирнинг асарлари Коперникка маълум эди, деб фараз қилиш қийин эмас. Бироқ биз бундай дея олмаймиз. Европада ат-Тусийнинг номи машҳур эди, аммо, аксарият, унинг бизни қизиқтираётган мавзу билан боғлиқ бўлмаган асарларини билишарди. О. Нойгебауэр<sup>2</sup> шундай қўл ёзмалардан бирида куёш аномалиясини аниқлашда ноптоломей моделини топишга муваффақ бўлган. Бундан чиқадики, Италия университетлари муҳитида бу тахлит ғоялар юрган ва Коперник бундан хабар олган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бошқа тарафдан эса аш-Шатирнинг асари латин тилига ўгирилмаган, балки юнонча таржима асида қўлма-қўл юрар, юнон тилини эса Коперник у вақтларда ҳали ўрганмаган эди» (285).

Бу ерда таржима ҳодисаси билан боғлиқ қизиқ бир хусусият маълум бўлади: айрим илмий ва бадий асарларнинг бир халқ эҳтиёридагина қолмасдан, балки жаҳондаги кўпгина мамлакатларга ўтиши, бошқа халқларнинг тилларида тарқалишида таржима асосий воситачилик ролини ўйнайди. Шу билан бирга, илмий ва бадий ғоялар, образлар, фикрлар, янгича қарашларнинг тарқалиши, расм бўлишида ҳам таржима гоҳ бевосита, гоҳ билвосита хизмат қилади. Албатта, айнан бир хил ғоя, қонуният ёки кашфиёт дунёнинг бир-бирига терс қутбларида яшовчи икки олим, мутафаккир ёки ёзувчининг илмий лабораторияси

<sup>1</sup> Қаранг: Ғ. Ё. Умаров. Абу Райҳон Беруний, Николай Коперник ва ҳозирги замон фани. Тошкент, 1973, 34-бет. С. Х. Сираждинов, Ғ. П. Матвиевская, А. Аҳмедов. Математика и астрономия в работах Абу Райхана Беруни. Ташкент, 1973, с. 47.

<sup>2</sup> O. Nögebauer. Studies in byzantine astronomical terminology.— Soc. Amer. Philos. Soc., 1960, № 50, 1—25.

ёки ижодхонасида бир вақтда, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда туғилиши ҳодисалари ҳам йўқ эмас. Бироқ айни ҳолда, М. М. Рожанскаянинг китобида кўпроқ *таржима* орқали юз берган воситачилик ҳақида гап кетади, умуман, олиманинг бу монографияси баайни таржима ҳақида ёзилган илмий қасида янглиғ жаранглайди.

Таржима орқали халқлар бир-бирлари билан муомала қилганлар, олимлар бир-бирлари билан фикрлашганлар, адиблар бир-бирлари билан мулоқотда бўлганлар. Ҳамма замонларда—хоҳ адабий, хоҳ илмий, хоҳ сиёсий китоблар таржимаси бўлсин—халқ, у яратган ёки яратаётган маданият, фан, адабиёт ва санъат бундан фақат наф кўрган.

Бироқ шуни қайд этмоқ лозимки, мабодо таржима фақат бирон янги китобнинг бошқа тилда пайдо бўлиши мақсадигагина доялик қилса ва шу билан иш тугаса, бу ҳаёт асаридаи маҳрум бўлган жонсиз боланинг туғилишига ўхшаган бир нарсга бўлиб қолар эди. Бинобарин, бу нарсга бирон янги ғоянинг консервация қилинишига олиб келган бўларди. Аслида эса аҳвол тамоман бошқача. Таржима туфайли ўзга тилда бино этилган фан ёки адабиёт обидаси бошқа муҳитга тушади, бўлак тилда яшай бошлайди, ўзга халқ манфаатларига хизмат қилади. Бошқача айтганда, асар учун янги ҳаёт нишонлари куртак отади, бора-бора бу янги фикрлар, янги эстетик воқеликни юзага келтиришга хизмат қилади.

Таржима қилинган нарса хоҳ энг майда луғавий бирлик—сўз ёки жумла, хоҳ йирик илмий ёки бадий асар—рисола, монография, роман бўлсин, бошқа тил борлигида дастлабки вақтларда ҳам янгича маъно касб этади, бора-бора ана шу янги миллий муҳит заминида сифат жиҳатдан оригинал ғоялар, фикрлар, жанрлар, образларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, бу эса, ўз навбатида, тамоман оригинал луғат, фан, адабиёт ва санъат асарларининг майдонга келишига қудратли бир туртки беради.

Бағдод ва Толедо тар-  
жима мактаблари

Жаҳон маданияти тарихида иккита буюк таржима мактаби бўлганлиги маълум. Биринчи—қадимги юнон олимлари яратган классик фан асарларини араб тилига ўнгирган, шарҳлаган ва кўчириб ишлари билан шуғулланган Бағдод таржима мактаби (араб халифалигининг илмий маркази), иккинчиси—араб тилида яратилган бой илмий адабиётни Фарбий Европа тилларига ўнгириб иши билан машғул бўлган Толедо таржима мактаби (Испания). Ҳар иккала таржима мактаби ҳам жаҳон фани тараққиётида мисли кўрилмаган буюк роль ўйнаган. Кўп ҳолларда ҳатто олимлар яратган асарларнинг асл нусхалари беиз йўқолиб кетганида ҳам, улар ана шу икки таржима марказининг намояндалари томонидан қилинган таржималарда сақланиб қолган. Чунончи, тарих алғов-далғовлари туфайли қадимги юнон олимлари бунёд этган жуда кўп китоблар йойиб бўлган, аммо улар араб тилига қилинган нусхалар—таржималар

ва шарҳларда қолган. Шу билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиёда араб тилида ижод қилган мутафаккирларнинг ҳам аллақанча ноёб ишлари Толедо мактаби таржимонларининг хизмати туфайли латин ва юнон ҳамда кейинги даврларда бошқа Ғарбий Европа халқлари тилларига қилинган таржималарда бизнинг давримизгача етиб келган. Таржима Шарқ билан Ғарб маданиятини боғлаган, пайвандлаган, бойитган, мислсиз олтин кўприк вазифасини бажарган.

М. М. Рожанскаянинг китобида ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб маданият ўчоқларининг бир-бири билан алоқаси, бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитишида таржималарнинг ролини кўрсатишга доир бениҳоя кўп қизиқарли маълумотлар бор. Тўғри, бу масалага доир тарихий фактлар, материаллар кўпдан бери рус ҳамда Ғарб шарқшунос ва тарихчи олимларининг асарларидан маълум эди, буни авторнинг ўзи ҳам эътироф этади. Аммо олиманинг хизмати шундаки, у механика фанининг равиоли тарихига татбиқан масалани ойдинлаштириб берган. У қадимги юнон мутафаккирларининг илмий меросидан ўрта аср арабзабон олимлари ихтиёрига қандай асарлар ва улар орқали қайси янги фикр, ғоя, гипотеза, теорема, аксиома, масалалар ўтгани, булардан қай бирлари ўзлаштирилгани, исботлангани, тасдиқлангани, такомиллаштирилгани ҳақида, шу билан бирга, қай бирлари танқид қилингани, эътироз туғдиргани, нотўғри эканлиги исботлангани ва рад этилгани, уларнинг ўрнига не тахлит янгича назариялар, қарашлар, илмий концепциялар тақдим этилиб, фан тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилганини очиқ-ойдин кўрсатиб берган.

VIII асрнинг 30-йиллари охирига келиб, араб халифалиги таркибига Арабистондан ташқари, Сурия, Фаластин, Миср, Шимолний Африка, Пиреней ярим ороли, Сицилия ва Жанубий Италия (яъни собиқ Рим империясининг талайгина жойлари), Арманистон, Ўрта Осиё территориясининг кўп қисми, шимоли-ғарбий Ҳиндистон кирарди. Халифаликнинг ихтиёрига ўтган жойлардаги аҳоли этник таркиби жиҳатдан ҳам, эришган ижтимоий ва маданий камолоти ҳам бир хил эмасди. Халифалик ихтиёрига эллинизм маданияти кенг тарқалган жойлар ҳам, шунингдек қадимги Шарқ маданияти анъаналарига содиқ қолган давлатларнинг нуфузи ҳам ўтган эди.

Антик давр маданий мероси Миср, Сурия ва Кичик Осиёда хийла соф ҳолда сақланганди. Эрамининг биринчи асрларида эллинизм Шарқда икки илмий мактаб кенг шўҳрат топган. Буларнинг бири Искандарияда, иккинчиси — Эдессада бўлиб, уларнинг ҳузурида катта-катта кутубхоналар очилган, машҳур олимлар фаол иш олиб борар эдилар. Бироқ христианлар макони Византияда мажусийлар қувғини остига олиниши натижасида VI асрга келиб Искандария мактаби тор-мор қилинади. Орада кўп вақт ўтмай, несторианлик мазҳаби куфр деб эълон этилиши туфайли Эдесса мактаби ҳам барҳам топади. Несторианлар мазҳабида бўлган кўп олимлар бошпана излаб Эрон ва Ўрта

Осиёга қоча бошлайдилар. Нисибин шаҳрида улар мактаб яратиб, унда табиий фанларни ўрганишга алоҳида эътибор беришди. 529 йилда ёпилган Афина академиясининг қувғинга учраган олимлари Эроннинг Жундишопур шаҳрида бошқа бир йирик илмий мактабга асос солганлар. Араб истилосига қадар сосонийлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида давлатнинг иқтисодий аҳволидаги кўтарилиш ҳамда маданиятнинг равнақ топа бошлаши натижасида Эронда бу сингари илмий марказларнинг очилиши, илм-фаннинг ривожланишига анча қулай шароит етилган эди. Юнон тилида битилган китобларнинг форс ва сурия тилларига кўплаб таржима қилиниши худди шу даврга тўғри келади.

Ўрта Осиё билан Эроннинг қадимий маданий анъаналарига келганда, араблар истилосига қадар ҳам бу ерларда яшаган аҳоли босқинчиларга нисбатан юқорироқ тараққиёт босқинчида турар эдилар. Маълумки, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиён, Бақтрия сингари Ўрта Осиёнинг суғориладиган деҳқончилик системаси анча ривожланган районлари аҳолиси ўз тарихининг антик даврида юксак маданият яратган бўлиб, Ўрта Осиё олимларининг IX—XV асрларда математика ва астрономия соҳасида эришган оламшумул ютуқлари маҳаллий илмий анъаналарга асосланган ва унинг давоми бўлса керак, деган тахминлар бор. «Араблар истилосига қадар Ўрта Осиёда илми нужум аҳмоний ва сосонийлар Эрони тарафидан ўтиб келган қадимги бобил астрономия методларининг ҳамда юнон астрономиясининг жиддий таъсири остида яратилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, зотан, Искандар Зулқарнайнинг истилосидан сўнг бу ерда юнон астрономиясига қизиқиш, шунингдек, умуман юнон фани эришган кўпгина ютуқларни ўзлаштириш иши бошланган эди» (53).

Араблар истилосидан сўнг, марказлашган давлатнинг барпо этилиши, олдинги пароканда территорияларнинг ягона дин ва тил билан боғланган ҳолда сиёсий ҳамда иқтисодий томондан бирлашуви Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига маънавий бойликларни ўзаро эркин алмашиш имконини туғдирди. Бу даврда араб тили давлат, фан ва маданият тилига айланган эди. Қисқа давр ичида халифалик территориясида кўплаб илмий ўчоқлар пайдо бўлди. Шаҳарларда расадхоналар қурила бошлади, саройлар, мачит ва мадрасалар қошида кутубхоналар барпо этилди. Илмий билимларнинг тарқалишида савдо-сотиқ ишларининг йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этди. Араблар Ҳиндистон, Хитой, Византия, Русия, Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги давлатлар билан савдо-сотиқни йўлга қўйиб, Волга бўйлаб юқорига кўтарила бордилар. Болтиқ бўйи қирғоқларига етдилар. Марказий Африкага кириб, Ғарбий Африка қирғоқлари ёқалаб Мадагаскаргача сузиб кетдилар. Хитой ва Швеция императорларининг саройлари қошида араб халифалигининг элчи-хоналари қарор топди.

Халифаликнинг биринчи илмий маркази Бағдод эди. VIII асрнинг охири, IX асрнинг бошларида Бағдодда жуда кўп олим-

лар, таржимонлар ва кўчириб ёзувчилардан иборат гуруҳ юзга келганлиги юқорида қайд этилди, унинг аксарият вакиллари Ўрта Осиё ва Эрондан чиққан зукко кишилар, мутафаккирлар эди. Чунончи, Ю. Рушканинг<sup>1</sup> айтишича, Г. Зутер томонидан тузилган математик ва астрономлар рўйхатига<sup>2</sup> кирган кишиларнинг деярли барчаси Хуросон, Трансоксания (яъни Мовароуннаҳр), Бактрия ва Фарғонадан чиққан. Шаҳарда каттагон кутубхона бўлиб, у илмий асарлар билан доим тўлиб борган. Ундан ташқари, кўплаб майда кутубхоналар ҳам тинимсиз ишлаган. Халифа ал-Маъмуннинг ҳомийлиги остида (813 — 833) Бағдодда «Байт ал-ҳикма» (Дорул ҳикмат) аталмиш ўзига хос академия қарор топди. Бағдоддаги барча олимлар унга бирлашган эди. «Байт ал-ҳикма» қошида расадхона бўлиб, унинг ходимлари астрономияга доир кузатишлар олиб боришар, ҷлмий натижаларни сарҳисоб қилишарди. Математик жуғрофия юзасидан бир туркум тадқиқот ишларини бошлаб, эклиптика қиялиги ва меридиан градусининг узунлигини янгидан ўлчаб чиққан эдилар. Ҳиндларнинг астрономияга доир яратган асарлари билан танишиш илми нужум соҳасидаги тадқиқотларнинг янада жонланишига сабаб бўлса, Эрон ва Ўрта Осиё илмий адабиётининг натижаларини ўзлаштириш ҳам катта аҳамият касб этди.

Бағдоддан ташқари, ўрта аср Шарқда турли даврларда Қоҳира, Дамашқ, Рей, Гурганж (Урганч), Бухоро, Ғазна, Самарқанд, Исфохон шаҳарлари ҳам илмий марказ бўлиб хизмат қилди. Юнон ва сурия тилларидан арабчага ўгирилган китоблар орқали ислом мамлакатлари олимларига антик давр илмий адабиётининг бой асарлари етиб борди. Кейинчалик бу таржималар кўп ҳолларда Ғарбий Европанинг антик давр илми ва маданияти асарлари билан танишишнинг ягона манбаига айланиб қолди.

**Алоқа — таржима — таъсир**

Таржима ва таъсир механик равишда, бир томонлама, тўғрироғи, муайян икки маданият ўртасидагина юз берадиган тушунча эмас. Бу мураккаб, ўзаро, кўп томонлама, таъсир ва акс таъсир характерида бўлиб, бир неча халқлар яратган маданиятлар, уларнинг тиллари иштирокида содир бўлади. Масалан, ҳинд олими Вараҳа Миҳири асарларининг Абурайҳон Беруний томонидан араб тилига қилинган таржималарида кўплаб юноний терминлар учрайди. Демак, қадимги ҳинд астрономиясига юнон фанининг таъсири бўлганлиги шубҳасиздир. Бироқ мазкур юнон-ҳинд илмий ҳамкорлигида араб тилининг воситачилиги тўғрисида гапириш қийин, бу ерда паҳлавий (ўрта форс) тили катта роль ўйнаган. Птоломей, Гиппарх ва бошқа юнон олимларининг тригонометрияга доир ғоялари сосонийлар

<sup>1</sup> J. Ruska. Über das Fortleben der antiken Wissenschaft im Orient. — Arch. Gesch. Math. Naturwiss. Techn., 1927, X, 112—135.

<sup>2</sup> H. Suter. Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke. — Abhandl. Gesch. math. Wiss., 1900.

хукмронлиги даврида Эрон орқали Ҳиндистонга тарқалиб, сўнгра Берунийнинг улкан илмий хизмати туфайли араб тилига ўтган. Таржима ва илмий алоқаларнинг бу мураккаб жараёнида юнон — паҳлавий (ўрта форс) — ҳинд, араб тиллари иштирок этган.

VIII — IX асрларда Бағдод ва халифаликнинг бошқа илмий марказларида математикага доир китоблар билан бир қаторда, Аристотель, Архимед, Герон, Птолемейнинг («Алмагест») асарлари ҳам таржима қилинади ва шарҳланади. IX асрнинг йирик математиги ва астрономи Собит ибн Қурра Архимед китобларини араб тилига ўгирди. Архимеднинг асл нусхасида сақланиб қолмаган баъзи асарлари худди шу мутафаккирнинг таржималарида бизнинг давримизгача етиб келган. Суриялик олим Қоста ибн Лука (IX — X асрнинг бошлари) томонидан араб тилига ағдарилган Героннинг «Механика», византиялик Филоннинг «Пневматика» китоблари сақланиб қолган. Аристотель асарларини шарҳлаганлар қаторида ал-Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд сингари йирик олимларнинг номлари учрайди. М. Рожанскаянинг фикрича, Ибн Сино ёзган «Донишнома»нинг механика ҳақидаги бўлимига ҳамда ака-ука Бану Мусоларнинг «Механика ҳақида китоб» асарларига Героннинг «Механика проблемалари» ҳамда «Механика» номли тадқиқотларининг таъсири борлиги аниқ.

IX асрга келиб, кўп сонли таржима ва шарҳлар таъсири остида йирик назарий ва амалий проблемаларни ҳал қилишга юнон фани методларини татбиқ этишдан иборат илмий анъана пайдо бўлди. Аристотель, Архимед, Птолемей асарларини ўрганиш натижасида ислом мамлакатларида механика проблемаларини тадқиқ қилиш борасида ўрта аср Шарқининг бошқа мамлакатларида шу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос бир йўл, услуб, янгилик келиб чиқди. Чунончи, ҳинд ва хитой олимлари бир-бири билан боғланмаган алоҳида масалаларнинг ҳисоб-китоблари доирасида ўралашиб қолган ўринларда ислом мамлакатларининг олимлари қамрови кенг, яхлит, йирик назариялар яратдилар.

Ўрта аср Шарқ механикаси тараққиётининг иккинчи даври X — XI асрларда бу тенденция янада кучаяди. Бу даврда ислом мамлакатларининг олимлари юнон анъаналари билан биргаликда, ўша давр математикаси: ҳисоблаш-алгоритмик, арифметик ҳамда алгебраик методлар, тригонометрия натижаларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Ака-ука Бану Мусо, Собит ибн Қурра, ал-Баттоний, ал-Форобий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, ал-Хазиний ва бошқа олимларнинг илмий фаолияти ҳамда ижоди худди шу даврга тўғри келади.

XIII — XV асрларда математика фанининг янада тараққий этиши, шунингдек, замона талабларининг тобора мукамал ва аниқ ҳисоб-китоблар, ечимлар, натижалар олиш борасида қўйган талаблари Шарқ астрономиясида икки буюк мактабга асос солган алломаларнинг фаолиятида ўз аксини топади: булар —



Насириддин ат-Тусий бошлиқ Мароғ астрономия мактаби ҳамда атрофига ал-Қоший, Али Қушчи, ар-Румий ва шулар сингари буюк олимларни тўплаган Улуғбек бошлиқ Самарқанд астрономия мактабидир.

Фан тараққиёти мусулмон оламининг ғарб қисми — Пиреней ярим ороли ва Шимоли-ғарбий Африкада бошқа йўлдан борди. Халифалик таркибига кирган бу жойлар тез орада мустақилликка эришдилар. 929 йилда Қурдоба (Кордова) амири Абдурахмон III ўзини — халиф, Қурдоба амирлигини эса Бағдоддан мустақил давлат деб эълон қилди. Қурдоба давлатида тамомила бошқача испан-мавритания маданияти вужудга келди, у шарқий араб анъаналари билан бирга, рим-испан, барбар ва яҳудий унсурларини ўзида акс эттирар эди. Қурдоба, Толедо, Севилья, Гранада ҳамда Пиреней ярим оролининг бошқа бир қанча илмий марказларида математика ва механика юзасидан тадқиқотлар олиб бориладди. Бироқ испан-араб олимларининг бу соҳадаги тадқиқотларининг савияси унча баланд эмас, улар, асосан, ал-Хоразмийдан тортиб, Бағдод мактабининг бошқа намояндлари яратган асарларни кенг ташвиқ қилиш билан шуғулланар эдилар.

Мусулмон оламининг ғарбий этаги унинг бошқа қисмларидан сиёсий томондан ажралиб қолганлиги туфайли Шарқ билан илмий алоқалар бора-бора сусайди, натижада шарқий арабзабон олимлар қўлга киритган улкан натижалар Испанияга бориб етмади. Чунончи, Испанияда ал-Беруний ва ал-Хазинийларнинг ажойиб асарларини билишмас, Умар Хайём эришган югўқлар уларга қулоқма-қулоқ элас-элас етиб борарди, холос. На Ибн Рушд, на Ибн Бажжийга Абу Али ибн Сино ишлаб чиққан «ҳаракатлантирувчи куч» назарияси маълум эмасди. Аристотель асарини шарҳлаш муносабати билан ал-Беруний билан Ибн Сино ораларида бўлиб ўтган мунозарадан ҳам ғарбий араб олимлари беҳабар қолган эдилар.

Лекин Пиреней ярим ороли билан Шимолий Африкадаги арабзабон олимлар фаолиятининг муҳим бир томонини қайд этмоқ даркор: улар Европада илмий билимларнинг кенг тарқалишига фаол ёрдам кўрсатдилар. Худди ана шу Испания шарқ мутафаккирларининг илмий мероси ҳамда Юнонистон олимларининг асарларини уларнинг араб тилига қилинган таржималарида бошқа Европа мамлакатларига узатишда асосий воситачи бўлиб хизмат қилди. Юқорида қайд этилганидай, XII—XIII асрларда Испанияда (Толедо) таржимон, шарҳловчи ва қураачи (компилятор)лардан иборат катта бир мактаб араб тилида битилган шарқ мутафаккирларининг асарларини ёки араб тилига ўгирилган юнон олимларининг китобларини лотин тилига таржима қилиб ёинки уларнинг мазмунини баён этган ҳолда қайта ишлаб, Европада фан, техника ва маданиятнинг гуркираб ўсишига улкан ҳисса қўшди. Бағдод таржимонларининг фаолияти ислом мамлакатларида фаннинг келгуси тараққиёти учун

қанчалик муҳим бўлса, Фарбий Европада фаннинг равнақ топиши учун ҳам шунчалик зарур эди.

«XV аср ислом оламининг шарқий қисми учун ҳам илмий тараққиётнинг сўнгги асри бўлиб қолди. Улуғбекнинг ўлдирилиши ва унинг рақиблари томонидан расадхонанинг вайрон қилиниши математика ва механика соҳасидаги билимларнинг инқирозга юз тута бошлаганлиги тимсоли эди... Математика сингари, механика фани проблемаларини тадқиқ қилиш маркази Фарбий Европага кўчди»<sup>1</sup>.

Китобнинг хотима қисмида рус олимаси келтирган яна бир хулоса диққатга лойиқ. Бу давр олимлари эришган ажойиб ютуқлар, дейди у, Шарқ билан Фарб ўртасидаги сиёсий ажралиш туфайли, Фарбий Европага маълум бўлмай қолди, бунинг орқасида кўп ҳолларда айнан бир-бирига ўхшаш натижаларни Европада орадан бир неча асрлар ўтгандан кейингина қўлга киритдилар.

Уйғониш даврининг машҳур олимларидан бири Леонардо Ольшки ёзади: «Леонардо да Винчининг механика соҳасида яратган чизмаларидан, Бенедеттининг кўрсатмаларидан Галилейнинг салафларига куч моменти тушунчаси маълум эди. Лекин Галилей аниқ термин билан атагандан кейингина бу тушунча машҳур бўлиб кетди. Мавҳум илдизларни гарчи, эҳтимол, Кардан олдинроқ таҳлил қилишни Декарт ўйлаб қўйган бўлиши мумкин, лекин бу тушунчага Декарт ном бергандан кейингина мавҳум илдизлар тўғрисида гапириш мумкин бўлди... Галилейнинг салафлари инерция тўғрисида ғира-шира тасаввурга эга эдилар, лекин Галилей инерция терминини яратганидан ва таърифлаганидан кейингина бу тушунча фаннинг ютуғи бўлиб қолди»<sup>2</sup>.

Профессор О. Файзуллаев «Ўрта Осиё табиётшунослиги ва фалсафаси классиклари асарларида зиддият проблемаси» асарида *синус* тригонометрия функциясининг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: хорда (Искандария мактабида) — хорда (юнонча) — жиға (санскрит) — ал-жайб (Хоразмийда) — «эл-гейб» (Оксфорд университетида) — синус (Мадрид университетида).

Арабча *жайб* «қўлтиқ», «қўйлак ёқасининг ўрни», «қавариқ» маъноларини англатади. «Бундай таркиб ал-Хоразмий ва ал-Ҳабаш асарларида учрайди; дарвоқе, ал-Баттоний *ватар-хорда* сўзидан фойдаланган эди. 1145 йиллар атрофида Роберт Честерский араб тилидан лотинчага таржима қилишда *синус* сўзини қўллаган, бу ҳам «жайб» англатган асосий маъноларни беради»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Рожанская М. М. Механика на средневековом Востоке. М., 1976, с. 66.

<sup>2</sup> Леонардо Ольшки. История научной литературы на новых языках, т. 2, М.-Л., 1934, с. 48.

<sup>3</sup> Файзуллаев А. Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Ташкент, 1974, с. 80. Юшкевич А. П. История математики в средние века. М., 1961, с. 156.



Бу математик истилоҳнинг этимологияси тўғрисида Л. Успенский берган қуйидаги маълумот ҳам диққатни тортади.

«Синус» сўзини лотин тилидан таржима қилганда, бу «қўлтиқ, кўрфаз» маъносини беради. Ажабо, кўрфазга сираям ўхшамайдиган математик функцияга нима сабабдан бундай номатлуб ном берилган? Маълум бўлишича, «синус»ни арабчада «жайб» дейишаркан. «Жайб» эса камалак, яъни ёйга тортилган ил маъносини беради. Дарҳақиқат, агар синуснинг чизмасига эътибор қилинса, араблар бу тушунчага жуда аниқ ном берганлари шундоққина кўриниб туради — синус чизиги, чиндан ҳам, ёйга тортилган ипни эслатади.

Араб ёзувида фақат ундош товушларгина ёзилади, унлилар эса ҳарфлар билан белгиланмайди. Чунончи, جيب сўзини «жайб» (камалак ипи), «жиба» кўрфаз деб ҳам ўқиш мумкин. Араб тилини етарлича пухта билмаган европалик олимлар бу сўзни хато ўқиб, шунга мувофиқ равишда лотинчага «синус» деб ўлгирганлар<sup>1</sup>.

«Жайб جيب форсча. 1. Кийимнинг ёқаси; 2. Чўнтак, кпсса, қўйин; 3. Мажозий. Кўнгил, дил, дилдаги муддао; Жавҳари жайб — кўнгилнинг нозиклиги» (НАЛ, 217 — 218). «Жайб арабча, эскирган. Чўнтак, ҳамён» (ЎТИЛ, 270).

«Даствавал синус «Сурья-сиддхонт» ва «Ариаб-хатнам»да эслатилади...— деб ёзади М. М. Рожанская.— Бу асарларда синусдан ташқари яна косинус ва синус-верзус ҳам киритилган...»<sup>2</sup>.

Ал-Хоразмийнинг «Мафотих ал-улум» (Фанларнинг калити) асарида механизмларга доир қуйидаги терминлар учрайди: *ал-бартио* ўққа киргизилган ғилдирак; *ал-мухл* — цилиндр формасидаги ўқ; *абу мухлижун* — рычаг; *ал-исфин* — пона ва ҳоказо.

Табиий фанлар соҳасида қабул қилинган терминлар жуда хилма-хил. Жаҳон фани тараққиётини илмий терминология билан таъминлашда юнон, лотин, араб, санскрит, ҳинд, форс тиллари, ҳозирги замонда эса рус, инглиз, немис, француз, итальян тилларининг фаол иштироки бор. Фан ва маданият тараққиётида ҳар бир халқ ва унинг тили қандай роль ўйнаётганига қараб илмий терминологияда ҳам ўзига муносиб ўринни эгаллайди.

Фаннинг ўзи сингари, унинг тили ҳам эндигина қарор топиб келаётган ўрта асрларда бағоят катта хизмат қилган бизнинг бобокалон олимларимиз математика, астрономия, механика, тригонометрия, медицина, тарих, фалсафа соҳасида йирик асарлар яратиб, кашфиётлар қилиб, янги назариялар ижод этган эканлар, шунга мувофиқ илмий терминологияга ҳам тартиб

<sup>1</sup> Успенский Л. В. Слово о словах. М., 1957, с. 241—242.

<sup>2</sup> Рожанская М. М. Механика на средневековом Востоке. М., 1976, с. 57.

берганлар. Буни аниқлаш, эҳтимол, тарихий терминология лугатлар тартиб бериш Урта Осиё халқлари жаҳон фани тараққиётига ҳеч қандай ҳисса қўшмаган, улар «осиёвийчасига» лоқайд кишилар ва ҳоказо деб жар солган айрим Ғарб олимларига жуда яхши жавоб бўлар эди.

**Таржима, терминология ва этимология**      Ўзбек Совет Энциклопедиясининг тўртинчи жилдида «зенит», «зенит артиллерияси», «зенит пулемёт қурилмаси», «зенит ракета комплекси», «зенит ракета қўшинлари», «зенит телескоп», «зенит узоқлиги» сингари мақолалар берилган (471 — 472-бетлар). Уларнинг мазмунидан маълум бўладики, *зенит* астрономия, ҳарбий, спортга алоқадор тушунчаларни ифодалайдиган махсус истилоҳдир. Лекин бу калманинг ўзи нимани англатади?

«Зенит (араб. *سمت* — йўл, йўналиш) — осмон сферасининг кузатувчи тепасидаги нуқтаси; шоқул (вертикал) чизик осмон сферасини ана шу нуқтада кесиб ўтади» деган маълумотни беради ўзбек қомуси.

Олим Усмон ва Ренат Дониёровларнинг «Русча-интернационал сўзлар изоҳли лугати»да астрономияга оид истилоҳ эканлиги қайд этилган «зенит — осмоннинг кузатувчи тепасидаги энг баланд нуқтаси» сифатида таърифланиб, сўнгга қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Рус. < франц. *zénith* < лот. *senit* < араб. *سمت* йўналиш, йўл. Бу сўзни лотин тилига таржима қилинган текстни кўчирувчи бузиб *sanit* тарзида ёзиб юборган, яъни лотинча ёзилган *sanit* сўзидаги *n* ҳарфини янглиш суратда *ni* деб ўқиган ва шу йўл билан бу сўз «зенит»га айланиб кетган»<sup>1</sup>.

Атоқли тилшунос олим Л. Успенский ўзининг «Сўз ҳақида сўз» номли қизиқарли китобида мазкур терминни «нуқсон-сўз» деб атайди ва уни батафсил таърифлайди. Яқин вақтларгача кам сонли билимдон одамларгагина бу сўз маълум бўлган, ҳолос. Шунинг учун ҳам ундан «зурриёд» пайдо бўлмаган, бўлак ясама тушунчаларни ҳам келтириб чиқармаган. Аммо кейинги ярим аср ичида бу ғалати сўзнинг жудаям бозори қизиб кетди, дейди рус олим. Ҳамонки, футбол командаларидан тортиб папирос ва конфетларгача «Зенит» деб аталар экан, демак, сўз шунчалар шоён бўлар-да!

Хўш, «зенит» сўзининг ибтидоси қаердан бошланган? Ўзи қайси тилдан кирган?

Мазкур калима фақат рус тилидагина эмас, балки кўпчилик европа тилларида ҳам учрайди. Бошқача айтганда, «зенит» — француз, немис инглизларда ҳам «зенит»лигича қолади. Барча тилларда «зенит» — нинг ҳозирги маъноси, ундан пайдо бўлган «ясама» сўзлар қайд этилади-ю бироқ асли ибтидоси қаёқдан

---

<sup>1</sup> Олим Усмон, Дониёров Ренат. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирама сўзлар изоҳли лугати. Тошкент, 1965, 168-бет.

пайдо бўлганлиги хусусида бирон манбада маълумот берилмайд.

Сирасини айтганда, дунёдаги барча тилларда ҳам бундай «насл-насабсиз» калималар кўп учрайди. Лекин бундай сўзларнинг изига тушилса, улар қандайдир бошқа, учинчи тиллардан «ижарага олингани» маълум бўлади. Авторнинг фикрича, бир қанча европа тилларида айни бир «насл-насабсиз» калима учраса, билингки, у ё юнон тилидан, ё лотин тилидан, ёки бўлмаса араб тилидан олинган бўлиб чиқади. Хусусан, агар бундай сўз бироп илмий истилоҳ, астрономия, математика, география ва бошқа табиий фанларга алоқадор тушунчани англатса, уларнинг аслини юқоридаги тиллардан қидиравериш керак.

Лекин «зенит» сўзига келганда, жуда ғалати ва сирли бир ҳол юз беради. Юқорида номлари айтилган қадимий тилларнинг биронтасида ҳам бу сўз учрамайд.

Ҳатто ўшапдай ўзакдан ясалган бошқа сўзлар ҳам кўзга ташланмайд.

Бундан чиқадики, ҳозирги тилларнинг барчасида мазкур сўз ўз-ўзидан пайдо бўлган, аммо ягона манбага эга эмас экан-да? Ҳеч ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Қаёқлардандир номаълум ўлкалардан бетакаллуф ташриф буюриб, барча тилларнинг луғатларига дангал жойлашиб олган бу «васиқасиз» сўзни аниқлаш учун мураккаб қидириш ишлари бошланиб кетган ва қуйидагилар маълум бўлган.

«Зенит» нэёб шикаста-сўзлар «қавми»га мансуб бўлиб, у ҳар қалай арабча калима экан. Фақат араб тилида осмондаги энг баланд нуқта «зенит» эмас, балки.... «замт» деб аталар экан. «Зенит» эмас «замт»!

Европа олимлари араб астрономияси асарлари билан танишар эканлар, улар ўз тилларида муқобил сўзлар бўлмагани учун ўша китобларда учраган терминларни бажонидил айнан ўзидай қабул қиллаверишган. Зотан, Европанинг бирон жойида «осмоннинг баланд нуқтаси» деган махсус тушунча ва унинг махсус атамаси ҳам бўлмаган. Бинобарин, бу тушунчани ўз арабча поми билан айнан «замт» деб олишни лойиқ кўрганлар.

Ҳозир, турган гапки, ким, қачон хато қилганлигини аниқлаш амри маҳол, дейди Л. Успенский. Арабча «замт» сўзини европачасига, латинча ҳарфлар билан *zamt* деб ёзилар экан, сўз ўртасида учта тик таёқчадан таркиб топган «т» ҳарфи пайдо бўлган. Лекин чаласавод котибга етти ёт «замт» сўзи ҳеч нарсани англатмаган, албатта. У тушунарли бўлмаган ва европалик, жумладан, француз кишисининг қулоғига жуда «ғалати», «ноўхшов» эшитилган. Бас, котиблар олимни «овсарликда» айблаб, уни койиб, сўз ўртасидаги учта таёқчани «тузатишган»: «т»ни «п» деб ёзиб юборганлар. Қарабсизки, *zamt* — *zanit* («замт» — «занит») бўлган-қолган. Гарчи бу ҳам тушунарли бўлмаса-да, ҳар қалай, талаффузга тушади-ку, деб ўйлаган котиблар. Бирор кимса кейинчалик ҳам бу қусурни тузатиб юбормаган: араб тилини билишмаган. Алқисса, астрономларнинг француз тилида бегона «занит» сўзи расм бўлиб қолган,

тез орада у яна бир ўзгариб, «зенит»га айланган (замт — зенит). Эҳтимол, она тилида, ўз манбаида бўлса, шакли бузилган сўзни дарҳол тузатиб қўйишармиди, аммо ўзгалар орасида ўзи ҳам бегоналашиб қолган бу сўз йўқолиб кетиш у ёқда турсин, француз луғатидан барқарор «бошпана» топишдан ташқари, барча халқларнинг тиллари ва мамлакатлар бўйлаб узоқ сафарга чиқиб кетган.

«Зенит» араб тилида шундай аталадими ёки бошқача талаффуз этиладими, одамлар учун энди фарқсиз эди. Бизда у шундай айтилади, тамом-вассалом, дейишади<sup>1</sup>.

Қизиғи шундаки, гарчи *зенит* арабча **سمت** («самт») сўзидан бузиб кўчирилган бўлса-да, ҳозирги араб тилида ҳам у ўзининг шу шикаста шаклида айнан транслитерация қилинади **زينيط**. Лекин «кўкда бош узра энг баланд нуқта» бўл-

миш зенит маъносида ҳозир ҳам **سمت** («самт») ва **اوج** («авж») калималари қўлланишда давом этади<sup>2</sup>. Бас, айти терминнинг арабча «самт»дан лотинча «саинт», французча, русча, ўзбекча ва ҳоказо тилларда барқарорлашган «зенит»га айлангунга қадар босиб ўтган йўлида ибтидо сўз, Л. Успенский кўрсатганидай, «зенит» эмас, балки «самт»дир. Лекин биз учун олимнинг бошқа хулосаси муҳим: илмий терминологиянинг манбаи шарқ классик тилларидир. Чунончи, араб тилидан келиб кирган *адмирал* («амирул-баҳр»дан), *магазин* («маҳзан»дан), *альманах*, *алькоголь* сингари юзлаб, минглаб сўзлардан ташқари, бутун бошлиқ фанларнинг номлари — *алгебра*, *килё* ҳамда жуда кўплаб махсус илмий тушунчалар — *алгоритм*, *синус* ва ҳоказоларнинг асл манбаи ҳам Шарқ илмий тафаккурида эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган асрда Ўрта Осиёга саёҳат қилган венгриялик жасур олим Герман Вамбери қуйидаги сўзларни ёзган эди: «Шарқ халқларининг феъл-атворида (японлар бундан мустасно) «осиёвийлик» деб аталмиш бир нарса бор. Меҳнатга унчалик тоблари йўқ, камҳафсала, ўзлари ашаддий мутаассиб кишилар. Японларни мустасно қилганда, осиёвий халқлардан биронтаси ҳам мустақил ҳолда тараққийёт ва янгилик йўлини ихтиёр қилмаган. Осиёликлар фақат Европанинг бевосита ёки билвосита таъсири орқасидагина маданиятга эришишлари мумкин»<sup>3</sup>. Д. Б. Макдональд араб ва турк тилларида, ҳатто Европа тилларидаги «ғалати» сўзига муқобил атама ҳам мавжуд эмас, бинобарин, уларда ҳеч қандай ҳавас, шавқ, иштиёқ йўқ, деган хулосага келади<sup>4</sup>. Ҳозирги гарб олимларининг асарларида Шарқ халқла-

<sup>1</sup> Л. Успенский. Слово о словах (очерки о языке). М., 1957, с. 238 — 241.

<sup>2</sup> Қараңг: Русско-арабский учебный словарь. М., 1964, с. 299 — 300.

<sup>3</sup> Мусульманская пресса о Вамбери. «Мир ислама», т. II, СПб., 1913, с. 707.

<sup>4</sup> Современные идеологические проблемы стран Азии и Африки. М., 1970, с. 133.

рининг табиатида қандайдир «шарқона лоқайдлик», «бефарқлик», «мантикий етишмовчилик» борлиги, аллақандай «шарқ характери», «шарқ психикаси», «шарқий идрок» хусусида таҳқиримуз ғайри илмий уйдирмалар тўлиб-тошиб ётибди<sup>1</sup>. Брокгауз ва Ефроннинг асримиз бошида нашр этилган «Энциклопедик лугат»ида ўзбек адабиёти ҳақида айтилган мана бу гаплар эндиликда нақадар пучлиги, кулгили эшитилиши ўз-ўзидан равшан: ўзбек адабиёти, деб ёзганди мазкур қомус, «диний китоблар, бир қанча тарихий асарлар ҳамда Ҳофиз ва бошқа форс шоирларидан қилинган таржималар билан чекланади. Маҳаллий шоирлар сони кўп, лекин улар ҳеч қандай буюк нараса яратмаганлар»<sup>2</sup>. Бундай «маълумот»нинг тарихий ҳақиқатни қанчалик бузиб кўрсатганлигига Н. Маллаев, В. Абдуллаев ва Ғ. Қаримовларнинг жами 100 босма табоқдан иборат уч жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» ҳамда шу номда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти нашр этган кўп томлик назарий тадқиқот қафилдир. Таржималар масаласига келганда, ўзбек тилида Октябрь революциясига қадар яратилган бутун бошлиқ таржима адабиёти, юзлаб таржимонларнинг номларини далил келтириш мумкин.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар яратган бой маданиятни эътироф этмаслик учун ё тарихдан бутунлай хабарсиз бўлиш, ё ўз миллий, ирқий маҳдудлиги қобинда ғафлатда ётиш керак эди. Лекин тараққийпарвар рус олимлари, ғарб ориенталистлари, совет шарқшунослари ҳамда тарихчи ва археологларининг мислсиз ҳалол меҳнатлари туфайли Ўрта Осиё регионидан энг қадимги даврларда ва ўрта асрларда математика, астрономия, география, медицина ва бошқа табиётшунослик фанлари соҳасида қўлга киритилган жаҳоншумул илмий ютуқлар, амалга оширилган мислсиз кашфиётлар аниқлашишдан ташқари, улар Европада кейинги даврларда фан, маданият, техника тараққиётига жуда сезиларли туртки берганлиги, айрим ҳолларда эса сўнгги фундаментал тадқиқотларнинг асосини ташкил этганлиги рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботланди. Уқувчининг диққатини бу фактларга йўналтиришдан кузатилаётган мақсад қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Шарқу Ғарб илмий алоқаларида таржима асосий восита бўлганлигини очиб бериш;

иккинчидан, таржимачилик фаолияти яхши йўлга қўйилган жойда (Бағдод ва Толедо) Шарқ билан Ғарб мамлакатлари ўртасида илмий ахборотлар алмашиш иши жадал суръатлар билан ривожланганини кўрсатиш;

учинчидан, Шарқ-Ғарб ўртасида илмий алоқаларнинг (таржима) сусайиши дунёнинг бир минтақасида қўлга киритилган

<sup>1</sup> Файзуллаев А. Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Ташкент, 1974, с. 135.

<sup>2</sup> Энциклопедический словарь (Брокгауз и Ефрон), т. XXVIII-а, 1900, с. 451.

натижалардан Европанинг бошқа мамлакатларида яшаётган олимларнинг хабар топмаслигига сабаб бўлганлигини қайд этишдир.

Ибн Сино ва Гегель.  
Беруний ва Ньютон

Файласуф олим Омонулла Файзуллаев «Урта Осиё табиётшунослиги ва фалсафаси классиклари асарларида зиддият

проблемалари» китобида Абу Али ибн Сино билан Гегелнинг табиат ва жамиятнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашини бири-бирига муқояса қилади.

Ибн Синонинг гипотезасига кўра, жамики жондорлар — жонсиз дунёдан, ҳайвонот эса ўсимликдан пайдо бўлган. Инсон ҳам ҳайвонот оламидан келиб чиққан<sup>1</sup>. Ибн Синонинг бу даъвоси Гегель гипотезасига зиддир. У ёзади: «Ҳайвонот ўсимликдан тарқамгани сингари, Инсон ҳам ҳайвонотдан тарқамган. Ҳар бир мавжудот дафъатан ва тўлалигича ҳозир қандай бўлса, азалдан шундай»<sup>2</sup>.

Ким ҳақ: Ибн Синоми ёки Гегель? Фан тараққиётининг кейинги даврларида бу саволга жавоб олинди: «Дарвин (моҳият эътибори билан) Ибн Сино гипотезасини назарияга айлантирди»<sup>3</sup>. Шу ўринда О. Файзуллаев Катта Совет Энциклопедиясини жуда ўринли танқид қилади.

«Дарвинга қадар табиётшуносликда К. Линней ва Ж. Кювье-нинг турларнинг яратилганлиги, уларнинг ўз яратилган давридан бошлаб ўзармаслиги, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳозирги турлари билан илгари мавжуд бўлган турлари ўртасида алоқадорлик йўқлиги... ҳақидаги реакцион идеалистик ва метафизик, моҳиятан диний таълимотлари ҳукмрон эди» деб ёзади Катта Совет Энциклопедияси. Ўзбек олими жонсиз нарсалар билан жонли мавжудот ўртасидаги алоқадорлик ҳолатини ривожлантиришда Абу Али ибн Синонинг роли қайд этилмаганини таассуф билан таъкидлайди. (Катта қомусда йўл қўйилган ана шу жиддий нуқсон Ўзбек Совет Энциклопедиясида ҳам тузатилмагани янада аянчлидир.)

Таниқли физик олим Гиёс Умаровнинг «Абу Райҳон Беруний, Николай Коперник ва ҳозирги замон фани» номли рисоласида кўрсатилишича, Берунийнинг илмий фаолияти XIX асргача Европада маълум бўлмаган. Шу сабабли унинг «табиётшунослик соҳаларидаги талайгина фикрлари, ахборотлари, қатъий даъволари ва кашфиётлари» бир неча асрлардан сўнг ҳозирги замон табиётшунослигининг классиклари Леонардо да Винчи, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Иоганн Кеплер, Чарльз Дарвин, Исаак Ньютон, Михаил Ломоносов ва бошқа олимлар томонидан «қайта таърифланган», «асосланган» ва «илмий исботланган».

<sup>1</sup> Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане, Ташкент, 1957, с. 146.

<sup>2</sup> Гегель. Соч., т. II, М.-Л., 1934, с. 256.

<sup>3</sup> А. Ф. Файзуллаев. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Ташкент, 1974, с. 84.

Машҳур рус ва Европа олимларининг тадқиқотлари ҳамда ўз кузатишларига асосланиб юқоридаги катта илмий даъвои илгари сурган профессор Ғ. Умаров бутун асар давомида ўз фаразларини чуқур асослайди ва хотимада шундай хулосага келади: олим яратган назариялар ва у айтган жуда кўп башоратлар тўғри чиқди. Беруний нуқтан назаридан мумкин бўлган гелиоцентризм системасини Коперник асослади, сўнгра уни Бруно, Кеплер, Галилей, Ньютон, Ломоносовлар давом эттиришди ва Қоинот, хусусан, Қуёш системаси ҳақида тадқиқотлар олиб бораётган ҳозирги замон олимлари исботлаб тасдиқлашди.

Беруний «Қонуни Масъудий» китобида Ер айланасининг узунлигини қандай ўлчагани баён этилган. «Ер меридиани градусини ўлчашда мен юнон, ҳинд олимлари ва Маъмун астрономлари методларидан ўзгача бўлган методни қўлладим. Бу мақсадда Ҳиндистонда кенг яйлов кўринадиган баланд тоғни топдим. Яйлов сирти денгиз сиртидан ҳам текисроқ эди. Мен тоғ чўққисидан ер билан осмоннинг туташуви жойини қидириб, бурчакни ўлчадим, у 34 минут бўлиб чиқди. Сўнгра тоғ баландлигини ўлчадим, у 632,05 чўзим» (бир чўзим 49,33 сантиметрга тенг).

Ҳ. У. Содиқовнинг Москвада пашр қилинган «Беруний ва унинг астрономия ҳамда математик географияга оид асарлари» номли монографиясидан алломанинг юқоридаги фикрини келтирган Ғ. Умаров буни чизма ва формулалар асосида тушунтириб бераркан, шундай хулосага келади: «...Беруний томонидан аниқланган бир градус меридиан ёйининг узунлиги ҳозирги бриликларда 110,275 километрни ташкил этади: ҳозирги маълумотларга қараганда, бир градус меридиан ёйининг узунлиги 110,895 километрга тенг. Беруний йўл қўйган хатоси фақат 620 метр, яъни ярим процентга яқин, холос»<sup>1</sup>.

Ғиёс Умаров Беруний аниқлаган ана шу фавқуллодда ажойиб маълумотни Исаак Ньютоннинг бутун олам тортилиш қонунини кашф этиши билан боғлайди.

Ньютон олманинг дарахтдан тушиши хусусида бош қотириб, ўз олдига шундай савол қўйган: олмани ерга тушишга мажбур қилган сабаб Ойнинг Ер атрофида, планеталарнинг эса Қуёш атрофида айланишини тутиб турувчи сабаб билан бир хил эмасмикан? Кейинчалик у ернинг тортилиш кучи таъсирида Ой олма сингари Ерга тушиши керак, аммо Ой Ер атрофида текис ҳаракат қилиши туфайли, у миқдори жиҳатидан Ернинг тортилиш кучига тенг марказдан қочувчи кучга эга бўлиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилганлиги учун Ой Ерга тушмайди, деган хулосага келади. Марказдан қочувчи куч формуласини Гюйгенс 1673 йили ишлаб чиққан эди. Муайян тезликда айланган Ой Ердан узоқлашмайди ҳам, унга яқинлашмайди ҳам, фақат Ер айланаси атрофида ҳаракат қилади.

<sup>1</sup> Ғ. Ғ. Умаров. Абу Райҳон Беруний, Николай Коперник ва ҳозирги замон фани. Тошкент, 1973, 12—13-бетлар. (Бундан кейинги ўринларда китоб саҳифалари қавс ичида кўрсатилади.— *муаллиф*.)



Хуллас, Ой билан Ер сайёраларига алоқадор барча маълумотлар: миқдор, ҳажм, масофа, тезлик ва тезланишга боғлиқ қонуниятлар, формулалар аниқланган бўлса-да... «ер радиуси қанчалиги 1666 йилда аниқ маълум эмас эди ва натижалар Ньютонни қониқтирмади», деб ёзади Ғ. Умаров. Дарвоқе, авторнинг қайд этишича, «...Беруний шундан 6 аср илгари жуда аниқ топган Ер шарни радиуси миқдоридан Ньютон беҳабар эди»! Ана шу «беҳабарлик» оқибати ўлароқ, буюк инглиз математиги ўз тадқиқотини 13 йилга кечиктирди. «...У тортилиш қонуни соҳасидаги тадқиқотларини тўхтатиб, тамомила оптика билан шугулланади. 1679 йилга келиб Ер радиуси ҳақида анча аниқ маълумотлар олинади. Шунга кўра, Ердан Ойгача бўлган масофа Ер радиусидан тахминан 60 марта катта, у ҳолда  $\frac{R'}{r} = 3600$ , бас,  $a = 0,271$  см/сек<sup>2</sup>, яъни бундаги мослик мутлақо қониқарлидир. Бундай маълумотлар аниқлангандан кейин Ньютон яна тортилиш қонуни ҳақидаги тадқиқотларига қайтади. Планеталарни орбиталарда тутиб турувчи кучлар, атрофида планеталар айланадиган марказгача бўлган масофалар квадратларига тескари пропорционал бўлса керак, дея гумон қилди Ньютон аввалига. Кейинчалик у Кеплер қонунлари асосида буни математик ҳисоблаб чиқади. Шундай қилиб, Ньютон томонидан бутун дунё тортилиш қонуни кашф этилди» (113—114).

Фанда бирон ҳодисани кашф этишдан кўра, ўша нарса аллақачон кашф этилганини аниқлаш қийинроқ, деган эди бошқа бир инглиз физиги, файласуф ва тараққийпарвар жамоат арбоби Жон Бернал. Беруний билан Ньютон ўртасидаги Ернинг радиусини аниқлашга алоқадор воқеа ҳам Жон Берналнинг фикрини тасдиқлайди.

Профессор Ғиёс Умаровнинг «Абу Райҳон Беруний, Николай Коперник ва ҳозирги замон фани» китоби «Берунийнинг дастлабки илмий қадамлари» бобидан бошланиб, «Планеталарга парвоз» билан тугайди. Олим ўтмиш — ҳозирги замон — келажакни яхлит бир бутунликда кўради.

С. Сирожиiddинов, Ғ. Матвиевская, А. Аҳмедовнинг «Абу-Райҳон Беруний асарларида математика ва астрономия» брошюрасида ҳамда О. Файзуллаевнинг «Ўрта Осиё табиётшунослиги ва фалсафаси классиклари асарларида зиддият проблемалари» монографиясида Ўрта осиелик машҳур олимлар — Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Қошғарий, Беруний, Ибн Сино, Шамсиддин Самарқандий, Маҳмуд Чағминий, Улуғбек, Ғиёсиддин Қоший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқа мутафаккирларнинг ҳаёти, дунёқараши, асарларидан муҳим маълумотлар келтирилади. Шуниси диққатга сазоворки, О. Файзуллаев фан тарихини ҳозирги замон илмий-техника тараққиётидаги аҳамиятини очиб бериш асосида тадқиқ этаркан, ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккир олимлар томонидан илгари сурилган ғояларнинг Ғарбий Европа тадқиқотчилари, фан арбоблари асарларида «қайта» илмий асосланганини ишончли далиллар билан исботлайди. Асарда математика, техника, медицина, психофизиология, фалсафа, тилшунослик, мантиқ, лингвматематика фанларининг тарихи, ҳозирги тараққиёт даражаси ва истиқбол ҳақида ғоят муҳим кузатишлар учрайди.

О. Файзуллаев *синус, алгебра, алгоритм* атамаларининг келиб



чиқиши, Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний»сида *толи, матоли, мамар, матоли тлу, матоли толи, махфуз, ҳисса, синус-верэус* сингарини кўпгина илмий терминлар қўлланилганлиги, буларнинг аксариятини илк бор Улуғбек фан оламига олиб киргани ҳусусида гапиради. Китобнинг 132-бетида *ал-жабр* ва *ал-муқобала* тушунчаларининг маъносини М. Кантор, М. Симон, С. Ганди, Лейн, Ф. Розен, Д. Смит, Вепска, Рушка каби олимлар қандай талқин қилганлари қайд этилади. Ал-Хоразмийнинг номи 12 аср мобайнида тиллардан-тилларга кўчиб, ҳар хил имло ва талаффуз асосида ўзгаришларга учраганлиги, шу тариқа «бузилиб» — *алгоритмга* айланганлигини кўрсатиш учун мазкур буюк тарихий номнинг 74 тилдаги ёзилиш шаклидан намуналар келтирилади.

Инглиз олими Аделард 1126 йилда Муҳаммад Хоразмийнинг астрономик жадвалларини ўз тилига таржима қилиб, европа олимларини тригонометрия ҳақидаги бошланғич билим билан таништирган. Бошқа бир инглиз таржимони Роберт 1145 йилда Хоразмийнинг «Китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобила» деган машҳур рисоласини таржима қилиб, европалик олимларнинг алгебра соҳасидаги билимларига асос солган.

«...Математика тарихида IX — XV асрларда араблар алоҳида эътибор қозонганлар,— деб ёзганди атоқли математик олим О. Ю. Шмидт. Арабча (яъни кенг тарқалган араб тилида ёзилган) китоблар юнонлар ва ҳиндларнинг математикасини ўзига хос бир тарзда қайта ишлаб Европага узатдилар. Араблар, аynиқса, худди шу алгебра билан кўп шуғулланганлар. «Алгебра» сўзининг ўзи ҳам арабча бўлиб, бу IX аср олими Муҳаммад Алхворизмий асари номининг бошланғич сўзларидан олинган. Алгебра араблардан XII асрда итальянларга ўтган... Бу даврнинг донгдор намояндаларидан бири Фибоначи тахаллусли Пизалик Леонардо эди (XIII аср)»<sup>1</sup>. Пизалик Леонардо эса Муҳаммад Хоразмий асарларини латин тилига ўгирган таржимонлардан биридир.

Биринчи ўзбек совет қомусида келтирилган маълумотларга қараганда, VIII — IX асрларда қарийб 100 га яқин зиж тузилган. Шулардан 20 га яқини Мовароуннаҳрда ёки Мовароуннаҳр олимлари иштирокида яратилган. «... Ал-Хоразмий, ал-Баттоний, ал-Хазиний, Беруний, Насириддин Тусий ва Улуғбек жадваллари 11 — 17- аср Ғарбий Европа олимларига маълум бўлиб, ғарб тилларига таржима қилинган ва Европада фан ва маданиятнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган»<sup>2</sup>.

Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» номи билан машҳур астрономик жадваллари Европада биринчи марта 1648 йили Англияда нашр қилинган. Қўлда кўчирилган нусхалари Англия, Франция, Туркия ва Ҳиндистон кутубхоналарида, форс

<sup>1</sup> О. Ю. Ш м и д т. Алгебра. БСЭ, изд. первое, т. I, М., 1926 г.

<sup>2</sup> Ўзбек Совет Энциклопедияси, 4-жилд, Тошкент, 1973, 477-бет.

тилида ёзилган энг эски нусхаларидан бири ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Ўрта Осиё олимлари ёзиб қолдирган ажойиб илмий обидалар хронология, жадвал, рисола, девон, луғатлар чет эл музейлари ва кутубхоналарида шунчаки «сақланаётган» эмас, балки улар Европада фан ва маданият тараққиётида улкан роль ўйнаган, аксарият ғарб олимларининг илмий фаолияти тақдирда ўчмас из қолдирган.

ЎзСЭ учинчи томидан инглиз астрономи Жон Гривс (1602 — 1662) ҳақида мазмундор мақола ўрин олган. Гривс Оксфорд университетининг профессори бўлиб, Европада ilk дафъа «Зижи Қўрагоний»га назари тушган олим. «Унда берилган юлдузлар жадвалидаги 98 юлдузнинг вазиятини ўз ичига олган биринчи иши латин тилида Оксфордда (1648) эълон қилинган». Бу европалик олимнинг Лондонда chop этилган географик жадваллари ҳамда хронологияси Улуғбек зижи асосида ёзилган.

Халқимиз қўли билан бунёд этилган аллақанча моддий маданият ёдгорликлари, олимларимиз яратган жаҳоншумул илмий, тарихий, адабий асарларнинг ягона ноёб нусхалари хорижий давлатлар музейлари, Лондон, Париж, Нью-Йорк, Вена, Истамбул, Қоҳира ва бошқа шаҳарларнинг кутубхоналари каталогидан ўрин олган. Қўҳна тарихимизга доир жуда ноёб маълумотлар турли тиллардаги архив фондлари, расмий нашрлар — энциклопедия, тарих, справочник, луғатларда сочилиб ётибди...

Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, адабиётшунос олим, таржимон Шоислом Шомухаммедов Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» мажмуаси материали асосида ёзган «Гуманизм — абадийлик ялови» номли мақоласида Ғарбда илму фanning, инсонга нисбатан гуманистик ғояларнинг, ўрта аср турғунлигидан сўнг, Ўйғониш ва ундан кейинги давр тараққиётига Шарқ маданиятининг ютуқлари асос бўлди, деган фикрни тасдиқловчи бир қанча далиллар Ғарб олимларининг ўз асарларидан олинганлиги илгари сурилган тезиснинг ҳаққонийлигига шубҳа қолдирмайди. Бу ҳақиқатлар қуйидагилардан иборат:

Тиббиёт ва фармакология соҳасида Ғарбда янги давр медицинаси тараққиётига Закарийе ар-Розий ва Абу Али ибн Синонинг қадим замонларда латин тилига таржима қилинган китоблари асос бўлган. Европада жарроҳлик ва фармакология илми ҳам ана шу йўсинда тараққий топган. Кичик қон айланиш доирасини европаликлардан анча замонлар олдин (XIII асрда) Дамашқ ва Қоҳирада яшаган табиб Ибн ан-Нафис кашф этган. Буюк табибнинг бу ҳақдаги асарини XVI асрда итальян олими Андреалбакуо араб тилидан латинчага ўгирган (немис олими доктор Майёргоф берган маълумот).

Кимё соҳасида — Абу Райҳон Берунийнинг кимёвий моддаларнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш соҳасида ўтказган тажрибалари ва эришган ютуқлари Ғарб олимларини ана шу

йўналишдаги тадқиқотларни бошлаб юборишга дастур ва туртки бўлган.

Математика, оптика, география соҳасида — Жазоирда ўсиб улғайган Леонардо да Винчи Муҳаммад ал-Хоразмийнинг математикада жорий этган ўнлик ҳисоблаш системаси ҳақидаги билимини ўз ватани Италияга олиб келган ва уни бутун Европага тарқатган. IX асрда яшаб ижод этган Идрисий (география) ҳамда Ибн ал-Ҳишам (оптика) асарларининг араб тилидан лотинчага қилинган таржималаридан сўнг мазкур фан соҳалари Леонардо да Винчи ва Кеплер томонидан ривожлантирилган.

Италиянинг эроншунос олими Александр Баузани ўрта асрларда араб ва форс тилларидан 70 дан зиёд илмий рисола-лар лотин тилига афдарилганини қайд этган<sup>1</sup>.

Форобий билан Абу Али ибн Сино юнон олими Афлотун (Платон) асарларини ўрганадилар ва шарҳлайдилар. Профессор Ш. Шомухаммедов Бельгия олими Жак Дюшен Хийеменнинг зардушт гуманизмига бағишланган тадқиқотиغا асосланиб, «Афлотун фалсафасига қадим эрон фалсафий фикрининг таъсири бўлган»лигини қайд этади<sup>2</sup>. Худди шунингдек, Форобий ва Ибн Сино ижоди таъсирида камол топган араб файласуфи Ибн Рушд «токи шу араб уни (Арастуни) тирилтириб, қоронғилик ва жаҳолатга ботиб қолган Европага олиб келгунича, Аристотель қадимги дунё вайроналари остида кўмилиб ётар эди»<sup>3</sup>, дейди.

Александр Баузани берган маълумотга кўра, Данте даврида «Меърожнома» буюк итальян мутафаккири билган лотин ва қадимги француз тилларига таржима қилинган. А. Баузанининг фикрича, «...шак-шубҳа қолмайдик, Данте ўз «Илоҳий комедия»сининг ташқи қурилишини тузишда ислом маданиятидан бир қадар фойдаланган. Аммо «Илоҳий комедия»нинг ички мазмунини нуқтаи назардан ҳам Данте ислом (Шарқ) таъсиридан холи қололмади...»<sup>4</sup>. А. Исаакяннинг «Абул Аъло ал-Маъаррий» достонини ўзбек тилига ўгирган (1976) шоир Асқад Мухтор ҳам мазкур таржиманинг муқаддимасида араб олимининг (973 — 1057) «Рисолаи урфон», «Аллузумият», «Рисолаи малонка» номли шеърӣ-фалсафӣй трактатлари муаллифи эканлиги, «Рисолаи малонка» асарининг сюжети Дантенинг «Илоҳий комедия» сига асос бўлган, деган фикрлар борлигини айтиб ўтади.

Ш. М. Шомухаммедовнинг далолат беришича, Ҳофиз ижоди Шарқ Уйғониш даврининг чўққисин ёки Ғарб Уйғониш даврининг арафаси бўлган. Шоир «бир томчи қон, аммо минг андиша» эга-

<sup>1</sup> А. Баузани. Таъсири ислом ва Ирон дар Фарҳанги Италиёи, нашри Доппишқадан адабиёти Исфихон, Шўморан 2, 3, соли 1345, саҳ. 119. (Қаранг: Ш. Шомухаммедов. Гуманизм — абадийлик ялови, Тошкент, 1974, 53-бет.

<sup>2</sup> Шонислом Шомухаммедов. Гуманизм — адабийлик ялови, 52-бет.

<sup>3</sup> А. И. Герцен. Письмо об изучении природы. М., 1944, с. 95.

<sup>4</sup> Таржима Ш. Шомухаммедовники (54).

си бўлган киши дилига саёҳат қилади, унинг бутун кўча-кўйини, ҳамма пастлик-баландликларини, ўтмиш тарихи ва келажак орзуларини, яраларини ва гулчечакларини, заифликлари ва қудратини яхши билиб олади (51).

Ҳофиз шеърларининг русча таржимасига ёзган муқаддима-сида таниқли рус шоири А. Фет қуйилганларни эътироф этган эди: «Бизнинг шоир билан ҳатто юзакигина танишиб чиқишимизнинг ўзи ҳам икки шубҳасиз ҳақиқатнинг гувоҳи бўла олади. Биринчидан, шоирлар ва мутафаккирлар йиғида бизни ҳайратда қолдираётган юксакликни кишилик руҳи аллақачон қўлга киритган; иккинчидан, қайси тупроқда ва қайси даврда униб ўсганлигидан қатъи назар, ҳақиқий поэзия чечаклари асло сўлмайдилар»<sup>1</sup>.

### АДАБИЙ АЛОҚА ВА БАДИИЙ ТАРЖИМА

Халқлар ҳеч қачон бир-бирларидан мутлақ ажралган ҳолда яшашлари мумкин бўлмагани сингари, уларнинг моддий ва маданий ёдгорликлари, адабиёти ва санъати ҳам ҳеч қачон фақат бир миллий чегара доирасида «соф ҳолда» сақланиб қолмаган.

Инсоният яратган энг яхши санъат ва адабиёт намуналари чегара билмаган, гоҳ ўзгариб, гоҳ қисқариб, гоҳ қўшилиб-чати-либ эллардан-элларга, тиллардан-тилларга кўчиб юрган. Шунинг учун бундай умуминсоний маданий ёдгорлик бўлиб қолган асарларнинг аниқ текстологик нусхаси — аслини тиклаш у ёқда турсин, баъзан ҳатто уларнинг «ватанини» аниқлаш ҳам мушкул бўлиб қолади.

Инсоният XX асрга келиб ўта «ақлли» электрон-ҳисоблаш машиналарини яратди, одамзод ўзига монанд автомат-роботлар ясади, уларни соф инсоний функцияларни бажариш — шахмат ўйнаш, музика чалиш-у, ҳатто таржима қилишга «ўргатиш» устида астойдил бош қотирмоқда. (Инглиз тилидан ўзбекчага дастлабки автоматик таржима натижалари қўлга киритилди.) Инсон даҳоси шу даража юксалдики, эндиликда ўз бешиги — она-Ердан коинот бағридаги ўзга сайёраларга саёҳат қилиш учун сафар «жабдуқлари»ни ҳозирламоқда.

Лекин бани Инсон — одамзод қалбини фақат кибернетика, электроника, чексиз катта жисмлар, бепоён коинот ва чексиз кичик зарралар, сайёралараро ва сув ости саёҳатлари ҳақидаги замонавий илмий-фантастик мавзуларгина эмас, балки ҳамон ўша-ўша «очил-дастурхонлар», «учар гиламлар», «етти қароқчилар», «уч оғайни ботирлар», «кўринмас қалпоқчалар», девлар, канизаклар, ялмоғиз кампирлар, аждаҳо ва ҳайвонлар, гавҳари шамчиروқлар ҳақидаги афсоналар ўзига жалб этади, қизиқтиради, ҳаяжонга солади.

Эрамиздан олдинги учинчи минг йилликда, тош даврининг тугаши, металл даврининг эндигина бошланишида бобиллар

<sup>1</sup> А. Фет. Полное собрание стихотворений. Издание А. Ф. Маркса. СПб, 1912, т. II, с. 197.

яратган Гилгомиш ҳақидаги, ибтидоий моддий маданият ёдгорликлари, одамлар ўртасидаги «дағал» муносабатларни акс эттирувчи дostonни ҳозирги замон тилларига таржима қилиш, асарда тасвирланган ҳайратомуз воқеаларга сидқидил «пшониш»дан ҳамон ўзимизни тия олмаймиз. «Гилгомиш»дан минг йил кейин яратилган, қадимги юнон мифологик ва ижтимоий воқелигини тақрорланмас бир тарзда бадний акс эттирувчи «Илиада» ва «Одиссея» дostonларини ўз тилига таржима қилиш айни миллатнинг нимага қодир эканини кўрсатиш тимсолига айланди. Бу ажойиб дostonлар («Минг бир кеча», «Маҳобҳарата», «Панчатантра» ёки «Анвори Сухайлӣ», «Қалила ва Димна», «Манас», «Алпомиш», «Илья Муромец», «Игорь жангномаси» ва бошқалар) дунёдаги жуда кўп тилларга қайта-қайта таржима қилинади, таржима воситаси билан бу асарларни ўз миллий маданиятлари ҳодисасига айлантириш учун бутун умрларини сарф қилган таржимонлар, зукко кишилар, ақл ва истёдод эгалари кўплаб топилади. Буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний ҳам Гомернинг «Илиада» дostonидан хабардоргина эмас, ундан айрим парчаларни таржима ҳам қилганлиги маълум.

Кўп асрлик адабий анъанага эга бўлган миллий адабиётларнинг ҳаммасида ҳам таржима ўзига муносиб ўринни ишғол қилади. Бинобарин, дадил айтиш мумкинки, таржима тарихини яратмай, таржиманинг ҳар бир даврда қандай қонуниятлар асосида ривожлангани, айни миллий адабиёт тараққиётида қандай таржима мактаблари ташкил топганлиги ва бу таржималар жаҳон маданиятини ривожлантиришда қандай роль ўйнаганини аниқламай туриб, ўша миллий адабиёт тарихини тўла, мукаммал ёритиш мумкин эмас. Чунончи, араб эртаклари «Минг бир кеча», ҳинд масаллари «Қалила ва Димна», Шайх Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Қайковус бин Вашмгиннинг «Қобуснома», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Мирзо Абдулқодир Бедилнинг «Комде ва Мудан» асарлари, Умар Хайём рубойлари, Ҳофиз Шерозий ғазаллари, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий дostonлари хоҳ аслида бўлсин, хоҳ турли-туман таржималарда бўлсин, етти иқлимда яшовчи кўпчилик Шарқ халқларининг авлод-аждодларини юксак инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Жаҳон классик адабиётининг бу улуғ намоёндалари яратган ўлмас асарлар турли-туман таржималар ва «қайта ишлов»лар билан ер куррасида яшаётган кўпчилик халқларга бориб етган. Буюк даҳолар: Абу Али ибн Сино билан Абу Райҳон Беруний, Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, ал-Фарғоний, Улуғбек, Заҳириддин Мухаммад Бобир ва бошқа кўп олимларимиз Европа фани тарихида бутун бир даврни ташкил этадилар.

Худди шунингдек, буюк инглиз драматурги Вильям Шекспир, Жорж Ноэл Гордон Байрон, немис адабиётининг икки порлоқ юлдузи Фридрих Шиллер билан Иоганн Вольфганг Гёте, забардаст француз романистлари Виктор Гюго ва Оноре де

Бальзак, рус шеърятининг сўнмас қуёши Александр Сергеевич Пушкин билан гениал адиб Лев Николаевич Толстой номларисиз япон, хитой, корейс, эрон, турк, ҳинд, пушту ва бошқа кўплаб, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари адабиёти тарихини ўрганиш муқаррар суратда бир ёқламаликка олиб келган бўлар эди.

Таржима тарихини чуқур ўрганиш фақат умумий маданий юксалиш жараёни ёки муайян миллий адабиёт тарихини ўрганишдагина эмас, балки ўша адабиётнинг ҳозирги тараққиёт жараёни, хусусияти, адабий алоқалар қўламини тадқиқ этиш, ривожланиш истиқболини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Филология фанлари доктори Жуманиёз Шарипов Ўзбекистонда таржима тарихини ўрганишда қизғин фаолият кўрсатди. Октябрь революциясигача бўлган давр ўзбек таржимачилиги тарихини у кенг миқёсда ўрганди. Олимнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» монографиясида номлари унутилиб кетган юзлаб таржимонлар, жуда кўп таржима асарларининг номлари келтирилади, уларнинг айримлари қисман таҳлил қилинади. Албатта, бу ҳали ғоят бой таржима тарихимизни ўрганишдан иборат катта, мураккаб ишнинг бошланишидир, холос. Лекин ана шу қутлуғ ишни Жуманиёз Шарипов илк дафъа бошлаб берганини қайд этмоқ лозим. Агар у яратган монография фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки, «Рус ёзувчилари таржима ҳақида» («Русские писатели о переводе») номли хрестоматия китобини назардан соқит қилганда, бутун Иттифоқимизда баринчи тажриба экани эътиборга олинса, адиб амалга оширган тадқиқотнинг аҳамияти янада ошади. Кейинги йилларда Нажмиддин Комилов, Ваҳоб Раҳмонов, Ҳамид Ҳамидов, Мунира Каримова, Неъматжон Отажоновлар ёқлаган кандидатлик диссертациялари ва ҳозирда олиб борилаётган илмий текшириш ишлари республикамызда катта таржима тарихини яратишга жиддий киришилганидан дарак беради.

Бадий таржима ва  
адабий анъана

Ўзбек классик адабиётида айрим бадий-эстетик ҳодисалар оригинал ижодга қараганда эртaroқ, бадий таржима туфайли содир бўлганлиги кўзга ташланади. Чунончи, форс-тожик адабиётида анъана тарзида шухрат қозонган ҳамсачилик ўзбек адабиётига илк дафъа таржима адабиёти сифатида кириб келди. Алишер Навоийнинг забардаст «Ҳамса»си ёзилгунига қадар Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»и таркибидаги «Маҳзанул асрор», «Хусрав ва Ширин», «Искандарнома» достонлари ўзбек тилига XIV асрнинг ўрталари ва XV асрнинг бошларида ўгирилган эди. Бу таржималар ўзбек адабиётида ҳамсачилик анъанасининг қарор топишида муҳим омил бўлганлиги шубҳасиз<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ваҳоб Раҳмонов. Шероз булбули наволари. «Таржима санъати». Тўртинчи китоб. Тошкент, 1978, 252- бет.



Бадний тафаккур меваси бўлмиш сўз санъатининг тур ва хиллари, услуб ва усуллари ранг-баранг бўлганидек, унинг таржимасида ҳам хилма-хил тадбирлар, йўллар, усул ва услублар мавжуд. Халқлар узоқ асрлар давомида ўз тиллари ва дидлари талабига мос келадиган шеърини формаларни ижод қилганлар. Шеърини соҳасидаги бу тарихий-бадний тажриба анъана тусига кириб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Турфа поэтик жанрлар ҳар бир халқнинг бадний ижод дурдоналарини ўзига акс эттириш билан бирга, айни пайтда умумжаҳон шеърини хазинасининг ноёб мулкига айланган. Жаҳон шеърини пинг бисотида бир қанча халқлар учун муштарак интернационал жанрлар ҳам, бир ёки икки халқдагина мавжуд «соф миллий» жанрлар ҳам бор.

Бу ҳол бадний таржима олдига қўшимча равишда яна бир қанча муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Тиллар орасидаги соф лисоний фарқ натижасида поэтик асар таржимасида ўзига хос миллий, интонация, вази, қофия, услуб ва ҳоказо масалалар билан бирга, жанр проблемаси ҳам кўндаланг бўлиб туради. Бундан аввал ўқувчига нотаниш бўлган муайян шеърини форма, бошқа миллат вакили учун «галати» бўлиб туюладиган бу бадний-поэтик янгиликни қандай етказиш керак? Агар уни ўзгартирмасдан, айнан «ўзидай» сақланса, китобхонга ҳазм бўладими? Башарти, ҳазм бўлмаса, ўз ватан адабиётида мавжуд шеърини форма билан алмаштирсачи? Бу сингари бири-бирига зид масалаларни ҳал қилиш мумкинми? Аввало, жанр масаласи шунчаки шакл масаласи эмас. Унда муайян халқнинг асрлар давомида таркиб топган бадний анъанаси, психологияси ифодаланган бўлади. Бу томондан жанр муаммоси миллийлик ва услуб билан чамбарчас боғлиқ. Жанрнинг ўзига хослигини таржимада акс эттириш ўзга халқнинг миллий хусусиятларини беришга уриниш демакдир. Бу эса бадний таржима назариясининг жанр спецификаси билан боғлиқ махсус проблемалари ҳам борлигидан дарак беради. Буни атрофлича ўрганиш учун жаҳон шеъринида бир неча жанр таржимасини қиёслаш ва бу соҳада орттирилган тажрибани назарий асосда умумлаштиришга тўғри келади.

#### **Жанр «айирбошлаш» тажрибалари**

XVIII асрда рус адабиётида яратилган таржималарда асарни русларнинг таъбдидига «мослаштириш» майли ҳукм су-  
рар эди: китобда учраган номлар ва хорижий турмуш тахлитига доир тушунчалар русча номлар ва рус миллий тушунчаларини акс эттирувчи сўзлар билан алмаштирилди. Бундай усул бarcha Ғарбий Европа давлатлари адабиётида, хусусан, француз адабиётида ҳукмрон эди.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яратилган шеърини таржималарда ҳам хорижий ёзувчининг асарини рус миллий турмуш тахлитига мослаштиришга уриниш кайфияти сезилиб туради. Масалан, Буалонинг ҳажвий асарларини таржима қилганда Парижни Москва билан алмаштириш ҳодиса-

сини кўрамиз. Дунёқарашлари бир-биридан жиддий фарқ қилган икки шоир — В. А. Жуковский ва П. А. Катенин Бюргернинг «Леонора» номли балладасини таржима қилар эканлар, асарда тасвирланган воқеаларни Жуковский XVI аср Россияси шароитига, Катенин эса Пётр I замониغا кўчиради. Бунда ҳатто асарнинг номи ҳам ўзгариб кетган, дастлаб «Людмила» деб олинган бўлса (1808 йил), сўнгра «Ольга» деб таржима қилинган (1816 йил). Асар воқеаларини бу тариқа ўзгартиришдан ҳар икки шоирнинг ҳам мақсади уларга русча маъно бериш ва ёзувчининг ғоясини рус воқелигига кўчиришдан иборат эди. Таржимонларнинг бундан бўлак бирон махсус сиёсий муддаоси бўлмаган, албатта. Аммо В. С. Курочкин француз демократ шоири Беранже кўшиқларини таржима қилганда уларга русча ном ва русларнинг турмушига хос баъзи «тафсилот»ларни қўшар экан, бундан унинг муайян сиёсий мақсади борлиги сезилди: В. С. Курочкин бу билан Беранже кўшиқларига шунчаки русча колорит бахш этиш эмас, балки француз шоирининг асарларидан келиб чиқадиغان ғоявий хулосаларни рус турмушига татбиқ қилишга интиланган эди.

Машҳур рус романтик шоири Василий Андреевич Жуковский (1783 — 1852) XIX асрнинг йирик таржимон шоирларидан бири эди. У лотин, инглиз, француз, немис ва қадимги рус тилларидан таржима қилган. Ўз таржималари билан Гёте, Шиллер, Бюргер, Цедлиц ва бошқа шоирларнинг ажойиб баллада ва шеърларини, Мур, Байрон, В. Скоттнинг поэмаларини рус тилида қайта тиклашга ҳамда уларни унутилмас тарихий ёдгорлик қилиб қолдиришга муяссар бўлди. 1830 — 1840 йилларда В. А. Жуковский Мерименинг «Матео Фальконе», Ламот Фукенинг «Ундиана» повестларини, Перро ва ака-ука Гриммларнинг эртақларини ўз таржималарида насрий асосдан шеърӣй заминга кўчирди. В. А. Жуковский умрининг охириги йилларида Гомернинг «Одиссея» достонини тўла таржима қилиб тугатишга мушарраф бўлди. Худди ана шу даврда у «Нол ва Домоянти» номли йирик ҳинд достонини Рюккерт қилган немисча таржимасидан рус тилига ағдарди.

В. А. Жуковский 1848 йилда П. А. Плетневга ёзган хатида шуҳрат қозониш учун эмас, балки ватанга маданий ёдгорлик қолдириш мақсадида таржима қилишини айтади. Худди шу фикрини у Гомернинг «Одиссея» достони таржимасига кириш сўз ўрнида ёзган мақоласида ҳам такрорлайди. «Ҳозирча менинг асосий мақсадим амалга ошди,— деб ёзади у,— Гомернинг илҳом париси кекса умримнинг кўпгина соатларини зар билан беэади. Гомернинг содиқ вакили бўлиш... Аммо қандай қилиб, Гомер тилини билмаган ҳолда, унинг помидан русча гапириш мумкин, деб сўрарсиз...». Шундан сўнг таржимон бу ажойиб достонни, юнон тилини билмаган ҳолда рус тилига ўгирганини ҳикоя қилади. Чунончи, у Дюссельдорфда яшаган вақтида Гомер асарларини шарҳлаш иши билан шуғулланувчи қадимги юнон тили ва адабиёти мутахассиси бўлган профессор



Грасгоф билан танишади. Грасгоф бутун дostonни асл нухасида қўлда кўчириб, ҳар бир юнонча сўзнинг остига унинг немисча маъносини ёзиб чиқади ва, ўз навбатида, ҳар бир немисча сўзнинг остига юнонча сўзнинг грамматик маъносини қайд этади. Бунинг натижасида «Одиссея» дostonнинг тўла сўзма-сўз маъноси акс этирилган таржимаси яратилади. Таржимоннинг кўз ўнгидан бинонинг барча материаллари муҳайё бўлиб, энди уларни яхлит ва гўзал бир шаклга келтириш лозим эди, холос. Бошқача айтганда, сўзма-сўз ағдарилган мисраларнинг остидан шоирона дид билан нафосатни қидириб топиш, қулоққа қўпол эшитиладиган товушлар мажмуидан мусиқий оҳанг кашф этиш даркор эди. В. А. Жуковский бу мушкул муаммони шараф билан бажара олди.

Н. В. Гоголь мазкур таржима ҳақида гапирар экан, бу шунчаки таржима эмас, балки Гомернинг қайта яратилиши, тикланиши ва тирилишидир, деб баҳо берган эди.

Бир асар аини бир даврнинг ўзида ҳам турлича усул билан, ҳатто бошқа-бошқа бадний жанрларда таржима қилинган бўлиши мумкин. Чунончи, А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асари 1899 йил 24 июлда «Туркистон вилоятининг газети»да аввал насрий, ўша йили шеърий таржимада босилиб чиқди. (Насрий таржима Али Асқар ибн Байрам Али Калинен томонидан тузилган «Муаллим ус-соний» хрестоматиясидан ҳам ўрин олган.) Шунингдек, А. С. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ҳам аввал насрий, сўнгра шеърий таржималарда нашр қилинди.

Бир асарни насрий ва шеърий йўл билан таржима қилиш ҳодисасини фақат ўзбек тилига таржима қилиш амалиётида юз берган қандайдир фавқулodда бир аҳвол деб қараш, бу таржималарни асл нухага нисбатан бир назира, шунчаки «бадний иш» деб талқин қилиш таржима тарихига объектив ёндошмасликдан келиб чиқади. Ҳақиқатда эса бошқа халқлар адабиётида ҳам насрий таржима орқали шеърий таржимага ўтиш ҳодисаси кўп учрайди.

Мутахассислар Европа адабиётларининг тараққиёти жараёнида шеърий таржима санъатининг ҳар хил миллий концепциялари қарор топганлигини қайд этадилар. Чунончи, француз концепцияси шеърий текстнинг маъносини акс этиришини ва шунинг учун шеърий формаларнинг ортиқча қийинчиликларини улоқтирган ҳолда, унинг мазмунини насрий йўл билан қайта тиклашни талаб этади; бундай қараш классицизм даврида қарор топди ва бу унинг эстетик принципларига мувофиқ келади.

Рус тилига таржима қилиш тарихида ҳам шеърий асарни насрий йўл билан ва, аксинча, насрий йўлда ёзилган асарни шеърий усулда таржима қилиш тажрибаси кўп учрайди. Масалан, қадимги юнон шоири Фенелоннинг «Улисснинг ўғли Телемахнинг бошидан кечирганлари» (1699) номи насрий романини рус шоири В. Треднаковский «Телемахид» номи остида шеър билан ағдарган. Тредиаковский Фенелоннинг романини номаъ-

лум оригиналдан француз тилига насрий йўл билан ўғирилган қаҳрамонлик поэмаси деб қабул қилади ва классицизм принципига асосан, ўз олдига Фенелон «таржимаси» оша идеал «асл нусхага» эришиш мақсадини қўйган.

Рус шоири К. Н. Батюшков ҳам насрий асарни шеър билан таржима қилган (масалан, у Эварист Парнининг «Мадагаскар қўшиғи» ва «Булоқ» номли насрий асарларини шеърый йўлга солиб ағдарган). Рус романтик таржимасининг йирик вакили В. А. Жуковский эса шеърни безакдор наср деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам насрий асарни шеърый йўл билан таржима қилишни табиий ҳол деб билар эди.

Фенелон-Тредиаковскийнинг «Тилемахида»си, Ламот-Фуке-Жуковскийнинг «Унди́на», Мериме-Пушкиннинг «Ғарбий славянларнинг қўшиқлари» номли асарлари насрий текстларни шеър билан таржима қилиш намунаси бўла олади.

В. Г. Белинскийнинг айтишича, «Европадаги деярли барча адабиётларда драмаларнинг ярим улуши назм ва ярим улуши наср билан ёзилган Шекспирнинггина эмас, балки фақат шеърый йўл билан ижод қилган барча классик авторлар асарларининг аниқ насрий таржималари мавжуд»<sup>1</sup>. Бироқ бу билан биз назмни нуқул наср билан ўғириш зарур деб айтмаймиз, — изоҳ беради адиб. Аксинча, фақат шеърый таржималаргина уларнинг асл нусхалари ҳақида тўғри тасаввур туғдириши мумкин. Аммо бунинг учун шундай таржимонлар керакки, улар ноёб исъёдодли шоир бўлсинлар. Автор В. А. Жуковскийни ана шундай таржимон шоир деб ҳисоблайди. Чунки унинг таржималари таржимадан кўра кўпроқ оригинал асарни эслатади. Лекин шундай ҳолда ҳам, немис ва инглиз тилларини билмаган китобхон Шиллер ва Байроннинг шеърый таржималарини ўқиганида, таржимон асл нусханинг қайси жойларини тўғри ва яхши чиқара олгани ёки бунинг уддасидан чиқмаганини чопиштириб кўриши учун уларнинг насрий таржималарига ҳам эга бўлса, китобхоннинг асар билан чуқурроқ танишиши ва уни ўрганишига қулайлик туғдирган бўларди.

Ҳар бир таржима асарини ўша таржима яратилган давр билан боғлиқ ҳолда, тарихийлик принципи асосида ўрганиш лозим. Бундай қоидага амал қилмаслик таржима асарларининг сифатини, таржимоннинг хизматини ва ҳар бир давр таржимачилигининг асосий тенденцияларини баҳолашда жиддий хатога ёки бир ёқламаликка олиб келиши турган гап.

Албатта, бундан йигирманчи ва ўттизинчи йилларда яратилган таржималарни таҳлил қилганда ярим аср олдинги савия мавқеидан туриб иш кўриш керак, деган хулоса чиқариш ярамайди. Бу — тарихийлиқни сохта тушуниш бўлар эди. Ҳамма гап таржимон олдига қандай талаб қўйишда ва ундан нимани талаб қилишдадир. Ҳар бир таржимон ёки конкрет таржима асарининг ютуқ ва камчиликларини қайд этганда давр хусу-

<sup>1</sup> Қаранг: «Русские писатели о переводе». Изд. второе, Л., 1955, с. 214.

сиятини ҳисобга олиш лозим. Тилнинг доимий ривожланиш жараёнида бўлиши, тил лугат составининг тўхтовсиз янгиланиб бориши унда эски сифат элементларининг ўлиши ва янги сифат унсурларининг туғилиши, таржима диалектикаси ва ўқувчининг таъриғарлик (маданият ва саводхонлик) даражаси — буларнинг ҳаммаси муқаррар эътиборга олинмоғи даркор. Чунки таржимада муайян бир давр учун зарур ҳисобланган талаб бошқа давр таржимаси учун шартгина эмас, ҳатто номатлуб бўлиб қолиши ҳам мумкин. Зотан, улкан инқилобий ўзгариш шароитида: 1917 — 20-йиллардаги — 5 процент, 1924 йилга келиб — 15 процент, 1935 йилда — 65 процент, 1940 йил арафасида — 100 процентга етган саводхонлик, турлича илмий-маданий савия, узлуксиз тил тараққиёти шароитида бир хил, сидирға таржималарнинг бўлиши мумкин эмас. Турли даврлар, турли тараққиёт суръати, турлича талаб — булар турли-туман таржималарнинг яратилишига замин яратган, бинобарин, уларнинг барчасини ягона, бир хил мезон билан баҳолаб бўлмайди.

## ТАРЖИМА ТАРИХИ САБОҚЛАРИ

**Назарий принципларнинг ворисийлиги** Ўзбекистонда таржимашунослик фани жадал суръат билан ривожланаётган экан, сабаби, бизда унинг яратилиши, катта нстиқбол сари бориши учун зарур адабий-тарихий анъана, лисоний-услубий замин, материал, шароит мавжуд. Ўлкаминда таржима назарияси бўш-тақир ерда эмас, балки кўп асрлик таржима амалиёти қарор топиб, маданий ҳаётда томир отган турли таржима мактаблари тўплаган бой, ранг-баранг тажрибалар асосида туғилди.

Тўғри, таржимашунослик, фан сифатида янги, Октябрь революциясидан кейин қарор топди ва тараққий этмоқда. Бироқ унинг илдиэлари узоқ тарихий замонларга бориб тақалади. Албатта, Октябрь инқилобидан олдин таржимашунослик бўйича махсус рисола ёки қўлланма яратилгани маълум эмас. Лекин, масалан, Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн» номли ажойиб лингвистик асарида турк (қадимги ўзбек) тилининг хусусиятлари, унинг ранг-баранг тасвирий воситалари, потенциал имкониятлари ҳақида бой фактик далиллар, маълумотлар келтирилган, тилимизнинг бой лугавий, услубий қуввати азамат адабий тил ҳисобланмиш забони форсий билан қиёсий планда исботланган экан, булар ҳаммаси, шубҳасиз, таржима илми учун ҳам муҳим назарий база эди.

«Хамса»да тил билан тафаккурнинг узвий бирлиги, мазмун билан шаклнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар таржима диалектикасининг айни мағзини ифодалайди, назариянинг пойдеворини яратишга хизмат қилади. Хуллас, таржимачилликда шу қадар бой, мазмунли тажриба азалдан мавжуд эдики, тарихий тажрибага нисбатан гапирганда ҳам, таржимашунослик хусусида қарор топа бошлаган, фақат ш а к л л а н и б

етмаган фан сифатида гапиришимизга барча асослар бор.

Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» ёзган докторлик ишидан ташқари (1968), Ҳамид Ҳамидов Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си (1967), Ваҳоб Раҳмонов Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» дostonларининг ўзбекча таржималари (1968) юзасидан илмий тадқиқотлар яратдилар. Наминдин Комилов буюк ўзбек шоири, забардаст таржимон Муҳаммадризо Огаҳийнинг бадийи маҳорати ҳақида диссертация ёзди (1970). Анвар Ҳожиаҳмедов эса XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида рус классик адабиётидан қилинган илк таржималар ва уларнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги аҳамияти мавзусини ёритди (1963). Мунира Қаримова «Қалила ва Димна» таржималари юзасидан тўпланган адабий-тарихий сабоқларни умумлаштирди (1978).

Мавжуд тарихий тажриба асосида яратилган бу илмий ишлар: ўша «айтилмаган», лекин амалда асосланган муайян назарий қарашларни рўёбга чиқарди: «номланмаган», лекин амалда татбиқ қилинган назарий принципларни талқин этди: «шарҳланмаган», лекин амалда қўлланилган назарий эътиқодни асослаб берди.

Ҳозир, асосан, тарихий-илмий аҳамиятга эга бўлиб қолган катта таржима адабиётини яратган адиблар назария соҳасида ҳамма нарсани фақат жумбоқ ҳолида қолдириб кетганлар, деб ҳисоблаш умуман тўғри эмас. Баъзан улар таржима қилинаётган муаллиф ва унинг ижодига муносабат билдирганлар, таржима қилиш йўл-йўриқлари ҳақида фикр баён қилганлар, баҳслашганлар, асл нусханинг барча бадийи-эстетик хусусиятларини китобхонга мукамал етказиш учун ўз таржималарига муқаддима, шарҳлар ёзганлар. Масалан, мулла Муродхўжа Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини ўзбек тилида нашр қилар экан, китоб ҳошиясида тушунилиши қийин бўлган арабча ва форсча сўз, таркибларга изоҳ беради. Муродхўжа «Сабаби таржимаи «Гулистон» деган муқаддима ёзиб, унда Саъдийнинг ҳаётини ёритишдан ташқари, бу асарни таржима қилиш хусусиятларини баён этади. Шуниси диққатга сазоворки, китобнинг охирида замонасининг илгор кишилари, шоир Саид Аҳмад Васлий Самарқандий, домла Абдуқодир Кошғарий, домла Турсун Муҳаммад Аълам Султоний, мавлоно Юсуф Сайрабий, мавлоно Камий, Сидқий Хондайлиқийлар «Гулистон»нинг Муродхўжа таржимасига тарих ва соқийнома бағишлаганлар<sup>1</sup>.

Муҳаммадризо Огаҳий шоир Ҳиллолийнинг «Шоҳу Гадо» дostonини ўзбек тилига ўғирар экан, «Бу қисса таржимасининг боиси» ҳақида шундай ёзади:

Форсий лафз ила эрур маънум,  
Аҳли атроқ аро эмас мафҳум.  
Турк алфози бирла айла баён,  
Назм баҳри ила ул гуҳарафшон.

<sup>1</sup> Қаранг: Жуманиёз Шарипов. Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар. Тошкент, 1972, 134 — 136-бетлар.

Нухани вазни бирла маснавий эт,  
 Барча байтини баҳри маънавий эт.  
 Чушқи доно мусаннифи онинг,  
 Назм қилғон муаллифи онинг.  
 Хар на сўздин қилибдурур таҳрир,  
 Байт-барбайт айладим тақрир.  
 Барча сўзим дедим — онинг сўзидур,  
 Мен демайким, деган онинг ўзидур.  
 Гўйне мен онинг тилдурмен,  
 Тутғали хомани алдурмен<sup>1</sup>.

**Алишер Навоий ва  
 Христофор Арманий**

1557 йилда Венецияда италян тилида «Шоҳ Сарандибнинг уч навқирон ўғлонларининг қандай қилиб зиёратга боргани», жаноб Христофор Арманий форсийдан италян тилига ўғирган» деган ном остида бир китоб нашр қилинади. Бу асар европалик китобхонлар ўртасида шуҳрат топади, шу боисдан уни иккинчи марта нашр қиладилар. Орадан чорак аср ўтгач, 1583 йилда ўша нарсанинг ўзи немисча таржимада босилади. Энди номи бундай ўзгаришга учраган эди: «Сарандиб шоҳи Жаъфарнинг уч ўғлони бошидан кечирган янги ҳайратомуз саргузаштларнинг биринчи қисми ғоят нафосат ва фасоҳат билан ҳикоя қилинмиш, эндиликда Базель шаҳрининг фуқароси Иоганн Ветцель томонидан италян тилидан немисчага янгидан таржима қилинмиш». Немис тилида ҳам бу китоб қайта-қайта нашр этилган. Худди шу текст француз (1719), голланд (1766) тилларига ҳам ағдарилган. Бу асар икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда қандай қилиб Сарандиб шоҳи ўзининг уч ўғлини оқил ва доно қилиб тарбиялагани ҳикоя қилинади. Болалар вояга етгач, шоҳ уларни ҳаёт тажрибасидан ўтказиш мақсадида саёҳатга юборади. Кўп саргузаштлардан сўнг улар Баҳром Гўрнинг қўлига тушадилар. Китобнинг иккинчи қисми Баҳром Гўр ва Дилором ҳақида ҳикоя қилади.

Европа олимлари мазкур саргузашт асарнинг муаллифини аниқлай олмайдилар. Бу муаммога, ниҳоят, профессор Е. Э. Бертельс жавоб беради: «Христофор китобининг биринчи қисмига, шубҳасиз, Амир Хисравнинг «Ҳашт биҳишт» дostonи манба бўлган, иккинчи қисмига келганда эса Баҳром ва Дилором воқеасининг бундай талқини фақат Навоийнинг «Сабъан сайёр» dostonидагина бор. Бошқа ҳеч қасрда йўқ»<sup>2</sup>.

Шу тариқа Алишер Навоий Европа мамлакатларига ташриф буюрган.

Демак, улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган машҳур «Сабъан сайёр» dostonи шоирнинг вафотидан атиги ярим аср ўтгандан кейин Христофор Арманий баёни ва таржимасида италян тилига кўчиб, ундан кейинги икки аср мобайнида немис, француз ва голланд тилларига тар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, 809-инвентарь, II, 152—153-бетлар.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. Навои. М.—Л., 1948, с. 81.

жима қилинган. Кейинги таржималарнинг хусусияти шундаки, улар бевосита асарнинг асл манбаидан эмас, балки Ғарбий Европа тилларидан бир-бирига ўгирилган. Бошқача айтганда, кўп босқичли таржима, воситали алоқа юз берган. Натижада бора-бора ҳатто асарнинг асл манбаи ҳам, унинг муаллифи ҳам унутилиб кетган. Бундай «кўп босқичли» таржималар таржимашунослик тарихида анчагина учрайди.

Грузияда Теймураз I «Вардбулбулиани» достонида шундай сўзларни келтиради: «Яхши нарсани кўрган киши уни қабул қилиши лозим. Фақат нодон ва жоҳил кишиларгина бунга тушунмайдилар». Академик К. Кекелидзе шу муносабат билан дейди: «Грузинлар бўлса «яхши» нарсани пайқамайдиган «нодон» ва «жоҳил» кишилар бўлмагани учун, улар жаҳон маданияти ёдгорликларини диққат билан кузатиб ва баҳоли қудрат уларни ўзлаштириб бордилар»<sup>1</sup>.

Ана шундай эркин таржима қилиб ўзлаштирилган асарлардан бири XVII аср грузин шоири Нодар Цицишвилининг «Баҳромғуриани» достони бўлиб, бунинг асоси озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ва ўзбек шоири Алишер Навоийга («Сабъан сайёр») бориб тақалади.

#### Ҳофиз ва Гёте

Буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте ўзининг машҳур «Ғарбу Шарқ девони» хусусида 1815 йилда Коттга ёзган мактубида мана бу сўзларни айган эди: «Менинг ниятим Ғарб билан Шарқни, ўтмиш билан ҳозирги замонни, форсий билан немисга алоқадор нарсаларни завқ-шавқ билан бир-бирига боғлаш ҳамда уларнинг урф-одатлари, фикрлаш тахлитини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қараш, бирини иккинчиси орқали тушунишдан иборат»<sup>2</sup>.

Ўз ҳаётида Краков шаҳридан шарқий томонга қараб бирон манзилга қадам қўймаган Гёте<sup>3</sup> форс шеърятининг жавоҳирлари билан Ҳаммер фон Пургшталнинг таржималари орқали танишишга муваффақ бўлди.

Гётенинг фикрича, Ҳофиз ижодида маҳорат ҳосил қилмаган киши Кальдеронни тушунмайди.

Буюк мутафаккир немис ва форс адабиётлари, бу икки халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти ҳамда тушунчаларидаги муштаракликдан завқланар экан, у муайян икки миллат, икки адабиёт ёхуд Ғарб билан Шарқ адабиётларидаги умумий ғоялар ҳақидагина гапирмайди, балки жаҳондаги барча халқлар ва жамики адабиётларга хос умумий белгилар, уларни бир-бири билан боғлаб турувчи умумий тараққиёт қонунларини кашф қилишга интилади. Буюк инсоппарварлик руҳи билан суғорилган ана шу эзгу интилишларнинг махражи сифатида у

<sup>1</sup> К. Кекелидзе. Метод и характер перевода в древнегрузинской литературе, т. VII, 169—183- бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Л. М. Кессель. Гёте и «Западно-восточный диван». М., 1973, с. 29.

<sup>3</sup> «Ҳофиз... Шероздан ҳеч қаёққа чиқмаган». Шонслом Шомухамедов. Гуманизм — абадийлик яловни. Тошкент, 1974, 51- бет.



биринчи бўлиб «жаҳон адабиёти» деган истилоҳ (термин)ни қўллайдн (1827).

«Шеърят,— деб ёзган эди Гёте ўзининг «Шеърят ва ҳақиқат» номли асарида,— айрим нозик таъб ва тарбиятли кишиларга авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган хусусий мулк эмас, балки жумлаи жаҳонга, барча халқларга хос истеъдодир»<sup>1</sup>.

Инсониятга, шеърятга, маданият тарихи ва тақдирига бундай қараш XIX асрда Фарбда ҳукм сўрган Шарқ халқларини «ўз тарихига эга эмас», бинобарин, унга Европа тарихчиларининг усулларини қўллаб бўлмайди, деган европоцентрик сохта «илмий» назариясига тамоман зид эди.

Немис шоирининг Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ғазалларини немисча таржимада ўқиши унинг ижодида сезиларли ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Аввало, у Ҳофиз ижодининг таъсири остида форс ғазалиёти услубида «Ғарбу Шарқ девони»ни тартиб берди. «Бу китоб<sup>2</sup> кўп нарсадан дарах беради,— деб ёзади ўз «Девон»ига ёзган шарҳларида,— у даврнинг эҳтиёжини қондиради... Уни ўқир эканмиз, биз худди ўзимизга таниш дунёга келиб қолгандай бўламиз...». Шу тариқа Гёте Шарқ шеърятидан топган ғоявий-сиёсий маслак билан ўз эътиқодларининг яқинлиги ва ҳамоҳанглигига ҳамда ундаги бадний услунинг ўзи яшаган давр шеъряти учун ғоят мақбул эканлигига ишора қилади.

Гёте нима учун ўзи яшаган даврдаги Германия ижтимоий-сиёсий зиддиятларини очиб ташлаш учун Шарқ адабиёти тажрибасига, жумладан, Ҳофиз ғазалларининг услуби ва шаклига мурожаат қилди, деган савол туғилиши табиийдир. Бунинг сабаблари қуйдагилардан иборат. Чунончи, Шарқ шеърятда шундай бир тил ва услуб ишланган эдики, унда ҳар бир сўз, ҳар бир байт, қолаверса, ҳар бир товуш (ҳатто ҳарф) бир нечта мажозий маъно англатар, дафъатан қараганда содда, беозор бўлган биргина калима ҳам чуқур ижтимоий мазмунга ишора қилган бўлиши мумкин. Худди шунинг учун Шарқ шеърятининг алломаларидан Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Бедил, Жомий, Лутфий, Навоий, Фузулийларнинг маъно тўла ғазалларини умуман адабиётда, қолаверса, ҳар бир шоирнинг ижоди бўйича махсус малака ҳосил қилмаган, «иктисослашмаган» кишининг ўқиб тушуниши қийин эди. Ҳатто буюк шеър даҳолари асарларининг номиданоқ ана шу мураккабликни пайқаса бўлади. Масалан, «Хамса»нинг биринчи дostonини Низомий Гаъжавий «Маҳзанул-асрор»— *сирлар хазинаси*, Хисрав Деҳлавий «Матлаул-анвор»— *нурларнинг туғилиши*, Абдурахмон Жомий «Тухфатул-ахрор»— *ҳикматлилар тўғриси* деб номласа, Алишер Навоий бунини «Ҳайратул-аброр»— *тўғри кишиларнинг таъжжубланиши* деб атади. Алишер Наво-

<sup>1</sup> Иоганн Вольфганг Гёте. Поэзия и правда. М., 1969.

<sup>2</sup> Ҳофиз ғазалларининг немисча таржимаси назарда тутилади.



ийнинг «Хазойинул-маоний» — *маънилар хазинаси* мажмуаси ҳақида шоир, адабиётшунос олим Мақсуд Шайхзода шундай деган эди: «...XV асрнинг лирик энциклопедияси, ҳеч шубҳасизки, «Хазойинул-маоний»дир. 47 минг мисрага яқин бир қуллиётни ўзига жам қилган бу китоб киши руҳининг энг хилма-хил ҳолатларини ўз ичига олади»<sup>1</sup>

Шарқ шеърятига хос ана шу сирлилик, полисемантизм, «лисонул-ғайб»\* Гётенинг этиборини ўзига жалб қилди. У юнбн шеърый системасидан топа олмаган нарсани Шарқ ғазалиётидан — Ҳофиз ижодидан топишга муяссар бўлди. Шарқ шеърятига хос ана шу абстракциялаш услуби Гётега ўз мухалифларига зарба бериш ҳамда «Девон» туфайли ажойиб классик шеърый мажмуани бунёд этишида жуда қўл келди.

Шу тариқа Гёте янгича шеърый усулга мурожаат этади. Бундай усулни у Ҳофиздан қабул қилади. Немис мутафаккири Ҳофизни «стилистик феномен» («ноёб услуб даҳоси»), «муқаддас Ҳофиз» деб атайди.

Гёте Ҳофизни «Шарқнинг Вольтери» деб билади. Шу сабабли у ҳам Ҳофиздай бўлишни орзу қилади. Немис шоири ўзини ғурур билан «Мажнун» ва «Ҳотами Той» деб атайди.

Адабий муштараклик  
ва типологик қиёс

Гёте Ҳаммернинг «форс суҳандонлиги» ҳақидаги асаридан сўфизм, мусулмон тасаввуфи ақидалари билан танишади.

Илоҳиёт билан муттасил мукаммаллашиб борадиган табиатнинг уйғунлигини тарғиб қилувчи сўфизмни Гёте «...маълум даражада ўз фалсафий системасига оҳангдош деб тасаввур қилади»<sup>2</sup>. Сўфизмда у инсоннинг илоҳиётга батамом қўшилиб кетгунча, тўғрироғи, унинг ўзи тангри даражасига кўтарилгунга қадар (аналҳақ\*) интилиши, «ёрга муҳаббати», бу муҳаббат йўлида «қурбон бўлиши» ғояларини топади. Бу мақсадга эришиш эса тўрт босқичдан иборат: биринчи босқич — шарият, иккинчи босқич — тариқат, учинчи босқич — ҳақиқат, тўртинчи босқич — маърифатдир. Ана шу босқичда ориф, яъни ҳақиқатга эришган инсон тангрининг висоли ва камолига эришади, унинг даражасига кўтарилади.

Инсоннинг ҳақиқатга эришуви ҳис-туйғуларнинг туғён уруши, авжга миниши ҳолатига нисбат берилиб, бу мастлик

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. Ҳазал мулкнинг султони (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси). Тошкент, 1972, 157- бет.

\* Ҳофиз ғазалиётининг илк ўзбекча нашрига (1958) бош бўлган проф. Ш. М. Шомухаммедов, руҳоний-тақводорлар шоирни илоҳийлаштириб, уни «Лисонул-ғайб», яъни арши аъло сирларидан хабардор киши деб тарғиб этганларини, Ҳофизнинг девонини ғайибдан хабар берувчи «фол китобга айлантириб юборганларини, унинг ижодини халқ орасида янада кенг ёйиш ва «ҳақиқий ўрганиш» Октябрь инқилобидан кейин бошланганини таъкидлайди. Умуман, Шарқ шеърятига пурмаънолилик масаласига келганда, бу фақат Ҳофиз эмас, балки бошқа зарбадаст шоирлар ижодида ҳам ҳосдир.

<sup>2</sup> Л. М. Кессель. Гёте и «Западно-восточный диван». М., 1973, с. 77.

\* Анал-ҳақ...а. Мен ҳақман (Машҳур мутасаввуф Мансур Ҳаллож сўзи), НАЛ, 47.

ҳолатига ўхшатилади. Шунинг учун ҳам сўфизмнинг тасаввуфона лирикасида май, ишқ, ёр кенг тараннум этилади. Тангри — оташ, руҳий озиқ берилган инсон — кўмир. Худди оташ билан бирлашган кўмирнинг ўзи ҳам олов бўлиб ёнгани сингари, инсон илоҳиётнинг дийдорига эришиб, унинг ўзи ҳам илоҳий кучга айланади.

Умуман, ўрта аср Шарқ тараққийпарвар адабиётида инсон мадҳияси марказий ўринни ишғол этади. Реакцион ислом ақидаларига кўра, одамзод бу дунёда «муваққат», ожизу хор, у илоҳиётнинг Ердаги шарпаси, сояси бўлиб, ўзининг чинакам ҳаётини «нариги» дунёдан қидирмоғи даркор. «Дорил бақо» — нариги «чин» дунё лаззатларига муяссар бўлиш учун эса кишилар «дорил фано» — бу «ёлғончи» ёруғ дунёга ҳавасманд бўлмасликлари, қаноат ва итоатда умр кечиришлари керак.

Ана шундай даҳшатли васвасалар гирдобида ҳангу манг бўлиб қолган «бани одам»ни инсониятнинг доно фарзандлари ҳалокат ёқасидан қутқариб қолишлари, унинг ўз ақл-идроки ва қудратига ишонч пайдо қилишлари лозим эди. Бундай оғир миссияни журъатли, илғор, тараққийпарвар олимлар ва шоирлар бажардилар.

Буюк мутафаккир шоир Жалолиддин Румийнинг реакцион диний қарашларга исёнкорлик руҳи билан суғорилган мана бу ғазали изҳор этилган фикрнинг далили бўла олади:

Онҳо, ки талабгори худоед, худоед!  
Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед!  
Чизе ки накардед гум, аз баҳри чи жўед,  
В-андар талаби гумшуда аз баҳри чароед?  
Исмеду ҳуруфеду каломеду китобед,  
Жибрили аминеду расулон шумоед.  
Дар хона нишинед, магардед ба ҳар сў,  
Зеро ки шумо хонаву ҳам хонахудоед.  
Зотеду сифотеду гаҳе аршу гаҳе фарш,  
Дар айни бақоседу муназзаҳ зи фаноед.  
Хоҳед бубинед рӯҳ андар рӯҳи маъшук,  
Зангор зи ойина ба сайқал бизудоед.  
Ҳар рамз ки Мавло бисарояд ба ҳақиқат,  
Медон, ки бад-он рамз садоед, садосд<sup>1</sup>.

Мазмуни:

Эй, сизки, худонинг талабгорисиз (изловчисисиз), ўзингиз худосиз! (У) сиздан ташқари эмас, ўзингизсиз, ўзингизсиз! Йўқотмаган нарсангизни нега излайсиз ва йўқолган (нарс)ни излаб нима қиласиз? Сиз исму ҳарфлару сўзу китобсиз. Қўриқловчи Жаброил (фаришта) ҳам, пайғамбарлар ҳам ўзингиз. Уйда ўтиринг, ўзингизни ҳар томонга урманг. Негаки, сиз ҳам уйсиз ва ҳам уйнинг эгасисиз. Зот (асл, асос) ҳам, сифат (сифатлар, белгилар, зоҳирий аломатлар) ҳам ўзингиз. Гоҳ аршсиз (олий тахт), гоҳ фарш (уйнинг палоси), бақо (абадий-

<sup>1</sup> «Гулшани адаб» Намунаҳои назми форсу тоҷик. Аерҳои XIII — XIV. Жилди I. Душанбе, 1975, саҳ. 75.

лик) чашмасидасиз, фано (муваққатлилик) дан холисиз, софсиз. Руҳингиз маъшуқ руҳи билан бирлашишини хоҳласангиз, кўнгил ойинасидаги зангларни сидириб ташлаб, сайқал беринг. Қайси рамзники Мавло Соҳиб ҳақиқат деб қуйласа, билгилки, сиз шу рамзга сазоворсиз, сазоворсиз.

Катта адабиётшунос олим ва шоир Мақсуд Шайхзода «Навойининг лирик қаҳрамони ҳақида» мақоласида аллақанча феодал ва буржуа олимларининг Навойдаги ишқни «ишқи илоҳий» деб, унинг лирикасини тасаввуф намунаси қилиб кўрсатишга уринишларини танқид остига олар экан, тасаввуф ёки сўфизмнинг табиатига махсус тўхталиб ўтади. Унинг кўрсатишча, бу оқим бир бутун мазҳаб бўлмай, бир нечта мактабларга бўлинган. «Будда дини ва неоплатонизмдан тортиб зардуштийлик, мусавийлик, христианлик ва исломгача ҳар турли мазҳаб ва ақида унсурларини ўз ичига олган тасаввуф фавқуллодда қоришқ, мураккаб, зиддиятлик бир системадир»<sup>1</sup>. Мақсуд Шайхзода тасаввуф билан бадий адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мураккаб процесс эканлигини қайд этиб, «...бу таъсирларнинг шаблон тамғалар билан ечилиши мумкин эмаслигини» эслатиб ўтади.

Ислом назарияси бўйича йирик мутахассислардан бири А. Кримский «Ҳинжратнинг III асригача сўфизмнинг тараққиёти ҳақида» асарида унда икки оқим борлигини кўрсатади: биринчиси христианлик таъсирида пайдо бўлган адабий муҳаммадий оқимки, бу ортодоксал ислом позициясида туради (Жўнайд); иккинчиси Ҳинд-Эрон (ва Ўрта Осиё) заминидан пайдо бўлган оқимки, бу ортодоксал исломнинг фикҳ қоидаларини парчалаб, бидъатга айланган (Бастомий). Иккинчи оқим бора-бора пантензм (вужудия) назариясини ва бидъатни ўзига асосий қўлланма қилиб олган. А. Кримский бошқа бир асарида кўрсатишча, «Ғарб-ислом оламида «тасаввуф» сўзи остида мистицизм, шарқ-ислом оламида эса илоҳиёт кўзда тутилади»<sup>2</sup>.

М. Шайхзода тасаввуфни бутунлай ва ёппасига реакцион оқим деб қоралаш тамомила нотўғри эканлигига далиллар келтирар экан, араблар олами, Ўрта Осиё ва Эронда бўлиб ўтган бир қанча халқ қуроли курашлари диний оппозиция байроғи остида ўтганлигини эслатади. Хотин-қизларга муносабат, инсон эрки, муҳаббат масалаларида ҳам ислом билан сўфизм ўртасида жиддий зиддиятлар мавжуд. Чунончи, пантензм назарияси замирида келиб чиққан «анал-ҳақ» даъвосини қилганлари учун Мансур Халлож (IX аср), Боязид Бастомий (IX аср), Фазлуллоҳ Наимий (XIV аср), Имодиддин Насимийлар (XIV аср) ҳукмронлар тамонидан қатл қилинганлар. Эрон

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи жилд. Тошкент, 1972, 178-бет.

<sup>2</sup> Кримский А. Иран, его литература и история дервишской теософии. М., 1903, 79-бет.

ва Озарбайжонда кенг тарқалган ҳуруфийлик мактабининг йўлбошчиси Фазлуллоҳ Наимий «анал-ҳақ» дегани учун Амир Темур буйруғи билан 1393 йилда ўлдирилган эди.

Ёш тадқиқотчи олим Жалолиддин Юсупов «Гулистон» журналида босилган (1978, 6-сон) «...Замонга сиғмадим» номли янгиликларга тўла мақоласида «Имодиддин Насимий ва Бобораҳим Машраб» мавзусига алоқадор ғоят муҳим маълумотларни келтирар экан, Шарқнинг икки буюк шоирини бирлаштирган фалсафий-ғоявий замин сўфизм эканлигини ишончли далиллар билан исботлайди. Қиёс қилинг:

Насимий:

Мен мулку жаҳон, жаҳон — мен ўзим!  
Мен ҳаққа макон, макон — мен ўзим!

Мен арш ила фаршу қофу иунмап,  
Мен шарҳи баён, баён — мен ўзим!

...Мен сурати маънода ҳақмен, ҳақ,  
Мен ҳаққа аён, аён — мен ўзим!..

...Мен жумла жаҳону коинотмен,  
Мен даҳру замон, замон — мен ўзим!

Машраб:

...Дўзахам ман, жаҳннамат ман, лавҳман ҳам курсиям  
Баски Нўҳ қавмига келган жўнгин тўфони манам.

Қазбаам ман, нашъаам ман ҳам баса нури нмон,  
Содиқам мап, ошиқам мап, чашми гирёни манам.

Машрабам ман, ҳам калом нур исботимдадур,  
Туби кавсарману фирдавси ризвони манам.

Шунинг сингари, Имодиддин Насимий қаламига мансуб қуйидаги:

Сингар ҳар икки дунё менга, мен дунёга сиғмасман,  
Ўзим ҳақман маконсиз, борлиғу маънога сиғмасман.

байти билан бошланувчи ғазали ҳамда Бобораҳим Машрабнинг тадқиқотчи ўзи топган шеърнинг ҳамоҳанглиги тасодифий ҳол эмасдир.

Мақсуд Шайхзода Шарқ лирикасини қандай бўлмасин тасаввуфий маънода изоҳлашнинг «...методологик жиҳатдан бузуқ ва зарарли бир традиция» бўлиб келганлигини танқид қилар экан, бундай нуқсондан машҳур шарқшунос Кримскийнинг ҳам қутулолмаганини уқтиради. «У XV—XVI асрлардаги туркий адабиётларнинг бошдан-оёқ мистикадан иборат бўлганини, ҳатто дунёпараст шоирларнинг шеърлари ҳам асл маъносида эмас, руҳоний (мистик) маънода тушунилаётганини гапириб, тамоман буржуа олимнинг маҳдудлигини ифодалайди»<sup>1</sup>.

Буюк Гёте ўз калтабин, жоҳил, мутаассиб рақиблирига қарши курашар экан, Ҳофиз бамисоли бир ватандош устод сингари

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Олти томлик, IV том. Тошкент, 1972, 183-бет.

унга ёрдамга келади. Шўрпешона, ашаддий ортодоксал христиан руҳонийлари ва либерал вайсақилар реакциянинг югурдаклари бўлиб, улар замонасининг катта ақл эгаларига қарши уюшган эдилар. Демак, қайси давр, қайси эл, қайси юрт, қайси дин ёки мазҳабга мансуб бўлишларидан қатъи назар, Мансур Халлож, Боязид ал-Бастомий, Абубакир аш-Шиблий, Имоиддин Насимий, Фаридиддин Аттор, Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, Жованни Боккаччо, Иоганн Вольфганг Гёте, Лев Толстой рақибларининг шаклу шамойили турлича бўлса ҳам, ният ва мақсадлари бир хил, машъум ва хатарли эди. Ягона ёруғ мақсад йўлида қалам тебратган санъаткорлар эса ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирларини тушунганлар, ўзаро умумий тил топа олганлар.

Гётенинг «Девон»идаги бир шеърда Зулайхо Ҳотамга шундай мурожаат қилади: «Нега бунча ҳолинг паришон?» Ҳотам жавоб беради: «Биласанми, жасад — зиндондир, жонни алдаб унга қамаганлар».

Ҳофизнинг рубойларидан бирида ўқиймиз:

Он беҳ, ки зи жому бода дил шод кунем,  
В-аз орзуи гузашта кам ёд-кунем.  
В-ин орияти равони зиндониро  
Як лаҳза зи банди ақл озод кунем!<sup>1</sup>

Таржимаси:

Энг яхшиси май билан этайлик дил шод,  
Ўтгандаги орзунг қилиб камроқ ёд.  
Зиндоннинг асири — бу омонат жонни  
Бир дамгина ақлдан этайлик озод (215).

Carpus carcer (*жасад зиндон*) ибораси жуда қадимий бўлиб, Цицерон уни юнонча «жасад — қабр» иборасидан таржима қилган эди. Бу бирикма пифагорчилар, Пифагор шогирди Филолай, Платон, софист Протагорнинг шогирди Кратил, Эмпедоклнинг шогирди Горгий Леонтинскийларнинг тилларида ҳам учрайди. Плутархнинг «Тасалли берувчи нутқлар» асарида жон қафасга қамалган қушга ўхшатилади. Бу образ Платондан неоплатоникларга ва улар орқали Шарқ мутафаккирларнинг асарларига ўтади. «Қамалган жон» образини Гёте Ҳаммер қаламига мансуб «Ҳазиналар» асарининг иккинчи жилдида ҳам учратади. Бунда дарвишлар жонни қафасга солинган ёки тўрга илинган, у ердан озодликка чиқишга талпинаётган булбулга ўхшатадилар.

Л. М. Кесселнинг қайд этишича<sup>2</sup>, Гёте бу образни ўз «Девон»ига тақлидан, анъана юзасидан кўчириб қўя қолмасдан, балки уни Европа реакцияси шароитига мослаб, янгича маъно берган ҳолда қўллайди: бутун ишқал жон зиндон (тана) ичида

<sup>1</sup> Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ҳазаллар. Тошкент, 1958, 214-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Л. М. Кессель. Гёте и «Западно-восточный диван». М., 1973, с. 88.

бўлганлигида эмас, балки ўша зиндоннинг ўзи турмага қамалган. Агар салгина бўйин товласа борми, «зиндоннинг ўзини ҳам занжирбанд қиладилар», шу тариқа шўрлик жон «икки қават турма ичида қолади».

Ижодкор ва таржимон олдида бевосита ўзи яратаётган ёки ўгираётган китобнинг матни устида ишлаш қийинчилигидан ташқари, яна катта қўшимча меҳнат қилиш — хорижий адиб ижоди, у яшаган тарихий давр кабиларга доир барча илмий ва адабий манбалардан хабардор бўлиш талаб қилинади. Гёте «Ғарбу Шарқ девони»нинг IV бўлими «Темурнома»ни ёзар экан, ўрта осийлик бу жаҳонгирнинг шахси ва фаолиятига доир китоблар билан муфассал танишиш, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари устида илмий тадқиқотлар ёзган тарихчи олимлар билан учрашишга алоҳида аҳамият беради. Аввало, у Ибн Арабшоҳнинг Темур юришлари хроникасини (Жонсон таржима-сида) ўрганади. Бундан ташқари, Наполеон билан бўлган уруш иштирокчиси, прус генерали Рулье фон Лилиенштерндан кўп тарихий маълумотлар олади. Рулье Веймар саройи билан яқиндан боғланган киши эди. У жаҳон сиёсати тарихидан бир қанча асарлар ёзган, уни, айниқса Европа давлатларининг Англия қудрати ошиб бораётганига қарши кураши масалалари қизиқтирган. Рульенинг стратегик планларига Эрон ва Афғонистон орқали Ҳиндистонга юриш қилиш вазифаси кирар эди. Шу муносабат билан Рулье македониялик Искандардан тортиб Чингизхон юришлари ҳамда 1398 йилда Темурнинг у мамлакатга қўшин тортиш тарихини жуда муфассал ўрганган. Рулье фон Лилиенштерн ўз асарларини Гётега лутфан тақдим этади. Ана шу асарларини ўқиб, Гёте, беихтиёр, Темур билан Наполеонни қиёс қилганди.

Буюк форс шоири Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг жаҳонгир Амир Темур билан ҳамда забардаст немис адиби Иоганн Фольфганг Гётенинг француз фотиҳи Наполеон Бонопарт билан учрашуви, улар суҳбатининг мазмунида Гётенинг Ҳофиз шахси ва ижодига эҳтироми, «Ғарбу Шарқ девони»да Темурга билдирган муносабатнда тарихнинг «такрорланиши» ва инсонлар тақдирининг монандлигини кўриш мумкин.

Ҳофиз Шерозийнинг, афсонага кўра, Амир Темур билан учрашиб, баҳс қилишларига сабаб бўлган машҳур бир ғазали борки, у қуйидаги байт билан бошланади:

Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухоро

Таржимаси:

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони (29).

Профессор Шоислом Шомуҳаммедов шоир ғазалларининг ўзбекча нашрига ёзган сўз бошида («Ҳофиз ва унинг ижоди ҳақида бир-икки оғиз сўз») мана шу афсонани келтиради: Амир Темур Шерозга қадам қўйганида унинг ҳузурига кекса, ҳорғин

шоирни олиб келадилар. Жаҳонгир юқорида келтирилган ғазалга ишора қилиб деган: «Самарқанд билан Бухоронинг шуҳрати ҳамма ёқни тутсин деб, бутун дунёни забт қилсаму, буларни атиги бир гўзалнинг қора холига тортиқ қилиб юборишга қандай журъат этдилар?» Хофиз эса бамайлихотир: «Азбаройи қўли очиклигимдан қашшоқлигим шу жойга етди»—деб жавоб қайтарган, ўзининг вазмин уст-бошларига ишора қилиб. Шоирнинг бу ҳозиржавоблигидан Темурнинг ғазаби пасайиб, Хофизга қарам қилган: унга сарпо инъом этган.

Ана шу афсона Гётега ҳам маълум эди. У ибн Арабшоҳнинг Жонсон томонидан латин тилига таржима қилинган хроникаси асосида ўз «Девон»ига киритилган «Қиш ва Темур» номли асарини яратади. Қаҳратон қишнинг жаҳонгир Темурга қарата айтган сўзлари император Наполеонга нисбат бериб ёзилган эди. Буни немис шоирининг ўзи эътироф этган.

Қизиги шундаки, афсонага кўра, Темур билан Хофиз учрашган бўлсалар, Гёте ҳақиқатан ҳам Наполеон билан кўришган ва у билан мунозара қилган. Талейраннинг маълумот беришича, шоир 1808 йил, 2 октябрда Эрфурт шаҳрида ўтказилаётган конгресс вақтида Наполеон Бонопарт билан учрашган. Наполеон Эрфурт конгрессида Александр I ҳам иштирок этаётганлигини хабар қилиб, Гётега агар у Эрфурт ҳақида бирон нарса ёзмоқчи бўлса, асарини подшога бағишлашини маслаҳат беради. Гёте эътироз билдиради:

— Жаноб олийлари, бунга одатланмаганман, мен ижодимни бошлаган кезлардаёқ кейинчалик афсус-надоматлар чекиб юрмаслик учун ҳеч қандай бағишловлар ёзмасликни ўзимга одат қилиб олганман.

— Людовик XIV замонидаги буюк ёзувчилар бундай фикрда эмас эдилар, — писанда қилади Наполеон.

— Шундайку-я, жаноб олийлари, — дадил жавоб қайтаради Гёте, — лекин уларнинг ҳеч қачон ўз қилмишлари учун пушаймон емаганликлари хусусида ўзлари кафил бўлолмайдилар-да.

**Миллий адабиётларда инсонпарварлик ва озодлик ғояларининг ҳамоҳанглиги** Янги бир оламни қўмшаш, бу олам ичра ўзга инсоний сифатлар — бир-бирига муҳаббат, дўстлик, тенглик, шафқат ва мурувват ҳислари билан боғланган янги кишилар, озод жамиятнинг орзу қилиш барча миллатларнинг тараққийпарвар мутафаккирларига хос олижаноб фазилат эди.

Абдураҳмон Жомийга татаббу тариқасида ёзилган мухтара-сида (янги шеърини ихтиро) Алишер Навоий (Фоний) шундай ёзади:

1. Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,  
Қ-аз жафон мардуми олам набошад ғам дар ў.
2. Не ба рўз ашки асиронаш намояд сайли қатл,  
Не ба шаб з-оҳи ғарибон кисвати мотам дар ў.
3. Не зи бедоди фалак дар вай диле бо сад алам,  
Не зи шамшери ситам сад захми бемарҳам дар ў.



4. Н-аз парирӯён дар ӯ хайли ҳама ноодами,  
Не ҳазорон дев аз жинси бани одам дар ӯ.
5. Чун маҳол аст ин ҳавас, эй дил, сӯи майхона рав,  
Э-он, ки бошад ҳар сафои кӯҳна жоми Жам дар ӯ.
6. Лаългун май рез дар вай к-аз сафову мартаба,  
Сарнагун бинмояд ин ферӯзагун торам дар ӯ.
7. Он чунон даркаш ки гарчи бошад он жоми сипеҳр,  
Ёфт натвон чун таҳи дӯзах асар аз нам дар ӯ.
8. То чунон фориг шавад хотир зи хубу зишти даҳр,  
К-аз тахайюл боз натвон ёфт бешу кам дар ӯ.
9. Фониё, дар вазъи гардун пур макун андеша, э-он-к,  
Нуктае набвад, ки набвад бар хирад мубҳам дар ӯ.

#### Мазмуни:

1. Бир олам истайманки, унда шу олам халқи бўлмаса,  
Бу олам мардумининг жафосидан ғам бўлмаса.
2. На унинг кундузида асирлар кӯз ёшидан қатл сели  
Ва на кечасида ғариблар оҳидан мотам либоси бўлсин.
3. На унда фалак зулмидан юз аламли бир кўнгил,  
Ва на ситам қиличидин марҳамсиз дил яраси бўлсин.
4. На унда одамгарчилиги йўқ парилардан бир тўда,  
Ва на одам жинсидан мингларча деви бўлсин.
5. Эй дил, мазкур ҳавасларинг рӯёбга чиқмаса, майхонага бор,  
Чунки ундаги ҳар кӯҳна сафол Жамшидининг жоми бўлади.
6. Лаълранг май қуй, софу аълолигидан унда  
Кўк осмон тўнтарилган кўринсин.
7. Шундай симири, у осмон жоми бўлганда ҳам  
Худди дӯзах теги каби унда нам асарини топиб бўлмасин.
8. Кўнгил дунёнинг гўзал ва хунуклигидан шундай бўшасинки,  
Ўйлаш билан унда ортиқ, камин топиб бўлмасин.
9. Эй Фоний, олам вазиятини кўп ўйлама,  
Унда ақл ҳал қилмаган ҳеч бир муаммо йўқдир<sup>1</sup>.

«Девони Фоний»дан келтирилган ғазалда ифодаланган фикр Ҳофиз ижодининг асосий мотивларидан саналади. Масалан, Ҳофиз ёзади:

Ман на онам, ки забунӣ кашам аз чархи фалак,  
Чарх барҳам занам ар ғайри муродам гардад.

#### Мазмуни:

Мен фалакдан ситам чекиб ўтирувчилар хилидан эмасман,  
агар истагимга қараб юрмас экан, мен фалакнинг ўзига барҳам  
бераман.

<sup>1</sup> Алишер Навоӣ. Асарлар. Ҷн беш томлик, V жилд. Девони Фоний, II китоб. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, 1965, 266—267-бетлар.

Яна:

Биё то гул барафшониму май дар соғар андозем,  
Фалакро сақф бешфиму тарҳи нав барандозем<sup>1</sup>.

Хуршид таржимаси:

Кел энди гул очиб ҳар ён, қадаҳ қўлда ўтиргаймиз,  
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарх ила кургаймиз (147).

Гёте меттернихчилик ҳамда аракчеевчилик сиёсати қутурган Европа шароитида яшади ва ижод қилди. Бу даврда феодал монархия ва клерикал реакцияси булутлари айнӣ қуюқлашган, инсон ҳуқуқи поймол қилинган, ҳамма ёқни парокандалик қамраган, ўрта аср мутаассиблиги ва жаҳолатни тиклашга зўр бериб уриниш бораётган фавқуллода оғир бир даврда Гёте Ҳофизнинг ғурур тўла ижодига мурожаат қилди, ундан инсоннинг эрки ва муҳаббати учун курашга чорловчи ажойиб шеърӣ дурдоналарни топа олди. Шу тариқа бамисоли асрлар довои оша бу икки шеър даҳоси, буюк аллома ўртасида мушоира — диалог бошланди.

Ҳофиз ёзади:

Гул айтдики, кош такаюҳим бўлса,  
Қочмасми эдим агар паноҳим бўлса.

Бўлмай гуноҳим куйдирадилар шундай,  
Найлар эдилар зарра гуноҳим бўлса? (221).

Гёте ёзади:

«Мен, худди ит сингари, бир неча ойлаб азоб-уқубат чека туриб сукут сақлашим мумкин эди: лекин муттасил ўз мақсадим сари интилдим. Ниҳоят, уни амалга ошириш кези келганда, мен ҳар қандай ҳолда ҳам, бор кучим билан мақсад сари отилдим. Қандай азоблар чекмадим! Қўпинча энг олижаноб ишларим учун мени қисти қафасга солдилар» (1823 йил, 31 мартда Римсрга ёзган хатидан).

Ҳофиз:

Мурод излаб ҳаёт беҳуда кетди,  
Фалакдан менга қай хил фойда етди,

Жаҳонда ҳар кишига дўст бўлдим,  
Бу қандай бахтки, у душманлик этди (207).

Умидинг узма бу даври жаҳондан,  
Вале тол баргидай титра замондан.

Қароликдан пари ранг йўқ дер эрсанг,  
Қаро сочим оқарди, бу қаёпдан? (209).

Гёте:

«Мен кўришга кўзим йўқ нарсаларни кўрганимда бағоят кайфим чоғ бўлади. Негаки, ҳар бир нарса қандай яратилган

<sup>1</sup> Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозӣй. Ғазаллар. Тузувчи Ш. Шомухамедов. Тошкент, 1958, 146-бет.

бўлса, шу ҳолича яхши деб эътироф этишдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ дунёда. Бу ақл-идрок учун офат ва ҳар қандай маъсум ҳис-туйғуни барбод қилиш билан тенгдир» (1804 йил, апрелда Робинсонга ёзган хатидан).

Ҳофиз:

Топмадим бу олами ҳокимда ҳасо одами,  
Бошқа олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак (11).

Гёте:

Олам яратишни йиғиштир, Оллоҳ,  
Энди бунёд қиламиз яккаш.  
(«Девон»дан).

Ҳофиз:

Билимдонлик ва ҳушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,  
Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга ўгургаймиз (147).

Гёте:

Инглизу итальян,  
Бу ёқда герман, фаранг.  
Муштин уриб кўкракка.  
Ўз-ўзин мақтар, қараңг!  
(«Девон»дан).

Шу тариқа Ер куррасининг қарийб икки қарама-қарши қутбида жойлашган икки мамлакат, икки халқнинг икки улур фарзанди: буюк форс Ҳофиз билан олижаноб немис Гёте ўрта-сида мақсад, дунёқарашда умумийлик, муштараклик аниқла-нади.

Қизиғи шундаки, Ҳофиз:

Гар мен каби тушар эсанг дом ичра,  
Ташлардинг ўзингни май ила жом ичра.  
Дунёни ўртаган ошиқ мастдурмиз,  
Биз бир-ла ўтурма, қолма дашном ичра —

рубоййсини яратар экан, гўё ўзининг бўлажак немис ҳалафи Гётени хавф-хатардан огоҳлантираётгандай туюлади. Чиндан ҳам, Гёте ўзининг ҳофизона бир мақомда яратган ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири бўлиб қолган «Ғарбу Шарқ девони» учун ўз даврининг сотқин, мунофиқ малайлари, миллий мумтозлик ва худбинлик оғулари билан заҳарланган калтабин зиёлилари томонидан озмунча дашномлар эшитмади. Чунки ҳофизона бийронлик, ҳофизона жасорат Ер юзининг қайси бурчагида бўлмасин, ҳамма жойда ҳам жаҳолат, худписандлик ва бадкирдорликни аёвсиз ёндиради:

Э сабо, сўзимни махфий қил баён,  
Дил сиррин, юз тилда шарҳ этгил шу он (223).

Бош чиқаргай қабридан Ҳофиз оёғ ўпмоқ учун,  
Қабрин устига қадам қўйсангиз унга ифтихор (95).

Ҳеммерман фон Пургшталнинг таржималари орқали Ҳофиз Шерозийнинг ажойиб мероси билан яқиндан танишган, унинг

ғазаллари таъсири остида немис адабиётида янги жанрда забардаст «Девон» ижод қилган Гёте буюк форс шоирининг авлодларига қолдирган муқаддас, мусаффо мақсад ва ниятларини ўз халқига етказишда бебаҳо хизмат кўрсатди.

## МАРКСИЗМ КЛАССИКЛАРИ ТАРЖИМА ҲАҚИДА

Марксизм классиклари таржимачилик — текстини бир тилдан иккинчи тилга ўтказишдан иборат қуруқ «кўчирувчилик» эмас, балки муҳим илмий ва ижодий-яратувчиликдан иборат ажойиб санъат деб ҳисоблар эдилар. Уларнинг таржимон ишига берган баҳолари, унга қўйган юксак талаблари ҳам шундан келиб чиқади.

«Таржимон,— деб ёзади К. Маркс,— асл нусха ҳарфларининг худди ўзгинасини кўчирувчи механик тилмоч эмас, балки авторнинг онгли ходими, унинг фикрларини янги китобхонга етказувчи жарчидир».

К. Маркс ва Ф. Энгельс, асосан, ижтимоий-сиёсий асарларни таржима қилганлар, уларнинг таржима ҳақидаги фикрлари ҳам сиёсий адабиёт таржимасига тааллуқли. Бироқ бу фикрлар бадий таржимага ҳам бевосита алоқадордир, негаки, ижтимоий-сиёсий ва бадий асарлар таржимасида тил маҳорати асосий роль ўйнайди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тил ҳақида яратган таълимоти, тил ҳамда тафаккурнинг бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси ва меҳнат жараёнида эҳтиёж туфайли туғилганлиги хусусида айтган фикрлари жаҳондаги барча халқлар тилларидан бир-бирига таржима ишига пухта назарий замин яратади.

Шуниси диққатга сазоворки, инсониятнинг бу икки буюк доҳийсининг айрим асарлари дастлаб уларнинг ўз она тилида эмас, балки бирон бўлак хорижий тилда яратилган бўлиб, сўнгра уларнинг ўзлари томонидан немис тилига авторлаштирилиб ўгирилган. Масалан, К. Маркснинг француз тилида ёзилган «Фалсафа қашшоқлиги» ҳамда Ф. Энгельснинг инглиз тилида нашр қилинган «Социализмнинг утопиядан фанга тараққийси» китобига ёзилган кириш сўзини кўрсатса бўлади. Бундан ташқари, баъзан улар ўз асарларининг ўзга тилларга қилинган таржималарини таҳрирдан чиқарганлар. Чунончи, К. Маркс «Капитал»нинг французча таржимасига, Ф. Энгельс эса «Коммунистик партия манифести»нинг инглизча таржимасига муҳаррирлик қилган эдилар.

Ф. Энгельс «Капитал»нинг Руа томонидан француз тилига қилинган таржимаси (биринчи жилд) хусусида К. Марксга 1873 йил 29 ноябрда ёзган хатида муҳим фикрни баён қилади: «Кеча мен французча таржимада фабрика қонунчилиги ҳақидаги бобни ўқиб чиқдим,— деб хабар қилади у. — Ушбу бобнинг нафис француз тилига санъаткорона ўгирилганига қанчалик қойил қолмайин, эсизгина ажойиб боб. Куч, шира ва жозиба —

буларнинг бари асфаласофилнга уриб кетибди. Ёзувчининг ўз фикрини нафис ифодалаш имкониятига тилни бичиш йўли билан эришилади. Турли қонун қоидалар билан сиқилиб қолган ҳозирги француз тилида фикр баён қилиш тобора амри маҳол бўлиб бормоқда. Бемаъни формал мантиқ қоидалари туфайли гапларнинг ўрнини алмаштиравириш баённинг ёрқин ва жонли чиқишига путур етказди»<sup>1</sup>.

«Капитал»нинг инглиз тилига Бродҳаус томонидан қилинган таржимаси муносабати билан Ф. Энгельс ёзган «Марксни таржима қилиш бундай бўлмайди» мақоласи диққатни ўзига тортади.

«Бундай асар («Капитал»)ни таржима қилиш учун немис адабий тилини яхши билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Маркс ҳозирги кундалик ҳаётда ишлатилаётган иборалар ва вилоят шеваларининг идномаларидан кенг фойдаланади, у янги сўзлар яратади, ҳамма фан соҳаларидан далиллар келтиради, оламжаҳон тилларда яратилган китобларга ҳавола қилади: уни тушуниш учун немис тилини, жонли ва адабий немис тилини жуда мукаммал билиш керак, бундан ташқари, немислар ҳаётидан баъзи бир нарсалардан хабардор бўлиш зарур.

Мисол келтираман. Оксфордлик бир печта студент Дувр бўғозидан тўрт эшакли қайиқда сузиб ўтишаркан, газеталарда босилган ахборотларда уларнинг бири тўғрисида «кот а краб» деб ёзилди\*. «Кёлнише цайтунг» газетасининг Лондондаги мухбири бу иборани айнан ҳижжалаб тушуниб, ўз газетасида азза-базза «эшакчалардан бирининг эшакига қисқичбақа илиниб чиқибди» деб хабар қилган. Модомики, Лондонда бир неча йиллардан бери яшаб турган бир кишики ўзига нотаниш касб техникасига онд атамага дуч келиб, шундай қалтис ва кулгили хатога йўл қўйишга қодир экан, унда фақат немис китобий тилини ўртамаёна билгани ҳолда, наср билан ёзадиган немис ёзувчиларининг бошқа тилга ағдариш бениҳоя қийин бир асарини таржима қилишга жазм этган кишидан нимани ҳам кутар эдик. Дарҳақиқат, биз Бродҳауснинг «қисқичбақа овлашга» устаси фаранг эканлигини кўрамыз.

Бироқ бу ўринда яна баъзи нарсалар ҳам талаб қилинади. Асримизнинг ёзувчилари орасида Маркс бағоят зўр ва ихчам услубга эга. Уни муқобил бир услуб билан бериш учун фақат немис тилинигина эмас, балки инглиз тилини ҳам мукаммал билиш даркор. Лекин Бродҳаус, афтидан, хийла қобил журналист бўлгани ҳолда инглиз тилини шартли адабий талабларнигина қондиришга кифоя қиладиган даражада чегараланган ҳажмда билади. Бундай тилни у эркин билади, аммо бу «Капитал»ни таржима қилишга монанд инглиз тили эмас. Зўр немис тилини зўр инглиз тили билан бериш лозим; тилнинг энг мақбул имко-

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. XXIV, с. 423.

\* Кот а краб-айнан қисқичбақа тутишни билдиради; кўчма маънода эса «эшакни сувга ноўнғай ботириш» дегани.

ниятларини ишга солмоқ даркор; янги яратилган немисча терминлар уларга мувофиқ келадиган янги инглизча терминлар яратишни тақозо этади. Аммо Бродҳаус бундай қийинчиликларга дуч келгани ҳамоно унда имконият у ёқда турсин, журъат ҳам йўқолиб кетади. Ўзининг чегараланган лугавий жамғармасини жиндаб кенгайтириш зарурати, инглиз адабиётининг кундалик ҳаётда қўлланиладиган шартли тили чегарасидан ташқарига чиқишни талаб этадиган жиндаккина янгилик уни чўчитиб юборади, бинобарин, бундай шаккокликка журъат қилгандан кўра у немисча қийин сўзни қулоққа гализ эшитилмайдиган, лекин авторнинг фикрини хиралаштирадиган бирон ноаниқ термин билан бериб қўя қолади; ёхуд, бундан ҳам баттарроғи шундаки, бир қанча терминлар сирасидан ташкил топган сўзлар такрорланиб келса,—техникавий терминлар айнан бир хил муқобил ибора билан берилиши лозимлигини унутгани ҳолда, уларни таржима қилиб юборади»<sup>1</sup>.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, марксизм классиклари таржимага ижодий иш, таржимонга эса авторнинг онгли, содиқ дўсти деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, таржимон ҳар иккала тилни чуқур билиши лозим. Лекин «тил билиш»—бу фақат турли академик грамматикаларнинг қуруқ, ясама қонун ва қоидалари билан чегаралаб қўйилган расмий идора тилини эгаллаш эмас, балки адабий тилдан ташқари, халқ жонли тилини чуқур ҳис қилиш дегани. Бугина эмас. Таржимон тилдан «ташқари» яна «баъзи нарсалар», яъни экстралингвистик омиллар—ҳеч қандай лугат, ҳеч қандай грамматикаларда кўрсатилмайдиган турмуш ҳодисалари, халқнинг тарихи, урф-одатларидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Таржимон—китоб матнини бир тилдан бошқа тилга кўчирувчи котиб, тилмоч эмас, балки тил соҳасида дадил янгилик яратувчи, журъатли ижодкордир. Автор ва таржимон муносабати хусусида эса шуни айтиш керакки, муаллифнинг илмий эътибори, нуфузи ва адабий салмоғи қанчалик юқори бўлгани сайин таржимоннинг масъулияти янада ошиб боради.

Ана шу талабларга жавоб бермаган таржимонларнинг иши, бу адабий тил нормалари ва талаблари доирасида қанчалик силлиқ, нафис бўлмасин, марксизм классикларининг қатъий норозилигига сабаб бўлган, улар бундай юзаки таржималарни рад этганлар, жиддий танқид қилганлар, тузатганлар.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Танқид—чипнакам адекват таржима яратишга, унда мавжуд нуқсонларни бартараф қилишга имкон яратувчи энг сиғалган, мақбул воситадир.

## **В. И. ЛЕНИН ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ**

Ўз буюк салафлари—К. Маркс ва Ф. Энгельснинг қутлуғ иши—революцион таълимоти ва амалий фаолиятини янги

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. XVI, ч. I, с. 230—231.

даврда қатъият, букилмас ирода билан давом эттирган, уни янада юксак даражага кўтарган, ривожлантирган Владимир Ильич Ленин таржимачилик борасида ҳам ўзига хос ажойиб мактаб яратди. У марксизмни бу таълимотнинг муҳолифларидан доим ҳимоя қилиб келди. Марксизм душманларининг кирдикорлари эса, айниқса, К. Маркс ва Ф. Энгельсларнинг фикрларини турли йўллар билан сохталаштириб талқин этишда, уларнинг фикрларини бузиб таржима қилишда ўз ифодасини топар эди. Шу сабабли В. И. Ленин ўз салафларининг асарлари таржималарини синчиклаб кузатишга, бу таржималарда йўл қўйилган нуқсонларни изчиллик билан танқид қилишга бениҳоя катта эътибор қилган. Бас, дохийнинг илмий ва амалий фаолиятида таржима тарихи, таржима таҳлили, таржима таҳрири билан бир қаторда таржима танқиди масалалари кенг ўрин эгаллаганлиги бечиз эмас.

Марксизм-ленинизм классикларининг таржимонлик фаолияти, таржима санъати ҳақида баён қилган фикрларини ўрганиб, буларни мунтазам бир ҳолга келтириш таржимашунослик фани олдида турган ғоят муҳим проблемалардан биридир. Шу билан бирга, совет даврида марксизм-ленинизм классиклари асарларининг тилмизга қилинган таржималари сабоқларини назарий томондан ўрганиш, илмий умумлаштириш ҳам таржимашунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб проблемаси ҳисобланади.

Афсуски, бизда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳар иккала проблема ҳам қониқарли тадқиқ қилинмаган.

Албатта, В. И. Ленин асарларининг илк таржималари (20—30- йиллар) билан унинг мунтазам Асарлар ва ҳозирги Тўла Асарлар тўплами (ТАТ) таржимаси ўртасида катта тафовут бор. Бу фарқ ҳар бир давр тил луғатининг тараққиёт даражаси, таржимон кадрлар сони, уларнинг маҳорати, реалистик таржима принципларининг қай даражада ишланганлиги, муайян китоб таржимасига қўйилган талаб, марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш ишининг қандай ташкил этилганлиги ва бошқа бир қанча омиллар туфайли содир бўлади. Ана шу факторларни тўла ҳисобга олган ҳолда дохий меросининг ўзбекча таржимаси тарихини кузатиш, бу таржималарда эришилган катта ютуқларни умумлаштириш, уларда йўл қўйилган камқўсларнинг сабабларини аниқлаш, бу нуқсонлар қандай бартараф қилинганлиги ёки бартараф қилинаётганлигини ўрганиш шунчаки адабий-тарихий аҳамиятгагина молик бўлиб қолмай, балки эндиликда ва келажакда В. И. Ленин асарлари таржималарини ҳам ташкилий, ҳам адабий-эстетик, ҳам назарий-лингвистик, ҳам илмий-техникавий жиҳатдан янада юқори поғонага кўтариш, нашр сифатини яхшилаб бориш йўлида ғоят қимматли сабоқ ҳам бўлади. Таржима тарихи сабоқларини ўрганишда эса В. И. Лениннинг мана бу кўрсатмаси асосий дастуриламал бўлмоғи даркор: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда уларнинг ҳозирги



замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»<sup>1</sup>.

В. И. Ленин асарлари ўзбек тилига олтимиш йилдан зиёд вақтдан буён таржима қилинади. А. Аюповнинг архив материалларига таяниб берган ахборотидан маълум бўладики, 1919—1973 йиллар мобайнида В. И. Ленин асарлари ўзбек тилида 338 номда қарийб 5 миллион 900 минг нусхада босилиб чиққан. «В. И. Ленин» деган табаррук ном билан чоп қилинган салкам 6 миллион дونا китоб — катта маънавий хазинадир. Бу — мисли кўрилмаган филологик тажриба, улкан таржима мактаби демакдир.

Доҳийнинг ўлмас мероси рус тилида яратилган экан, уни бевосита асл нусхасида — қудратли ва бой рус лисонида мутолаа қилишнинг ўзгача гашти ва маъноси бор. Лекин гап умуман доҳий фикрларини ўқиб тушунишда, уни шунчаки ўқишдагина эмас, балки масаланинг бутун моҳияти шундаки: буюк Ленин — менинг она тилимда сўзлайди! Бу шунчаки «ўқиш», «мутолаа қилиш»гина эмас, балки бундан беқиёс юқори турадиган ҳодисаки, бунинг номини миллий ифтихор туйғуси дейдилар. Ленин ўзбек тилида сўзлайди! Ленин туркман тилида сўзлайди! Ленин қорақалпоқ тилида сўзлайди! Бунинг бутунлай ўзгача ҳосияти бор: доҳий ўтмишда «халқлар турмаси» бўлган чоризм истибдоди даврида «беғона халқлар» деб аталган миллатларнинг ўз тилида гапирар экан, унинг асарлари юзлаб миллатлар, халқлар, эл ва элатларнинг онгига минг-минглаб янги ижтимоий-фалсафий ҳодиса ва тушунчалар билан бир қаторда, уларнинг тилларига шу ҳодиса ва тушунчаларнинг таърифлари, атамалари, янги-янги сўз ва ибораларни ҳам ўзи билан бирга олиб келади.

В. И. Ленин асарлари инсон билимининг қомусий ифодаси дейиш мумкин. Совет фанининг ғоявий асоси — марксизм-ленинизм, унинг текшириш усули — марксча-ленинча диалектика усулига таянади. Шунинг учун доҳий асарларини ҳар бир фан ўз нуқтаи назаридан, ўз ривожланиш манфаатларига татбиқан ўрганишга ёндашиши мумкин. Бинобарин, аниқ фанлар ҳам, ижтимоий, гуманитар фанлар ҳам ленинизмни турли аспектларда ёритади. В. И. Ленин асарларини таржимашунослик нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган тадқиқотда эса бу икки аспектда ёритилиши мумкин.

1. В. И. Лениннинг таржимонлик фаолияти. Унинг таржима қилиш усуллари, таржимага қўйган талаби ва таржима ҳақида айтган фикрлари.

2. В. И. Ленин асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари. Кўп сонли бу таржималарда доҳийнинг адекват таржимага қўйган талаблари нечоғлиқ амалга ошганлигини кузатиш.

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 2-том, 190-бет.

Бошқача айтганда, В. И. Ленин асарлари таржималарининг доҳийнинг «ўз нуқтаи назаридан» баҳолаш.

Республикаimizда В. И. Ленин асарларининг 55 жилддан иборат бешинчи тўла нашри амалга оширилди.

Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилида кенг китобхонлар оmmasига етказишда ҳормай-толмай ҳалол меҳнат қилган, бу шарафли ишга ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган таржимонлар Амир Нажиб, Отажон Ҳошим, Саидгани Валиев, Абдулла Авлоний, Санжар Сиддиқ, Наим Саид, Холмуҳаммад Охундий, Қосим Сорокин, Ҳоди Файзий, Наби Алимуҳамедов, Шариф Толипов, Рустам Абдурахмонов, Ҳомил Ёқубов, Аҳмаджон Ёқубов, Лутфулла Муродов, Жалолхон Азизхонов, Зиё Аминов, Файзулла Эргозиев, Абдулла Ўразаев, Рихси Саҳиббоев, Ғиёс Неъматов, Насибулла Ҳабибуллаев ҳамда Т. Алимов, Э. Бадалов, Ж. Бойбўлатов, Ш. Бўлатов, А. Маматказин, В. Солиҳов, С. Шафиғуллин, Р. Шокировларнинг номини ҳурмат билан тилга олиш керак.

Совет даври таржимачилиги тарихида яна катта бир таржима мактаби яратилди. Бу — марксизм-ленинизм классиклари ҳамда В. И. Ленин асарларининг таржималари асосида тўпланган улкан тажрибадир. Доҳий Ленин асарлари таржималари, нашрларини тўплаш ва тадқиқ этиш, бу ишга бош қўшган таржимонлар, муҳаррирлар ва бошқа дахлдор шахслар, ноширларнинг фаолияти, меҳнатини тўла рўёбга чиқариш ва энг муҳими, мавжуд таржималарни кенг миқёсда қиёсий таҳлил этиб, турли таржима усулларини очиб бериш, бу жараённинг бутун қирраларини чуқур таҳлил қилиш лозим.

## II БОБ

### БАДИЙ ТАРЖИМАДА УСЛУБ

Услубнинг таржимавий —  
типологик талқини ва  
таъбиқи

Услуб бадий асарнинг умумий жаран-  
госи ва колорити, образни таҳлил қи-  
лиш усули, санъаткорнинг воқеликка  
бўлган муносабати принциpidир. Бу-

лар бадий жараённинг якунловчи босқичида шаклнинг асо-  
сий томонларини яхлит акс эттирувчи хусусият сифатида асар-  
да зоҳир бўлади. Услубни муаллифнинг умумий ижодий  
бисотидан ажратган ҳолда, кўр-кўрона асарнинг лисоний ха-  
рактеристикасига айлантириб қўйиш мумкин эмас. Образ  
билан услуб ўзаро чамбарчас боғланган. Образ билан услуб-  
нинг бир-бирига боғлиқлиги, бир-бирини тақозо этиши ёзув-  
чининг воқеликни бадий акс эттиришига асосланади.

Услуб ёзувчи ижодининг унинг асарларида такрорланиб  
турадиган асосий, типик ғоявий-бадий хусусиятлари мажму-  
асидир. Ёзувчининг дунёқараши ва у яратган асарларнинг  
мазмунига алоқадор асосий ғоялар, муаллиф кўпроқ тасвирла-  
ган сюжет ва характерлар силсиласи, санъаткор ижодида тез-  
тез учраб турадиган бадий тасвир воситалари, ўзига хос тили  
унинг индивидуал услубини ташкил этади. Масалан, Умар  
Хайёмнинг рубойларида материянинг абадийлиги, инсон умри-  
нинг фанийлиги, одамзодни реал ҳаёт лаззатларидан баҳраманд  
бўлишга даъват этиш ғояси ўзига хос классик шеърӣй шаклда  
(арузнинг муайян баҳри) *кўза, кўзагар, май, тунроқ* ва самовий  
жисмлар: *қуёш, ой, юлдузлар* воситасида тараннум этилади.  
В. В. Маяковскийнинг услуби хусусида гапирганда эса унинг  
асарлари коммунистик ғоя билан сугорилганлиги, ўз даврининг  
долзарб масалаларига доим «лаббай» деб жавоб берганлиги,  
шеърӣятга янги мавзу ва образларни дадиллик билан олиб  
кирганлиги, тилининг бойлиги ва ёрқинлиги, шеърӣй вазн ва  
қофия борасидаги новаторлиги ёдга олинади. Булар барчаси  
Маяковскийнинг услубини белгилайдиган хусусиятлардир.

Ҳаёт ва адабиётнинг вазифаларини бир хил тушунадиган,  
бир эмас бир нечта ёзувчининг ижодига хос бўлиб, улардан ҳар  
бирининг ижодида такрорланадиган ғоявий-бадий хусусият-  
ларни ҳам баъзан услуб деб атайдилар. Ижод аҳлини бирлаш-

тирадиган бундай услубий муштараклик, якдиллик, аслида адабий оқимдир.

Социалистик реализм методининг воқеликни ҳаққоний, тарихан конкрет, инқилобий тараққиётда тасвирлаш, партиявийлик, юксак ғоявийлик, халқчиллик, тарбиявийлик каби принциплари совет ёзувчилари ижодида бир талай муштарак хусусиятларни юзага келтириши табиий. Аммо бу муштараклик ҳеч қачон талантли санъаткор ижодининг ўзига хослигини йўқотмайди, уни ёрқин индивидуал услубдан маҳрум этмайди. Ўзбек совет адабиётининг ярим асрлик тарихига назар ташланса, унда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Шароф Рашидов, Зулфия, Собир Абдулла, Сарвар Азимов, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Мирзакалон Исмоилий, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Рауф Парфи каби ўзига хос шoir ва ёзувчиларнинг ўсиб етишганлиги кўзга ташланади. Бу шoirларнинг ҳаммаси ягона социалистик реализм методи асосида ижод қилганлари ҳолда, ҳар бирининг ижоди ўзига хос мавзу ва бадний мазмун, образлар олами, жанрлари ва поэтик формалари, тили ва услуби билан ажралиб туради. Бадний таржимачилик соҳасида ҳам улардан ҳар бири ўзига хос йўл, усул ва услуб намойиш этдилар.

Профессор Нуриддин Шукуровнинг кузатишича, Ойбек, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва Уйғун, Собир Абдулла ва Миртемир ўзбек совет адабиётига деярли бир вақтда кириб келиб, бир воқелик, бир хил мавзуларда асарлар ёздилар. Аммо шунга қарамасдан, социалистик реализм методи имкониятларидан кенг фойдаланиш баробарида уларнинг ҳар бири ўз овози, ўз бадний-эстетик оламига эга бўлган шoirлар бўлиб етишди. Бу далил социалистик реализм услуб ва формалар, тур ва жанрлар тараққиётига кенг имкониятлар яратиб берувчи метод эканлигини илмий жиҳатдан ёритишда ибратли адабий ҳодиса бўла олади<sup>1</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳон ва рус классик ҳамда совет адабиётлари сабоқларидан ўрганиш, улардан таржималар қилиш жабҳасида ҳам бу адиблардан ҳар бирининг ўз қизиқиш доираси, ижодий манфаатдорлик томонлари кўзга ташланади. Бадний камолотда Садриддин Айний Максим Горькийдан сабоқ олди, тожик ва ўзбек тилларида баравар ижод қилди, зуллисонайн адиб сифатида, бу икки тил аро ўз асарларини ўзи таржима қилди. Драматург сифатида, Абдулла Қаҳҳорни Н. В. Гоголь комедиялари ўзига кўпроқ жазм этган бўлса, новеллистикада — А. П. Чехов, романчиликда — Л. Н. Толстой, М. А. Шолоховлардан маҳорат сирларини ўрганди, уларнинг асарларини таржима қилди. Абдулла Қаҳҳорнинг таржималаридан ўқувчи фақат

<sup>1</sup> Н. Шукуров. Услублар ва жанрлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 7—8-бетлар.

А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. Серафимовичларнинг эмас, балки талантли таржимоннинг ўзини, унинг ўзига хос, такрорланмас услуби, тадбир ва тадорикини ҳам ҳис этади.

Услуб тилнинг дифференциал турларидан бўлиб, ўзига хос лугати, фрезологик бирикмалари, жумла ва синтактик қурилмалари, бўлак турлардан ўз ички унсурларининг, асосан, экспрессив-таърифий хусусиятлари билан тафовут қилувчи лисоний системадир (О. С. Ахманова<sup>1</sup>). Муайян бир услубдаги унсурлар бошқа услуб элементларидан тафовут қилганида, уларни аниқлаш осон бўлади. Масалан, масал услуби, халқ дostonлари услуби, жонли сўзлашув услуби, газета тили услуби, расмий-идоравий иш услуби, китобий услуб, адабий услуб, илмий услуб, илмий-техникавий услуб, ижтимоий-публицистик услуб, нотиклик услуби, расмий услуб, ёзма нутқ услуби, шеърӣ услуб, касб-ҳунар услуби ва ҳоказо.

Маъмурий ёки идоравий услубда расмий иш ёзишмаларига хос жумлалар сероб бўлганидек, академик услубда китобий иборалар, абстракт бирикмалар кўп учрайди. Архаик услубдан ҳозир ҳам ўтмиш воқеалар тасвирига бағишланган асарлар барпо этишда фойдаланилади (Ойбекнинг «Навоий», Одил Ёқубовнинг «Ўлугбек хазинаси» романлари, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Ўлугбек» тарихий фожиаси, Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссаси ва бошқалар). Бундай услуб ўтмишда яратилган классик адабиёт намуналари ёхуд тарихий мавзуда ёзилган замонавий совет адабиёти асарларини таржима қилганда ҳам қўл келади (В. Шекспир трагедиялари, Дантенинг «Илоҳий комедия», Ж. Боккаччонинг «Декамерон», Гётенинг «Фауст», А. С. Пушкиннинг «Борис Годунов», Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти», Аветик Исаакяннинг «Абул Аъло Маъаррий» каби асарлари). Архаик ҳазил услубида, ўқувчида кулги уйғотиш мақсадида, ҳозирги кундалик ҳаёт тасвирида гўрим персонажлар тилида эскирган сўз ва иборалар қўлланилади (Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси, «Майсаранинг иши», «Тўхматчилар жазоси» комедиялари). Дабдабадор услубдан (бомбаст) болохонадор, тантанавор мақомдаги монологлар, нутқларда фойдаланилади (Шекспирнинг «Ҳамлет», Шайхзоданинг «Мирзо Ўлугбек» трагедиялари, Сервантеснинг «Дон Кихот» романи). Индивидуал услуб деганда бирон авторнинг муайян даврда яратган асарларида доим учраб турадиган ёки унинг бутун ижодида хос асосий услубий унсурлар мажмуаси тушунилади. Шунингдек, ижодий фаолиятга муносабатидан қатъи назар, бирон шахснинг оғзаки ёки ёзма нуқтада мунтазам ишлатиладиган сўз ва иборалари ҳам индивидуал услубни келтириб чиқаради.

<sup>1</sup> О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов. М., 1966, с. 454—457.

Услубий мослаштириш ёки тақлидда муайян жанр, ижтимоий муҳит, давр ва бошқаларга хос бўлган нақл ёки нутқ услубига тақлид, ўхшатма ёинки монандлик тарзи тушунилади. Бундан мақсад бирон нутқ мақомининг «айни ўзи» ҳақида таассурот туғдиришдир.

Ўзининг ёрқин индивидуал услуби билан ажралиб турган ёзувчиларнинг ижодида бир эмас, бир нечта аниқ кўзга ташланадиган услублар мавжуд бўлади. Ёзувчи ижодида янгича услубнинг пайдо бўлиши, кўпинча, унинг ижодий эволюцияси, ҳаётни идрок этишдаги бурилиш, силжиш, бадий методнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Ёзувчи қўлга киритган ҳаётий материал уни бадий тасвирлаш учун муқобил услуб қидириб топишни талаб этади. Албатта, бу фақат янги ҳаётий материалга мурожаат қилгандагина янги услубий ҳодисалар пайдо бўлар экан, деган хулоса чиқаришга асос бўлмайди. Шунингдек, янги ҳаётий материал муаллифни жадал услубий изланишларга даъват этишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Баъзан илгари қарор топган услубий системага айрим ўзгаришлар киритишга тўғри келади. Воқеликдан олинган материалдан ташқари, бутун ижодий жараён давомида беихтиёр ёки онгли равишда китобхонга бўлган мўлжал ҳам услубнинг қарор топишида муҳим аҳамиятга эга. Бу маълум бир муҳитда ёки ўзига хос тарихий, лисоний-эстетик шароитда тарбияланган ўқувчилар оммасининг эҳтиёжи, диди асосида содир бўлади. Чунончи, хусусан, таржималар вақтида, дидлар «тўқнашуви» юз берганда таржимон бундай субъектив ҳолни ҳисобга олишга мажбур бўлади.

Чинакам сўз устасининг услуби ўз замондошларигагина эмас, балки келажак замон китобхонларига ҳам таъсир қилиш қобилиятига эгадир. Маълумки, бадий асар барча ҳолларда ҳам дафъатан ўз китобхонларини топавермайди. У ўзи манзур бўладиган талабгорларини, ўқувчиларини топгунига қадар орадан узоқ вақтлар ўтиши ҳам мумкин. Бироқ ана шундай жозибador қизиқиш пайдо бўлиши учун асар оригинал образлар силсиласигагина эмас, балки пухта ишланган услубий системага ҳам алоқадор муайян фазилатларга, эстетик туйғу туғдириш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Айтайлик, Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да турк (қадимги ўзбек) тилининг фазилатлари ҳақида фикр юритар экан, бу билан ўз она тилини қандай бўлмасин форс тилидан устун қўйишни мўлжаллаган эмас, балки баъзи жабҳаларда унинг ҳам ўз лисоний афзалликлари борлигини намойиш этиш баробарида, ўзбек тилида ҳам салмоқдор, чуқур бадий асарлар, санъат обидалари яратиш мумкинлигини исботлади ва амалда кўрсатиб берди. Шунга эътибор қилиш лозимки, Навоий туркий тилнинг аллақанча услубий ифода воситаларини ҳам тил бойлигининг жавоҳирлари сифатида қайд этган. Ўз замонасида Алишер Навоийнинг дostonлари, ғазаллари, рисоалари, таржималаридан аксарият юқори тоифа вакиллари, саводхон кишилар баҳраманд бўлганлар. Шоирнинг ижоди нақ 500 йилдан кейин чинакам умумхалқ

мулкига айланди, унинг беназир асарлари миллионлаб китобхонлар қўлига тегиб, миллий ифтихор рамзи бўлиб қолди. Албатта, беш асрлик тарихий давр Навоий асарларининг тилини тушунишни анча қийинлаштириб қўйган, лекин шундай бўлса-да шоирнинг фасиҳ услуби, ўзига хос гўзал, жилвакор мақомда кашф этган чуқур гуманистик, фалсафий ғоялари оҳанрабо сингари халқимизнинг диққат-эътиборини ўзига тортади.

Демак, услуб ҳаётни образли ўзлаштиришни ифодалаш, китобхонларни ишонтириш ва қизиқтириш воситасидир. Ҳикоя қилиш, саҳна томошаси ва лирик идрокнинг таъсирчанлиги асарнинг асосий жарангосида ўз аксини топади. Етакчи оҳанг асарнинг тузилишида ҳам, қаҳрамонларни тасвирлаш йўсинида ҳам кўп нарсани белгилайди. Шу боисдан мақбул оҳанг топа биллиш ёзувчининг ижодий меҳнатида ғоят муҳим нарса ҳисобланади.

Ғафур Ғулومнинг «Сен етим эмассан» шеърида вулқонли бир забткор оҳанг, кучли нафрат ҳисси, оташин нафас уфуриб тургандай, у барча ижтимоий иллатлар, ирқий камситиш, инсоннинг иззат-нафсониятига тегувчи ҳар қандай таҳқир ва ҳақоратларни ўз йўлидан супуриб, куйдириб кетаётгандай туюлади. Унинг «Вақт» шеърида эса тамомила бошқа бир маром ҳукмрон. Босиқ, салмоқли, фалсафий-вазмин. Бутун шеър эмас, ҳар бир мисра, ҳар бир банд «жаранглайди» ва булар барчаси бамисоли катта, чуқур бир оҳанглар дарёсига қўшилиб кетади. Ҳар бир бадий мазмун ўшанга мос келадиган оҳангни талаб этади. Ҳарбий марш — лирик шеър оҳангида, рубоий — сочма оҳангида, ғазал — баллада оҳангида, марсия — ёр-ёр оҳангида ёзилмайди ва таржима қилинмайди.

Ҳар бир асарнинг табиатига мос тушадиган оҳанг кашф қилингандагина уни бошқа тилга таржима қилишнинг калити топилади.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши.  
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сориға кетса киши<sup>1</sup>.

#### Л. М. Пеньковский таржимаси:

Желанной цели должен ты добиться, человек,  
Иль ничего пускай тебе не снится, человек.  
А если этих двух задач не сможешь ты решить—  
Уйди куда-нибудь, как птица, человек<sup>2</sup>.

Рус шоирининг бадий талқини асл нусхага нисбатан «муфас-салроқ», унга баъзи бир янги деталлар қўшилган. Зеро, таржима тақозоси шундай. Оҳангни ҳам мутлақ бир-бирига мос деб бўлмайди. Аслида, бир-биридан узоқ шеърий системаларда «мутлақ» мосликни талаб қилишнинг ўзи ўринли эмас. Лекин шуниси таҳсинга сазоворки, таржимон Бобир рубоийсининг

<sup>1</sup> Б о б и р. Танланган асарлар, Тошкент, 1976, 62-бет.

<sup>2</sup> Б а б у р. Избр. соч., Ташкент, 1959, с. 125.



оҳангига яқинлашиш йўлини қидирган. У ҳатто рус шеърятига хос бўлмаган радифни ҳам ўрнида тиклаган (*киши — чело-  
век*), қофиялар тўлиқ (*етса — этса — кетса; добиться — снит-  
ся — птица*).

Таржимада бадий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача, агар ҳам оҳанглик таъминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида, бадий асарнинг бошқа компонентлари, луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф, қофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда, таржимада ё табиийлик, ёки аксинча, сохтакорлик, сунъий контекст, ясама бадий муҳит пайдо бўлишига олиб келади.

Шарқ шеърятини ва халқ оғзаки ижоди асарларининг моҳир таржимонлари шу хусусда гапириб, айниқса фольклор обидаларини ўгиришда ритмни тўғри акс эттириш ниҳоятда муҳим эканлигига эътиборни қаратадилар. Фирдавсийнинг «Рустам ва Заҳроб»и бир ярим асрдан буён В. А. Жуковский таржимасида мавжуд, унда байт системаси ҳамда байтларнинг қофияланиш принципига амал қилинмаган, яъни мисралар қофияланмаган. Адам Мицкевичнинг «Саркардалар» асаридаги икки туроқли ва тўрт туроқли анапестни А. С. Пушкин тўрт туроқли хорей билан алмаштириб таржима қилган.

Эпос таржимасида бундай алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Рус былиналаридаги такрорланмас мусиқий маромни, «Манас» жирини, «Жонгориод» ва «Гэсер» анафорасини, «Калевала»га хос хорей, «Маҳобҳарата» ва «Рамаяна»га хос шлокни ўқувчи дарҳол фаҳмлайди. Эпос таржимасига бегона ритмни тиркаш эпосни миллий колоритдан маҳрум этиш билан баробар.

Олайлик, жанубий Хитой фольклоридан айрим дostonларни рус тилига ўгиришда хитойча асл нусха ритмини акс эттиришдан қийналган таржимонлар анойилик қилиб, бу асарларни «Калевала» оҳангига солиб таржима қилган эканлар, шундай табиий сўроқ кўндаланг бўлади: хўш, жанубий Хитой халқларининг эпик дostonлари билан кареллар ва финларнинг «Калевала»си ўртасида ҳозиргача биров кимсага маълум бўлмаган аллақандай алоқа ё муштараклик топишибдими? Қаёқда! Шунчаки, таржимонларнинг фикри ожизларича, бундай вазннинг бошқаларидан ҳеч бир қолишадиган жойи йўқ эмиш...

«Бундай анойилик чалғитиб қўяди,— эътироз билдиради мутахассислар.— Бу таржимонлар шoir эмас, балки билагон филологлар, дейлик. Хўш, бундай ҳолда ўзбек халқ дostonи «Тоҳир ва Зухра» русча шеърини таржимада

Нет повести печальней в этом мире,  
Чем повесть о Зухре и Тахире  
(Йўқ экан жаҳонда монанди афлок,  
Тоҳиру Зухродек қиссан ғамнок) —

деб бошланаркан, биз бунда нимани ҳис этишимиз керак?

Фольклорчи олимлар энди, эҳтимол, ўзбек бахшиларига Шеке-  
нирининг, инглиз фожианависи эмас, тагин... «Нет новости  
печальней на свете, чем повесть о Ромео и Джульетте»—

(Ромео ва Жульеттанинг қиссасидан ҳам,—  
Ғамли қисса кўрган эмас тарихда олам\*)—

деб бошланган рус Шекспирининг таъсири ҳақида илмий тадқи-  
қот бошлаб юборишларини кутишга ҳам тўғри келар?»<sup>1</sup>

Сохта оҳанг эса, қизиғи шундаки, ўз навбатида, муаллифда  
бўлмаган уйдирма воқеалар, «илова»лар, луғатлар ва бошқа  
«ижодий тафсилот»ларнинг таржимага келиб қўшилишига са-  
баб бўлади.

«Мне — гатчинские мёртвые законы?  
Мне — палочная прусская муштра?  
Нет! Лучше старой колокольни звоны  
Да сельский сон... Мне отдохнуть пора!»<sup>2</sup>

В. Луговской билан С. Сомовалар бир вақтлар таржима  
қилган асардан олинган бу парчада бирон ўзбек адабининг  
ижодига нисбат берса бўладиган бирон нарса, «иллак» ёки  
«илинж» йўқ: на биронта хослик, на биронта сўз, на биронта  
оҳанг. Ўзбек шоирининг нафаси сезилмайди. Ваҳоланки,  
ахир, бу шоир Зокиржон Фурқатнинг «Суворов» шеърдан  
олинган, деб даъво қиладилар иккита туппа-тузук таржимон.  
Мен асарнинг асл нусхасидан худди шу жойига «мувофиқ»  
келадиган жойини топиб қарасам, деб ҳикоя қилади Масъуд  
Расулий, не кўз билан кўрайки, у ерда атиги мана бу мисрани  
топдим: «Дебонким: «Бу нечук сўздур, нечук кор?» Энди асл  
нусха оҳанги билан юқоридаги тўқима мисраларнинг забтини  
бир солиштириб кўринг. Агар бир ўнгидан келиб, мазкур таржи-  
ма Фурқат ижоди тўғрисида рус тилида бир нима демоқчи  
бўлган адабиётшуноснинг қўлига тушиб қолсам, роса гапни  
«олиб қочади»... Бундай ҳоллар учраган»<sup>3</sup>.

Услуб бу «ўзига хослик» экан, ҳар бир йирик санъаткорнинг  
ўз услуби — ижодига хос ғоявий йўналиш, бадний-тасвирий  
воситалари, лексик-фразеологик унсурлар ва бадний шаклга  
алоқадор ўзга компонентлар мавжуд бўлиши юқорида айтилди.  
Бирон ёзувчи, шоир, драматургнинг услубини аниқлашда, унинг  
ўзига хос индивидуал ижодий биографияси, қалам тебратиш  
йўсинини тайинлашда қиёс муҳим воситалардан биридир.  
Ҳамонки, услуб адабий-тарихий анъаналар, ижодкорнинг дунё-  
қараши, диди, эстетик эътиқоди ҳамда у яратган конкрет асарда  
олға сурилган ғоя, мақсад ва бошқалар билан чамбарчас боғ-  
лиқ экан, қиёсда шуларнинг ҳаммаси асос қилиб олиниши

\* М. Шайхзода таржимаси.

<sup>1</sup> Журн. «Дружба народов», 1977, № 12, с. 259.

<sup>2</sup> «Антология узбекской поэзии». М., 1950, с. 270. Қаранг: М. Расули й.  
Ўзбек адабиётидан рус тилига қилинган таржималарга бир назар. «Таржима  
санъати» мақолалар тўплами, 1973, 166-бет.

<sup>3</sup> Вл. Россельс. Советская переводческая школа в 60-х годах.  
„Slavica Slovaca“. Rocnik, 6 1971, cislo 4, s. 11.

мумкин. Лутфий билан Навоий бир тарихий даврда яшаган эканлар, шу икки адибнинг ўзига хос услубини XV аср ўзбек адабий тилининг тараққиёт даражасидан қидириш амри маҳол. Шунинг учун қиёсда уларнинг ўз бадиий-тасвир воситалари, образлари, ғазалиётининг ғояси, шаклидан қидириш ўринлидир. Лекин, айтилик, Навоий билан Ғафур Ғулومнинг ўзига хос услубини белгилашда XX аср ўзбек адабий тилининг XV аср тилидан қанчалик фарқланиш фактори ҳам юзага қалқиб чиқади. Бу икки шоирнинг индивидуал услубини уларнинг ҳатто бир мавзуда яратган асарларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Индивидуал услубий тафовутни бир адибнинг ижоди доирасида ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, «Хамса»га кирган «Лайли ва Мажнун»— «Фарҳод ва Ширин»дан, «Садди Искандарий»— «Сабъан сайёра»дан ғоя, образ, тил, талқин ва шоирнинг нияти жиҳатидан фарқ қилади. Ойбек-шоир ва Ойбек-носирнинг услуби, адибнинг Улуғ Ватан уруши даври ижоди билан ундан олдинги (ёки кейинги) ижодида ҳам, қаламга олинган мавзулар тақозоси билан услубий тафовутлар бор («Қутлуғ қон», «Олтин водийдан шабадалар», «Покистон», «Улуғ йўл»). Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи билан «Кашмир қўшиғи» достони ўртасидаги услубий фарқ уларнинг бошқа-бошқа адабий жанрларда ёзилганидагина эмас, балки қаламга олинган мавзуларнинг хусусияти, авторнинг бу асарларни ёзишдан кузатган мақсади ва ҳоказолар тақозоси ўлароқ содир бўлган. Айни шу «Кашмир қўшиғи» достони билан унинг асосида яратилган балет ўртасида жанр ва тур билан боғлиқ (адабиёт ва санъат) жиддий тафовут зоҳир бўлади.

Ҳар бир ижодкорнинг услубий ўзига хослиги тил ресурслари асосида юзага келар экан, тил ва услуб тушунчалари бир-бирига яқин, аммо улар ўртасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Башарти, тил билан услуб бир нарса бўлганида, бирон адибнинг асарини бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда унинг фақат луғавий бисоти эквивалентларини ўтказиб, услубий хослигини бериб бўлмасди. Ҳолбуки, ҳар бир муаллифнинг ўз «тили», яъни услубини қайта яратиш бадиий таржиманинг муҳим шартларидан биридир. Айни бир тил, рус тилида ижод қилган Ф. М. Достоевский билан А. П. Чехов услубида катта фарқ бор. Шунингдек, ўзбек тилида ижод қилган Ойбек билан Абдулла Қаҳҳор услубида ҳам жиддий ўзига хослик мавжуд. Лекин бошқа-бошқа тилларда қалам тебратган А. П. Чехов билан Абдулла Қаҳҳорнинг услуби бир-бирига яқин. Бу услубий ҳамоҳанглик икки адибнинг адабий-эстетик қарашларидаги яқинлик, тилдан фойдаланишдаги маҳорат (қисқалик) билан изоҳланади. Араб романисти Жиржи Зайдон билан Абдулла Қодирий, Максим Горький билан Садриддин Айний услубидаги муштаракликда эса мавзу ва тарихий колорит муҳим ўрин эгаллайди.

Услубий ранг-баранглик, шакл ва маънолар жилвакорлиги ҳар бир миллий адабиётнинг катта бойлигидир. Агар турли-ту-

ман услублар, бўёқлар бўлмаганида, ягона услубий сидирғалик, якранглик, сийқалик туғилган бўлар, бу эса фикрий тўмтоқликка, адабий қашшоқликка олиб келар эди. Шу сабабли ҳар бир миллий адабиётнинг чинакам бойлиги унда ижод қилаётган адибларнинг қанчалик кўплиги билан эмас, балки ўзига хос ёрқин услуб намуналарини яратган ва яратаётган ижод аҳлининг бунёдкорлик қуввати билан ўлчанади. Демак, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубини тайин этишда унинг ижодини бошқа тарихий даврда яшаган шоир услуби билан қиёс қилиш шарт эмас — замондош ёзувчилар ижодини чоғиштирса ҳам бўлади.

Бу ўринда яна оригинал ижод билан таржимавий ижод хусусиятига, уларни қиёслаш заруратига тўхташга тўғри келади. Мақсуд Шайхзода яратган «Мирзо Улуғбек» фожиаси билан у ўзбекчага ўғирган Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта» трагедиялари таржималарини услубий чоғиштириш адибнинг бадий камолоти, ўзига хос лафзи, миллий характерга сайқал бериш маҳоратининг қарор топиш эволюциясини кузатишда жуда катта самара бериши аниқ. Ойбекнинг «Евгений Онегин» шеърӣ романи таржимаси устида олиб борган матонатли меҳнати билан унинг ўзи яратган поэмаларини қиёсий-услубий планда ўрганувчи кишини бадий ижод қонуниятларига алоқадор ҳайратомуз янги кузатишлар кутади.

Бадий таржималарни қиёсий-услубий схемалар асосида ўрганиш орқали бир қанча натижаларни қўлга киритиш мумкин. Булар таржима(лар)нинг асл нусхага мослиги (адекватлиги) даражаси ва уларнинг сифатини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, мазкур қиёсий методика яна бир аспект — муайян бир асарнинг бир қанча таржималари мавжуд бўлганида, ворисийлик ва гоҳо юз берадиган адабий ўғриллик (плагиатлик)ни аниқлашда ҳам қўл келади. Қуйида Наби Алимуҳаммедовнинг таржималарига алоқадор баъзи далилларни келтираман.

Автор	Асар номи	Илк таржимаси		Сўнги таржима	
		Нашр йили	Таржимон	Нашр йили	Таржимон
Виктор Гюго Лев Толстой  Борис Горбатов	„Денгиз заҳматкашлари“	1938	Наби Алимуҳаммедов	1965	Нурбек, Эркин Мироби-дов
	„Севастополь ҳикоялари“	1941	Наби Алимуҳаммедов	1957	Холлида Аҳророва
	„Бўйсунмаганлар“	1946	Наби Алимуҳаммедов	1953	Шукур Саъдулла

Текширишлар натижасида Наби Алимуҳаммедов номига мансуб таржималарнинг айни асарнинг ундан кейинги янги таржималарига қараганда пухта ва афзаллиги жиҳатлари аниқланди. Бас, табиий равишда шундай савол туғилади:

ҳамонки, Н. Алимӯҳаммедов таржималари мукамал бўлиб, ва қ т с и н о в и д а н ўтган экан, ўша асар таржимасини я н г и л а ш, яъни уларни бошқа кишиларга қайтадан ўғирнишга топиширишнинг нима ҳожати бор эди?

Дарҳақиқат, «Бўйсунмаганлар» қиссаси ва бошқа айрим асарларга нисбатан айтганда, қайта таржимага, эҳтимол, зарурат ҳам йўқ эди. Айтайлик, Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти», «Тарас Бульба», М. Горькийнинг «Одамлар орасида» («Малайликда») сингари асарларининг энг сара таржималари Н. Алимӯҳаммедов номин билан қайта-қайта нашр этилиб келинади. Бошқаларига келганда, улар ё эскирганлиги, ёки чалатлиги (қисқартиб ўғирилганлиги) тарафидан қайта таржима қилишга мажбурият туғилган. Аммо бу ўринда масаланинг эътирозга сабаб туғиладиган бўлак жиҳати бор: илк таржимада тўғри, анча мақбул ҳал қилинган бир қанча нарсалар кейинги таржималарда бузиб қўйилган. Бошқача айтганда, тоғо аввалги тўғри талқин кейинчалик чалкаштириб юборилган: В. Гюго, Л. Толстой, Б. Горбатов асарларининг таржималарида аввал бир қадам олға босилиб, сўнгги йилларда икки қадам ортга тисарилиш содир бўлган. Бунинг сабаби нима?

Сабаби, адабий ўғрилиқ (плагиатлик)дан чўчишдир. Бироқ бадий таржимада плагиатликнинг ўз хусусияти бор. Бунда мустақил талқин, ўзига хос услубий концепция, оригинал оҳанг (асл нусхага нисбатан, албатта) топилган экан, бир асарни икки топқир эмас, ўн марталаб қайта-қайта ўғириладики, объект бир бўлса-да, бу таржималар ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди, такрорлаши мумкин эмас. Адабий **ворислик** бадий таржимага ҳам ёт тушунча эмас. Бунда дастлабки кашшоф — таржимон қўлга киритган ютуқдан ижодий фойдаланиш мумкин, айни вақтда кейинги талқин ва таржима олдингисига нисбатан бир парда ю қ о р и бўлиши лозим.

Таржимон ўзи ўғираётган китоб матни ичра чегаралангандир. Ташқарига чиқолмайди — автор илгари сурган ғояни давом эттиролмайди, худди шунингдек, асарни қисқартиришга ҳам унинг ҳадди сиғмайди. Қисқаси, таржимон мавжуд нарсани фақат тар ж и м а қилади. Лекин таржима даргоҳи бу қадар чегараланган бўлишига қарамай, у с ў з с а н ъ а т и жумласига кирази. Бунинг боиси шуки, таржимон тил соҳасида ижод қилади. Тилнинг асосий қурилиш материали эса сўзидир. Бадий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар — бадийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик — барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топади ва сўз орқали реаллашади. Бинобарин, сўз **танлаш бадий таржимада бирламчи аҳамиятга эга**.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Бадий таржимада асосий гап алоҳида олинган бирон сўз ёки жумлани таржимон қандай ўғирганидагина эмас. Қолаверса, ҳар бир таржиманинг қадр-қиммати унда айрим унсурлар-

нинг нечук берилгани билан ўлчанмайди. Бадий таржимада баҳолаш мезони талқиндир. Уни қайта яратиш жараёни эса уч босқичда амалга ошади:

1. Асл нусха (оригинал)ни таржимон қандай қабул қилиши (тушуниши).

2. Асарнинг ғояси, авторнинг мақсад-муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қандай талқин қилиши.

3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита, тадбир ва тадорик топа олиши.

Бадий асарни ўгиришда асосий омил оригинал луғатини таржимачи-тилнинг муқобил (эквивалент)-луғати билан алмаштириш эмас, балки муаллифнинг ўзлиги, асар концепцияси, айти асарда акс этган сўз санъатини қайта ифодалай олишдан иборат.

Таржимада айрим олинган ҳар бир ҳолатга қандай сўз ёки жумла жоизлигини «луғавий эквивалентлик» эмас, табиий мувофиқлик, яъни тасвирланаётган характернинг «мижози»га маъно, услуб, оҳанг томондан контекстуал мослик ҳал қилади. Сўзни — сўз билан ўгиришга одатланган таржимон муқаррар панд ейди. Бадий таржиманинг илмий тавсифлаш энг қийин бўлган хоссаси шундаки, бунда сўзни-сўз билан эмас, балки маънони-маъно, оҳангни-оҳанг, образни-образ, юморни-юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

«— Ты чья такая?— установился на неё Тарас.

— Антона Лукича дочка... Луиза,— бойко ответила Лизка.

— Брысь, паскуда!— гаркнул Тарас»<sup>1</sup>.

Борис Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» қиссасидан олинган қисқа диалогда Тараснинг бу қадар жаҳлини чиқарган нарсанима? Бу — талаффуздр. Фашистлар зулмидан аламзада бўлиб, тарс ёрилай деб юрган Тарас жабрдийда халқининг қаттол душманига номусини сотган рус қизи Лиза ўзини немисчасига «Луиза» деб таништирганида, чол уни жаҳл билан «паскуда» деб ҳақорат қилади. Бу сўз шум, қабих, пасткаш, ифлос маъноларини беради. Бироқ Н. Алимӯҳаммедов таржимасида чолни мазкур «эквивалент»ларнинг биронтаси ҳам қаноатлантирмайди, у «Луиза»га юзланиб, бутун қаҳр-ғазабини қарғиш аралаш тўкиб солади: *йўқол, дийдоринг қурсин, жувонларг!*<sup>2</sup> Кейинги таржимада эса (Ш. Саъдулла) «паскуда»— *ярамас* сўзи билан алмаштирилгани номинал-луғавий талабга жавоб берса-да, чолнинг алфозига сира мос келмайди.

Услуб масаласи совет таржимашунослигида ҳам лингвистик йўриқда, ҳам адабиётшунослик йўналишида тадқиқ қилинади. Бунинг сабаби шуки, бадий таржиманинг қайси бир муаммосига қўл теккизилмасин, уни услубни четлаб ўтган ҳолда ўрганиш мушкул. Шунинг учун ҳам таржимашунослик соҳасида яратилган илмий тадқиқотларда, гарчи услуб муаммоси махсус қўйил-

<sup>1</sup> Б. Горбатов. Избранное. М., 1955, с. 440.

<sup>2</sup> Б. Горбатов. Бўйсунмаганлар. Тошкент, 1946, 16- бет.



маган ўринларда ҳам, уларда тадқиқотга олинган масала аксарият ё услубга бевосита бориб тақалади ёки услубий методика асосига қурилган бўлади. Шу тариқа, зоҳиран қараганда, бадиий таржимада муаллифнинг асарда акс этган индивидуал услубни қайта яратиш баҳс анча кенг ўрганилгандай кўринади. Лекин шу билан бирга, бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Ўзбек таржимашунослигини кўздан кечирайлик. Бизда филология фанлари докторлари Жуманиёз Шарипов, Э. С. Азнаурова, Н. В. Владимирова, Г. Ғафурова, Л. Абдуллаева ҳамда филология фанлари кандидатлари С. Саломова, Қ. Мусаев, Н. Комилов, Р. Файзуллаева, М. Сулаймонов, М. Каримова, К. Жўраев, Д. Гуломоваларнинг илмий ишларида мазкур проблеманинг турли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Лекин бир қанча ишларда проблема тўғрисида азалдан маълум бўлган гаплар такрорланади, баъзиларида эса, аксинча, шу соҳада бундан муқаддам яратилган тадқиқотлардан хабарсизлик, бинобарин, бир ёқламалик сезилади; айрим тадқиқотчилар услуб тўғрисидаги умумий мулоҳазалар билан чеклансалар, бошқалари ўзлари таҳлилга олган мавзу доирасида масаланинг тафсиллий томонларини ўрганадилар ва ҳоказо. Услубнинг мавзун ва мундарижасини белгилайдиган, уни тўла қамраб оладиган яхлит тадқиқот ҳозиргача яратилган эмас. Чунончи, ғарбий Европа адабиёти, рус адабиёти ва қардош халқлар адабиётларидан ўзбек тилига, ёки ўзбек адабиётидан бошқа халқлар тилларига қилинадиган, ўзига хос бутун бир адабиётни ташкил этувчи сертармоқ таржималарни олиб қаралса, буларда муаллифларнинг турфа хил услуб жиоларини қайта ифодалаш масаласида жафокаш таржимонлар олдида ҳар гал махсус таҳлил ва таҳсилни, ҳар сафар ўзгача бир чора-ю табдирни талаб этадиган муаммолар кўндаланг бўлиши кўзга ташланиб туради. Таржима қилинаётган авторнинг дунёқараши-ю, синфий мавқеидан тортиб, мактаб, ақлда, мавзу, гоё, материал, давр тақозоси билан унинг қандай, не йўсинда қалам тебратганини инобатга олган ҳолда, таржимон турли-туман услуб жилваларини акс эттиришга мажбур бўлади. Шундай қилиб, таржима қилинаётган адиб азалдан халқимизга танишми ёки бегонами, унинг тили генетик тарафдан ўзбек тилига яқинми ё йироқми, таржима бевосита асл нусха яратилган тилнинг ўзидан амалга оширилмоқдами ёхуд бу билвосита таржимами,— шу сингари омиллар тақозоси билан ҳар гал таржимон олдида мустақил ҳал этишни талаб қиладиган мураккаб вазифалар кўндаланг бўлади.

Ўзбек таржимачилиги амалиётида қўлланилаётган воситали тил орқали ўгириш тажрибаси, уларга муносабат, бундай таржималар методикасига алоҳида тўхташга тўғри келади. Маълумки, ғарб адабиёти, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, итальян ва бошқа адабиётлар асарлари бевосита ўша тилларнинг ўзларидан эмас, балки русчадан таржима қилинади. Бу адабиётлардан



Ўзбек тилига анча кўп асарлар ўғирилган. Воситали таржималарнинг хусусиятларини ўрганиш, шу тариқа мазкур таржима усулига муносабат билдириш лозим. Воситали таржимага муносабат билдириш эса ҳозиргача Фарбий Европа адабиётларидан ўзбек тилига таржималар тарихига баҳо бериш ҳамда бу соҳада истиқболда қилинадиган ишларнинг мундарижасини белгилаш, тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш демакдир.

Фарбий Европа адабиётидан ўзбек тилига қилинган воситали таржималарни умумий адабий-тарихий планда ўрганиш йўли билан бу таржималарнинг сифатига таъсир қилиб бўлмайди. Таржималинг лингвистик аспектда қилинадиган ишлар эса кўпроқ грамматик категория ва тушунчаларни қиёслашдан иборат бўлиб қоладики, бу йўл билан бунёд қилинган тадқиқотларнинг ҳам самараси сезилмайди. Шунинг учун бу тахлит таржималарни тадқиқ этишда қуйидагиларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Биринчидан, хорижий адабиётлардан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан хорижий тилларга қилинган таржималар икки томонлама адабий алоқаларни реаллаштирувчи қудратли восита сифатида ана шу алоқаларнинг ажралмас таркибий қисми деб қаралмоғи лозим.

Иккинчидан, хорижий-ўзбек адабий алоқаларини ўзаро маданий айирбошлаш — бадий таржималар асосида ўрганишда масалани бир томонлама, тор йўналишда олиб текширмасдан, балки бу жабҳада бошқа қардош республикаларда ҳам эришилган ютуқларни кузатиш зарур. Бу эса тадқиқотларнинг адабий-қиёсий план асосига қурилишини тақозо этади.

Учинчидан, бадий таржима масалаларини, жумладан, воситали тил орқали қилинган таржималарни бир ёқлама, «соф» адабиётшунослик ёхуд «соф» тилшунослик асосида ўрганиш кутилган натижани бермайди. Аксарият ҳолларда бадий таржима назарияси бўйича лисоний аспектда қилинадиган ишлар бадий ижод хусусиятларини, бадий матн спецификаси ва қонуниятларини ҳисобга олмай иложи йўқ; аксинча, адабиётшунослик йўриғида бажариладиган ишлар эса, муқаррар суратда, камида икки тил ҳам икки лисоний анъана хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши керак. Зотан, таржима истилоҳининг замирида «икки тил», «тилдан тилга ўғириш» тушунчалари ётади.

Тўртинчидан, ҳар қандай таржимани, хусусан, бадий таржималарни тадқиқ қилишнинг энг тўғри, қулай ва самарали назарий замини — стилистика, икки тил воситалари, икки адабий-тарихий тажрибани қиёсий услубиёт ва типология асосида тадқиқ этишдир. Бадий таржимага халқлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг боғловчи ҳалқаси сифатида қараган ҳолда, уни қиёсий-услубий-типологик планда ўрганиш бирёқламаликдан қочишга, бадий таржиманинг адабий эстетик ва тил масалаларини қўшиб, яхлит, мунтазам таҳлил қилишга имкон туғдиради.

Бунинг учун тилни ҳис этиш лозим. Тилнинг ана шундай «ҳиссий» томонларидан бири муайян асарда автор тилнинг қайси қатламларидан, қандай, не йўсинда фойдаланганида ўз ифодасини топади. Бу эса услуб билан боғлиқ. Албатта, ҳар бир конкрет ёзувчи, конкрет асар, конкрет жанрга мансуб ишлар таржимасида биричи ўринга чиқадиган талаблар бўлади. Олайлик, И. А. Крилов масаллари таржимасида бу миллийликни бериш, Муҳаммадшариф Гулханийнинг «Зарбулмасал»и таржимасида — паремиология, фразеология, идиоматика; комедия таржимасида ҳажвиёт ва юмор; лирика ва халқ қўшиқларида — туйғу, шартли символика ва ҳоказо.

Ҳатто бир тил тараққиётининг турли босқичларида муайян бир хил сўз, таркиб, грамматик воситалар орқали ифодаланган услубий маъноларда ҳам турли фарқлар, силжишлар, торайиш ва кенгайишлар содир бўлади. Кенг маънода, тиллараро таржимада ҳам конкрет лисоний воситаларнинг услубий коэффициенти бир хил қимматга эга эмас. Чунончи, бошқирд адабиётидан — эстон тилига таржима қилишда бош масала туйғу ва соддаликни акс эттиришнинг мураккаблиги, эстон адабиётидан — бошқирд тилига ўгиришда эса поэзиянинг рационал асосини акс эттириш жиддий қийинчилик туғдирди. Лекин ҳамма гап шундаки, муаллиф услубини акс эттириш бадий таржиманинг барча аспектири учун умумий ва зарурий шарт ҳисобланади.

Бадий таржимани қийин услубшунослик асосида ўрганиш проблемасини йирик рус таржимашунос олими проф. А. В. Фёдоров ва бошқа мутахассислар илмий асослаб бердилар.

Назария соҳасида ишлаётган кишилар ўртасида бадий таржимада асосий бирлик деб нимани қабул қилиш масаласида бир тўхтамга келинган эмас. Бундай бирлик: И. Кашкиннинг айтишича — образ, Вл. Россельснинг фикрича — парча, А. Фёдоровнинг этиқодига кўра — гапдир. Аслида, тилларнинг лексик, синтактик ва услубий воситаларини чоғиштириб ўрганиш масалани бундай умумий тарзда қўйиб бўлмаслигини кўрсатади. Зотан, муайян бир тилдан бошқа тилга кимни, нимани ва қандай таржима қилинаётганига қараб, таржима қонуниятлари, талаблари, принциплари ҳам ўзгаради.

Ҳар бир тилнинг ҳам ўзига хос кучли ва заиф томонлари бор. Дунёда бошқа тилларда мавжуд барча луғавий-услубий хусусиятлар, семантик грамматик ресурсларни батамом қоплай оладиган мутлақ бой тил йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир тил ўзича бой ва ўзича гўзал. Бинобарин: ҳеч қачон бирон — А-тилдан бирон Б-тилга таржима қилиш, айти вақтда ўша Б-тилдан ўша А-тилга таржима қилишга тенг эмас.

Бир тилдан бошқа тилга ўгириш ишида таржима жараёнида «қатнашувчи» тилларнинг имконияти масаласига доир жуда

қизиқ бир кузатиш Жорж Муненинг таржима назариясига доир асарида келтирилади. Фақат бу ўринда умуман тилнинг имконияти эмас, балки «субъектив» омил — айти тилнинг лексик услубий нормалари нечоғлик ишланганлиги ҳамда «демографик» омил — таржимада қатнашувчи тилларнинг эгаси бўлган халқлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, адабий-маданий алоқаларнинг қанчалик ривожланганлиги назарда тутилади. «Рус тилидан французчага таржима бўлиш (traductibilité) масаласини тадқиқ қилиш ҳар икки тилнинг қиёсий типологиясини (соф тилшунослик асосида) ҳисобга олади ёки ҳисобга олиши керак; лекин бу икки тил ўртасидаги бутун алоқалар тарихини ҳам эътиборга олиши лозим: рус тилидан французчага 1960 йилда таржима қилиш — бу 1760 йилда ёки ҳатто 1860 йилда ҳам рус тилидан французчага таржима қилиш билан сираям бир хил нарсаси эмас, олдинги даврда (ҳали биринчи французча-русча лугат (1786) ҳам яратилмаган бир вақтларда) алоқа кам эди. XVIII асрдан эътиборан рус тилидан қилинган ҳар бир таржима, ҳар бир саёҳат, шундай саёҳатлар ҳақидаги ҳар бир тафсилот ва ҳикоя руслар ёхуд французлар учун умумий бирдамлик вазиятини юзага келтира бошлади, ҳар бир алоқа ундан кейинги алоқаларни тақозо эта бошладик, ниҳоят, бора-бора Францияда Тургенев, Толстой, Достоевскийларнинг шуҳрати кенг ёйилди, бу алоқалар эса миллионлаб француз китобхонларининг қалбига йўл олди, бунинг натижасида ҳоҳ тилда бўлсин, ҳоҳ бошқа соҳада бўлсин, тафовутлар ҳар гал камая борди»<sup>1</sup>.

Маълумки, француз тилининг бобокалони латин тили ҳисобланади. Ҳолбуки, ҳали қадимги француз тили қарор топган даврдаёқ латин тили ўлик тиллар қаторига ўтиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам М. В. Ломоносов ўз аждодларининг тилини тушунмайдиган халқ деганда французларни назарда тутган<sup>2</sup>. Шу тариқа француз тили ўзининг негизи бўлмиш латин тилидан батамом узилиб қолиши оқибатида унда архаик сўзлар сонини ҳам жуда кам миқдорни ташкил этади.

Афсуски, бизда кўп ҳолларда тил лугатининг архаик қатламини қандайдир кераксиз, баъзан ҳатто «зарарли», ортиқча нарсаси деб қаралади. Ваҳоланки, бу тамомила тўғри эмас. Архаик сўзлар, В. Г. Белинскийнинг таъбири билан айтганда, «ҳақиқий, бебаҳо хазинадир». Чунки улар воситасида лугатнинг кўп маънолилик хусусияти ошади ҳамда махсус шеърини маъно ва лисоний муҳит яратиш учун катта имконият юзага келади.

Француз тилининг архаик лугат бойлиги жуда кам, борлари ҳам ўзининг мустақил ҳис-туйғу англатиш маъноларидан маҳрум бўлиб, фақат мақол, матал ва идиомалар таркибидагина шартли тимсол сифатида сақланиб қолган, холос. Худди шу,

<sup>1</sup> Қаранг: G. Mounin. Les problèmes théoriques de la traduction. P., 1963: 277 (А. В. Фёдоров. Очерки общей и сопоставительной стилистики М., 1972, с. 21).

<sup>2</sup> М. В. Ломоносов. Полн. собр. соч. т. VII, М., 1952, с. 587—592.

сабадан арханизм тушунчасига ҳамма тиллар учун ягона таъриф ҳам бериб бўлмайди. Масалан, француз тилида машҳур тилшунос олим Шарль Баллиннинг таърифи бўйича «архаизм — бу тилдаги шундай бир факти, агар алоҳида олиб қаралса, гапирувчи субъектга тушунарли бўлмайди, фақат контекст ичидагина маъно касб этади; ана шу контекстгина маънога эга, унинг алоҳида унсурларини таҳлил қилганда бирон фикр аниқлаб бўлмайди»<sup>1</sup>. Демак, француз тилида арханизм фақат лексикологик пландагина ўрганилиб, услубий маънога эга эмас.

Рус тилида эса ҳамма сўз туркумлари бўйича архаик сўзлар ўз синонимларига эга. Рус тилининг арханизмларга гоят бойлиги, француз тилининг эса, аксинча, архаик сўзлари ниҳоятда камлиги рус тилидан француз тилига таржима қилиш ишини бениҳоя қийин аҳволга тушириб қўяди. Аксинча, француз тилидан рус тилига таржима қилганда эса бадий матн хусусиятлари, таржима қилинаётган асарда француз тилининг бошқа лексик воситалари, морфологик-синтактик хусусиятлари орқали яратилган тантанаворлик ҳис-туйғуларини рус тилида мавжуд архаик сўзлар билан бемалол берса бўлади.

«Борис Годунов» трагедиясида Борис ҳамда, айниқса, патриарх ва Пимен тилида архаик воситалар орқали акс этган чуқур миллий ўзинга ҳослик билан Сохтакор ва поляк персонажларининг таъсирсиз, қуруқ, ясама тиллари ўртасидаги яққол фарқ асар услубининг жозибадор, сермазмун ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу услубий зид қўйиш асарнинг французча таржимасида, юқорида айтилган сабабга кўра, амалга ошмаган. Натижада трагедиянинг О. Лансере қаламига мансуб французча таржимаси русча асл нусхасидан услубан анча йироқлашган.

«...Черков китобларидаги славян тилларидан фойдаланган русия тилининг ҳозирги Европа тиллари олдида ушбу штил туфайли афзаллиги бор», деганда М. В. Ломоносов юксак услубни ҳосил қилишда арханизмларнинг ролини алоҳида қайд этган эди. А. С. Пушкин асарларида ўзининг бутун лугавий-услубий жилоси билан акс этган ана шу чуқур бадий мазмун, ширадор маъно, «афзаллик»ни француз тилида худди шундай муқобил воситалар билан бериш амри маҳол бўлганлигидан, француз китобхонлари уни катта носир сифатида таниганлари ҳолда, шоирнинг поэзияси уларнинг қалбига деярли бориб етмаган.

Зинҳор, нзҳор этилган бу фикрлар тиллардан-тилларга таржима бўлмаслик назариясини озиқлантириш, уни тасдиқлашга хизмат қилмаслиги, балки масалани қуйидаги тахлитда қўйишни тақозо этиши керак. Биринчидан, француз тили бой архаик қатламга эга бўлмасдан, ундаги архаик унсурлар лексикологик асосда ўрганилгани ҳолда, мустақил услубий маънони фодалашга хизмат қилмас экан, бошқа тилларда, жумладан рус

<sup>1</sup> Ch. Bally. *Traite de stilistique*. Heidelberg, 1912.

тилида ранг-баранг архаизмлар воситасида ҳосил қилинган барча бадий-услубий жилоларни француз тилида умуман бериб бўлмайми? Иккинчидан, француз адабиёти асарларида француз тилининг архаизмлардан бўлак луғавий, морфологик-синтактик воситалари орқали ифодаланган бадий-услубий хусусиятларини рус тилининг «афзаллиги» (М. В. Ломоносов) бўлиши архаизмлар билан берса бўладими?

Таржима бўлиш назариясининг асосий тезисларидан бири шуки, бирон тилда шундай бир нарсa йўқки, уни бошқа тилларда ифодалаб бўлмасин. Тўғри, муайян тилда бирон лисоний категория, ё услубий қатлам, ё мантиқий тушунча, ё лексик восита бўлмаслигини мумкин. Аммо бу ҳол бир тилдаги ўша лингвистик ўзига хослик ёхуд афзаллик воситасида ифодаланган фикрни бўлак тилларга бошқа фонетик, морфологик, синтактик ёки лексик-услубий воситалар билан умуман бериб бўлмаслигини билдирмайди (ТНҚ, 12- § га қаралсин). Ҳозир таҳлил қилинаётган жуфт тил (рус ва француз) мисолида эса шунини айтиш мумкин: рус тилида архаик қатлам воситалари билан ифодаланган услубий маъноларни француз тилида бошқа, билвосита йўллар билан берса бўлади. Бу «билвосита» тадбирлар нимадан иборат эканлигини, мутахассисларнинг фикрича, француз адабиётининг намояндалари, сўз усталари келажакда ихтиро қиладилар.

Ҳар бир тил унинг ўзигагина хос бадий тасвир воситаларига эга. Таржиманда бу хусусиятларни тўғри бериш баъзан аynи таржиманинг умумий бадий-эстетик қимматини белгилашда муҳим омиллардан бирига айланади.

Шарқда гўзалнинг юзини ойга нисбат бериш чуқур ижобий анъанавий ўхшатиш ҳисобланади. Масалан, «Навий асарлари луғати»да *моҳ*, *маҳ* сўзлари асосида ясалган қуйидаги бирикмалар қайд этилган: *моҳи дилафрўз* — кўнгилни хуш қилувчи ой, кўнгил овловчи гўзал; *моҳи жаҳонгард* — дунёни кезувчи ой; *моҳи Зухражабин* — Зухрадай порлоқ, гўзал; *моҳи Канъон* — Канъон гўзали (ҳусндор Юсуф лақаби); *моҳи нав* — янги ой; *моҳи сарв қад* — барваста гўзал; *моҳи тоб*, *моҳи тобон* — порлоқ ой, тобланиб турган гўзал; *моҳи хиргоҳ* — чодирдаги ой, гўзал; *моҳи шабафрўз* — тунни ёритувчи ой; *моҳи шабгард* — тунда кезувчи ой; *моҳи меҳр* — Ой ва Қуёш, *моҳи нўшлаб* — ширин сўз ой, ширин сўз гўзал; *моҳваш* — *маҳваш* — ойга ўхшаган, гўзал севгили; *моҳлиқо*, *маҳлиқо* — ой юзли гўзал; севгили; *маҳпайкар* — ой суратли, ойдаи, гўзал; *маҳпора* — ойпарча; гўзал; *моҳ рухсор* — ой юзли, гўзал; *моҳрўй* — ой юзли, гўзал; *моҳталъат* — ой юзли, гўзал, чиройли; *моҳтоб*, *маҳтоб* — ойдин (НАЛ, 399—400).

Ўзбекча-русча луғатда *маҳваш*, *маҳлиқо*, *маҳпора* сингари негизи форсча-тожикча *моҳ* — «ой»дан тузилган сўзлар билан бирга, ўзбекча *ой* англатган «гўзаллик» маънолари қуйидагича берилади: *ойдек қиз* — луноликая (красивая) девушка; *ойни этак билан ёпиб бўлмас* посл. луну подолом не прикроешь;

соотв. шила в мешке не утаишь; *ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига* посл. букв. всякому своё кажется луною (своё не мыто, да бело); *оймўма* перен. круглолицый, лунолицый (УРЛ 258, 298—299). Рус тилида эса *луна* (ой) сўзининг деярли биронта ҳам кўчма маъноси луғатларда қайд этилмаган.

Шундай қилиб, *ой ўзли ёр* ўзбек тилида ниҳоятда гўзал маҳбубани англатса, русларда бу гўзаллик тушунчаси у ёқда турсин, аксинча, қўполлик ва подонликни билдиради.

Қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да ой, қуёш, юлдузлар фақат табиат «мўъжизаси», безаги, сайёра, ёритгич эмас (гарчи дostonда мафтункор манзаралар тасвирида масаланинг бу томони ҳам кенг ўрин эгалласа-да), балки инсоннинг маънавий олами, жисмоний гўзаллиги, таровати, ҳусну латофати таърифида тез-тез қўлланиб турадиган «ярашиқ» анъанавий услубий восита сифатида кенг истифода этилган.

Самовий жисмлар — Ой, Қуёш, юлдузлар ер юзининг турли қисмларида кишилар наздида гўё ҳар хил жилваланади. Турли миллатларга мансуб одамлар осмон ёритгичлари тўғрисида ёки улар асосида шу қадар ранг-баранг ривоятлар тўқишган, шунчалик кўп мақол, матал, мажозлар яратганларки, булар бир-биридан жиддий фарқланади. Лекин шарқ халқларининг оғзаки ижоди, мифологияси ва паремиологиясига хос умумийлик шундаки, масалан, ой гўзал ёр, маҳбуба сиймосининг латифлиги, хушрўйлигини ифодалаб келади. Бундай қараганда, гўзалнинг юзи, андомини тасвирлаганда нуқул «ойга мурожаат» қилавериш ифодавий сийқалик ва ғализликни келтириб чиқарадигандай туюлади. Йўқ, бу ёғи санъаткорнинг маҳоратига боғлиқ. Ернинг табиий йўлдоши ҳисобланмиш ой ўз фазасини айланиб чиқаркан, одамларга кўринадиган кундан бошлаб қандай «чиқиб», «ўзгариб», «тўлишиб», «катталашиб», «тутилиб»; «ботиб» борса, моҳир санъаткор қўлида, унинг дидли тасвирида ҳар гал ўзгача бир чирой, латиф тароват пайдо қилади.

Бадий тасвир воситаси сифатида «ой»дан фойдаланиш борасида («Рамаяна») асл нусха, айни ҳолда русча таржимада қўлланилган тадбир билан ўзбек таржимони ишлатган усуллар ўртасида фарқ бор. Чунончи, русча таржимада: 1) луна (ой) — осмон ёритгичи сифатида табиат тасвирида иштирок этади; 2) бошқа мавжудотлар (масалан, қушлар) ёки ҳар хил иншоотларнинг кўркини ифода этишда қўлланилади; 3) маҳбуба чеҳрасининг гўзаллигини чизишда доимий услубий объект бўлиб келади. Ўзбекча таржимада эса ой бу уч вазифадан ташқари, яна бошқа бадий-тасвирий мақсадларни ҳам рўёбга чиқаради. Биринчидан, ҳинд оғзаки ижодида «ой» анъанавий образ, тим-сол эканлигидан фойдаланган Муҳаммад Али тасвир ва таржиманинг «келишига» қараб, русча таржимада қўлланилмаган ўринларда ҳам бу мажоздан фойдаланади; иккинчидан, рус тилида гўзал маҳбубага нисбатан қўлланилган *прекрасная, кра-савица, дорогая* сифатлари, *царица* ёки *царевна* ўрнида ҳам ой сўзидан ясалган мажозий сўз ва ибораларни ишга солади;



учинчидан, тасвирда такрор ва ғализлик туғилишига йўл қўймаслик, аксинча, ранг-баранг бадий воситалардан истифода этиш мақсадида «ойнинг бошқа синонимлари асосида ясаиб, бир неча асрлар мобайнида ўзбек тилида, айниқса, классик адабиётимизда мўл-кўл ишлатиб келинган сўз, иборалардан топиб, билиб, ўрнида фойдаланади. Шу тариқа таржимада ой сўзидан ясалган: *тўлиқ ойдай, ойжамол, ой чехра, ойқиз, ойдек, ойюз, ойюзли, ой рухсор, ой монанд, ой мисол* ўхшатиш ва сифатлашлари; *моҳ* сўзи асосида таркиб топган: *маҳпора, моҳий-пайкар, моҳтобон, маҳлиқо* сингари мажоз ва иборалар жуда сероб. Булардан ташқари, *мисли қуёш, офтобжамол, хуршиди тобон* сингари «қуёш»дан таркиб топган муболағадор тавсифлар ҳам кўп учрайди.

Албатта, миллий колоритни ифодалашга берилиб кетиб, бошқа тилларга хос бадий тасвир воситаларини кўр-кўрона, айнан ўзидай кўчириш китобхонда фақат тушунмовчилик туғдиради, холос. Бу асл нусха услубини бошқа тилда акс эттиришгагина эмас, балки услуб ва таржима тушунчаларининг ўзига ҳам хилоф.

Олайлик, кўзнинг чаросга ўхшатилиши (*чаросдай кўзлар*) унинг тим қора эканлигига ишорадир. Буни рус тилига айнан «глаза, будто чарос» деб ўгириб, сатр остида «чарос — узумнинг яхши пави» тарзида изоҳ берган билан рус китобхонига ҳеч нарсга тушунарли бўлмайди. Энди рус тилида кўзнинг ғўзаллигига ишора қилувчи анъанавий ташбиҳ ва унинг ўзбек тилига қандай таржима қилиниши ҳолларини назардан ўтказайлик.

Л. Н. Толстой «Тирилиш» романида Катюша Маслованинг кўзлари қоп-қора эканлигини англатиш мақсадида *смородина* (қорағат) сўзидан фойдаланиб, «чёрные, как мокрая смородина» иборасини бир неча бор такрорлайди. Буни таржимон Холида Аҳророва ўзбек тилида «чаросдай қоп-қора кўзлар» деб бериб тўғри иш қилган.

Хўш, рус тилида Катюша кўзларнинг қоралиги қорағатга қиёс қилинган экан, бу бошқа қардош халқлар тилларида қандай ифодаланган?

Қозоқ таржимони буни, аслига мослаб, қорағатга нисбат берган. Бироқ ўзбек таржимони кўзларнинг қорағатга ўхшатилишидан китобхон ҳеч нарсани тушунмайди, деган мулоҳаза билан иш кўради. Бунинг сабаби шуки, мева тури сифатида, русларга чарос қанчалик маълум бўлмаса, ўзбекларга қорағат ҳам шунчалик тушунарли эмас. Муайян тасвири китобхонга маълум ва тушунарли бўлмаган предметларга қиёс қилиш ўқувчини чалғитади, хаёлини бўлади. Шу сабабдан ўзбек тилида Катюша Маслованинг кўзларига нисбатан ишлатилган «мокрые, как смородина» тасвирининг *чаросдай қоп-қора* деб берилишини маъқуллашга тўғри келади. Албатта, мантиқан, бунга қуйидагича эътироз билдириш мумкин: нега рус кишиси образига хос бўлган луғавий-услубий ашёни (деталь) рус табиятига хос тушунчалардан эмас, балки ўзбекча турмуш тарзига



онд нарсалардан оламиз? Масалан, «Қумрининг кўзлари қора-  
гатдай қоп-қора» ёки «Нинанинг кўзлари чаросдай ёнади» деса,  
бу миллий услуб тахлитига хилоф иш бўлмайди? Йўқ, ундай  
бўлмайди. Негаки, юқорида қайд этилгани сингари, маъно  
урғуси бундай бирикмаларда улар таркибидаги сўзларнинг  
луғавий мазмунига тушмайди. Кўзнинг қоралиги русларда  
қорагатга, ўзбекларда чаросга қиёс қилинарган, ҳеч ким ўрмон  
меvasи қорагат ёки чарос номли узум навини кўз олдига келтир-  
майди. Бошқача айтганда, бундай фразеологик бирикмаларда  
уларни ташкил қилган образларнинг луғавий маъноси нолга  
тенг бўлади.

Адабиётшунос Андрей Белый уч рус шоири: Пушкин, Тют-  
чев ва Баратынский ижодида табиатнинг уч хил ўзига хос  
услубда жонлантирилишини қайд этган эди. Уларнинг ижоди-  
да,— деб ёзганди автор,— уч табиат бир-бири билан рақобат  
қилади: уч манзара, уч дунё, уч қуёш, уч ой, уч сув, уч ҳаво,  
ниҳоят уч осмон ҳақида уч хил тасаввур туғилади. Чунончи,  
А. С. Пушкинда тонг қўйнидан балқиб чиққан қуёш: ибодатхо-  
нанинг биллур шамчироғидай баланд, ёрқин, тиниқ. Ф. Тютчев-  
да: ёлқинли, яшин сингари нур таратувчи, порлоқ шар; даҳшат-  
ли қуёш, мусаффо биллур эмас, балки учкун, лола ёғдирувчи ва  
камалак нурларини бошқарувчи яшин сифат мўъжиза. Баратын-  
скийда эса қуёш жонли бўлса ҳам, қандайдир истар-истамас,  
ғира-шира ялтирайди ва сохта олтин сочади... Қуёшнинг уч  
образи<sup>1</sup>.

Бадий асар ҳар хил услубда, турлича маромда: мунгли ёки  
қувноқ, кўтаринки ёки текис, рангдор ёки сидирға, мусиқий ёки  
вазмин ёзилган бўлиши мумкин. Бунда кўп нарсa китобда  
тасвирланаётган давр, танланган мавзу, воқеаларнинг характе-  
ринга боғлиқ. Агар таржима қилиш учун танланган асарнинг  
бундай белгилари аниқланган бўлмаса, унинг руҳига мос калит  
топиб бўлмайди, натижада гарчанд китоб бошқа тилга кўчирил-  
са-да, у янги китобхонга ўз «тилсимоти»ни очмайди. Шу тариқа  
таржима қилишдан кузатилган мақсад рўёбга чиқмайди.

Турли ёзувчилар услубининг бир-биридан фарқланиши, ҳар  
бир ёзувчи бошқаларникидан ажралиб турадиган ўз индивидуал  
услубига эгаллиги, бир ёзувчининг ижодида турли услуб йўна-  
лишлари намоён бўлиши, улар ўзларининг ҳар хил асарларини  
бир-биридан хийла жиддий фарқ қиладиган услубда ёзиши ва  
аксинча, бир асарнинг ўзида турли услуб жилолари чирмашиб  
келиши — буларнинг барчаси таржимондан асл нусахага мос  
услуб калити топишни талаб этади. Таржимада мувофиқ  
услуб калитини топиш асарнинг ёзилиш стили билан ғояси  
ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри  
белгилаш, маром, оҳанг, синтактик тарз ва образлар силсиласи-  
га хос хусусиятларни тўғри тайин қила билишга боғлиқ. Бирон  
асарни таржима қилишда мақбул услуб калити топилмас экан,

<sup>1</sup> А. Белый. Поэзия слова. Изд-во «Эпоха», Петербург, 1922, с. 12—13.

таржима асл нусхага эквивалентлик ҳолатида бўла олмайди.

Халқларнинг турли табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитларда яшашлари натижасида уларнинг онги, дунёқарashi ва ахлоқида турли специфик тушунчалар, норма ва принциплар қарор топадики, буларнинг ҳаммаси тилда ҳам акс этади. Масалан, тропик иқлим шароитида яшовчи халқлар қор нималигини тасаввур қила олмас эканлар, уларнинг тилида «қордай оппоқ» деган қиёс ҳам йўқлиги ўз-ўзидан равшан. Аввало, табиий ҳодиса сифатида қор нималигини билмаганларидан кейин, уларнинг тилларида бу ҳодисани ифода этувчи махсус сўз («қор») ҳам йўқ, албатта.

Шарқда гулни куйламаган, гул мавзуида ғазал ёзмаган, гул ишқида куймаган шоир йўқ. Ғазалиётда гулнинг танаси-ю барги, ғунчаси-ю ниҳоли, қисқаси, гул ва гулга тааллуқли бўлган жамики нарсга ғоят гўзал услубда таъриф қилинган, гулга нисбат берилган, унинг воситасида ҳар хил шеърий санъатлар яратилган ва ҳоказо.

Халқларнинг не тахлит иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитида яшаётганлиги, тарихий-этнографик тақомили, маданиятини қандай анъаналар асосида ривожланганлиги — булар барчаси таржимада жуда катта роль ўйнайди<sup>1</sup>. Юқорида қайд қилинган омиллар жиҳатидан бир-бирига яқин халқлар тилларидан таржима қилишда хийлагина ўнғайлик туғилади. Аксинча, муштарак адабий анъаналарга эга бўлмаган халқларнинг тилларидан ўзаро таржима қилганда жиддий душворликлар сезилади. Бу ўринда «яқинлик» ёки «узоқлик»ни фақат *масофа* маъносидагина тушунмаслик керак. Халқларнинг мақони узоқ бўлгани билан, улар ўртасида адабий-тарихий яқинлик, муштараклик сезилиши ва, аксинча, яқин масофада яшаганлари ва ҳатто генетик томондан қардош тилларда сўзлашганлари билан ҳам, улар ўртасида тарихан таркиб топган муштарак адабий жараён мавжуд бўлмаса, бу таржимада муайян қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлади.

Табиийки, *гул* асосига қурилган классик шарқ ғазалиётини ўз шароити хусусиятларига кўра она табиатнинг инсонга инъом этган бу эстетик неъматидан маҳрум бўлган, абадий музликлар шароитида яшаётган халқларнинг тилларига таржима қилиш кўп маҳол. Айни вақтда уларнинг луғатида қор ва музликларнинг турли-туман хоссалари, турлари, белгилари, сифатларини акс эттирувчи ҳамда ўз хўжалик ва турмуш шароитлари тақозоси билан акс этган минглаб сўзларни иссиқ иқлим шароитларида кун кечириётган халқларнинг тилларига ўгириш ҳам осон эмас. Бу, албатта, бир-биридан қатъий фарқ қилувчи, эҳтимол

---

<sup>1</sup> Қаранг: М. Қаратаев. Перевод «Тихого Дона» на казахский язык и некоторые вопросы художественного перевода. Сб. «Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана». Алма-Ата, 1960, с. 109—110.

истисноли ҳолдир. Лекин бир-бирига яқин, қардош, жондош бўлган ўзбеклар билан қирғизларнинг тилларини олиб кўрайлик.

Қирғизча-русча луғатда «гул» сўзининг икки маъноси берилган, холос: 1) ўсимлик; 2) касаллик — чечак (КОС, 178). Қирғиз тилида ўзбек ва тожик классик адабиёти намуналари асосида яратилган, уларнинг мавжуд луғатларида ўз аксини топган *гул* сўзининг юзлаб таъриф у тавсифларини ифодалаш анча қийин эканлиги табиий. Негаки, қирғизлар туркий қавмлар орасида энг қадимги халқлардан бири бўлишига қарамай, ўз ёзма адабиёти намуналарини фақат Октябрь революциясидан кейингина яратганлар. Шундай бўлгандан кейин Низомий, Лутфий, Навоий, Жомий, Фирдавсий, Фузулий каби буюк мутафаккирлар, адабиёт даҳоларининг классик асарларини, инжу ғазалларини бу тилга таржима қилишда маълум табиий қийинчиликлар туғилиши ўз-ўзидан равшан.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан номатлуб хулоса чиқариш ярамайди: бу асло бир тилни иккинчисидан устун қўйишга уриниш эмас, балки ҳар бир тилнинг луғат бойлигидаги барча аспектлар барабар, бир меъёрга ривожланган бўлмайди ва бу ҳол, айниқса, таржима жараёнида ўнғайсизлиқни келтириб чиқаради, деган маънони англатади, холос.

Маълумки, проф. А. К. Боровков таҳририда нашр қилинган ўзбекча-русча луғат (1959) қирқ мингта сўзни қамраган. Проф. К. К. Юдахин тузган қирғизча-русча луғат ҳам (1965) худди шунча сўзни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, бу ажойиб манбаларнинг ҳар иккаласи ҳам талқин этилган бир хил миқдордаги сўзларни жамлаган\*. Бу икки луғатни бир-бири билан чоғиштириш шундан далolat берадики, ҳар иккала тил учун муштарак бўлган умумтуркий ёки бошқа тиллардан кирган «хорижий» сўзлар ҳам миқдор, ҳам сифат, ҳам кўлам жиҳатдан жиддий фарқ қилади. Бундай умумий сўзларнинг лексик, семантик, стилистик, идиоматик маъноларида, грамматик структураси ва орфоэпиясида бир талай тафовутлар кўзга ташланади. Бу эса, қисман, ҳар икки халқнинг ўзига хос табиий шароити, тарихий тақомил жараёни билан белгиланади. Чунки халқ ҳаётини ўраб турган табиий муҳит, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит хусусиятларининг ҳаммаси унинг тилида ўз аксини топади.

Азалдан деҳқончилик билан тирикчилик қилиб келган ўзбекларнинг тилида қишлоқ хўжалигига алоқадор барча соҳалар: пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, полизчиликка оид сўз ва

---

\* Албатта, бундан: ўзбек ёки қирғиз тилининг бутун луғат бойлиги қирқ мингта сўздан иборат экан, деб тушуниш соддадиллик бўлар эди. Бу ҳар иккала тилнинг луғат бойлиги ҳам, шубҳасиз, юқоридаги луғатлар ичига кирган сўزلардан ҳам миқдор эътибори билан, ҳам сифат жиҳатдан беқиёс бой. Гап шундаки, мазкур ҳар иккала луғат ҳам қирқ мингта сўзга мўлжаллаб тузилган, холос.— F. C.

терминлар кўп бўлиши табиий. Азалдан чорвадор халқ бўлган қирғизларда эса чорвачилик билан боғлиқ тушунчалар, сўзлар, истилоҳлар мўл-кўл бўлиши ҳам турган гап. Дарҳақиқат, ўзбекча-русча луғатда ниҳоти 4 сатрда йилқи сўзининг икки маъноси ҳамда яна 6 сатрда йилқичи, йилқичилик сўзлари келтирилади, холос (ЎРЛ, 192). Қирғизча-русча луғатда эса «жылкы», «жылкылуу», «жылкычы», «жылкычылык» сўзларига 39 сатр — қарийб тўрт баравар кўп ўрин берилган. Гап фақат ҳажмдагина эмас. Қирғиз тилида «жылкы», ўзбек тилидаги шу лексик бирликка қараганда анча маънодор<sup>1</sup>. Чунончи, ўзбекча-русча луғатда *йилқи* ва *йилқичи* сўзларининг биронта ҳам қўчма маъноси акс этмаган. Қирғиз тилида эса бу сўзлар асосий луғавий маъноларидан ташқари, мақол, матал ва идиомалар таркибида ҳам келади.

Ўзбекча-русча луғатда *байтал* сўзига «урғочи от» маъносида 13 белги берилган, холос. Қирғизча-русча луғатда эса 1.100 белги ажратилган ва бу ҳайвоннинг халқ тилида юритиладиган асосий тур номлари ва сифатлари мукаммал берилишидан ташқари, *байтал* сўзи асосида яратилган учта матал ҳам келтирилади.

Ўзбек тилида маълум ахлоқ-одоб тақозоси билан қўпол, дағал деб қаралиб, ғайри нормал ҳисобланган аллақанча сўзлар қирғизларнинг луғатида росмана берилаверади. Демак, қирғизнинг тилида, қирғиз нуқтаи назаридан бундай сўзлар одатдаги калом, нормал лисоний ҳодиса ҳисобланаверади. (Бу ҳолни проф. К. К. Юдахин луғат муқаддимасида ҳам таъкидлаб ўтган.)

Турли миллат вакилларига хос психофизиологик хусусиятлар бирлиги мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Агар кишиларга хос қардошлик аломатларини топиб бўлмаганда, «башарият» деган тушунчанинг ўзи ҳам бўлмас эди, дейди Георгий Ломидзе<sup>2</sup>. Шу билан бирга, ҳар бир халқ ўзига хос тарихий, ижтимоий, табиий ва бошқа шароитларда яшайди ва тараққий этади. Умумий хусусиятлар деган нарсга ҳар сафар ўзининг такрорланмас қиёфасида, ҳам умумий ва ҳам, айни вақтда, конкрет хусусиятлар сифатида намоён бўлади. Ҳамма учун онг ва психикавий ягона стереотип бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини тушуниш учун умумий нарсанинг конкрет воқе бўлишинигина эмас, балки худди шу халқнинг ўз тажрибасидан келиб чиққан конкрет такрорланмас нарсани аниқлаш керак.

Р. Чхендзенинг «Солдат отаси» кинофильмидаги Георгий Махарашвили образини олайлик. Махарашвили — кахетиялик уста соҳибкор боғбон. Махарашвилининг ота-боболари асрлар бўйи ток парвариш қилган, уни ардоқлаган. Ток новдаси

<sup>1</sup> Мутахассисларнинг шаҳодат беришича, худди шундай ҳол қозоқ тилида ҳам кузатилади. (Академик Муҳаммаджон Қоратоевнинг бундан олдин қайд этилган доклади (мақоласи)га қаралсин, 110—112-бетлар.)

<sup>2</sup> Георгий Ломидзе. Интернациональный пафос советской литературы, 1970, с. 123.

кахетиялик грузин деҳқоннинг тарихий тирикчилик асоси, яшаш умиди тимсоли. Ток эътибор, парвариш, эҳтиёткорлик талаб қилувчи, нозик, инжиқ ўсимлик. Совет солдати Махарашвили фашизм Германияси территориясида иттифоқо тоқзорга дуч келиб қоларкан, бу душман ерида ўсаётганлигини унутди. Махарашвили уни ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳимоясиз болани эркалаётгандай ардоқлайди, силаб-сийпайди, тоққа муҳаббат ва ачиниш тўла нозик, дилни қитиқловчи аллақандай сеҳрли грузинча сўзларни айтади. У тоқни ўз танкининг занжирлари билан янчиб ўтмоқчи бўлган жангчига пўписа қила кетади, оқибат шапалоқ туширади. Махарашвили учун тоқ интиқом олишдан кўра, қаров, парвариш, ҳимояга муҳтож бўлган жонли нарса. Кекса грузиннинг бу алфози, ҳаракатида ўзи мансуб бўлган халқ тажрибаси, қиёфаси, тасаввури, малакаси шундоққина ўз аксини топган. Георгий Ломидзенинг фикрича, чиндан ҳам, масалан, ёқут, қозоқ ёки белорусда тоқ новдаси бундай қитиқловчи кечинмаларни, бу тариқа ҳиссий энергия портлашини қўзғатаман бўлар эди. Инсоний ҳаяжонларнинг бу соҳасини улар эгаллай олмагани сабабидан эмас. Инсон маълум муҳитда, маълум ҳаётий шароитларда яшайди, бу унинг психикасида, барча ҳаётий, ахлоқий малакалари ва тасаввурлари комплексда ўз изини қолдиради.

Ҳар бир миллатга хос ана шундай нозик психик симптомлар санъат асарида жуда зийраклик билан илғаб олинади, адиб улардан ўзи тасвирлаётган воқеанинг туб социал моҳиятини ифодалашда, тип яратишда, ёрқин индивидуал характер барпо этишда усталик билан фойдаланади. Бу сингари майда-чуйдаларни таржимон эътиборсиз қолдириши мумкин эмас.

Турли халқларнинг маданий ҳаётида тарихан қарор топган адабий-услубий муштараклик мавжудлиги ўзаро таржимачилик ишида ўнғайлик туғдириши табиий ҳолдир.

Саъдий Шерозийнинг «Қаримо» дostonи таржимасида (1913) Сирожиддин Шавкат Сидқий Хондайлиқий мана бу байтни ўғирмасдан, ўзбекчалаштирмасдан айнан қолдирган:

Хушо оташи шавқи арбоби ишқ,  
Хушо лаззати дарди асҳоби ишқ<sup>1</sup>.

Ҳозир ҳам ўзбек классик адабиёти асарларини тожик тилига ўгиришда ана шундай имконият мавжуд. Чунки қадимги ўзбек адабиёти намуналари тилида форсий ҳамда тожикча луғат ва таркиблар сероблиги, вазн муштараклиги таржимонларга жуда қўл келади. Айтайлик, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги:

Суманбарлар барн зебоу нозук,  
Ҳунарварлар бағоят чусту чобук

<sup>1</sup> Раҳимо таржимаи Қаримо. Тошкент, 1913, 15- бет.

Суманбарҳо ҳама зебову нозук,  
Ҳунарварҳо бағоят чусту чобук!<sup>1</sup>

тарзида ўғирган экан, икки кўплик қўшимчаси ва *бари* олмошининг *ҳамма* синоними билан алмаштирилганини ҳисобга олинмаса, матн қарийб ўша-ўша. Бироқ шуниси қизиқки, акс ҳолда, яъни форс-тожик адабиёти асарларининг ўзбек тилига таржимасида ҳозирги вақтда бундай қулайликлар мавжуд эмас. Бошқача айтганда, ўзбек таржимонлари асл нусхадаги деярли барча сўзларни ўғиришга мажбур. Бунинг устига ва з н м у а м м о с н ҳам кўндаланг бўлади: ўзбек совет шеърятининг асосий вазни бармоқ бўлиб қолган, ҳозирги тожик адабиётига нисбатан аруз тажрибасининг мавқеи хийла бўшашган.

Шарқ классик адабиёти асарлари таржимасида тиллар орасидаги луғавий муштараклик ёки тафовут қофия санъатини қайта яратишда ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»да Аминзода байт таржимасида гоҳо қофияларни айнан сақлаб қолади. Л. М. Пеньковский эса, турган гап, таржима йўлини ихтиёр этишдан бошқа чораси қолмайди. Бу тиллар орасидаги фарқдан келиб чиқади.

Бу бўлғай дарду ишқ ойини, ваҳ-ваҳ,  
Вафоу меҳр шарти, оллаҳ-оллаҳ?!<sup>2</sup>

Магар онни ишқ ин аст ваҳ-ваҳ,  
Вафоу меҳрро шарт оллаҳ-оллаҳ!<sup>3</sup>

Лабидан жон томиб бисёр-бисёр,  
Сўзидан шаҳд оқиб харвор-харвор (196).

Чакад жон аз лабаш бисъёр-бисъёр,  
Равон шаҳд аз гапаш хирвор-хирвор (103).

Октябрь инқилобидан олдин Умар Хайём ижодидан бир гуруҳ форсийдонлар, форсий ашъор мухлисларигина хабардор эдилар, холос. Рубойи, ғазал сингари кичик шеърӣ асарларни ўзбек тилига ўғириш унчалик расм эмас эди. Назмни бошқа тилда бериб бўлмайди, унинг фақат аслидан лаззат топиш мумкин, таржимада рубойи чиқмайди — оҳанг тароватига путур етади, деб ўйлайдиган шинавандалар ҳам йўқ эмас эди. Ғафур Ғулом, Хуршид, Чустий, Шонслом Шомуҳаммедов ва бошқа ўзбек совет шоирларининг шарқ классик адабиёти хазинасидан қилган завқбахш таржималари бундай тезисни рад этди.

Абулқосим Фирдавсий — маснавийда, Саъдий Шерозий — ҳикоятда, Ҳофиз Шерозий — ғазалиётда, Умар Хайём — рубойида машҳур бўлди. Унинг рубойилари табиатшўнос олим кўзлари билан кузатилган дунё фалсафасининг шеърӣ ифодасидир.

<sup>1</sup> Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. Сталиннобод, 1958, саҳ. 19.

<sup>2</sup> Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. Асарлар. Ун беш томлик, 7-жилд. Тошкент, 1964, 258-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. Сталиннобод, 1958, саҳ. 150.



Ҳикмат, фалсафа — унинг мағизи. Буни яхши пайқаган Шоислом Шомуҳаммедов аввало шу мазмунни ўзбекча мисраларда ёрқинроқ, тўлароқ акс эттиришга куч сарфлайди. Чунки бадий фалсафий асарлар, жумладан, Хайём рубойларини тилимизга ўтказганда асосий эътиборни унинг мағизини — маъносини ўқувчига тўғри етказиши муҳим.

Эътироз жоиз: ахир, мазмунни шаклдан ажратиб бўладими, хусусан шеърий асарда мазмунни бериб, шаклни эътибордан четда қолдирилса қандай бўларкин? Бундай қилинса, шеърнинг бадий-эстетик таъсири, ижодкорнинг санъати йўқолади-ку.

Тўғри, таржимада фалсафий маънони сақлашга интилган ҳолда шеърнинг шаклини акс эттириш шарт эмас, деб бўлмайди. Бунда гап шеърий таржима хусусиятлари устида боряпти. Шеърни таржима қилганда ижодкор таржимоннинг асл нусхага эркин ёндошиши муддаога олиб келиши, у асарни қайта тикларкан, ниманидир қурбон бериши зарур эканлиги моҳир сўз усталари тажрибасида амалда исботланган. Таржима қурбонсиз бўлмайди. Кимки асарни айнан ўзидай, соф ҳолда кўришни истаса, унинг аслига мурожаат қилсин (Лев Гинзбург).

Таржиманинг асл нусхага нисбатан аниқлигини белгиловчи универсал критерий, ҳамма ҳолларга барабар мувофиқ келадиган мезон йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Аниқлик таржима қилинаётган асар бадий ижоднинг қайси турига мансуб эканлигига, у қайси даврда бунёд этилганига, ани таржимани яратишдан кузатишган мақсадга қараб ўзгарадиган, нометафизик, адабий-тарихий, диалектик тушунчадир. Айтайлик, сўз ўйинини акс эттириш зарурати кўндаланг бўлган ўринда асл нусха сўзларининг аниқлигини сақлашни талаб қилиб бўлмайди; юмор, киноя, пичинг, қочирим, муболага, сажъ ва ҳоказоларни ҳам оригинал матнига, унинг луғавий материалига маҳкам ёпишган ҳолда акс эттириш амри маҳол. Халқ қўшиқлари билан, олайлик, сиёсий публицистика, ғазал билан сочма, эпиграмма билан рубой, лирик асар билан эпик дoston, новелла билан поэма ва ҳоказолар таржимасида бир хил «аниқликка» эришиб бўлмайди. Чунки асар адабиётнинг қайси жанри, турида яратилганига қараб, аниқликни ҳар хил талаб қилишга тўғри келади.

1905 йилда Валерий Брюсов ўзининг «Қолипга солинган бинафша» мақоласида шеърий таржима усулига ўз муносабатини билдирган эди. У шеърий асарнинг таркибий унсурлари сифатида қуйидагиларни қайд этади: тил услуби, образлар, вазн ва қофия, сўз ва товуш ўйини. «Таржимада бу элементларнинг ҳаммасини тўла ва аниқ қайта тиклаш ақл бовар қилмайдиган ишдир. Одатда, таржимон бу элементларнинг биттасини, жуда деганда иккитасини (кўпинча образ ва вазнни) беришга ҳаракат қилади, бошқаларини ўзгартиради (услуб, қофия, сўзнинг товушлари...). Лекин шундай шеърлар борки, уларда образ эмас, балки, масалан, муайян товушлар (Эдгар Понинг «The Bells» асари) ёки ҳатто қофия биринчи даражали



аҳамиятга эга (кўпгина ҳазил шеърлар). Таржима қилинаётган асарда ўзинг ҳаммадан муҳим деб билган элементни танлаш таржима усулини белгилайди»<sup>1</sup>. Шеърин таржима эстетикаси асосида худди ана шу принцип ётади.

Алишер Навоий:

Э нигоро, кўзларингдек кўз қани,  
Инглабон ҳажрингда оқди кўз қони.  
Телмурибон йўлингга эй, бағри тош,  
Интизорингда оқибдир кўз, қани?<sup>2</sup>

С. Иванов таржимаси:

Никто таких, как у тебя, ввек не имел очей,  
Мир без тебя исполнен слёз, обид и мелочей,  
Жестокая, когда в тоске я выплакал глаза,  
Любимый образ пред собою ты имела чей?<sup>3</sup>

Асл нусхада жами 17 та, такрорланиб келганларидан ташқари, 13 та сўз бор. Таржимада эса бу миқдор 24 га 21 нисбатида ўзгарган. Бошқача айтганда, асл нусхада, Навоий матнида мавжуд бўлмаган аллақанча сўзлар қўшилган. Чунончи, «обида» (гинахонлик), «мелочь» (икир-чикир), «любимый» (севимли), «образ» (сиймо) ва бошқа кўп нарсаларни таржимон ўзидан қўшган. Бундай қараганда, ҳар бир қўшилган нарса бу янги тушунча, янги унсур, янги тафсилот деган сўз. Шунга қарамай, мазкур таржима муаллиф берган асар андазаси, унинг жанри ҳамда ундан кузатилган мақсад нуқтаи назаридан бадийий аниқ, пухта, завқбахш таржима дейиш мумкин. Аввало, ҳар бир мисра охиридаги «кўз қани», «кўз қони», «кўз, қани» сўзларига мос равишда «имел очей», «и мелочей», «имела чей» тарзидаги фавқуллодда топқирлик билан эришилган бирикмалар кашф этилган. Дарҳақиқат, бу бадийий-ижодий кашфиёт намунаси. Бундан ташқари, таржимон росмана «глаза» (кўз) билан бирга русларда юксак услубда қўлланувчи «очи» (чашм) сўзидан ҳам фойдаланиб, яна сўз ўйини ясаган. Бунда ҳам у **Навоий тажрибасига** таянган. Чунончи, биринчи мисрада (Эй нигоро, кўзларингдек кўз қани) *кўз* такрорланиб келган. Таржимада ҳам ўша биринчи мисрадаёқ асл нуханинг бу хусусияти ҳисобга олинган: «ввек не имел очей» бирикмасида «ввек» сўзи «ҳеч қачон» маъносини беради, айни вақтда бу «веко» (қабоқ) сўзига ҳам оҳангдош («қабоқ — кўз» муносабатига ишора бор).

Турли-туман сўз ўйинлари, аския, қочириқларни беришда таржиманинг асл нусха сўзларига қанчалик номинал тўғри келиш-келмаслиги шарт эмас. Муҳими **сўз ўйинини** тўғри беришдир.

Фалсафий шеърлар таржимасида асосий эътибор фикрнинг тўғри акс этирилишига қаратилмоғи даркор. Бунда китобхонга тушунарли қилиш мақсадида шеърни сийқалаштиришга, соддалаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Романтик поэзияда

<sup>1</sup> В. Брюсов. Избр. соч. в двух томах, т. 2, М., 1955, с. 188—189.

<sup>2</sup> Навоий. Рубоий ва туюқлар. Тошкент, 1944, 53-бет.

<sup>3</sup> Навоий. Стихотворения и поэма. М. — Л., 1965, с. 233.

асардаги образларни тўғри акс эттиришга интилиш талаб қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, «мутлақ таржима» жуда камдан-кам ҳолларда, аҳён-аҳёнда яратилади. Одатда эса қурбонсиз, алмаштирмай туриб шеърин таржимани амалга ошириб бўлмайди.

Шеърин таржима меъёрини билган ҳолда қурбон бериш ва ўзгартиришларга йўл қўйишни рад қилмайди, балки шунини тақозо этади. Зотан, қурбонлар ва ўзгартиришларга журъат қилолмаган киши бошқа халқ шеърини билан юзма-юз келолмайди.. Шеърин таржима қилишга бел боғлаган ижодкор, энг муҳими, ҳар бир конкрет ҳолда нимани, қаерда, қандай қурбон бериш ва матнини қайси йўналишда ўзгартириб бўлиши мумкинлигини аниқлаб олиши даркор.

Масала нимани қурбон қилишда. Бунда эса таржима қилинаётган шеърининг хусусиятларининг ҳисобга олиб иш кўрмоқ лозим. Бинобарин, ҳар бир конкрет шеърининг бош ғоявий-бадий, мусиқий-услубий хоссаси, яъни уни санъат асари сифатида китобхонга манзур қилиб турган бисоти нимадан иборат эканлиги билиб олинади ва таржима давомида ана шу сифатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Юқорида фалсафий шеърларда фикрни, ҳикматни рўёбга чиқариш таржимачи олдида турган муҳим талаблардан бири эканлиги айтиб ўтилди.

Гар бода хўри ту бо хирадмандон хўр,  
Е бо санами доларухи хандон хўр.  
Бисёр махўру рад макун, фош масоз,  
Андак хўру, гоҳ хўру пинҳон хўр<sup>1</sup>.

Тўртликдаги деярли ҳамма сўзлар: *бода, хирадманд, хўр, санам, лола, рух* (сор), *хандон, рад, фош, андак, гоҳ, пинҳон* қарийб «ўз» сўзларимиз. Бинобарин, бу мисраларни ўгириш ҳам ўнғай, албатта.

Мазмуни:

Гар бода ичсанг, сен хирадманд (доно)лар билан ич,  
Е бир гулрухсор, қувноқ санам билан ич.  
Кўп ичма, рад қилма, фош бўлма,  
Андак ич, гоҳо ич, пинҳон ич.

Лекин бундай «ўнғай» таржимадан рубойий эмас, балки шеърин таржима учун асқотадиган «лисоний ашёлар» яратилди, холос. Рубойининг Ш. Шомухаммедов таржимаси билан қиёс қилганда бу яққол кўзга ташланади:

Май ичсанг оқилу доно билан ич,  
Еки бир гул юзли зебо билан ич.  
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич ҳам яширин ич,  
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Рубойининг юқорида келтирилган сўзма-сўз «жўн» мазмуни ҳам бемалол тушунарли: маъно бор, муддао аниқ, ҳикмат ҳам жойида деса бўлади. Бундан чиқадики, яхши асарнинг ёмон

<sup>1</sup> Умар Хайём. Рубойлар. Тошкент, 1970, 50-бет.

таржимасида ҳам оригиналдан бирон нарса қолади. Ана шу «бирон нарса»нинг ўзи ҳам кўпинча адиб номининг эл орасида шоён бўлиб кетиши учун кифоя. Бироқ ҳамма гап шундаки, шеърӣ таржимадан кузатиладиган мақсад бу эмас. Таржима тенг қимматли, тенг сифатли бўлиши лозим. Бинобарин, таржимон ҳам муаллиф билан бўйлаша ва беллаша оладиган «эквивалент ижодкор» бўлмоғи даркор.

Таҳлил қилинаётган рубойида таржимон қўллаган тадбирнинг сири нимада?

Аввало, *бода — май, хирадманд — оқилу доно, санам — зебо...* сўзлари билан алмаштирилган. Шуниси қизиқки, бу «луғавий айирбошлаш»да таржимон муайян форсча-тожикча калмага унинг ўзбек тили луғатига худди шу тилнинг ўзидан кириб ўзлашиб қолган бўлак маънодош эквивалентларидан фойдаланади (масалан, *зебо* ва *бошқалар*). Иккинчидан, аслида бир хил формал-грамматик шаклда келган таркибни таржимада тўғри маъно таносиби ҳосил қиладиган зид формал-грамматик шаклдаги сўзлар билан алмаштирилган: «бисёр» — кўп, «махўр» — *ичма*; *кўп ичма* дегани; бу «кам-кам ич» деб берилган. Мантиқан тўғри. Учинчидан, охирги икки мисранинг ўрни алмаштирилган. Шу тариқа *доно* ва *зебо* сўзларига ҳаё қофия қилиниб, бадий-мантиқий хийла мукамал рубойи барпо этилган.

Юқорида келтирилган кузатишлар шунини кўрсатадики:

1. Икки халқ ўртасида тарихан таркиб топган лисоний-услубий муштараклик мавжуд бўлганида, ҳозирги даврда улар ўртасида классик меросни таржима йўли билан ўзаро айирбошлашда қулайлик туғилади.

2. Юқорида баён қилинган тезисдан бундай ҳолларда (услубан, албатта) таржима муаммоси йўқ экан, деган хулоса келиб чиқмайди.

3. Ўзбек ва тожик тиллари аро таржимага татбиқан айтилса, бундаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

а) бу иккала тилда арабий ва форсий луғавий унсурлар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан фарқ қилади;

б) бундай унсурларнинг архаиклашув жараёни тожик тилига қараганда ўзбек тилида анча жадал ва фаол кечган;

в) бунинг натижасида классик адабиёт намуналарини ўзбек тилидан тожикчага таржима қилишда хийла ўнғайлик сақланиб қолган.

**Образни образ билан бериш. Аънавий-лисоний ва индивидуал-услубий ўхшатиш**

Бадий таржиманинг асосий хислатларидан бири образлилик экан, бунда сўзни-сўз билан, жумлани-жумла билан эмас, балки образни-образ билан бериш таржимон олдида кўндаланг бўладиган муаммо ҳисобланади. Муайян образга тимсол бўладиган объект эса халқнинг моддий турмуш тарзига, ҳўжалигига хос нарсалардан, тушунчалардан олинади. Ўзбекларда ва русларда бўри (волк) ваҳшийлик тимсоли, қўй (овечка) маъсумлик, ожизлик тимсоли деб тушунилар экан, *қўй терисини*

ёпинган бўри (волк в овечьей шкуре) «доғули», «фирибгар», «муттаҳам» маъноларида фразеологизм сифатида бир-бирига тўла эквивалент бўла олади.

Леся Украинканинг «Қарама сен ойга баҳорда» романсида ўқиймиз:

Қарама сен ойга баҳорда,  
Қарама қайинга дубора.  
Қайғули шохлари чайқалар беҳол,  
Ғамгин ўтмиш билан нафас олиб лол  
Ғамгинлик уфурар бечора.

Шеърнинг умумий руҳидан, оҳангидан ҳазин бир маъюслик, умидсизлик кайфияти сезилиб турибди. Лекин иккинчи мисра тушунарли эмас. Нега шоира «Қарама қайинга дубора» деяпти?

Не люблюся на месяц весною.  
Не люблюся берёзой плакучей,  
Сердце грустью она переполнит  
И о прошлом тяжёлом напомнит,  
О печали напомнит горючей.

Мисралардаги *переполнить, прошлое, печаль, напомнить* сўзлари иккинчи мисрадаги *плакучень (плакучая берёза)* сўзи билан оҳангдошликка киришиб, ғусса кайфиятини янада чуқурлаштирган. Бунга тўғри эътибор қилган таржимон Зулфия қарамоқ, қайғу, қайин сўзларини ҳамоҳанг келтириш билан асарнинг мусиқасини (ҳазинликни) акс эттиришга интилган. Лекин шу орада «йиғлоқи қайин» образи барҳам топган. «Берёза қайин дарахти, оқ терак» (РЎЛ, I жилд, 97). Лекин «плакучая берёза — шохлари пастга осилиб ўсадиган қайин» (IV жилд, 122). Демак, гап умуман қайинда эмас, балки «шохлари пастга қараб ўсадиган» (!) қайинда.

Бинобарин, *плакучая берёза* шунчаки дарахт нави ёки оддий сўз эмас, балки образдир. Шоира *плакучая берёза* («йиғлоқи қайин») образида ҳам уларнинг дўстлашувига сабабчи бўлган нарсани эслатмоқчи, ҳам унинг қиёфасини етим қолган севгилисига ўхшатмоқчи. Бу ўринда ўзбекча таржимада *мажнунто* образини қўллаш мақсадга анча яқин келган бўлар эди.

Ҳар бир асарни таржима қилишга ё бўлмаса ўгирилган китоб таҳлилига киришишдан олдин шу ижод намунасини яратган санъаткорнинг ўзига хос услуби, диди, образлар олами, қисқаси, унинг «қуёши не тахлит порлаши»ни билмоқ керак. Бундан ташқари, таржимоннинг ҳам қалб тепиши авторниқига ҳамоҳангми ёки улар ижодкор сифатида бошқа-бошқа кишиларми — буни аниқлаш жуда муҳим. Ҳадеганда ўзини намоён этавермайдиган ана шу ички семантик, услубий ҳодисаларни, ижод сирларини билиб олган ижодкоргина таржимани «чиқара» олади. Зотан, ёзувчининг шахсини чуқур билмай туриб таржимондан нимани талаб қилиб бўлади? Сўзними? Жумланими? Гапними? Йўқ, дафъатан барча шу сингари компонентлардан иборат «лисоний материал» орқали ифода этилган санъат, услуб, мусиқа, оҳанг, куйни, хуллас, муаллифнинг такрорланмас ово-

зи, ўзига хос қалам тебратиш йўсини, қалб қўрини бера билиш бадний таржима санъати олдида турган бош масала деб қаралмоғи лозим, негаки, бу асл нусханинг сўзлар тизмасини бошқа тилга кўчиришга қараганда беқиёс мураккабдир. Бу иш ҳар қандай қаламкашнинг ҳам қўлидан келавермайди ва буни ҳар қандай тадқиқотчи ҳам тушунавермайди<sup>1</sup>.

Ёруғлик ва қоронғулик. Қуёш ва зулмат. Табиатнинг «ҳамма учун» бир хил ҳодисаси. Аммо бу «бир хил» ҳодиса бир ёзувчи, айтайлик, Ойбекнинг икки асари — «Қутлуғ қон» ва «Навой» романларида икки хил тасвирланади.

Қолаверса, Ойбекнинг барча асарларида ҳам, таъбир жоиз бўлса, қуёш бирдай нур сочмайди, ҳаво бирдай иситмайди, сув бирдай оқмайди, шамол бирдай эсмайди, япроқ бирдай шивирламайди... Унда айни бир табиат, борлиқ, моддий дунё ҳар хил товланади, турли вазифаларни бажаради.

«Ҳиротда баҳор... Ҳар икки ёғида аксари бир қабатли, эски, янги, кўримли, кўримсиз пахса деворли уйлар орасида болохонали, ранго-ранг, гулдор нақшлар билан безалган иморатлар, қаторлашган тоза кўчаларда, одамлар гуж қайнаган майдонларда, зумрад яшилга кўмилган боғларда, майдонларда, хиёбонларда қуёш тошқини...»<sup>2</sup>. Бу тасвир китобхоннинг идроки, кайфияти, тасаввури «антенна»ларини маълум бир муҳитга қараб йўналтиради, айни вақтда уни бўлажак воқеаларга «тайёрлайди», ўқувчида оддий сўзлар билан англатиб бўлмайдиган нечукдир таъсирчан ички туйғу пайдо қилади.

«Вокруг расстилается весенний Герат. Чистые улицы, дома, старые и новые, красивые и невзрачные, большей частью одноэтажные, изредка двухэтажные, украшенные разноцветной узорной росписью; площади, полные народа, сады, покрытые изумрудной зеленью — всё залито солнцем...»<sup>3</sup>. Таржимоннинг ҳам меҳнатига тан бериш керак. Шундай бўлса-да, бирмунча қисқартириб ўғирилган бу тасвирда, негадир, қуёш у қадар «тошқин» эмас, давр нафаси сезилмайди, манзара бир қадар замонавийлаштирилган.

Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романидаги мана бу парчада гўзаллик одатдагидан ташқари индивидуал ўхшатиш билан қиёс қилинади — булутга нисбат берилади: «Гўзаллик ҳам бамисоли осмондаги булут парчасидай гап: гоҳ сутдай оппоқ, гоҳ пушти, заррин тусга кириб, гоҳ садафдек товланиб дилларга завқ бағишлайди, кўриб кўзинг тўймайди. Назокатхон ҳам бугун бир хил дўппи кийиб келса, эртасига бошқасини кийар, индинига гулдор дуррасини тангиб келади»<sup>4</sup>.

Таржимон Ю. Карасев бу тиниқ манзарани, автор талқини-

<sup>1</sup> Совет даврида ўзбек ёзувчилари асарларининг рус тилига таржималари тарихидан тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Г. Гафурова. Развитие перевода в Узбекистане. Ташкент, Изд-во «Фан», 1973.

<sup>2</sup> Ойбек. Навоий. Роман. Тошкент, 1944, 16-бет.

<sup>3</sup> Айбек. Сочинения, т. II, Навои, с. 13 (М. Салье таржимаси).

<sup>4</sup> Ш. Рашидов. Бўрондан кучли. Тошкент, 1961, 175-бет.

дан четга чиқмаган ҳолда, дуруст бера олган: «Красота, как облако, она радуется глаз оттого, что неустанно меняет окраску — то оно снежно-белое, то розовое, то золотистое, то переливчато-перламутровое. Так и Назакатхон: сегодня она в пёстрой тюбетейке, расшитой причудливыми узорами, а завтра в чёрной «чусте», а через день в легкой косынке самой весёлой расцветки»<sup>1</sup>.

Аммо таржимада айрим деталлар барибир ўзгартирилган. Масалан, асл нусхада оқлик рамзи — *сут*, таржимада — *қор* (*сутдай оппоқ* — *снежно-белое*). Рус китобхонига мусаффоликнинг сутга эмас, қорга нисбат берилиши «табиатан» тушунарлироқ. Умуман, дилни қитиқловчи лирик туйғу берилган. Фақат бир ўриндагина таржимонга эътироз билдириш мумкин: асл нусхада муаллиф «гўзаллик ҳам бамисоли осмондаги булут парчасидай гап» деса (таъкид бизники — *F. C.*), таржимон булутни «парчалаб» ўтирмай, яхлит олиб қўя қолган — «красота, как облако». Бироқ бу икки қиёс бир-бирига эквивалент эмас, балки бошқа-бошқа нарсa. «Гўзаллик ҳам булутдай гап» деб бўлмайди. Чунки осмонни булут қоплаб ётганда у товланмайди, қуёш нурлари унинг бағрини ёриб ўтолмайди! Булут парчаси эса, чиндан ҳам, гўзал: мусаффо, енгил, ҳаракатда бўлади. Шундагина у қуёш ёғдусида ранг-баранг товланади.

Бадий асар ҳар хил услубда, турлича маромда ёзилган бўлиши мумкин. Бунда кўп нарсa китобда тасвирланаётган давр, танланган мавзу, воқеаларнинг характериға боғлиқ. Агар таржима қилиш учун танланган асарнинг бундай белгилари аниқланган бўлмаса, унинг руҳиға мос калит топиб бўлмайди, натижада гарчанд китоб бошқа тилға кўчирилса-да, у янги китобхонға ўз «тилсимоти»ни очмайди. Шу тариқа таржима қилишдан кузатилган мақсад рўёбға чиқмайди.

Услуб калити топилмаган экан, айни бир асарни энг истеъдодли ижодкор таржима қилган билан ҳам, чинакам санъат асари бунёд этилмай қолаверади. Бундай таржима: қаторда бор, аммо амалда йўқ деган сўз. Бироқ икки ижодкор: ёзувчи билан таржимон бир-бирларини тушунган тақдирда эса гўё мўъжиза рўй беради — юксак сўз санъати намунаси туғилади.

Ҳар қандай бадий асар ҳам бир хил лисоний материалдан ясалади. Лекин шунга қарамай, бадий адабиётнинг луғавий-услубий воситалари бир хил эмас.

Таъбир жонз бўлса, ҳар бир адабий жанрда ёки адабий турда барпо этилган асарнинг луғати ўзига хос жиҳатларға эгадир. Аввало, бунда «майдон», «сатҳ» ҳам муайян роль ўйнайди. Давлат ёки колхоз миқёсида ишлаб чиқариш аҳамиятиға эга бўлган минглаб гектар ерга нуқул райҳон ёки ошқовоқ уруғи сепилмагани сингари, ҳеч ким томорқасиға ипак толали пахта экмайди. Худди шунинг сингари, салмоқдор ҳажмға эга бўлган роман ҳамда сатҳи атиги тўрт мисра билан чегараланган ру-

<sup>1</sup> Ш. Рашидов. Сильнее бури. Ташкент, 1960 (Пер. Ю. Карасева).



бойнинг луғатига бир хил талаб қўйиб бўлмаслиги аниқ. Ҳатто лирик шеър билан эпик дoston, қитъа билан баллада, новелла билан қисса тили ва услубининг ўз талаблари бор.

Назм тили ўзига хос луғатга эга. Чунончи, шеърда сўз танлаш форма талабларига вобастадир: бунда қисқа сўзлар кўпроқ қўлланилади, чунки уларни шеърин қoлип — вазнга сиғдириш ўнғайдир. Тўрт бўғинли сўзлардан бошлаб узун сўзларни истифода этиш кам учрайди. Мутахассисларнинг кузатишича, насрий асарда, масалан, чех сўзининг ўртача узунлиги 2,4 бўғинни, шеърда эса 1,8 бўғинни ташкил этаркан: инглиз сўзи насрда 1,4 ва назмда 1,28 бўғин, француз сўзп шеърда 1,4 насрий асарда 2,4 бўғинни ташкил этади<sup>1</sup>.

Таржимон тилида қандай услубий хусусиятлар нисбатан барқарорлик касб этади? Қандай услубий хусусиятлар эса асл нусха характерига қараб ўзгаради? Бу масалаларни аниқлаш учун услуби бир-биридан фарқ қиладиган турли шоирлар асарларининг бир шоир томонидан ўгирилган бир нечта таржимасини ҳамда, агар имконияти бўлса, ўша таржимонининг ўз оригинал асарлари билан чоғиштириш лозим.

Шеъринг миллий тил бисотининг ўзига хос формасидир. Шоир ижодида халқ руҳи, унинг тарихий ва маданий камолоти ўз ифодасини топади. Бас, бошқа халқ шеърининг туйиш, ҳис этиш, тушуниш — ўзга халқнинг руҳий, маънавий олами-ни тушуниш демакдир.

Насрий таржиманинг ўз қийинчиликлари бор. Бунда сўзлар маъно тарафидан ва услубан бир-бирига мос тушиши, бир-бирининг ўрнини «қоплаш»и зарур, муқобил иборалар топиш, ўзгача синтактик қурилмалар тузиш, оҳанг, ритм муоммоларини ечишга тўғри келади. Насрий асарда сўз, нафосат ва гўзалликни тасвирлаш, санъат намунаси яратишнинг асосий воситаси, муҳим унсури ҳисобланади. Шеъринг эса сўз умумий контекст таркибидаги бир элемент бўлиб, бу сўз танлаш ва уни истифода этишга бўлган талаб ҳамда шарт-шарoитларни бутунлай ўзгартириб юборади. Чунончи, сўзнинг «овозий» жиҳати, яъни унинг қандай жаранглаши, узун ёки қисқалиги, таркибидаги унли ва ундош товушлар нисбати ва ҳоказолар шеърда жуда катта, баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, қoфияни олайлик. Қoфия шеър учун шунчаки нақш, ташқи безак, мисралар охирига тиркаб қўйиладиган «илова» эмас. Қoфиядошлик аксарият алоҳида-алоҳида олиб қараганда бир-бирига қовушмайди сўзларни ўзарo яқинлаштиради, уйғунлаштиради, улар ўртасида жўрлик, ҳамовозлик пайдо қилади, сўзларнинг таъсирчанлик ва ифодавий қувватини беҳад оширади.

Шеърингнинг хусусияти шундаки, уни ташкил этган барча мазмун ва шакл белгилари, ички ва ташқи унсуруларни бўлакларга ажратиб бўлмайди. Улар бир-бири билан чамбар-

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. М., 1974, с. 240.



час боғлиқ. Маром ва товуш, маъно ва сўзлар тартиби, мисра ва жумла, сўзнинг узун-қисқалиги-ю, вазн бир-бирини тақозо этади. Бу унсурлардан биронтаси ўзгартирилса, шеърдаги ҳамма ашёларни, жамики нарсани ўзгартириб чиқишга тўғри келади.

Алмаштирилган битта сўз бутун мисрани, ўзгартирилган бир мисра эса бутун бир бандни қайта қуришга сабаб бўлиши мумкин. Шеърый бунёдкорликнинг бу хусусияти айниқса таржима жараёнида тўла намоён бўлади. Асл нусха мукаммал санъат асари сифатида қиёмига етган, «қолипдан чиққан». Унда сўзлар — мисрага, мисралар — бандга, банд — шеърнинг умумий тўқимасига жойлашиб, диалектик яхлитликни ҳосил қилган, муайян вазн ва поэтик турга мансуб санъат асари сифатида қарор топган. Аммо буларнинг барчасини бошқа тилга ўтказишда ана шу бутунликни, шеърый организмни бузиб, янгидан қуриш керак. Энди айни ўша сўзлар айни ўша маънони бермаслиги, айнан ўшандай жарангламаслиги турган гап.

Асарни бошқа тилда қайта тиклаш шакл ва мазмун бирлигини сақлаш йўли билан амалга оширилар экан, таржима қилиш умуман ғайри имконий бир уринишдай туюлади, чунки асл нусхасида яратилган асарда тил асосий шаклий либос, лисоний арсенал ҳисобланади. Башарти, таржима соф лингвистик ҳодиса бўлганида, бу, эҳтимол, ечиб бўлмас бир жумбоққа айланиб қоларди. Аслида эса, мантиқий чигаллик бўлиб кўринган бу муаммони ҳал қилишнинг иложи бор, чунки таржима ижоддир. Зотан, унда шакл билан мазмун алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда қайта тикланади. Таржимон асл нусхага монанд бир тахлитда шакл билан мазмун бирлигини қайта яратмоғи даркор.

Бу эстетик проблеманинг мураккаблигини чуқур тушуниб етмаган кишилар таржимон мутлақ риюя қилиши лозим бўлган қатъий «темир» қоидаларни тўқийдилар. Бундай талабларни илгари сурувчи назариячилар, танқидчилар, баъзан ижодкорларнинг ўзлари ҳам аниқлик ўлчовини догматик дастур қилиб оладилар. Ҳолбуки, таржимоннинг имкониятларини бу зайлда чегаралаш яхши ният билан... тўмтоқ жумла, бетаъсир мисралар тизмаси, сохта, тахи очилмаган шеърый туркумлар тизишга, даъватга айланиб қоладик, бунинг номи «формализм» дейилади.

## МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИ ИФОДАЛАШНИНГ МАЗМУНИ ВА МУНДАРИЖАСИ

«Колорит» терминини Ўзбек Совет Энциклопедияси лотинча *ранг* сўздан олинган деб даъво қилади<sup>1</sup>, Олим Усмон билан Ренат Дониёровлар. Улар *ранг*, *буёқ* маъносидаги лотинча *color*, итальянча *colorito* орқали рус тилига ва у орқали ўзбекчага ўтиб ўзлашган, деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Тилшунос олима Ольга Сергеевна Ахманова эса бу инглизча *colour(ing)* сўздан олинган, деган маълумотни беради<sup>3</sup>.

Ўзбек қомусида мазкур терминнинг тасвирий санъатда ва бадий адабиётда англатган маънолари акс эттирилган. Чунончи, тасвирий санъатда (картина, фреска, мозаика, рангли гравюра) реал ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблиги тушунилади. Колорит (ранг, буёқ) асарнинг ғоявий мазмуни билан боғлиқ бўлиб, санъаткор ифодаламоқчи бўлган ғоя ва бадий образни яққолроқ кўрсатишга хизмат қилади. Ўй-ният, ғоя, муддаони ифодалашда, образни гавдалантиришда бўёқларга алоҳида эътибор берадиган санъаткор колорист-рассом деб аталади (Ў. Тансиқбоев, Ч. Аҳмаров ва б.). Бу терминнинг иккинчи маъноси бирон нарсанинг ўзига хос томонлари мажмуини англатади. Масалан, бадий асарнинг ўзига хос характерли хусусияти: миллийлик, давр, маълум жойнинг ўзига хос жиҳатлари ифодаси.

О. С. Ахманованинг «Лингвистик терминлар луғати»да колорит бадий асарнинг ўзига хос хусусияти, персонажларнинг нутқ характеристикаси сифатида таърифланиб, уларнинг нутқида бирон давр тилидан ёки шевалардан олиб ўзлаштирилган тилнинг ўзига хос белгилари, бирон мамлакат ёки жойнинг хос тушунчалари (реалий) мажмундан иборат, деб кўрсатилади. Жумладан, шарқ колорити, европа колорити ва маҳаллий колоритга доир сўз ва истилоҳлар мисол тариқасида келтирилади.

Бадий адабиётнинг асосий материали сўз экан, демак, бадий таржимада ҳам фақат лисоний ашёлар — сўзлар билан боғлиқ колорит ўрганилмоғи керак, деган хулосага келиш мумкин. Асосан, шундай. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатла-

<sup>1</sup> Ўзбек Совет Энциклопедияси, 5-жилд, Тошкент, 1974, 565-бет.

<sup>2</sup> Олим Усмон, Ренат Дониёров. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштира сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, 1965, 214-бет.

<sup>3</sup> О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов. М., 1966, с. 200.

рини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Чунончи, тасвирий санъат, мусиқа ва бадий адабиёт бир-бири билан узвий боғлиқдир. «Ранг», «бўёқ» уларнинг ҳар учаласини ҳам туташтириб турувчи унсурлардан бири ҳисобланади. **Ранг туйғусидан** холи бўлган сурат, куй, асар қуруқ бўлади. (Сидирғалик, якранглик — дидсизлик, ширасизлик аломати эканлиги бежиз эмас.)

Шароф Рашидовнинг «Қашмир қўшиғи» Сўз, мусиқа, ҳаракат ва ранг уйғунлиги достони хорижий мавзуда ёзилган бўлиб, ҳинд мифологияси материалига асосланган. Асар бошдан-охиригача лирик кайфият, нафис туйғулар ва кечинмалар билан суғорилган. Бу дostonни бадий асар сифатида, сўзнинг сеҳрли кучи орқали идрок этамиз. Мазкур асар асосида саҳналаштирилган балетда эса лисоний омил — сўз жанр тақозосига кўра тушиб қолиб, муаллифнинг чуқур, саодатли гоёси ўзга ифода воситалари — ҳаракат, мусиқа, кўриш ва эшитиш билан боғлиқ образ орқали реаллашган. Бунда ҳинд колорити асар гоёси, муаллифнинг ўй-муддаосини сўздан «ташқарида» зуҳур кўргазган воситалар орқали рўёбга чиқарган.

Умуман, **ранг туйғуси** аксарият сўз билан «тушунтириб» бўлмайдиган сеҳрли, мўъжизакор туйғудир. Ҳамонки, колорит тушунчасининг замирида ранг ётар экан, махсус «ранг колорити» ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Ранг туйғуси фақат санъат, адабиёт ва музика жанрларинигина эмас, балки шу соҳада хизмат қилаётган арбобларни ҳам бирлаштирувчи омиллардан саналади. Масалан, муаллиф билан таржимон иттифоқини олайлик. Муаллиф билан таржимачи ижодкорнинг диди, нигоҳи, тасвирлаш манераси, содда қилиб айтганда, юлдузи бир-бирига мос, монанд бўлганда, таржимон муаллифнинг ҳаяжонлари, қувончлари, изтиробларини худди ўзиникидай идрок эта олгандагина, уларнинг иттифоқи хайрли, баракали бўлиши мумкин. Нозик-нафис ранг туйғусининг муштараклиги ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Н. А. Некрасовнинг «Ёмғир олдидан» шеърисидаги:

На ручей рябой и пёстрый  
За листком летит листок,—

мисраларини шоира Зулфия дастлаб:

Атлас каби ранг-баранг барглар  
Сувга тушар қувиб бир-бирин,—

деб таржима қилган эди.

Н. А. Некрасовда рус табиатининг манзарасига мос равишда кузда дарахт баргларининг сариқ ва қизил рангга кириши тасвирланган бўлса, таржимада уларнинг атлас каби ранг-баранглашуви (маълумки, атласда фақат сариқ, қизил эмас, балки оқ, кўк, яшил ва бошқа ранглар ҳам мужассамлашган бўлади) бу таассуротни ўзгартиради: атласдай товланиш, ёниш кўпроқ баҳор билан ёз фасллариининг фазилатига хос бўлиб, хазинлик, хазонрезгилик эмас, балки қувноқлик, шодонлик кайфиятларини ўзида акс эттиради. Бунда беҳосдан

Россиянинг намчил кузи — қуёшли Ўзбекистон кузи билан, Н. А. Некрасов туйғуси эса Зулфиянинг кайфияти билан ал-машиниб қолади. Бун пайқаган ўткир дидли, зийрак таржимон таҳрир давомида «атлас»дан воз кечиб, шеърнинг кейинги нашрида — «Қизил-сариқ ранг-баранг барглар» деб яхши тузатган.

Қизиги шундаки, ўзга бир ўринда, акс ҳолатда, бошқа бир таржимон ўз концепциясини авторникига мослашни истамайд...

Табиатни мушоҳада этиш, ундан мутаассир бўлиш, ўзига хос такрорланмас, сеҳрли маъно чиқариш ҳар бир шоирда ўзгача бир тарзда воқе бўлади. Айтайлик, «ўша» кузни Ғафур Ғулом барваста, сербарака деҳқон қиёфасида кўрса, Зулфия наздида куз — атлас кийган ўзбек аёлидай ясоғлиқдир. Кузда баҳор нашидаси, хандонлик, бўлиқликни кўради шоира. Унинг мисраларида бардам руҳ кезиб юради.

Севаман олтин куз, севаман жондан,  
Атлас табиатли ғўзал чоғингни.  
Дарахтлар либоси, ранго-ранг гулгун,  
Кўзни эркалатган чаман боғингни.

Светлана Сомова шеърни ҳафсала билан ўгирган. Бироқ таржимоннинг ташбиҳлари — ранглари Зулфияникидан фарқ қилади. Русча шеърда муҳим услубий ассоциатив унсур — *атлас жилоси* акс этмаган. Шарқона экзотикага маҳллё бўлиб, ўзбекча «атлас» сўзини муқаррар сақлаш лозим эди, деб талаб қилмоқчи эмасмиз. Гап шундаки, Зулфия ашъори **атлас рангига** бой. *Атлас ва камалак қуёш ва аланга* шоиранинг севган рамзларидир. Дарвоқе, бир туркум шеърларини у «Камалак» деб аташи ҳам бежиз эмас. С. Сомова нигоҳида эса куз тамом бошқача бўёқларда гавдаланади: *тонгги изғирин, қоралашаётган осмон, яланғоч дарахтларнинг қора танаси, ёмғир ювган пўстлоқ...* Яна алланарсалар. Хуллас, таржимоннинг нафаси совуқ. Светлана Сомова мисраларини ўқиганда бадан жунжиқади, қиш мўралаётгандай туюлади. Натижада таржимада учрайдиган «аланга», «гул», «тўқ сариқ ранг»лар ҳам Зулфия лафзидаги янглиғ турфа камалак манзара ва кайфият ҳосил қилолмайди. Бунинг сабаби таржимоннинг туйғуси, куз ҳақидаги таассуротлари муаллиф туйғуси, таассуротларига уйғун эмаслигида. Зулфия куз ҳақида завқ-шавққа тўлиб ёзди, баҳорий сармастликни ифода этади:

...Мени ҳам ўрайди шеърй ҳаяжон!  
Қуёшни қаршлаб чиқиб айвонга,  
Нурларга кўмйлиб юраман шодон.

С. Сомова мисраларида бу бардамлик, бу кўтаринкилик йўқ. Алланечук сокинлик, маъюслик ифодаси бор унда. У кузнинг совуғи, дилгир намгарчиликдан гап очади:

Последних листьев шум... Небес открытых просынь.  
Нечаянный налет холодных ветерков...

Миллий ўзига хослик деганда адабий асарда тасвирланган халқ ҳаётининг моддий ҳаёт шароити, маънавий турмуш тарзи, табиати, ўрмон, тоғ, дала, сув, замин, осмон ҳамда афсона ва чўпчаклари, тарихи ва дини, адабиёти ва санъати ҳамда бошқа махсус нарсалар ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари, атамалари тушунилади. Кийим-кечаклар, удумлар, урф-одатлар, пул бирликлари ва ҳоказолар ҳам миллий хослик компонентлари жумласига кириди.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир асарнинг миллий спецификаси, бу хосликни таржимада бериш ҳақида гап борганда, ўша адабий ёдгорликда акс этган кийим-кечаклар, овқат ва ичимликлар ё бўлмаса турли ирим-сиримларнинг номини санаш ёки уларни алоҳида олган ҳолда лингвистик-структурал таҳлилдан ўтказиш билан иш тугамайди. Бунда асосий эътибор муайян тарихий, жуғрофий, мифологик, ономастик ва ҳоказо хос тушунча ҳамда қарашлар билан боғлиқ ашё ёки удумлар бадий асарнинг руҳига қанчалик сингдирилганлиги, улар асарда ёнги ёзувчининг индивидуал услуби ва маҳоратида қандай аҳамиятга молик эканлигини аниқлашга қаратилмоғи даркор.

Бадий таржимада миллийлаштириш «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Оловли йиллар» фильмида шундай лавҳа бор: Туркистонда буюк рус ёзувчиси Н. В. Гоголь кунлари муносабати билан биринчи марта «Ревизор» комедиясининг намоиш этилиши олдида саҳнага мусулмон руҳонийсн кўтарилиб, қироат билан қуръондан сура ўқийди. Бу шундан далолат берадики, фақат таржима асарининг ўзига миллийлаштирилиб қолмай, баъзан бир халқнинг маданиятига янги кириб келаётган ёзувчи, унинг ижоди мазмуни атрофида эндигина қарор топаётган адабий муҳитга ҳам ўзгача, маҳаллий, миллий ва баъзан диний маъно берилиши мумкин.

Етмишинчи йилларда афғон театри саҳнасида худди ўша комедия — «Ревизор» кўрсатилган экан, асарда афғон шаҳар ҳокими ва афғон амалдорлар иштирок этганлар. Қизиғи шундаки, қаҳрамонларнинг кийими ҳам, номлари ҳам афғонча бўлган.

Ганада Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси асосида қўйилган «Ҳамиле» номли фильм минглаб томошабинларни ўзига жалб этган. Унда Ҳамлет — «Ҳамиле», Офелия — «Ҳабиба», Полоний «Иброҳим»га айланган ва ҳоказо. Ҳамлет отасининг руҳи бошида африкаликлар киядиган шохли маскеси билан пайдо бўларкан, ўзининг тимсоҳ заҳари билан ўлдирилганини айтади.

— Шекспир умуминсонийдир ва ҳар бир халқ унинг асарларида ўзини кўриши мумкин,— деб талқин этади режиссёр Томас А. Даниельс.— Асардаги воқеани Гаанага кўчиришда мақсад улуғ ёзувчининг асарини томошабинларга яқинлашти-

риб, тушунарли қилиб кўрсатишга интилишдан иборат эди. Шу усулда Чеховнинг ҳам бир пьесасини экранлаштирмоқчимиз<sup>1</sup>.

Озарбайжон шоири, «Ҳамлет»нинг биринчи таржимони Со- бир бир вақтлар воқеа жойини Даниядан Шарққа кўчирган, жаҳрамонларни шарқ либосига ўраб, ҳатто айримларининг номларини ҳам озарбайжончага айлантирган эди.

Асар таржима жараёнида ўзининг ижобий хусусиятларидан табиий суратда бир қадар маҳрум бўлар экан, аини вақтда ўзга тил бағрига ўтиши, бошқа халқнинг маънавий тарбияси хизматига сафарбар бўлиши жараёнида аллақанча янги фази- латларни орттириб ҳам олади. Чунончи, асл нусханинг тил асосига қурилган ўзига хослиги йўқолиши билан бирга, унинг ҳамма учун умумий бўлган томонлари бўртиб чиқади, асар ўз таржимасида бирмунча «янгиланиб» олади. Масалан, «Фауст» кейинчалик немисча асл нусхасидан кўра француз тилига қи- линган таржимасида, «Герман ва Доротея» эса лотинчага ўтирилган нусхасида Гётега кўпроқ ёққанлигини эслаш кифоя.

Лекин таржиманинг ўзга тилдаги «янгиланиши»ни зинҳор асарнинг таржимон томонидан сунъий равишда тузатилиши, гоъвий, бадий томонлари «чуқурлаштириб» ўзгартирилиши маъносидан талқин этмаслик керак. Гап ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари, ана шу аломатлар асарнинг лисоний-услу- бий тўқимасига муайян даражада таъсир этиши мумкинлиги хусусида бормоқда.

1939 йилда «Гулистон» журналида Мирзакалон Исмоилий таржимасида «Дон Кихот» романидан парча берилган эди. Бу таржима тўғрисида матбуотда баъзи мулоҳазалар ҳам баён қилинди. Сервантеснинг «Дон Кихот», Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясидан парчалар билан танишиб туриб шу- ларни айтиш керакки, дейилади шу мавзуда ёзилган ишлардан бирида, бу таржималар атайин «миллийлаштирилган». Мил- лийлаштириш бу асарларнинг услубида, гап тузилишида, бир хил ўхшатишлар ва бошқа хусусиятларда кўринади.

Дуруст, таржима амалиётида бундай ажойиб-ғаройиботлар рўй бериб турганлигини, умуман, инкор қилиб бўлмайди. Ле- кин юқорида айтилган гапларнинг М. Исмоилий таржимасига дахлдорлиги кам.

«Санчо, заметив, что монах лежит на земле, легко соскочил с осла, и подбежав к нему, стал снимать с него платье. Тут по- дошли двое слуг, сопровождающих монахов, и спросили Санчо, почему он его раздевает. Тот им ответил, что трофеи по закону принадлежат ему, ибо его господин дон Кихот завоевал их в бою»<sup>2</sup>.

М. Исмоилий таржимаси:

<sup>1</sup> С. Черток. Третий Ташкентский. Интервью с ганским режиссером Томасом А. Даниэльсом. Журн. «Советский экран», 1974, № 15, с. 3.

<sup>2</sup> Сервантес. Хитроумный идальго дон Кихот Ламанчский. Кржев- ский ва Смирнов таҳриридан чиққан таржима. 1935, 109—110-бетлар.

«Санчо монахнинг ерда сулайиб ётганини кўриб, эшагидан осонгина нрғиб тушди ҳам югуриб бориб монахнинг кийимларини ечишга киришди. Монахларни узатиб келаётган икки нафар хизматкор шу аснода етиб келди ва нима сабабдан уларнинг кийимларини ечурсиз деб Санчодан сўрадилар. Санчо уларга айтдики, қонун билан ўлжа меники, сабабки уларни эгам дон Кихот жангда енгиб олди, деб»<sup>1</sup>.

«Моя сеньора,—говорил дон Кихот,—ваша красота вольна теперь располагать собой, как ей заблагорассудится, ибо наглость ваших похитителей уже повержена в прах мощью моей руки, и чтобы вас не печалило незнание имени вашего спасителя, я скажу вам, что зовут меня дон Кихот Ламанчский» (113).

Таржимаси:

«О менинг сеньорам! Нозанин энди ўзларини, ўз истаклари-ча эркин тута билурлар, сабабки нозанинни ўғирлаган қабиҳлар каминанинг билак кучлари билан тош-тўфонга айландилар. Ўз ҳомийларининг кимлигини билмай юраклари қон бўлмаслиги учун, махфий қолмагайким, менинг исми-шарфим Ламанчлик дон Кихот эрур» (24).

Саккизинчи бобнинг мазмуни ҳақида Сервантес киноя билан шундай ёзади: «О славной победе, сдержанной доблестным дон Кихотом в ужасном и доселе неслыханном приключении с ветряными мельницами, также как и о других событиях, достойных приятного упоминания» (107).

М. Исмоилий таржимаси:

«Шу бобда шамол тегирмони билан қилинган, алҳолгача кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли жангда дов юрак дон Кихот қозонган шарафли ғалаба ҳамда эсга олсанг, жонинг роҳат топадиган буюк воқеалар баён қилинур» (21).

Кўриниб турибдики, миллий колорит бузилган деб ортиқча ташвишланишга асос йўқ. Тўғри, таржимада *ечурсиз, билурсиз, суҳбат айлаб эрдим, хотирадари жам бўлғайки, андин сўнг* каби сўз ва архаик услуб тарзи сезилиб туради. Аслида, бу таржимани аслига монанд бир тарзда қайта яратишнинг муносиб тадбиридир. Чунки Сервантес даври билан бизнинг замонамиз уч ярим асрга фарқ қилишидан қатъи назар, асл нусханинг жанр хусусиятларини ҳам инobatга олишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам «Дон Кихот» романини ҳозирги замон ўзбек адабий тилига ўгирилар экан, қадимги ўзбек тили ибораларидан мутлақо холис ҳолда иш кўриш унчалик тўғри ҳам бўлмас эди.

Таржимон олдида кўндаланг бўладиган илк муаммолардан бири: асарда акс этган тарихий ва миллий хосликлардан қай бирини сақлаш, не йўсинда акс эттириш керак? деган масаладир. Таржиманинг асосий ақидасидан келиб чиқамиз: асарни ўгириш—бу уни бошқа тилда шакл ва мазмун бирлигини сақ-

<sup>1</sup> Сервантес. Дон Кихот. Романдан парча. М. Исмоилий таржимаси. «Гулистон» журн., 1939, № 5, 22-бет.



лаган ҳолда ифодалаш демакдир. Бироқ тилнинг ўзи миллатнинг муомала муносабатида ўзига хос воситалари системасидир. Таржимада ўзига хосликнинг бу тарафи муқаррар равишда йўқолади деган сўз. Сервантеснинг «Дон Кихот» романи ўз даврида мўътадил бир тилда, ўз замонасида китобхонга тарихий ва миллий жиҳатдан қандайдир архаик маънодор бўлмаган, ўз даврининг адабий тилида яратилган эди. Бинобарин, уни, асосан, худди шундай бўялмаган соф тил билан таржима қилиш мантиқан тўғри бўлади, деб ҳисоблайди, Иржи Левый.

Қўпчилик халқларнинг тилларида қўлга киритилган таржимачилик амалиётининг самаралари ҳамда муайянлаша бошлаган таржима принциплари шундан далолат берадики, таржима мўлжалланаётган халқ тили учун янги тушунча бўладиган айрим чет сўзларни ўгирмасдан, айнан сақлаш айни муддаодир. Бироқ зарур бўлмаган ҳолда, бемақсад, фақат колорит ёки ишора учун хорижий сўзларни таржимага оқизмай-томизмай ўтказавериш таржималарнинг мақсадига, китобхон манфаатига ва тилнинг софлигига ҳам хилоф иш қилиш бўлур эди. Бинобарин, асл нусхадаги тарихий ва миллий ўзига хосликнинг барча унсурларини сақлаб бўлмайди, лекин улар орасидан шундайларини ушлаб қолмоқ керакки, натижада ўқувчида тарихий ва миллий муҳит тасаввури пайдо бўлсин.

Саудек таржима қилган «Хамлет»да гўрков ўз ўртоғини айни спектакль намоёнш этилаётган Прага шаҳри театрининг қаршисидаги Виноград (Узумзор) кўчасида жойлашган «Дашк» дўкончасидан пиво келтиришга юборади. «Қийиқ қизнинг қуюлиши» комедиясида инглиз Ричард Жаҳонгир чехча Брунцивик билан алмаштирилган. Бундай ўзгаришлар таржимада тасвирланаётган муҳитга ва асл нусханинг ҳаётий материалга зиддир (И. Левый, 133).

Н. Г. Чернишевский Н. Берг тўплаган турли халқлар қўшиқлари тўплами ва таржимасининг мундарижаси торлигини танқид қилади. Чунончи, Н. Берг тўпламга халқ қўшиқларини эмас, балки ноёб қўшиқларни киритишга зўр берган. Ҳолбуки, авторнинг фикрича, таржима қилиш учун асар танлаганда унинг қанчалик ноёблигини эмас (чунки таржима ноёб асарлар коллекцияси эмас), муҳимлиги, мукамаллиги, ғоявий чуқурлиги ва эстетик гўзаллигини асос қилиб олиш зарур.

Бундан ташқари, жаноб Берг турли халқларнинг қўшиқларини таржима қилганда мумкин қадар уларда «бегоналик» аломатлари қолмаслиги ва соф русча қўшиқ бўлиб чиқлишига эришиш учун интилган. Бундай интилиш оқибати ўлароқ, тўпламга кирган қўшиқларнинг қайси миллатники эканини аниқлаш ҳам мушкул бўлиб, улар рус қўшиқлари ҳам, бошқа халқларнинг қўшиқлари ҳам бўлмай қолган. Шундай қилиб, у ўз тўпламига кирган халқ қўшиқларининг фазилати, нафосати ва ҳароратини қўлидан келганича пучга чиқаришга интилган.

Н. Г. Чернишевский қадимги юнон файласуфи Арастуниги «Шеър санъати ҳақида» асарининг Б. Ординский қилган таржимасига бағишлаб ёзган «Поэзия ҳақида» сарлавҳали мақоласида асосий эътиборни тил масалаларига қаратади. Жаноб Ординский бу асарга ёзган сўз бошида уни мумкин қадар асл нусхасига мувофиқ этиб таржима қилганини айтган. Бу жуда ахши ният, деб маъқуллайди буюк танқидчи. Бироқ тилнинг аниқ ва тўғри бўлишига хилоф етказган ҳолда ҳижжалаб ағдаришга интилиш аниқлик тушунчасининг ўзига хилофдир, чунки асл нусхада равшан бўлган нарса таржимада ҳам равшан бўлиш керак. Акс ҳолда, таржима қилиб ўтиришнинг нима ҳожати ҳам бор.

Автор бу мақоласида таржимада содда услуб яратаман деб эскирган ёки кам ишлатиладиган сўзларни қўллашни қоралар экан, «Прописан» номли мақолалар тўпламида жаноб Катковнинг «Гомер асарларини содда тил билан таржима қилишга уриниш ҳақида икки оғиз сўз» номли мақоласи муносабати билан ёзган бошқа бир мақоласида таржимада тилнинг шеваларидан олинган сўзларни ишлатиш ҳам номақбул эканини айтади. Масалан, Аристофан комедияларида тасвирланган спарта элчиларининг ўзига хос лаҳжа хусусиятларини малорус ёки Кострома мужикларининг шеваларига хос сўзлар билан алмаштириш асарга хос бўлмаган хусусият бағишлаш, яъни сохта таржима яратиш бўлар эди. Шунингдек, Гомер асарларини ўғирганда эски славян ва кўҳна йилномаларнинг тил элементларини ишлатиш уларга сохта колоритни пайванд қилишга уриниш бўлар эди. Зотан, Гомернинг Агамемнони бизнинг Димитрий Донскойимизга айланиб қолишидан эҳтиёт бўлиш лозим, деб таъкидлайди Н. Г. Чернишевский.

#### Психологик тасвир ва деталь

Таржимада асл нусханинг бутун борлиги, уни санъат асари сифатида характерлайдиган барча асосий белгилар — муаллифнинг бошқа адаблардан яққол ажратиб турадиган ўзига хос овози, услуби, «қаламининг изи» акс этмоғи даркор. Воқеа ва манзарани миридап-сиригача бирма-бир тасвирловчи романист билан аксарият атиги биргина сўз, рамз, тимсол, деталь воситасида унутилмас образ, таъсирчан ғоя яратувчи новеллист асарларининг таржимасига нисбатан бир хил, ягона тадбир қўллаб бўлмаслиги аниқ. А. П. Чеховнинг «Гилоф бандаси» ҳикоясида — *соёбон*, «Ёвуз ниятли киши»да — *гайка*, «Хамелеон»да — *ит*, «Семиз ва ориқ»да — *гилос*; Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими»да — «*прук-қум-пирр...*», «Анор»да — *кели*, «Ўғри»да — *ҳўкиз*, «Ўтмишдан эртаклар» қиссасида — *ўқталган милтиқ* ва ҳоказо. Ёзувчининг асарида ҳар бир сўз «отар» экан, демак, мутлақо ҳар бир калимани таржима қилиш лозим, акс ҳолда таржима «отмайдн». Шу билан бирга, вақти келганда, сўзни, жумлани, гапни «қурбон» қилмай, қўшмасдан, ўзгартирмасдан таржима қилиб ҳам бўлмайди. Демак, таржимон кимда, қаерда, қачон, нимани оқизмай-томизмай

сақлаш керак-у, қаерда, нимани қурбон бериш, ўзгартиришни билиши керак.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси М. Никитин таржимасида ҳажман икки барабар ошиб кетган. Ваҳоланки, ўзбек новеллисти услубининг «сиркаси сув кўтармайди». Худди А. П. Чеховники сингари, унинг тасвирида ҳам барча нарсалар ўлчовли: «Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб, ҳўкиздан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган...». Тасвирдаги бундай аниқлик ва қисқалик негадир таржимон М. Никитинга маъқул эмас ва у авторни унутиб юборади шекилли, узундан-узоқ, майда тафсилотларга берилиб кетади: «Старуха Хасият проснулась на рассвете. Вспомнив первым делом о том, что волю надо подбросить корму, она поспешно поднялась с постели, всунула босы ноги в кавуши и засеменила к хлеву. Вчера она сама привязала вола к столбу. Сейчас столб-стоял на привычном месте, но хлев зловеще опустел и пробоина страшно прямо на улицу зияла в порушенной стене».

Аслида няхоти 16 та сўз бўлса, таржимада — 43 та! Қарийб уч барабар ортиқ. Аммо гап асло сўзларнинг сонига эмас, балки кераксиз «тафсилот»ларнинг ошиб кетганлигида, ёзувчи услубининг бузилганлигида, асл нусхада тасвирланаётган даҳшатли психологик ҳолатга таржима ўзининг сокин, суст, яроқсиз эзмалити билан номувофиқ ва номуқобил бўлиб қолганлигидадир.

«Абдулла Қаҳҳор учун энг муҳими — Қобил бобо бошига тушган фожиадир: унинг бирдан-бир бисоти — ҳўкизни ўғирлаб кетганлар. Борди-ю, унинг уйи ёниб кетганда ҳам, бу унчалик даҳшат бўлмас эди. Ўрта Осиё шароитида уй қуриб олиш нима деган гап! Аммо ҳўкиз — бу чинакам хазина. Таржимон асосий эътиборни ўзини ҳайрон қолдирган ҳар бир деталь, ҳар бир тафсилотни тасвирлашга қаратгани туфайли фожа ҳосил бўлмаган»<sup>1</sup>.

Хуллас, бу «сахий» таржима яроқсиз топилиб, ҳикояни Абдулла Қаҳҳор ижодининг тадқиқотчиси, адабиётшунос олима И. Боролина рус тилига қайта ўғиради. Кейинги таржимада асл нусхага жуда эҳтиёткорлик билан ёндошилиб, имкони боринча муаллиф талқинидан чиқмасликка ҳаракат қилинган. Лекин бу хийла аниқ таржимада қандайдир ички ҳарорат, таъсирчанлик, шира етишмайди<sup>2</sup>.

Пиримқул Қодиров «Асл нусха ва таржима» мақоласида «Синчалак» қиссасининг Константин Симонов қилган русча таржимасига тўхтаркан, бу ерда санъаткорнинг маҳорати айни жойида иш берганлигини таъкидлайди. Лаганбардор Эшон

<sup>1</sup> Г. Гафурова. Развитие перевода в Узбекистане. Ташкент, 1973, с. 74—75.

<sup>2</sup> Қаранг: Пиримқул Кадыров. Оригинал и перевод. Журн. «Дружба народов», 1971, № 1, с. 251.

Қаландаровнинг қўлидан коньяк олиб ичаркан, «Коньякдан сўнг газак чикора?» қабилда хўжайинга тилёғламалик қилади. Мабодо бу жумла оқизмай-томизмай, сўзма-сўз ўгирилганида, шаробнинг ширасидан асар ҳам қолмаган бўларди. Йўқ. Константин Симонов ундай қилмайди. У жумланинг қобиғини ёриб, мағзини ўзгача бир мақомда талқин этади: «Для такого коньяка закуска не придумана ещё» («Бундай коньякка татийдиган газак ҳали топилмаган») дейди. Бу Эшоннинг Қаландаровга билдирган нозик хушомадгўйлигини янада таъкидлаган, бўрттирган. Бошқача айтганда, К. Симонов жумла чегарасидан чиққан, аммо бу билан муаллифдан, асардан, образдан узоқлашмаган, аксинча, Абдулла Қаҳҳор кузатиан нуқтага, муаллиф талқинига, Эшоннинг мақсадига янада яқинлашган. Зотан, таржима диалектикаси ўзи шундай: авторнинг муддаосини ифодалаш учун баъзан асл нусхадаги сўзлардан қочиш керак.

Абдулла Қаҳҳор таржимонга ёлчимаган адиб. Бу хусусда номи тилга олинган ёзувчи Пиримқул Қодиров, Вл. Россельс, Н. Владимирова, Г. Гафурова, М. Турсунхўжаева сингари таниқли мутахассислар кўп ва хўб ёзганлар. Лекин ёш таржимашунос Набижон Раҳматовнинг кузатишлари алоҳида диққатни ўзига тортади. Қандайдир ҳеч ким айтмаган фавқулодда янги фикр айтганлиги, таржима санъатининг ҳеч ким кўрмаган хилватгоҳларини кўрганлиги, таржима оролининг ҳеч кимнинг оёғи етмаган манзилгоҳларига унинг оёғи етганлиги учун эмас. Йўқ. Ёш тадқиқотчи фикрининг самимийлиги, соддалиги ўқувчини ўзига қаратади. Мақсад-муддаосини яширолмай, баъзан гапнинг «пўскалласини» айтиб қўя қолади.

Эрнест Хемингуэй шундай деган эди: «...Ёза олишингдан, ёзганда ҳам ҳаққоний қилиб, кейин ўзинг ўқиганда ҳам лаззатланидиган қилиб ёза олишингдан ва ҳар кунингги мана шу ёқимли иш билан бошлашдан қувончлироқ нарса йўқ бўлса керак. Бунинг олдида бошқа ҳамма нарса арзимас гаплардир»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, киши ўз ишидан мамнун ва масрур бўлганидаги ички қониқтиш туйғуси ҳар нарсадан афзал. Машҳур адибнинг сўзлари таржима ижодида ҳам бевосита дахлдор.

Нега деганда, таржима санъати ўзи бир олам. Ҳали унинг ўзлаштиришни кутиб ётган, кашфиёт талаб пинҳоний сирлари бор.

Таржиманинг асл нусхага муқобиллиги даражаси назарияси бешта мазмуний даражаларнинг эквивалентлигини фарқлашни тақозо этади: 1) тил белгилари даражасида; 2) баён қилиш даражасида; 3) ахборот етказиш даражасида; 4) вазият ва ҳолат тасвири даражасида; 5) алоқа мақсади даражасида. Таржима жараёнида асл нусха билан ўгирилган нусха ўртасида қайд этилган даражаларда муқобиллик муносабат-

<sup>1</sup> Эрнест Хемингуэй. Алвидо, қўрол. Тошкент, 1973, 4-бет.

лари ўрнатилади. Асл нусха билан таржима бирликлари барча беш даражада ёки фақат айримларида тенг келиши мумкин. Таржимадан кузатиладиган асосий мақсад барча даражаларда иложи борица кўпроқ муқобилликка эришишдан иборат<sup>1</sup>.

Севикли адибимизнинг ўзига хос услуби унинг барча асарларида гўё «мен Қаҳҳорга мансубман», деб туради. Асардаги нозик тил, фикрнинг теранлиги, услубнинг сиққилиги, ўзига хос жилаворлиги, образларнинг ёрқинлиги, гоёларнинг очи-лиши, портрет чизишлар, пейзажларнинг берилиши, диалоглар-нинг табиийлиги, бадий тасвир воситаларидан фойдаланганда меъёрга изчил риоя қилиш, буларнинг барчаси яхлит бир ман-зара яратадики, худди ана шу такрорланмас фазилят ўқувчини ўзига ром қилади, айти вақтда худди ана шу гоёвий-бадий омиллар таржимонларни лол қолдиради. Натижа шу бўлади-ки, услубни бера билмаслик, муаллиф талқинидан чеклиниш, лўнда тасвири кераксиз тафсилотлар билан тўлдиришга уринишлар ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг таржимада бор бўйи билан қаддини ростлашига монелик қилади.

Абдулла Қаҳҳор меҳнатсевар ёзувчи. Мунис бир китоб ёзиш, унинг ҳар бир саҳифасини, ҳар бир сатрини ўқувчига манзур қилиш, китобхонни мамнун этиш, қувонтириш осон эмас. «Бит-та ҳикоя устида йиллаб ишлаган Чеховлар, бутун бошли роман-ни 15—20 марталаб кўчириб ёзган Толстойлар ҳақида кўп ўқи-ганмиз,— деб ёзади адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов.— Мен Абдулла Қаҳҳорни ҳам шундай ёзувчилар қаторига қўйгим келади, чунки у ҳам асар устида, қўл ёзма устида улуғ ёзувчи-ларга хос матонат ва бардош билан меҳнат қилади. У «Қўш-чинор чироқлари» романи устида салкам ўн йил ишлаган. «Синчалак» билан «Ўтмишдан эртаклар»ни бир-бирига қўшса, ҳажми кичкина романчалик бўлмас. Шунга қарамай, бу қис-саларнинг ҳар бирига тўрт йилдан вақт кетган. «Оғриқ тиш-лар» устида ҳам, «Сўнгги нусхалар» устида ҳам ёзувчи тўрт йилдан меҳнат сарф қилган. «Даҳшат» ҳикоясини яратиш учун ўн йил лозим бўлди».<sup>2</sup>

Сарф этилган вақт, сермашаққат ижод йилларини фахр билан эслаш, фойзлп ва баракали умр меваси — ажойиб ба-дий асарлар ўзбек совет адабиётининг ютуғи бўлиб қолган-лигини эндиликда ҳамма билади.

— Мен ёзилган жумлани, ҳатто саҳифани ҳам устидан ту-затолмайман,— деб ҳикоя қилади Абдулла Қаҳҳор.— Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқа-сини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани

<sup>1</sup> Қаранг: В. Н. Комиссаров. Слово о переводе. Изд-во «Междуна-родные отношения», М., 1973, с. 76.

<sup>2</sup> Озод Шарафиддинов. Ижод заҳмати. «Шарқ юлдузи» журна-ли, 1967, № 8, 45-бет.

ўрта ҳисоб билан 15 — 16 марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар сафар саҳифага сайқал бераман»<sup>1</sup>.

Ана шундай ижод заҳмати, ўткир дид, саҳий қалам, истеъдодли қалб билан ёзилган сатрлар ҳалол, талантли, меҳнаткаш адиб томонидан бошқа тилга авайлаб, ардоқлаб ўтказилган тақдирдагина ўз табиий тароватини сақлаб қолади, дилларни ларзага солади. Ваҳоланки, айрим ҳикоялар таржимаси юзасидан олиб борилган кузатишлар таржимонларнинг аксарият Абдулла Қаҳҳор маҳорати даражасига эриша олмаганларини кўрсатади. «Анор» — «Гранаты». А. Садовский таржимаси юзасидан.

Асл нусхада: «Ўз қилмишига гердайиб турган Туробжон унинг кўзини жиққа ёш кўриб:

— Нима эканини билдингми?— деди».

Таржимада: «Турабджан улыбнулся, увидев слезы в её глазах. Да ты знаешь, что это такое?— весело заговорил он».

Анор ўрнига бир амаллаб асал топиб келган Туробжон аввал гердайиб турган бўлса, хотинининг кўзида ёш кўргач, шаштидан тушади. Таржимада эса унинг феъл-атвори бирдан ўзгариб қолади: хотинининг кўзларида ёш кўргач... жилмаяди! Натижада шўрлик Туробжон «кўзда ёши билан кулганлар»дан бири бўлиб қолган.

Абдулла Қаҳҳор ижоди билан шуғулланган ҳар бир мутахассис, оддий китобхон ҳикоянависнинг «Анор»ига мунособат билдирмай, қойил бўлиб, тасанно айтмай қолмаган.

«Анор» ҳақида гапирганда адабиётшунослар Вера Смирнова ҳам, Озол Шарафиддинов ҳам О. Генрининг «Шафтоли» ҳикоясини эслаб, бу икки асарни таққослайдилар. Чунончи, О. Шарафиддинов ёзади: «Бироқ бу иккала ҳикоя бир-биридан осмон билан ерча тафовут қилади. «Анор», «Шафтоли»дан фарқ қилароқ, бизни ларзага солади, виждонимизни уйғотади, қалбимизда адолат туйғусини кўзгайди. Абдулла Қаҳҳор О. Генриники сингари, ҳаёт материалини олиб, униқидан батамом фарқ қилувчи чуқурроқ, ижтимоий йўналиши аниқроқ, ҳаққонийроқ хулоса чиқаради»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, мазкур асар ҳикоянавислик жанрининг дурдонаси. Унинг қисқача мазмуни шундай. Камбағал Туробжоннинг суяукли (туйғу ҳикояга сингдирилган) хотини ҳомиладор — анорга бошқоронғи. Лекин йўқчилик тўнғич фарзандини кутаётган ёш онанинг ягона, табиий, заифона истагини қондиришга имкон бермайдн. Пичоқ бориб суякка тақалади: шўрлик эр ўғирлик қилишга мажбур бўлади — жиноятга юзланади. Буларнинг барчасига Туробжон ёки хотини эмас, ўша вақтда ҳукмрон бўлган, кўпчиликни жонидан тўйдирган замон айбдор. Бунга қуйидаги эпиграф ҳам кафил:

<sup>1</sup> А. Қаҳҳор. Ешлар билан суҳбат. Тошкент, 1968, 79- бет.

<sup>2</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик, 1- жилд. Тошкент, 1967, 11- бет.



Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам,  
Ариқ тўла сув, ташнаи-зорим болам.

«Анор», «Кўк конверт», «Картина» каби ҳикоялар таржимаси А. Садовский қаламига мансуб. «Анор» 1936 йилда, «Кўк конверт» билан «Картина» 1943, 1949 йилларда ёзилган...

Мен ёш қаламкаш дўстимнинг бир адиб кўриб берган ҳикояси билан танишган эдим, дейди Набижон Раҳматов. Ҳикоянинг деярли ҳар бир сатрига қалам теккизилган бўлиб, у «керак эмас», «ортиқча», «гап нотўғри тузилган», «шу ҳолатни чуқурроқ ўйлаб кўринг», «мақол ноўрин ишлатилган», «қаҳрамон психологиясига тўғри келмайди», «нега?», «лаббай?» ва бошқа шу каби луқма, огоҳлантириш, тузатишлар билан тўлиб-тошганди. Лекин ҳаваскор дўстим кўрсатмаларга амал қилган ҳолда асарини қайта ишлаб чиққанидан кейин қарасам, не кўз билан кўрайки, қўлимда туппа-тузук ҳикояни ушлаб турардим. Бу воқеани хотирлашдан мақсад шуки, бирор ёзувчининг асари бошқа тилга ўгирилган экан, муҳокамасиз, нарсасиз тўғри нашриётга бориб, китобга айланмасдан олдин роса муҳокамадан ўтказилса, нуқсонларп бирма-бир тузатилса, ажаб эмаски, Абдулла Қаҳҳор дурдоналарининг таржимаси ҳам бу қадар ғариб, кўримсиз бўлмасмиди...

«Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг энги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди. Унинг шашти қайтди. Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопади. Кели лапанглаб ағанади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди».

Асарнинг бошланиши, биринчи абзацининг ўзида қанча ҳикмат. Туробжон «ҳовлиқиб» кираркан, биз уни деярли югуриб кирди (ахир, қувонч ҳеч ерга сиғмасди), деб тушунмоғимиз лозим, акс ҳолда муаллиф қалами яктагини тирсаккача «йиртмаган» бўларди. Бундақа яқтак камбағалда битта, ортиб кетса иккитадир, бўлмаса шашти қайтмасди, севинчига соя тушмасди. Жўхори тўйиб ўтирган хотин эрини эмас, унинг қўлидаги тугунчани кўриб (эри ҳар куни қуруқ қўл билан келар, ким билади), келисопни келининг устига қўя (ҳаприқиш сезилиб турибди) чопади. Натижада кели лапанглаб ағанайди. Ўз навбатида, бу ҳам кўнгилсизлик даракчисидек туюлади.

Русчага ағдарилган текстни кўриб чиқайлик.

«Турабджан открывая калитку, так волновался, что зацепил рукавом яхтака на железную щеколду и разорвал рукав до самого локтя.

Жена сидела на терраске и толкла с ступе джугару. Увидев в руках мужа сверток, она бросила деревянной пестик на мешок и порывисто поднялась ему навстречу. Тяжёлый пестик опрокинул мешок, джугара рассыплась».

А. Садовский таржима қилароқ, йўл-йўлакай ҳикояга «тузатиш»лар киритади. Ваҳоланки, А. Қаҳҳор «терраска» (айвон) ва «мешок» (қоп) ҳақида ҳеч нарса демаган, чунки... Сабаби, «хўжайинга бир ошнаси совға қилиб келган» асалдан



«билдирмасдан... ўзи сўраб озроғини» олгач, босар-тусарини билмай қолиб, ҳовлиқиб хотинининг олдига югурган Туробжон «терраска»ли (пешайвон) уй қура олармикан? Оғир келисоп, қарангки, қопни ағанатибди. Ахир, бўш қоп тик турмас, дейдилар. Қўл учида амаллаб кун ўтказиб юрган бечора оилада қоп тўла (ағдариладиган) жўхори бормикан ўзи? Эҳтимол, Туробжон ва унинг тирикчилигини автордан кўра таржимон яхши билар?

Асарнинг ҳаяжонли дамлари тобора авжга минаётган бир дақиқада Туробжон аламини кимдан олишини билмай:

— Ахир бошқоронғи бўл, эвида бўл-да!— деди дўпписни қоқмасдан бошига кийиб,— анор, анор... Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Саҳаримардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёқиб бир ойда оладиганим ўн саккиз танга пул. Акам бўлмаса, укам бўлмаса...».

Аммо таржимон муаллиф талқинига, чамаси, рози эмас.

— «Если ты уж беременна, знай хоть меру,— сказал он и снова надел тубетейку, так и забыв стряхнуть с неё пыл.

— Гранат, гранат... А ты знаешь, сколько стоит фунт гранатов? С самой зори таскаешь воду, колешь дрова, мечешься по всему дому, а на руки в месяц попадает всего тридцать пять танга. У меня братьев — благодетелей нет...».

Кейинчалик бойваччалар кўнгилхушлик учун отадиган мушак пулини ҳисоблаганида ҳам...

Аслида:—«Битта мушак уч мири,— деди Туробжон,— юзта мушак отилса... Бир миридан кам етмиш беш танга бўлади».

Таржимонада:—«Один фейерверк сколько стоит,— рассуждал как бы про себя Турабджан.— Если выпустят сто фейерверков... то по одной таньге сто таньга. В десять да ещё в десять раз больше того, что казий платит мне за месяц работы».

Адиб услубининг нозик нуқталарини беришни қўя турайлик, А. Садовский оддий ҳисобдан адашади. Сахийлиги тутиб кетиб, 18 тангалик иш ҳақини 35 тангага оширгач, мушакнинг нархини ҳам бир тангага чиқариб қўяди. Туробжон мамнун, мушакбозлар ҳайрон.

Таржимоннинг «қўли очиқлити» автор талқини, асл нусха услубига бепарволиги, кераксиз тафсилотлар чаплаш қаҳрамонларнинг руҳияти тасвирига соя қолади, асар диалектикаси, мантиқига озор еткази. Мана ҳикоянинг хотима қисмидан бир парча:

«Хотин узоқ йиғлади, эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди, ўзини қарғади, ўлим тилади, йиғидан толиб ташқарига чиқди. Қоронғи, узоқ-яқинда итлар ҳурар эди. Кўча эшигини очиб у ёқ-бу ёққа қаради — жимжит. Қайтиб уйга кирди.

Том орқасида ҳўроз қанот қоқиб қичқирди. Кўча эшиги очилди. Хотин то бурилиб қарагунча Туробжон катта бир тугунни орқалаб кириб келди. У тугунни уйнинг ўртасига ташлади. Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси

обрезга тушди. Туробжон ўтириб пешонасини ушлади. Хотини югуриб олдига келди ва елкасига қўлини қўйди.

— Қаёққа бордингиз?— деди энтикиб.— Нима қилдингиз?

Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди.

«Рухий процесслар тасвиридаги санъаткорликни қарангки, шу ҳодисадан кейин эр-хотин орасидаги «зиддият» кескинлашиб ўрнига бирдан бўшашиб кетади, хотин эридан калтак еса ҳам ундан сира хафа эмас, аксинча, эрига қаттиқ гапирганидан пушаймон, эр шўрлик бўлса яна хотин кўнглини овлаш, овутиш пайида, ниҳоят, у хотини деб қалтис ишга қўл уради, хотин кўнгли учун ўғирлик қилади. Бундай руҳий ҳолат ва хатти-ҳаракат тасвири асар ғоясини яна ҳам очиб юборадиган, иноқ оиланинг тинчини бузган, ҳалол одамларни ноҳўя ишларга мажбур этган нарсани ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик эканини яна бир бор тасдиқ этади.

Кўриниб турибдики, ҳикоядаги ҳар бир ҳолат, хатти-ҳаракат замирида инсон қалбининг жилоси ётибди, шу жилолардан характер жамоли намоён бўляпти, асар идеяси туғиляпти»<sup>1</sup>.

Таржимада: «Жена плакала долго и безутешно. Упрекая себя за то, что она так несправедливо обидела мужа, она даже пожелала себе смерти. Потом, устав от слёз вышла во двор.

Ночь, во тьме где-то остервенело лают собаки. Вышла за калитку, оглядела улицу. Чайханы давно закрыты. Только вдали на гузаре, мерцает одинокий маленький огонёк.

Вернулась в дом. Легла. Много ли, мало ли времени прошло, за крышей захопал крыльями петух и звонко прокричал: «Кук-кареку-у-у!

И тотчас же вслед за тем заскрипела калитка.

Не успела жена подняться с постели, как вошёл Турабджан с узлом за спиной. Он бросил его на пол, и по всей комнате раскатились гранаты—крупные, с чайник величиной.

Жена с изумлением взглянула на мужа и увидев его бледное лицо, страшно перепугалась.

Опустившись на кашму, Турабджан обхватил широкой ладонью лоб и закрыл глаза. Жена кинулась к нему, положила руку ему на плечи.

— Где вы были?— спросила она, задыхаясь от волнения. Что вы сделали?

Турабджан молчал. Его трясло как в лихорадке. Открыв глаза, он с тоской посмотрел на жену, и губы его скривила болезненная улыбка. А из груди вырвалось—мучительно, тяжело, с каким-то надрывом:— Не я... бедность будь она проклята!».

Ажаб: эридан кўра кўпроқ ўзини койиган, унинг қаерга кетганини билолмай, уйда ўтиролмаган хотин наинки кўрпатўшак солиб ётса, ётмайди! Таржимага киритилган бир оғиз

---

<sup>1</sup> М. Қўшжонов, У. Норматов. Маҳорат сирлари. Тошкент, 1968.

сўз — легла шоҳи сўзанага чипта ямоқдек ярашиқсиз. Икки-уч жойда келган *обрез* эса таржимада кўринмайди.

«Ўғри»—«Воры» ҳикоясидан.

«...Сўнгра Қобил бобони чақирди ва паст товуш билан деди: — Ҳўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади».

«...Наконец, сказал гнусовым голосом:

— Никуда ваш вол не денется, найдется!».

Сиртдан қараганда силлиқдек. Лекин рус адиблари ўзбек тилидан қилган деярли барча таржималарида «сизлаш» ўрнига «сенсираш»ни тақдим этадилар. Бу ўринда эса, ҳеч кутилмаганда, кимсан эллиқбошидай бир тўра Қобил бобони русчада... сизлаб турибди. Ана олиҳимматлиг-у!.. Ахир, Абдулла Қаҳҳорнинг «элликбошиси», ҳикоя мантиқига кўра ва амалда ҳўкиз эгасини ўша ҳўкизчалик кўрмайди-ку! Шунинг учун ҳам, **отаси тенги бўлса-да, уни сен, дейди, зўрға.** Таржимоннинг «элликбошиси» эса анча мурувватли, ҳатто раҳмдил.

«Амин чипчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулди.

— Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

— Ола ҳўкиз...

— Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

— Қўш маҳали...

— Яхши ҳўкиз биров етакласа кета берадими?»

«Амин воткнул в ноздри полмизенца и снова затрясся от смеха.

— А до покражи-то был у тебя этот вол? Какой говоришь вол?

— Пегий...

— И хороший говоришь вол?

— Хороший... очень хороший.

— А разве хороший пойдёт если его чужие поведут?».

Бу ердаги диалогдан, таҳқиромуз пичинг оҳангидап кўринадик, амин кекса, ночор чолни калака қияпти, «чўтал» ундириш учун гапни «олиб қочяпти». Бошқа мақсад, аслида, йўқ. Арзғўй эса бу даргоҳга зўр ишонч билан келган, ҳўкизни амин топиб беришидан умидвор. Фикру зикри ҳўкизда, тирикчиликда, парча нон ташвишида бўлгани учун мантиқсиз:

— Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?— саволига

— Қўш маҳали...— деб ғудранади.

Бир парча ери, шу заминда не азоб-уқубатда ундириладиган ризқ-рўзини ким эсидан чиқара олади. Қамбағалга ўтмиш шундай бўлган. Таржимонимиз эса буни ҳисобга олмай, «Яхши ҳўкизмиди?» деган бемаъни саволга «яхши, жуда яхши ҳўкиз эди» деб қувноқ оҳангда жавоб қайтартирган. Оқибатда Абдулла Қаҳҳор билан таржимонимизнинг «Қобил бобо»лари бир-биридан фарқ қилиб қолган.

Эҳтимол, Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос услуби: тилининг соддалиги, тасвир санъатининг аниқлиги, лўндалиги, образли ифодаларнинг қисқалиги ва ҳоказоларни бошқа тилда, жум-

ладан, русча таржимада бериб бўлмайди, деган эътироз туғилиши мумкин. Йўқ, бундай эътироз ўринли бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, асл нусха билан таржима ўртасига ҳеч қачон тенглик аломатини қўйиб бўлмас. Аслида ёзилган нарсаси бир бошқа-ю, таржима бошқа нарсаси. Биз бундай фикрга қўшилмаймиз. Моҳир таржимонларимиз, улар қатори Абдулла Қаҳҳорнинг рус адабиётидан қилган беназир таржималари шуни кўрсатадики, «юлдузлари» тўғри келган адиблар ажойиб сўз санъати намуналарини ярата олар эканлар. Рус адабиётидан бутун бошлиқ Чехов мактаби борлигини биламиз. Тасвирда қисқалик билан талант, унинг фикрича, опа-сингилдир. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи ҳам услуб ва маҳоратда А. П. Чехов мактабининг муҳиб бўлиб, унинг бир қанча ҳикояларини баайни ўзинда ўзбекчалаштирган эди. Бас, биз ҳам, ўз навбатида, Абдулла Қаҳҳорни рус тилига Абдулла Қаҳҳордай таржима қилиш тарафдоримиз.

**Юмори юмор билан бериш. Семантик (маъновий) помўқобилликка асосланган юмор таржимаси**

Табассум! Бу бемустасно ҳамма кишиларга, барча миллатларга хос. Миллий томондан фарқ қилувчи қандайдир ўзига хос белгиларни бундан қидириб топиш қийин. Турли миллат ва синфларга тааллуқли бўлган кишилар табассумида ўзига хос, ўта оригинал нарсани топиш мумкин эмас.

Георгий Ломидзе ўзининг «Совет адабиётининг интернационал пафоси» номли китобида жуда ноёб бир кузатишни келтиради. «Молдова-фильм» студиясида «Куз фаслида» номли ҳужжатан фильм яратилган. Фильм режиссёри — Г. Водэ, сценарист — А. Бусейок. Молдаван бозори манзаралари яширин камера билан кинога олинганми ёки бу жанр намоёнлигида тин тутилиши, қиёфаси, равиш-рафтори фавқуллодда мос келган профессионал артистлар иштирок этадиларми, билиб бўлмайди, дейди Г. И. Ломидзе. Сиз табассум қилаётган бир қанча молдаваларни кўрасиз. Уларнинг илжайишида қанчадан-қанча маъно бор, қанчадан-қанча таъсирот акс этган. Содалик дейсизми, қийиқлик дейсизми, муғамбирлик, ҳаётнинг иссиқ-совуғини обдан татиганлик, ҳаётбахш қувноқлик, хафақонлик, ўйчанлик, қандайдир тушуниб бўлмас лоқайдлик, ташвиш-тарадуд дейсизми, хуллас, ўзаро бир-бирини рад этувчи, бир-бирига қойим бўлмайдиган инсоний кечинма ҳамда эътироб қирралари молдаваннинг илжайишида бирга қўшилиб, чатишиб, омухталаниб кетгандай туюлади, молдаваннинг психикаси, онги, хулқ-атворида ўтириб қолган тарихий таъриба ушоқлари шунчалик ҳайратомуз ва бир-бири билан шунчалик чатишиб кетган бўёқлар воситасида ранг-баранг жилва ҳосил қилиб, унда ўз аксини топади. Бу илжайиш молдаваннинг ҳаёти ва хулқ-ахлоқида яширинган пинҳоний сирасорни очиб бергандай бўлади. Хўш, илжайиш ҳам миллий характер хусусиятига кирадими? — деб сўрайди олим. Эҳтимол, миллий характер категорияси таркибига кирмас. Бироқ

бир нарса аниқ: молдавanning илжайишини, атрофда содир бўлаётган ҳодиса-воқеаларга нисбатан унинг реакциясини бошқа ҳеч кимники билан алмаштириб бўлмайди. Бу фақат унинг ўзигагина хос.

Ўзбекларнинг аския таомили ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Аскиянинг хусусияти, шарт-шароитларини билмаган халқ вакилига бу ҳатто қўполлик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Ўзбекларнинг кулиши ҳам бутунлай ўзига хосдир.

Тилларда туғилиш-ўлиш, иссиқ-совуқ, катта-кичик, паст-баланд, қоронғи-ёруғ, оқ-қора, очиш-ёпиш ва бошқа жуда кўп мантиқий тушунчалар асосида тузилган антонимик сўз ва иборалар семантикасида ҳайрон қоларли даражада умумийлик, уйғунлик ва ўхшашлик бор. Дунё тилларида ана шу тушунчалар асосида таркиб топган ёки уларни акс эттирувчи сўз ва ибораларнинг қиёсий-типологик луғатини тузиш ва бу ажойиб тил ҳодисасини чоғиштирма грамматика асосида илмий ўрганиш ғоят катта истиқболга эга.

Сўзларнинг бирикишида семантик (маъновий) уйғунлик ва мантиқ мувофиқлигига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Баъзан киши ўз фикрини ифодалаётганида муайян бирикма учун қандай сўзни танлаганлиги унинг айни ҳодиса ёки тушунчага нисбатан муносабати қандай эканлигини ёки мафкурасини кўрсатади. Масалан, *ифлос* билан *виждон* сўзлари бирикиши мумкин (*ифлос виждон*), ammo тўғри мантиқ юзасидан *ифлос* ва *меҳнат* сўзларини бириктириб бўлмайди, чунки «*ифлос меҳнат*» бўлиши мумкин эмас.

Улкан ёзувчиларнинг ижодида уларнинг ажойиб бир стилистик воситадан усталик билан фойдаланганларини кўриш мумкин. Чунончи бунда, савияси ёки мафкураси бир-бирига зид бўлган персонажлар тилида айрим сўзларнинг маънолари зидлаштирилиб, охири фожиага айланадиган ёхуд фожиа билан алмашадиган юмор яратилади.

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович» ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикоятчи» асарида Иван Иванович битта бўрдоқига боқилган чўчқа билан икки қоп арпага қўшнисининг занглаб ётган милтигини алмаштиришни таклиф қилади. Бундай қараганда ҳеч қандай ажабланарли жойи бўлмаган жўнгина таклиф Иван Никифоровичга ниҳоятда қаттиқ ботади. У милтиқни... чўчқага алмаштиришни миясига сира сиғдиrolмайди. Маънолари усталик билан бир-бирига зид қўйилган ана шу икки сўз: *милтиқ* ва *чўчқа* машҳур жанжалга ва, демак, повесть сюжетига сабаб бўлган.

«— Как! Два мешка овса и свиный за ружьё?

— Да что ж разве мало?

— За ружьё?

— Конечно, за ружьё.

— Два мешка за ружьё?

Два мешка не пустых, а с овсом; а свиный позабыли?

— Поцелуйтесь со своей свиньей, а коли не хотите, так с чортом!

— О! Вас зацепи только! Увидите: нашпигуют вам на том свете язык горячими иголками за такие богомерзкие слова. После разговору с вами нужно и лицо, и руки умыть, и самому окуриться»<sup>1</sup>.

— «Нима! Шундай милтиққа икки қоп арпа билан битта чўчқами?»

— Ҳа, нима бўлибди, озми?

— Милтиққа-я?

— Албатта, милтиққа.

— Шундай милтиққа икки қоп?

— Икки қоп — бўш эмас, арпаси бор; чўчқасини унутдингизми?

— Ўпишиб ётаверинг ўзингиз ўша чўчқангиз билан! Агар уни хоҳламасангиз — шайтон билан ўпишинг!

— Илоҳим тилингиз тутилсин сизнинг! Қўрарсиз: бундай бедиёнат сўзлар учун у дунёда тилларингизга игналарни қипқизил чўч қилиб санчадилар. Сиз билан гаплашиб бўлгандан сўнг одам бет-қўлини ювиб, елкасидан бир-икки челақ сув тўкиб олмаса бўлмайди»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, икки валломат қўшни — икки тип ўртасида «оламшумул тарихий низо» бошланади.

Ҳар қандай ҳолларда ҳам тўғри маъно англатувчи эркин бирикмаларни нуқул идиоматик иборалар билан алмаштиришга ружу қилиш асарнинг бадний қиёфасини ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Бироқ баъзи бир ҳолларда, таржимада рус тилидаги айрим мақол, матал ва идиомаларнинг умумий маъносигина акс эттирилар, яъни русча турғун бирикмалар ўзбекча эркин бирикмалар билан берилар экан, аксинча, рус тилида тўғри маънода ишлатилган бирикмаларни ҳам, контекстга, асарда тасвирланган персонажнинг индивидуал хусусиятларига қараб, компенсация мақсадида идиомалар, қисман, мақол ва маталлар билан ҳам алмаштириш мумкин.

**Мақол, матал ва идиомалар таржимаси**

Мақол халқнинг панд-насиҳати, маънавий-ахлоқий ҳулосаси, халқ миллий руҳининг акс-садоси, тил табиатининг ҳлқ-

<sup>1</sup> Н. В. Гоголь. Повесть о том, как поссэрились Иван Иванович с Иваном Никифоровичем. М., 1952, с. 32.

<sup>2</sup> Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти. Тошкент, 1936, 17- бет.

Н. В. Гоголнинг бу қиссаси илк дафъа икки марта таржима қилинган, улар Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» асарида ҳаққоний равишда жуда яхши баҳоланган эди. Урушдан кейинги йилларда повесть ўзбек тилида яна икки марта, таржимоннинг имзасисиз нашр этилди. Аммо дастлабки таржима билан кейинги таржималар ўртасида жиддий ўзгариш йўқ. Шу сабабли мисолларни илк таржимадан олиш маъқул кўришди. (Кейинги жумла «елкасидан бир-икки челақ сув тўкиб олмаса бўлмайди» сўнгги таржимада «ўзини ҳам бир қатрон қилиб олмаса бўлмайди» шаклида тузатилган.)

матли мезонидир. Мақол тўқилмайди, балки маълум шароит тақозоси билан яратилади.

Мақол чуқур ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-ҳикматона мазмунга эга. Шу сабабли баъзи мақоллар бутун бир роман ёки драманинг мазмунини ўзида ифодалаши мумкин. Чунончи, Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясига эпиграф қилиб олинган *Баширанг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама* мақоли асарнинг бошидан-охиригача жаранглаб туради: шаҳар ҳокими, Хлестаков, Добчинский, Бобчинский ҳамда бошқа образ ва персонажларнинг бутун хатти-ҳаракатлари шу мақолни эсла-тиб туради.

«Халқ мақоли ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган ўзига хос ахлоқий қондалар кодексидир»<sup>1</sup>. *Аҳмоққа жараб сукут*, дейди ўзбеклар, руслар эса *Дурак ворчит, умный молчит*, дейишади. *Нодонга сўзлаган эссиз сўзим, ўликка чилла эссиз кўзим*, деган мақол бор ўзбекларда; руслар ҳам унда, билан ҳамфикр: *Дурака учить — что мёртвого лечить*.

Қисқаси, турмушда синалган, маълум эзгу, тугал умумий маъно англатувчи, ихчам жарангдор шакли кириб қолган халқ ҳикматига мақол дейилади.

Матал эса нарс ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг истифода этиладиган нутқий таркибдир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди.

Мақол билан матал ўртасида умумийлик кўзга ташланади. Бу умумийлик шундан иборатки, ҳар иккала категория ҳам (мақол ва матал) нутқни жонлантириш, жозибадор ва образли қилиш, фикрни тайёр нутқ қолиплари, формулалари билан ифодалаш, уни мазмундор қилишда ишлатилади. Лекин шу билан бирга, тугал фикрни ўзида ифодалаган мақоллардан маталлар жиддий фарқ қилади. Матал айтимлоқчи бўлган фикр, муддаони бошқа воситаларни гўё мутасадди қилган ҳолда ифодалайдиган кўчма маъноли нутқий таркиб бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи бирон хулоса келтириб чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён этмай, балки унга ишора қилади.

Идиомани (юнонча *idioma* — «ўзига хос ибора» дегани) таърифлаш эса янада қийинроқ. Буни мазкур тил ҳодисасига берилган таърифларнинг хилма-хиллигидан билса ҳам бўлади. Шундай таърифлардан бир нечтасини келтирамиз:

1) «Идиома... маълум бир тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир»<sup>2</sup>.

2) «Маъноси айни ибора таркибидаги сўзларнинг мазмундан келиб чиқмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади»<sup>3</sup>.

3) «Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғ-

<sup>1</sup> Қаранг: Пословицы и поговорки народов Востока. М., 1961, с. 11.

<sup>2</sup> Краткий словарь иностранных слов. М., 1950, с. 126.

<sup>3</sup> А. К у н и н. Английские идиоматические выражения. М., 1934.



лиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора» (ЎИЛ, I, 314).

Идиомашунос олим А. Я. Рожанский бундай ибораларнинг уч асосий белгисини ажратиб кўрсатади:

а) бирикманинг барқарорлиги (турғунлиги); б) бирикманинг мажозий маъно бериши; в) бирикманинг семантик бутунлиги.

Мақол, матал ва идиомаларнинг бир-биридан фарқланишини қуйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.

Мақол	Матал	Идиом
Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно керак	Ўзини ака, эчкисини така демоқ	Қўлтиғидан тарвузи тушмоқ
Бир йигитга етмиш ҳу- нар оз	Бургага аччиқ қилиб, кўрпани қўйдирмоқ	Оёғини қўлига олиб қочмоқ
Дўстинг учун заҳар ют	Пуч ёнғоқ билан қўй- нини тўлдирмоқ	Опасини учқўрғондан кўрсатмоқ

Фразеологизмлар (мақол, матал ва идиомалар)нинг маъносини контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Тўғри, икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ келадиган мутлақ эквивалентлар ҳам топилади.

Масалан: *цыплят по осени считают — жўжани кузда санайдилар; покорную голову меч не сечет — эгилган бошни қилич кесмайди; куй железо пока горячо — темирни қизигида бос ва ҳоказо*. Бироқ бундай мутлақ эквивалентлар сони кам. Аксариyat ҳолларда таржимон ҳар бир мақол, матал ёки идиомага, асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирикмалар топиб қўяди, ёки уларни сўзма-сўз таржима қилади. Шунга кўра, айни бир хил мақол ёки идиомани ҳам бир қанча ўринларда, маънога қараб, ҳар хил ўгириш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келадиган тайёр рецепт бериш амри маҳол.

Турли тилларда айни бир хил маънони ифодаловчи мақол, матал ва идиомалар айнан бир хил асосга, айни бир нарсанинг бир қанча жиҳатларига (ёки хоссаларига) ё бўлмаса тамомила бошқа объектларга таянган ҳолда яратилган бўлиши мумкин.

Чунончи, немисча *Brennt ihm auf der Zunge*, русча *у него язык чешется*, ўзбекча *тили қичимоқ* ҳамда *Wer den Brej gekocht hat der mag ihn auch essen* (нем.) — *кто заварил кашу, тот и расхлебывай* (рус.) — *ўзинг пиширган ош, айлан ич, ўргил ич* (ўзб.), *An einem Zwins faden* (нем.) — *висеть на волоске* (рус.) — *ҳаёти қил устида турмоқ* (ўзб.) матал ва идиомаларида бирикмаларнинг барча компонентлари бир-бирига мос тушган.

*На чужой роток не накинешь платок* билан *Эл оғзига элак тутиб бўлмайди* маталларида биринчи таянч компонентлар — *рот*; *оғиз* — мос келгани ҳолда, иккинчи асослар — *платок* (рў-молча): *элак* фарқланади. Яна бир мисол. Немис тилида — *sich etwas hinder die Ohren schreieben*, рус тилида — *зарубить себе на носу*, ўзбек тилида — *қулоғига исирға қилиб тақмоқ*. Немисча ва русча ибораларда бирикма объектлари фарқланади: *қулоқ*. Ўзбек ва рус тилларида эса улар мос келган: *бурун*.

Идиоматик иборалар ва маталлар таржимасида бирикмалар таркибидаги объектлар (таянч нуқталар) айирбошлови масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Таржимада мумкин қадар бирикманинг аниқроқ, асл нусха маъносига яқинроқ, контекстга мувофиқроқ вариантини қидириб топишга ҳаракат қилиш лозим. Мабодо ғализ чиқмайдиган бўлса, сўзма-сўз ўғирлишга ҳам журъат қилиш мумкин.

М. А. Шолоховнинг «Тинч Дон» романида қуйида келтирилган икки ўринда айтилган бир матал қўлланилган:

1. — «Да как же, мать её курица, прибегла и орет: «Ребята, ваши вилами попоролись». А? Это как?»<sup>1</sup>.

2. — «Нарубил, дьявол паршивый, на две плетня хватило бы! Ишь джигит нашёлся, мать твою курица» (85).

Одил Шаропов таржимасида:

1. — «Бўлмаса, ҳалиги шум хотин, оёғи куйган товукдай: «Болаларинг бир-бирига паншаха санчишди», деб нега бақиради? А! Бу қандоқ гап?»<sup>2</sup>.

2. — «Бекорга чопиб, нобуд қилди, лаънати шайтон, икки четанга етарди-я! Билдик, роса қиличбоз йигит экансан. Онанг ўлсин сени туғмай» (114).

*Мать твою курица* матали биринчи мисолда *Оёғи куйган товукдай* матали билан, иккинчи мисолда эса *Онанг ўлсин сени туғмай* ибораси билан берилган. Ҳар иккала маталда (*Мать твою курица*, *Оёғи куйган товукдай*) бирикманинг таянч объектлари (*курица* — *товуқ*) ажойиб бир тарзда мувофиқ келган. Лекин, афсуски, бу фақат зоҳирий (ташқи) монандликдир. Чунки таржима вариантыда бошқа нимагадир ўхшатиш аспекти бўлгани ҳолда, асл нусхада бундай аспект ўхшатишдан кўра, фон (орқа сатҳ) бўлиб қолган. Шундай қилиб, русча идиомани «моддий» таркиби айнан ўхшаш бўлган ўзбекча матал билан таржима қилиш дуруст натижа бермаган. Чунки *Оёғи куйган товукдай* ўхшатиш-ибора русча *Как угорелая кошка* маталига айнан эквивалент бўлади. Бунда гарчи ҳар иккала бирикма бошқа-бошқа объектларга (товуқ — мушук) асосланган бўлса-да, кўчма маънолари мос келади. *Мать твою курица* идиомасига эса ўзбекча *Онаси байтал* идиомаси эквивалентдир. Бунда ҳам айнан ўша манзара ҳосил бўлади; гарчи бирикма-

<sup>1</sup> М. Шолохов. Тихий Дон. Кн. первая. М., 1953, с. 74.

<sup>2</sup> М. Шолохов. Асарлар тўплами, 2-том, Тинч Дон. Биринчи китоб, Тошкент, 1960, 98-бет.

ларнинг таянч нуқталари (*товуқ — байтал*) мос бўлма-са-да, маъно жиҳатдан улар мос. Ниҳоят, мазкур русча идиомани ўзбекча *Онаси байтал* ибораси моделига мос равиш-да *Онаси макиён* тарзида сўзма-сўз таржима қилиш ҳам мум-кин. (Таҳлил этилаётган идиоманинг *Онанг ўлсин сени туғмай* таржима варианты мазкур бирикманинг ўзига сира яқин кел-майди, балки умумий контекстуал маънони гира-шира ифода-лайди, холос. Шунинг учун бундай таржимани тўғри деб бўл-майди.)

Шундай қилиб, кенг маънода фразеологизмларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳол-ларда ҳам уларнинг образли тамселий (таянч) асослари айнан мувофиқ келадиган вариантлар билангина ўғирлиш маъ-нонинг ўзгаришига, маъновий силжиш ҳодисаси содир бўли-шига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бундай бирикма-ларни муқаррар равишда асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа узоқ муқобил вариантлар билан алмаштиришга ортиқ-ча ружу қилиш ҳам услубни сийқалаштиришга, таржима тили-нинг лексик-фразеологик ва образли-услубий жиҳатдан кам-бағаллашишига олиб келади.

Фразеологик чатишмалар, яъни идиомалар, асосан, бошқа тилда мавжуд шундай муқобил иборалар билан таржима қи-линади. Айрим ҳолларда эса, уларни айнан сўзма-сўз ўғирлиш йўли билан ҳам бирикманинг идиоматик маъно хусусиятини сақлаб қолиш мумкин. Масалан, инжилдан олинган *метать би-сер перед свиньями* иборасини сўзма-сўз ўғирлиб, «чўчқа олди-га гавҳар ташламоқ» деса бўлади. *Бисер* славян-черков тилида «мунчоқ» дегани. Инжилда: «Фаришталарни итларга берман-гиз ва ўз гавҳарларингизни тўнғизларнинг олди-га ташламан-гиз, токи улар гавҳарларини оёқ ости қилмағайлар ва баъд ўзингизни тилка-пора этмағайлар» (7, 6-матф). Бироқ бундай қилишга зарурат йўқ, чунки ўзбек тилида шундай маънони ўзимизда мавжуд *эшакнинг қулогига танбур чертмоқ* идиома-си билан алмаштириш мумкин. Бу иккала бирикмада «чўчқа» ўрнида «эшак», «мунчоқ» ўрнида «танбур» келади. Лекин рус тилига юнончадан кириб келган *птичье молоко* идиомасини ўзбек тилига таржима қилишда ҳар иккала принцип — муқо-бил вариант билан алмаштириш ва сўзма-сўз ўғирлиш тадби-ридан ҳам фойдаланса бўлади: муқобил ибора — *анқонинг уруғи*, сўзма-сўз таржима — *қуш сuti*.

*Плясать под чужую дудку* иборасининг келиб чиқиш воқеа-сини эратмиздан олдинги V асрда яшаган юнон тарихчиси Геро-дот ўзининг «Тарих» номли асарида (биринчи китоб), шундай ҳикоя қилади: форс подшоси Кайхусрав мидияликларни забт қилганидан кейин, илгари ўзига итоат қилдириш учун кўп уринган Кичик Осиёли юнонларга қарши юриш бошлагани-да, юнонлар форс ҳукмдори уларнинг бир қанча шартларини қабул қилган тақдирдагина, унга итоат қилишлари мумкинли-гини айтадилар. Кайхусрав эса уларга қуйидаги матал билан

жавоб қайтарган. Бир найчи денгиздаги балиқларни кўриб, уларни ром қилиш, қуруқликка чорлаш мақсадида най чала бошлаган. Аммо нияти амалга ошмаганини кўриб, у денгизга тўр ташлаган ва кўп балиқ тутган. Тўрдаги балиқларнинг типирчилаётганини кўрган балиқхўр музикачи деган экан:-- Мен най чалган вақтимда-ку қуруқликка чиқиб рақс тушмаган эдингиз, энди ўйинни бас қилинг!

*Плясать под чужую дудку* бирикмасининг ўзбекча муқобилида *дудка* (карнай) ўрнига *ноғора* келади: *бировнинг ноғорасига ўйнамоқ*. Бунда сўзма-сўз таржимага ҳеч қандай зарурат қолмайди.

Муайян бир тилдан (айтайлик, юнон тилидан) бошқа бир тилга (олайлик, рус тилига) сўзма-сўз таржима йўли билан қабул қилинган идиомаларни яна бўлак, учинчи бир тилга (масалан, ўзбек тилига) ҳам айнан шундай сўзма-сўз таржима принципи асосида ўгириш шарт эмас. Бошқача айтганда, муайян икки тил ўртасидаги таржимага асос бўлган принцип ҳамма ҳолларда ҳам учинчи, тўртинчи ва ҳоказо тилларга таржима ишига муқаррар дастур бўла олмайди.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида уч принцип ҳукм суради: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш; 2) асар ўгирилаётган тилдан монанд муқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Ҳар учала ҳол ҳам учрамаган тақдирда таржимон уларнинг умумий маъносини акс эттириш билан кифояланишга мажбур бўлади.

**Ҳикматли сўзлар (афоризмлар) таржимаси**

Ҳар бир афоризм, алоҳида олиб қараганда, ўзинча бир тугал асар деган сўз. Улар яланғоч ҳолда эмас, балки кўпинча воқеалар таҳлили замирида, тасвир ичида, муаллиф муддаосининг лўнда ифодаси, қаймоғи, квинт-эссенцияси сифатида, баъзан «ўз-ўзидан», «бехосдан», «фавқулодда», «қиссадан-ҳисса» тарзида туғилади. Афоризм муқаррар равишда нима-нидир тасдиқлаши эмас, балки қатъий рад этиши, қоралаши, шубҳа остига олиши ҳам мумкин. Унинг замирида тасдиқ (тасдиқни тасдиқ), инкор (инкорни инкор), ҳукм, муқояса, муболаға, кесатиқ, пичинг, сифатлаш, ўхшатиш ҳамда бошқа силлогизм ётади. Афоризмга воқеалар хусусиятини лоқайд қайд этиш эмас, балки улар моҳиятини қатъий ҳукм остида, титм-соллар воситасида, кўпинча образлар ва эҳтирос билан ифода-далаш ҳосдир. Ҳикмат муаллиф қалбидан бамисоли лаҳза чўғ бўлиб отилиб чиқади. Афоризмлар мажмуаси тартиб берганда, улар ўз манбаларидан ажратиб олингани туфайли, макроконтекст, яъни воқеа-ҳодисалар майдони, замини мавжуд бўлмайди. Мана шу белги ва хусусиятларнинг барчаси уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилчшда жуда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Айтайлик, Владимир Воронцов тўплаган ҳикматлар мажмуаси «Тафаккур гулшани»да 863 муаллифнинг, ўрта ҳисобда,

7 мингдан сал ортиқроқ афоризмлари берилган экан, бу — 7 мингта кичик «асар» деган сўз. Бошқача айтганда, бир китобда — минг-минглаб кичик миниатюр-асар жамулжам! Бу жажжи асарлардан ҳар бирини таржима қилишнинг ўз талаби, шарти, инжиқлиги бор. Бу инжиқлик баъзан шу даражада бўртиб намоён бўладики, бир ҳикматли гапни ўнгиргандан кўра, бундайроқ расмана асарни таржима қилиш ҳам ўнғай кўринади. Бас, афоризмлар таржимасини иродали, ўз ишига қасд қилиб киришган, фидойи кишигина удалаши мумкин.

Асл русча нусхасида Вл. Воронцов мажмуаси «Симфония разума»\* — «Тафаккур тароналари» деб аталади. Симфония — бу турли овозлар, бўёқларнинг қўшилиб, яхлит бир бутунлик, гармония ҳосил қилиши демакдир. Таржимон рус тилида жуда яхши чиққан номни айнан «Тафаккур симфонияси» тарзида эмас, балки «Тафаккур гулшани»\*\* деб ўгирган экан, бунинг сабаби нима? Ахир, «Тафаккур гулшани»ни русча айнан чаппа ўгирилса — бу «Цветник разума» бўладики, рус китобхонининг наздида қандайдир сийқа номга айланиб қолади. Ўзбек тилида эса «Тафаккур гулшани» жуда яхши, аслига мос жаранглайди (гулшанда ҳам анвойи гуллар чаппор уриб ўсади). Таржима асл нусхада мўлжалланган рус ўқувчисининг диди ва мантиқи билан эмас, балки ўзбек китобхонининг идроки талаби билан амалга оширилгани айтиш муддаодир.

Ҳикматлар таржимасида бадий таржимага хос кўпгина аломатлар мавжуддир. Энг муҳим талаб шуки, бу ерда айниқса ҳижжалаб ўгирish иллатидан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда бирон чуқур фикр ифодаланган қуйма гап оддий, жўн сўзлар тизмасига айланиб, мантиқий жозиба, кўзни қувонтириб, дилни ёриштирадиган луқма ўрнига қандайдир англашилмовчилик, дудмоллик, чучмаллик, мантиқий чалкашлик — алогизм пайдо бўлади. Ҳижжали таржима афоризмнинг бош кушанда-си ҳисобланади.

М. А. Шолохов қаламига мансуб мана бу гапни сўзма-сўз ағдариб кўринг: «Это святая обязанность — любить страну, которая вскормила нас, как родная мать» (10) — «ўз туққан онамиздай, бизни едириб-ичирган мамлакатни севиш — бу муқаддас бурчдир». Энди Шарифа Абдураззоқова таржимаси билан танишинг: «Бизни она янглиғ оқ юиб, оқ тараган ватанини севмоқ, бу муқаддас бурчдир». Мақсад ўша-ўша, ифода тарзи эса тамом бошқача. Таржимон асл нусха сўзларидан қанчалик узоқлашган бўлса, авторга, мазмунга, фикрга шунчалик яқинлашган. Жажжи афоризмнинг бу қадар

---

\* Вл. Воронцов. Симфония разума. Афоризмы и изречения отечественных и зарубежных авторов. Композиция Вл. Воронцова. М., 1980, Издание четвертое.

\*\* Тафаккур гулшани. Ватанимиз ва хорижий муаллифларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. Вл. Воронцов композицияси. Шарифа Абдураззоқова таржимаси. Жамоатчилик асосида академик Комил Яшин таҳрири. Тошкент, 1981.

оддий, таъсирчан чиққанлиги, эҳтимол, мазкур таржима зува-ласи самимият, оналик меҳр-муҳаббати билан йўғрилганлиги-дандир? Бу ўринда М. Шолохов фикрининг табиий, теран ифодалангани сирини... баайин француз материалист-файласу-фи Клод Андриан Гельвеций тушунтиргандай бўлади: «Хайрат-ланиш учун бир минут вақт кифоя, бирор ҳайратомуз нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак» (278).

«Превосходная должность быть на земле человеком» (44) жумласи айнан «Ер юзида инсон бўлиш ажойиб вазифадир» дегани. Бироқ бундай «тўғри» таржимада сеҳр, таъсир у ёқда тургани, тузукроқ маъно ҳам йўқ. Таржимон яна ҳайратомуз тадбир қўллайди: «Рўйи заминда инсон бўлмоқ ажойиб рут-бадир». Тамомила ўзга манзара! М. Горький, дарҳақиқат, шундай демоқчи эди. Бундай ўринларда чуқур мазмунли митти асарлар жонон ёнбедадай тилиқ жаранглайди, улар вужуди ўзбек тилида яратилгандай, сўнгра бошқа тилларга кўчиб, таржима туфайли яна ўз манбаига, асл ҳолатига қайтгандай таассурот туғилади.

Таржималарнинг эса қоларли, ёрқин, қуйма ҳикмат бўлиб чиққанлиги сири шундаки: ботиний мазмун гўзаллиги билан зоҳирий шаклий-лисоний либоснинг бир-бирига мос келишига алоҳида диққат қилинган. Натижада баъзан жанр талаби, жо-зибадорлик, мантиқий изчиллик нуқтаи назаридан ҳатто русча асл нусхаларидан ҳам хийла пухтароқ бўлиб чиққан таржи-малар учрайди.

Ҳикматли сўзлар таржимасида бош мезон шакл гўзаллиги билан бирга, даставвал маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Акс ҳолда ҳикмат ва каромат гойиб бўлиб, мантиқий чалкаш-лик пайдо бўлади.

«Человек должен быть другом людей,— он обязан им всем, что есть у него и в нём» (38)—«Киши одамларнинг дўсти бўл-моғи керак,— ўзида ва уларда мавжуд фазилатларнинг бари учун у одамлардан қарздордир» (42). Горькийдан келтирилган бу гап таржимасини дуруст деб бўлмайди: «что есть у него и в нём» — «ўзида ва уларда мавжуд фазилатлар» эмас. Шунинг-дек, немис ёзувчиси ва олими Георг Кристоф Лихтенберг но-мидан берилган мана бу сўзларда ҳам — «рўйи заминда биз учун энг мароқлиси — инсон чехрасидир» (61) — ҳеч қандай кароматдан асар йўқ. Русчаси қуйидагича: «Самая занима-тельная для нас поверхность на земле — это человеческое лицо». Бу бошқа гап. Ундаги «поверхность» сўзини — «юз», «лицо»ни эса «юз» деб олган ҳолда дадилроқ ўғирилса ҳам бўларди: «Ер юзидаги қабарик юзалар орасида энг ажойиб-гаройиби инсон юзидир».

Владимир Воронцовнинг «Тафаккур гулшани»да турли за-монларда яшаган давлат бошлиғи, адиб, мутафаккир, саркар-да, нотик, таиб, публицист, жамоат арбоби — жаҳон халқ-лари донишмандларининг ҳикматли сўзлари жамланган. Бу ерда Арастудан Абу Али ибн Синогача, Убайд Зоконийдан



Дени Дидрогача; Зебуннисодан Робиндранат Тагоргача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача, Заҳириддин Муҳаммад Бобирдан адмирал Нахимовгача, Шамсуддин Ҳофиз Шерозийдан Иоганн Вольфганг Гётегача, Суқротдан Ойбекгача буюк ақл эгаларининг ибратли сўзлари ўз аксини топган.

Инглиз санъат назариётчиси, публицист Жон Рескинда шундай гап бор: «Ҳар бир субҳи тонгни ўз ҳаётнинг ибтидоси деб бил ва қуёшнинг ҳар бир ботишини ўз ҳаётнинг нитиҳоси деб тушун. Шу кундалик қисқа ҳаётнинг қандайдир хайрли нш билан, ўз устингдан бирон бир ғалаба қозонишинг ёки ниманидир ўрганишинг билан нишонлансин» (70- бет).

Инсонни эзгуликка, билимга, нурга даъват этувчи самимий, маъсум тилак! Бунинг исботи, намунаси ёки бўлмаса «татбиқ»ни қаердан топиш мумкин? Буюк донишмандлар томонидан айтилган бундай фикрларнинг нақадар ҳаққонийлигини бошқа буюк мутафаккирларнинг ҳаёти, фаолияти, тажрибаси, пбрати мисолида а малда кўриш исбот ва тасдиқнинг мақбул дояси бўла олади. Қуйида ана шундай далиллардан иккитаси келтирилади.

Ўз замонасининг йирик олимларидан Вал-Валажи огир хасталик тўшагида ётган Абу Райҳон Берунийни эиёрат қилгани борганида, буюк алломани гоят танг аҳволда топади. Абу Райҳон кўзини хиёл очиб, мавлоно Вал-Валажинин танийди ва... «У кунги масалани такрорла» деб ишора қилади.

— Ҳозир масаланинг мавридими?— хижолат чекиб эътироз билдиради Вал-Валажи.

— Нечук мавриди бўлмасин,— жавоб қилади Абу Райҳон.— Қандай ўйлайсан: мен шу масаланинг жавобини билган ҳолда ёруғ дунё билан видолашганим яхшими ёки ундан ғофил қолиб кетганим маъқулми?

— Ноилож масалани бошладим,— ҳикоя қилади Вал-Валажи.— Лекин қарасам, у буткул ҳолдан тоя бошлади. Секин оёқ учида юриб, орқам билан унсиз ва шарпасиз остона томон равона бўлдим... Дарвозадан чиқиб улгурмаган ҳам эдимки, уйдан чуввос йнги овози эшитилди.

Бошқа кўи олимлар, инсониятнинг буюк даҳолари ҳам иш устида туриб жон таслим қилганлари маълум. Булар барчаси улуг инсонларнинг, ҳатто энг мушкул дамларда ҳам, ўз вақтларинин қизғанганлари, уни нақадар тежаганларига жонли исботдир.

Австрия ёзувчиси Стефан Цвейг шундай дейди: «Ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидчалик дорини топиб беролмайди» (94). Энди табибларнинг табиби, буюк аллома Абу Али ибн Синодан эшитайлик:

Шул хоки сиёҳдин то авжи Зуҳал,  
Ҳар нечаки мушкулот эрур, этдим ҳал.



Ечдим неча занжир-занжири макру ҳиял,  
Ечдим неча бир тугун, фақат қолди ажал...<sup>1</sup>

Бутун умрини ажалга қарши юзма-юз туриб курашишга бағишлаган Ибн Сино дардни даволашга киришар экан, дард-мандга мурожаат қилган:

— Сен менга ишонишинг, ихлос қилишинг керак. Шунда биз: сену мен икки киши бўламиз, дард яккаланиб, таслим бўлади. Мабодо менга ихлос қўймасанг: мен яккаланиб қоламан, дард эса кучайиб, баттар хуруж қилади...

«Тафаккур гулшани»да фазлу дониш эгаларини ҳамма замонларда банд этиб келган муаммолар, дорул фанодан то дорул бақогача, курраи заминдан то хонаи хуршидгача, шамсул фазодан то майда заррагача инқироз, турғунлик ва тараққиёт, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак, туғилиш, гўдаклик, кексалик, барҳам топиш сингари минглаб масалалар умуминисоний ахлоқ кодекси нуқтаи назаридан ёритилган.

Вл. Воронцов тартиб берган донишномада турли замонларда — эрампдан олдинги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунларгача дунёнинг ҳамма бурчакларида яшаган ақл эгалари бирлашганлар. «Агар буғ ва темир йўл масофаларнинг узоқлигини йўқотган бўлса, китоб нашри замон ҳадларига барҳам берди,— деб ёзади француз шоири ва публицисти Альфонс Ламартин,— китоб шарофати билан биз ҳаммамиз — замондошмиз. Мен Гомер ва Цицерон билан суҳбат курсам, келажакнинг Гомер ва Цицеронлари эса биз билан гаплашадилар» (238). Бу ажойиб сўзлар «Тафаккур гулшани»га бевосита алоқадордир. Унда ўтмиш ва ҳозирги замон мутафаккирлари гўё ўзаро ва айни вақтда биз билан юзма-юз туриб суҳбатлашадилар. Бундай ворисийлик келажак сарҳадларига ҳам уланиб кетгандай бўлади.

Шу тариқа, мутолаа жараёнида фақат бир ёқлама эмас, балки жуда кўп томонлама, мураккаб учрашувлар, дийдор кўришувлар содир бўлади: турли даврлар ва турфа касблардаги донишмандларнинг фикрлари гоҳо бир жойдан чиқса, баъзан айни бир нарса ёки ҳодисанинг турли томонларига дахлдор бўлиб чиқади. Улар замонлар, манзиллар, тиллар оша бурунги замондошларимиз истиқболига ташриф буюрадилар. Яна бошқа, фавқулодда гаройиб аспект ҳам бор. Фақат бизнинг замондошларимизгина ўз ўтмишдошлари билан эмас, балки улар ҳам, ўз навбатида, ўзларининг ворислари — узоқ ва яқин авлодлари билан юзма-юз келгандай бўладилар.

---

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Шеърят. Масъул муҳаррир Жамол Камол. Тўловчи А. Ирисов. Тошкент, 1980, 7-бет.

## УСЛУБИЙ-МИЛЛИЙ ХОСЛИҚ ВА СТИЛИЗАЦИЯ (МИЛЛИЙ МОСЛАШТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ)

Асл нусха даражасида  
создалликка эришиш та-  
лаби

Бадий таржимада жуда мураккаб ма-  
салалардан бири жонли халқ тили, яъни  
жайдари тил хусусиятларини ифодалаш-  
дир. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг ингирманчи йилларида  
бу хусусда анча жиддий баҳслар, мунозаралар юз берган. Чу-  
нончи, О. И. Сенковский «Одиссея ва унинг таржималари»  
номли мақоласида шоир В. А. Жуковскийнинг хизматини тан-  
қид остига олади. У шундай бир тезисни олдинга сургандики,  
гўё «Одиссея»ни зодагон синфларнинг дабдабали, тантанавор  
услуби билан эмас, балки деҳқончасига, жайдари, бир мақом-  
да ағдариш даркор экан. Бошқа халқ ёзувчисининг жонли тил  
билан ёзган асарини фақат жонли тил билангина таржима қи-  
лиш мумкин.

О. Сенковский жайдари тилни ҳақиқий, барқарор, абадий  
халқ тили деб билади. Адабий тилни эса жонли тилдан паст  
қўйган ҳолда, уни сараланган синфнинг дидига мослаштирил-  
ган, зодагонларнинг инжиқлигини акс эттирадиган уйдирма  
тил, лаҳжа деб тушунади. Шу асосда таржимада демократизм  
ғояси илгари сурилиб, қадимий юнонларнинг халқ достонини  
черков славянизмларига тўйинтирилган, даббадор, серви-  
зор, олиймақом бир тилга эмас, балки қўйи табақанинг оддий,  
жонли, деҳқонча тилига ўгириш лозим, деган талаб илгари су-  
рилган эди. Мунаққиднинг эътиқодича, Зевсин «Живбог» (Ти-  
риктангри) ёки «Батъка небес» (Осмон бобо), Аполлонни —  
«Лучестрел» (Ёйпаррон), Полифемани — «Круглоглазик»  
(Соққакўз) деб ағдариш керак. Шунингдек, Троя шаҳрини ҳам  
«Тройка» тарзида, Клитемнестрани — «Драчунов» (Жанжалка-  
шов, Орестни — «Грубиян Распребашанович» (Гумдонвой Телба-  
боевич), Антигонани — «Выродок Распребашановна» (Разила  
Телбабоевна), Пелейни — «Сизоголубой» (Қўзсангоривой) деб  
таржима қилинса, дуруст бўлар эмиш. Ҳатто Геркулесни —  
«Ярослав», Дамоклини — «Мерослав» деб ўгириш талаб қилина-  
ди. Хуллас, О. И. Сенковский илгари сурган бу принцип билан  
ўгириладиган бўлса, «Одиссея» достонининг ўзи ҳам қадимги  
юнонларнинг эмас, балки славянларнинг асари, дoston қаҳра-  
монлари ҳам юнонлар эмас, балки славянлар бўлиб қолар эди.  
Ана шу муносабат билан бир-бирига сира ҳам ўхшамайдиган  
икки халқнинг ибтидоий тилини ўзаро зўрма-зўраки қовушти-  
ришнинг нима ҳожати бор, — деб қаттиқ эътироз билдирганди

Корней Чуковский.— «...Гомер оддий бўлган, лекин у юнон эди»<sup>1</sup>.

Автор ва таржимон ус-Шоир-таржимонларнинг тажрибасини луби. Субъективизмнинг ўрганишга ҳамма вақт ҳам етарли эъти- икки хил кўриниши бор берилмаган. Таржимон-шоирларнинг ижодий тажрибаларига бундай бефарқ қараб келинаётганлигининг сабаби шуки, таржима тобе, «эгасиз» бир нарсга деб талқин қилинган. Ҳолбуки, таржимада услубан ўз-ўзини тарк этнш, охиригача бошқа ижодкор қиёфасига кириш мумкин эмас, бу амалга ошириб бўлмайдиган орзудир. Лев Гинзбург ёзади: «Илоҳий комедия»ни ўқир экансиз, сиз фақат Дантени эмас, балки Лозинскийни ҳам ўқийсиз, рус Беранжесн шестидесятник Курочкинга ўхшайди; Шекспирининг русча сонетлари — фақат Шекспирининггина эмас, балки Маршакнинг ҳам фарзандларидир... Кимда ким асарни «соф ҳолда», ҳеч қандай аралашмасиз кўришни истаса, асл нусхага мурожаат қилсин»<sup>2</sup>.

Объектив санъат бўлиши мумкин бўлмагани сингари, муглақ шеърний таржима ҳам йўқ, бўлиши мумкин эмас. Шеърни ҳолис таҳлил қилиш мумкин, унинг аниқ филологик талқинини берса бўлади, лекин тўла ҳолислик билан шеърни қайта тиклаш гайри имконий бир уринишдир. Таржима санъатида муқаррар содир бўладиган субъективизмни тушуниш керак. Бундай субъективизмга қарши курашиш моҳият эътибори билан бадий таржима спецификасини тушунмасликдир.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Мутахассисларнинг кузатишича, XIX асрнинг 60-йилларида рус демократ шоирлари айниқса француз революцион шоирлари Барбьс, Беранже асарларини кўп таржима қилганлар. Лекин таржиманинг вазифасини улар ўзларича талқин этишган: чунончи, социал тараққиёт ташвиқотчилари ўгирилаётган асарнинг кенг китобхонлар оммасига тушунарли бўлишига ҳаракат қилган эдилар. Бу ерда субъективликнинг алоҳида кўриниши — индивидуал ижодий субъективлик эмас, балки миллий ва ижтимоий субъективлик юзага қалқиб чиқади. В. Курочкин ажойиб рус шоири эди, лекин унинг ўз даврида ҳукм сурган ўзгартириб таржима қилиш ақидалари асосида яратган «рус Беранжеси» ўзининг асл оригиналидан узоқ бўлиши баробарида, бугунги китобхон талабига жавоб бермайди. Беранжени рус адабиётига «олиб кириш» мақсадида Курочкин уни барча французча миллий белгилардан «тозалаган» эди: Жан ва Жаннани — Иван да Марья ва ҳатто Ваня ва Маша; Петронильяни — Федосья, қирол Иветони — қирол Додон... деб ўзгартганди. Шуниси қизиқки, ҳозирги вақтда бу рус шоирининг Беранжедан қилган таржималари француз адаби мажмуала-

<sup>1</sup> К. Чуковский. Высокое искусство. Собр. соч. в шести томах, т. 3, М., 1966, с. 356.

<sup>2</sup> Лев Гинзбург. Перевод и поэзия. Журн. «Литература и жизнь», 10 авг. 1960 г.

рида эмас, балки В. Курочкиннинг асарлар тўпламида чоп этилади. Бинобарин, мазкур таржималар Беранжедан кўра кўпроқ В. Курочкин ва унинг ижодини тушунишга хизмат қилиши мумкин. Шу сабабдан бу таржималар эндиликда ўз умрини тугатган.

**Стилизация принципи  
икки хил қараш**

Ҳар бир бадий асар муайян бир даврда бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлайди. Чунончи, тарихий мавзуда ёзилган роман ҳозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таништиради, уни ўтмишга етаклайди.

Вильям Шекспирнинг «Қирол Лир» трагедияси ҳам, Ойбекнинг «Навоий», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Одил Ёқубовнинг «Ўлутбек хазинаси» романлари ҳам тарихий асар. «Навоий» романида Ойбек беш асрлик узоқ ўтмиш тарихимизни ҳозирги ўзбек адабий тилида ажойиб жонли бадий лавҳаларда ёритиб берди. Башарти, Ойбек «Навоий» романини бус-бутун Алишер Навоийнинг тили — XV аср ўзбек адабий тилида бино қилганида, бу бир мўъжиза бўлар эди, асарнинг илмий қиммати, илмий-тарихий аҳамияти бундан ҳам юксакроқ бўларди, бироқ ҳозирги китобхонга унинг бадий-эстетик таъсири унчалик бориб етмасди. Бунинг сабаби шуки, бугунги китобхон Алишер Навоийнинг ўз асарларини қай даража тушунса, XV аср тили ва услуби билан яратилган «Навоий» романини ҳам шу даражадагина тушунган бўларди, холос.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ойбек «Навоий» романини «Олтин водийдан шабадалар» ёки «Қутлуғ қон» услуби билан ҳам ёза олмас эди. Агар бундай бўлганида, китобда тасвирланган воқеалардан, ёзувчининг тили ва услубидан ўқувчи замон туйғусини сезмас, тарих садоларини эшитмас эди. Бошқача айтганда, сирлилик, лисоний-даврий абстракциянинг ғойиб бўлиши романнинг бадий-эстетик таъсирчанлигини сусайтиришга сабаб бўларди. Буни жуда яхши ҳис қилган Ойбек «мўътадил» бир услуб топишга муяссар бўлган. Натижада «Навоий» романи ўзбек совет адабиёти асари бўлиши билан бирга, XV аср Ҳирот адабий муҳитидан олиб ёзилган тарихий роман даражасига кўтарилган. Бунга ёзувчи XV аср ўзбек тилига хос айрим луғавий, услубий, морфологик-синтактик тил унсурлари, гап тузилиши хусусиятларини ҳозирги тилимиз нормалари билан омухта қилиб ишлатиш натижасида муваффақ бўлган.

«Навоий» халқимизнинг узоқ ўтмишидан олиб ёзилган тарихий роман бўлса, «Ўтган кунлар» нисбатан анча яқин, икки аср муқаддам бўлиб ўтмиш воқеалардан ҳикоя қилувчи тарихий асар. «Қутлуғ қон»да тасвирланган воқеалар эса давримизга яна ҳам кўпроқ яқинлашиб келади ва гўё мозийдан олиб ёзилган «яқунловчи» бадий асардай туюлади.

Ана шу «замон масофаси»ни юқорида зикр қилинган асарларда яққол ҳис этиш мумкин.

Энди таржимада давр колоритини қайта яратишда таржи-

монлар қандай принципларга таяниб иш кўришларини юқорида тилга олинган мисоллар асосида қараб чиқайлик.

XIV аср охири, XVI аср бошларигача бўлган давр, яъни вақт эътибори билан бир-бирига жуда яқин замонда бўлиб ўтмиш воқеаларнинг бадий тасвирига бағишланган тўрт асар: Ойбекнинг «Навоий», Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романлари ёзилиш услубига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бу тафовут номлари тилга олинган ёзувчилардан ҳар бирининг ўзига хос индивидуал услуб тақозосидан ташқари (субъектив омил), айти асарларни барпо этиш учун асос қилиб олинган давр воқеаларини тасвирлашнинг лисоний воситалари (бу тил кўҳна тил — объектив омил) билан белгиланади. Қизиғи шундаки, «Улуғбек хазинаси»га нисбатан «Мирзо Улуғбек»нинг тили нисбатан бирмунча замонавийроқ, яъни ҳозирги адабий тилимизга яқинроқ, «Юлдузли тунлар»нинг тили эса санаб ўтилган асарларнинг ҳаммасига қараганда ҳам замонавийроқ.

Муайян адабий жанрда бирон бадий асар яратишга киришаркан, унинг тил ва услуб воситаларини тайин этишда муаллиф барча объектив ва субъектив факторлар, жумладан, ўз имкониятларини ҳам инобатга олади. Чунончи, ҳозирги ўзбек ўқувчиси учун, турган гап, Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг тили ҳам тушунишга оғирлик қилади. Бироқ унинг тили ўз замонаси учун содда ва бетакаллуж тил эди. Бобирнинг тилга нисбатан ана шу бетакаллужликни талаб этиши Пиримқул Қодировга буюк шоир ҳақида асар ёзганда ҳозирги адабий тил ва унинг лисоний-услубий нормаларини асос қилиб олишга муҳим далил, ишора, туртки бўлган\*. Умуман, адабий тил, жумладан, ёзувчининг тили ва услуби масалалари оригинал ҳамда таржима адабиётида, шунингдек, адабиётшунослик ва таржимашуносликда ҳозирги куннинг энг долзарб проблемаларидан биридир.

Таржимада давр руҳи, давр нафаси, даврнинг адабий тил тушулчаси билан боғлиқ етакчи майллари акс эттириш жиддий, мураккаб, комплекс проблемадир. У шунинг учун ҳам комплекс характерга эгаки, бу ерда масалани фақат бир давр, муайян бир ёзувчининг ижодидан қилинган таржималар, бир таржимон қўллаган тажриба ва, ниҳоят, алоҳида олинган бир адабий жанр доирасида қилинган таржималар билан чегараланган ҳолда таҳлил этиб бўлмайди. Тўғрироғи, бундай чегараланган тадқиқот проблеманинг бир томонини, бир қир-

---

\* Эътибор қилинсин: «Хат битирда... такаллуж қилай дейсен, ул жиҳатин муғлоқ (тушуниб бўлмайдиган — П. Қ.) бўладур. Бундан нари бетакаллуж ва равшан ва пок алфоз (тил) билан бити: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ўқиғувчиға». (Бобирнинг ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган хатидан.) — Адабий асарнинг тили (Пиримқул Қодиров ёзган). «Адабиёт назарияси», I том, Тошкент, 1978, 317- бет.

расини ёритишга хизмат қилса-да, лекин унинг бутун борлиги, мураккаблиги, хусусиятлари, шарт-шароити ва талабларини очиб беролмайди. Чунки, гап шундаки, муайян бир асар таржимасига нисбатан қўлланган усул бошқасига қўл келмаслиги, маълум бир жанрда ёзилган асар таржимасига нисбатан жорий этилган услубий тадбир бошқасига мувофиқ тушмаслиги мумкин ва ҳоказо.

«Қирол Лир» трагедиясини ҳозирги замон инглиз ёзувчиси эмас, балки Алишер Навоийдан (1441 — 1501) атиги бир аср кейин яшаган инглиз драматурги Вильям Шекспир (1564 — 1616) яратган. Ҳозирги ўзбек китобхони Алишер Навоийнинг ўзи яратган тарихий «Садди Искандарий» достони билан Ойбек яратган «Навоий» романи ўртасида тил ва услуб жиҳатдан катта фарқ кўради. Бу фарқ эндиликда шу даражада сезиларлики, ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган бобокалон шоиримиз яратган ўлмас асарларни ҳозирги ўзбек тилига тўла бўлмас ҳам, эҳтимол, «ярим таржима» қилишга зарурат туғилиб қолган. Лекин Навоий асарларининг бошқа тилларга қилинган таржималарида эса буюк мутафаккир яшаган давр билан бизнинг замонамиз, аجدодлар билан авлодлар ўртасидаги тил-услуб тафовутлари у қадар сезилмайди. Бошқача айтганда, ҳозирги рус китобхони Алишер Навоий асарларини русча таржимада ҳозирги ўзбек китобхони уларни ўзбекча асл нусхада тушунганга қараганда осонроқ тушунадилар. Бунинг сабаби шуки, рус таржимонлари бу шеърят даҳосининг ғазал, дoston ва насрий асарларини, аввало, ўзбек тилининг ўзига, юқорида айтиб ўтилганидай, бир карра фикран гўё «ярим ағдариб» олганларидан кейингина рус тилига «тўла» таржима қилганлар. Рус тили иккинчи она тилимиз бўлиб қолган экан, кўп ўзбек китобхонлари, айниқса ҳозирги ёш авлод Навоий асарларини аслидан ўқигандан кўра, русча таржимасида ўқиб, кўпроқ «тушунадилар» (албатта, бунда шонр асарларининг бадиий-эстетик қиммати назардан соқит қилинади).

Худди шунингдек, инглиз китобхонлари ҳам буюк Шекспир асарларини асл нусхаларида ўқиб, уларни бошқа миллатларнинг китобхонлари сингари тушуна олмайдилар. Чунки Шекспир инглизлар учун XVI аср шоири бўлса, руслар, французлар, итальянлар, украинлар, озарбайжонлар, ўзбеклар ва бошқа жуда кўп миллатларнинг вакиллари учун бамисоли замондошдир.

Масаланинг бу тарзда қўйилишидан бир қанча муаммолар келиб чиқади. Аввало, бошқа халқларнинг классик шоирлари асарларини қандай тилга, яъни тилнинг қайси тараққиёт даври даражасига таржима қилиш лозим? Қолаверса, бошқа халқларнинг классик шоирлари сиймосида биз (таржимада) ўз «замондош»ларимизни кўришимиз тўғри бўладими?

Қўйилган биринчи масала юзасидан яна шундай муаммони ўртага ташлаш мумкин: XVI аср инглиз драматургининг жаҳоншумул асарлари XVI аср воқелигини (асосан, инглиз муҳити-



ни) акс эттирган экан, уни ҳозирги ўзбек тилига кўчириш адабиётдаги реализм методига хилоф иш қилиш бўлмайдими? Бинобарин, Шекспирни классик ўзбек тили, масалан, Навоий даврида яшаган ўзбеклар тилига таржима қилинса мантиқан тўғри бўлмайдими?

Бу саволларга шундай жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, қадимий даврларда барпо этилган асарларни классик тилларга таржима қилиш нореал ишдир. Иккинчидан, ҳар бир тилнинг тақдири ва тараққиёт даражаси ҳар хил. Чунончи, XVI аср инглиз тилининг камолоти ўзбек тили тараққиётининг қайси даври даражасига тўғри келади? XV ёки XVI аср ўзбек тили тараққиёти даражасига мос келади деб ким айта олади? Учинчидан, агарда XVI аср инглиз адабиёти намунасини, фараз қилайлик, бошқа миллий тилларнинг худди ўша давр адабий тилига таржима қилиниши лозим деб билсак, тўрт аср бундан муқаддам мустақил миллий тил сифатида маълум бўлмаган ҳозирги кўпгина янги тилларда Шекспирнинг «тақдири» қандай кечади? Масалан, фақат Октябрь революциясидан кейин, ниҳояти қирқ-эллик йил илгари мустақиллик олган кичик халқларнинг буюк драматург асарларидан баҳраманд бўлиши масаласи нима бўлади? Ахир, Шекспир, унинг ўз сўзлари билан айтганда, «ҳали туғилмаган халқлар, ҳали барқарор бўлмаган тиллар» учун ҳам ижод қилган-ку... Тўртинчидан, таржима — ҳар бир даврнинг ўз маҳсули. Уни ҳар бир авлоднинг ўзи буюради.

Албатта, юқорида айтилган гаплардан классик ёзувчиларнинг ижодини нуқул ҳозирги жонли тилга ўгиравериш жоиз, уларни ўзимизга «ҳамнафас» адибларга айлантирса ҳам бўлаверар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Чунончи, «Отелло»ни «Заҳарли ҳаёт» услуби билан, «Юлий Цезарь»ни «Имон» услуби билан, «Қийиқ қизнинг қуюлиши»ни — «Олтин девор» услуби билан таржима қилиш жоиз эмас. Шекспир трагедиялари таржимасида биз услубан Шекспирни, у яшаган давр, муҳит, анъана ва эстетик идеалини ҳис қилиб туришимиз керак. Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзодаанинг маҳорати шундаки, ўқувчи «Отелло», «Қирол Лир», «Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта» трагедияларидан буюк драматург ижодининг чуқур фалсафий моҳияти, образларининг ёрқинлиги ва мазмундорлиги, асарларининг катта инсонпарварлик ғоясини мукаммал ҳис этади.

Бадний таржима ва унинг проблемаларига, жумладан, таржимада автор услубини қайта яратиш муаммоси билан боғлиқ масалага бўлган бундай қараш бир қанча адиблар, таржимонлар ва назариячиларнинг ишларига уйғундир. Бу ўринда атоқли адиб ва таржимонлардан Мухтор Аvezов, Корней Чуковский, Микола Бажан, Сергей Баруздин, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Зулфия, Асқад Мухтор ҳамда таниқли назариячилардан Иржи Левый, проф. А. В. Фёдоров, проф. Ю. Д.



Левин, проф. Л. Мкртчян, Вл. Россельс, проф. Б. Тоҳирбоев ва бошқаларнинг хизматлари назарда тутилади.

Проф. А. В. Фёдоров «Умумий таржима назарияси асослари» китобининг махсус бир бўлимини «Асл нусханинг яратилиш даври билан боғлиқ хусусиятлари ва таржима вазифалари» деб атайдиган (358—370). Унинг қайд этишича, тиллар турли даврларда турлича тараққий этганлар. Бу ҳар бир мамлакатнинг тарихий шароитига боғлиқ бўлган. Шунинг учун турли тилларнинг муайян тараққиёт даври хронологик жиҳатдан бир-бирига тўғри келади деб қараш мумкин эмас. Масалан, ҳозирги руслар учун XVII аср рус тили ҳозирги французлар учун XVII аср француз тилига қараганда кўпроқ эскирган. Чунки рус тили сўнгги уч аср мобайнида нисбатан анча тез суръатлар билан ривожланган.

XIX—XX аср рус таржимачилиги тарихида XVI—XVIII аср ғарбий Европа адабиётлари асарларини ўша давр хорижий тилларига вақт эътибори билан хронологик жиҳатдан «мос» келадиган русчага ўгиришга уриниш майли кўзга ташланмайди. Таржимада давр услубини акс эттириш мақсадида асл нусха яратилган вақтга нисбатан анча кейинги давр рус тили услуби билан ағдариш ҳоллари қайд этилган. Чунки адабий асарларни таржима қилишдан кузатиладиган бадий ва донишхон мақсад — уларни «...биздан узоқлаштириш эмас, балки яқинлаштиришдир»<sup>1</sup>.

Асар яратилган давр тилига айнан мувофиқ келадиган тил билан таржима қилишга уринишнинг самарасиз эканлиги классик адабиёт асарлари таржимасида ҳозирги тилга доир лексик-фразеологик унсурлар, хос сўзларни (реалийлар) ишлатишга ҳам асос бермайди. Аксинча, бундай қилиш асл нусхада тасвирланган воқеа-ҳодиса ва ўзга халқнинг миллий-тарихий яшаш тарзини бизнинг кунларимизга кўчириб келишга ва бу билан тарихий-эстетик ҳақиқатни бузишга сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, агар асл нусха ўз даврига нисбатан тарихий-фалсафий мавзуда ёзилмаган ва ўша «ибtido»сидаёқ унинг ўзи архаик услубда барпо этилган бўлмаса, одатда, таржимада ҳам архаик услуб қўлланилмайди.

Замонавий таржималар учун асос бўлган нарсаси шуки, қадимий адабиёт намуналарини ўгиришда муаллиф томонидан қўлланилган тил воситаларининг қанчалик қадимийлиги, уларнинг «ёши» эмас, балки бу воситаларнинг услуб хусусиятлари ҳисобга олинади. Башарти, бу лисоний воситалар — у хоҳ сўз бўлсин, хоҳ сўз бирикмаси бўлсин, хоҳ бирон грамматик кўрсаткич бўлсин — вақт ўтиши натижасида эскирган, архаиклашган бўлса, таржима тилидан унга «мувофиқ» келадиган архаик муқобил вариант қидириш мақсадга мувофиқ эмас.

Хорижий классик адабиёт асарларининг таржималарида архаик сўз ва иборалар учрар экан, бу асл нусханинг «қадимий-

<sup>1</sup> А. В. Фёдоров. Основы общей теории перевода. М., 1968, с. 360.

лиги» ҳақида таассурот туғдириш учунгина эмас, балки ўзга жиддий бадий-услубий сабаблар тақозоси билан шундай қилинади.

Булар қандай сабаблар?

Рус таржимачилиги тарихида Сервантеснинг «Дон Кихот» романининг Н. М. Любимов таржимаси ўзига хос мисли кўрилмаган бадий услубий тажриба бўлиши билан алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, асарнинг бош қаҳрамони ламанчлик Дон Кихот ўзини қадимий рицарь романларида тасвирланган халоскор қаҳрамон, ажойиб-ғаройиб, хаёлий бир оламни кезиб юрувчи фавқуллодда олий бир зот деб тасаввур қилади. Бунинг акси ўлароқ, рицарь «зоти шариф»ларининг хизматкори, садоқатли «муриди» Санчо Панса эса «авом» бўлса-да, ўзининг «олампааноҳи» соясида қандайдир алоҳида «тарихий» вазифани бажарувчи шахс деб билади. Худди ана шундай ғайри-табiiй воқеалар силсиласига қурилган, ўзига хос бадий муҳит ичида яратилган «Дон Кихот» романи аслида — испанчада ҳам ажойиб-ғаройиб жимжимадор тил ва услубда ёзилган. Мабодо, бу романни оддий, «расмана» адабий тил билан ўгирилса, унда тасвирланган воқеалар, образлар бошқа бир тилга кўчади-ю, асарда бошдан охиригача китобхонни ўзига жалб қилиб турадиган услубий ғаройибот, сирлилиқ — мазкур роман бадий қимматининг гултожи бундай таржимадан ташқарида қолиб кетади. Худди ана шу нарсани жуда яхши фаҳмлаган Н. М. Любимов уни рус тилига бирмунча архаиклашган дабдабали услубда таржима қилишга журъат этган. Зотан, бундай асарларни бошқача таржима қилиб ҳам бўлмайди.

Сервантеснинг «Дон Кихот» романи асарнинг болалар учун қайта ишланган, анчагина «тушунарли» услубга солинган таржима вариантыдан ўзбек тилига ўгирилган. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, бу романининг ўзбек тилига қилинган бошқа бир таржима н а м у н а с и ҳам мавжуд. «Намуна» дейишимизнинг боиси шуки, у ўзбек тилига, афсуски, шундай услубда тўла ўгирилмаган, балки журналда ундан парча босилган, холос. Бу таржима Мирзакалон Исмоилий қаламига мансубдир<sup>1</sup>. М. Исмоилий бу таржимада қадимги ўзбек тилининг луғавий, услубий ва морфологик-синтактик воситаларидан жуда ўринли фойдаланган (III бобга қаранг).

Михаил Лозинский Дантенинг «Илоҳий комедия»сини таржима қилар экан, асл нусханинг бутун жозибасини рус китобхонига етказиш мақсадида бошқа лексик-грамматик ва услубий воситалар билан бир қаторда архаизмлардан ҳам кенг фойдаланган. Бу ўринда проф. А. В. Фёдоров икки ҳолни қайд этади. Бир тарафдан, таржиманинг луғати ҳозирги рус адабиёти асарлари ҳамда жонли тил луғатидан фарқ қилади. Бошқа томондан эса «Илоҳий комедия» тили (асл нусхада) ҳозирги итальян тилидан ҳам жиддий фарқланади.

<sup>1</sup> Сервантес. Дон Кихот. «Гулистон» журн., 1939, № 5.

Аммо бу икки ҳолат бир-бири билан узвий боғлиқ эмас. Тўғрироғи, «Илоҳий комедия»нинг тили асл нусхасида ҳозирги италян тилидан фарқ қилгани, бинобарин, ана шу тафовутни кўрсатиш учун М. Лозинский асарни бирмунча архаик услуб билан ўгирган эмас. Бунинг асосий сабаби шуки, XIII аср италян поэзияси, жумладан, Дантенинг «Илоҳий комедия» сининг тили ва услуби ўз замонасидаги жонли тилдан жиддий фарқ қилган. XIII аср шоирлари, улар қатори Данте ҳам эскирган, китобий, диний ва фалсафий сўз, истилоҳ, грамматик таркиб ҳам иборалардан унумли фойдаланганлар. Худди ана шу ҳолат таржимада ҳам бошқа кўпгина услубий воситалар билан бир қаторда, архаик сўз ва бирикмалардан ҳам дадил фойдаланишга имконият ва зарурат туғдирган. Асл нусханинг худди ана шу бош хусусиятини нозик илғаган шоир Абдулла Орипов бу асарни ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилди.\*

Албатта, таржима қилинаётган нарсга қадимги давр ёзувчининг асари экан, уни муқаррар равишда эскирган тил билан ўгириш керак экан деб тушуниш «таржима» тушунчасига хилофдир. Ҳолбуки, Корней Чуковскийнинг кўрсатишича, рус адабиётида бир замонлар символист шоирлар худди шундай таржима қилар эдилар. Масалан, Уитмен қаердаки, айтайлик, «кўкрак» деса, Бальмонт «сийна» деб таржима қилади. Уитмен «байроқ» деса, Бальмонт буни «ялов» деб беради. Уитмен «кўтараман» деса, Бальмонт «бошим узга кўтарурмен» дейди. Қисқаси, Бальмонт Уитменинг бундай «авом» тили билан ёзишидан гўё номус қилади ва хонаси келди дегунча ундаги оддий сўзларни славянизмлар билан алмаштириб қўяди<sup>1</sup>. Бундай усул билан ўгириш ёзувчининг эътиқодига, эстетик диди, дунёқараши, услубига тамоман зиддир.

Тил воситаларидан қандай фойдаланишни белгилаб берадиган ижодий ўзига хослик ёзувчининг дунёқараши, нафосат ҳақидаги тушунчаси, адабий мактаб ва давр эстетикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, муайян давр ёки адабий муҳит намоёндаси бўлмиш бирон ёзувчининг асарини таржимон ўзи хоҳлаганича, ўз услубига «бўйсундирган» ҳолда, ўз изнига солиб ўгиравериши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир таржимон ўз эътиқоди, услуби, эстетик идеалига яқин адибнинг асарини таржима қилганидагина муваффақият қозона олади.

Бадий таржимада индивидуал услубни қайта яратиш билан боғлиқ қулайлик ҳақидаги бу тезисни бир томонлама талқин қилиш ҳам тўғри бўлмайди. Таржима санъатининг донишийлик (билиш) билан боғлиқ маърифий функцияси ҳамда социалистик ҳамдўстлик шароитида ўзаро ҳамкорлик, маънавий баҳрамандлик ва бойитиш қонунияти бир-биридан традицион узоқ саналган адабиётлар ва эстетик воқеликлар-

\* Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах. Тошкент, 1975.

<sup>1</sup> К. Чуковский. Высокое искусство. М., 1964, с. 23—24.

нинг яқинлашувида дадиллик билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Одатда, бир тилдан бошқасига таржима қилиб бўлмаслигини даъво қилганда, улар ўртасидаги жиддий лексик-грамматик фарқлар билан биргаликда, ўша тилларда сўзлашувчи халқлар яшаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда кишилар онгида шу омиллар тақозоси билан тугилган тасаввур, тушунча, эътиқодлар ўртасидаги катта тафовутлар далил келтирилади.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясидаги Земляника, Хлестаковнинг тасвирлашича, шундай одам:

К о р о б к и н:— «Надзиратель за богоугодным заведением Земляника — совершенная свинья в ермолке»<sup>1</sup>.

Ўзбек тилига бу шундай таржима қилинган:

К о р о б к и н: «Худойихоналар мутасаддис Земляника кулоҳ кийган чўчқанинг ўзгинаси»<sup>2</sup>.

Комедиянинг бошқа бир жойида Артёмий Филиппович шаҳар ҳокими тўғрисида гапириб, «этакой свинье лезет всегда в рот счастье»,— деса, ўзбек тилида ҳам «бахт нуқул мана шунақа чўчқанинг оғзига ўзини уради», деб надомат қилади. Кўриниб турибдики, салбий образлар бир-бирларини нуқул «чўчқа» деб атайдилар, таржимада ҳам бу айнан шундай акс эттирилган (Н. В. Гоголда салбий образлар ўз-ўзларини ёки бир-бирларини фож этадилар).

К. Чуковский «Бадний таржима принциплари» деган китобчада босилган «Насрий асарлар таржимаси» номли мақоласида Бальзак романларидан бирида отанинг ўз болаларини эркалатиб, «здравствуйте, мои поросятюшки!» деб айтган гаплари рус тилига «здравствуйте, мои птички!» деб таржима қилинганини қаттиқ танқид қилади. Чунки қўпол сўз деган мулоҳаза билан «поросятюшки»ни «птички» деб алмаштириш авторнинг услубини сийқалаштиришга олиб келади.

Бироқ Бальзак асарларининг услубини таржимада акс эттирмаган деб, ундаги «поросятюшка» сўзини ўзбек тилига... «чўчқа болалари» ёки «чўчқавачча» қабилида «таржима» қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Агар ўша ота ўзбек тилида ўз болаларига... «салом чўчқачаларим» деса борми, бу билан у ўз жужуқларини эркалатган эмас, балки қаттиқ ҳақорат қилган бўлар эди!

Рус тилида ҳам «чўчқа» сўзи кўп ҳолларда ақлсизлик, нодонлик, бефаросатлик маъноларини ифодаловчи бирикмаларнинг образли асоси сифатида кўринади. Бундай ҳолларда уларни айнан ўгириш мумкин. Аммо ўзбек тилида бахтли, эзгу иш ёки эркалатиш маъноларини ўзида акс эттирадиган образли асоси «чўчқа» сўзидан иборат биронта ҳам матад ёки идиома

<sup>1</sup> Н. В. Гоголь. Ревизор. Ташкент, 1952, с. 113.

<sup>2</sup> Н. В. Гоголь. Ревизор. Абдулла Қаҳҳор таржимаси. Тошкент, 1952, 90-бет.

йўқ. Ҳолбуки, олайлик, немис тилида бу сўз салбий ҳодисалар образи бўлиб гавдаланиши баробарида, бахт, омад келтирувчи символ сифатида ҳам гавдаланади. Шунингдек, француз, инглиз ва рус тилларида «чўчқа» сўзи эркалаш маъноларида келади.

Бундай вақтларда таржимон ўша бирикмаларнинг образли асосларини ўз тилида анъана бўлиб қолган ҳайвон ва паррандаларнинг номлари билан алмаштиришга мажбур бўлади. Масалан, Бальзакдаги ўша «здравствуйте, мои поросятушки!» хитобини ўзбекчага «салом, қўзичоқларим!» тарзида ўгиришга тўғри келади. Шу зайл, французча жумладаги «чўчқа» сўзининг рус тилида «қуш» бўлиб қолиши қанчалик номатлуб бўлса, ўзбек тилида «қўзичоққа» «айланиши» шунчалик мақсадга мувофиқдир.

Бунинг сабаби шуки, дунёдаги жуда кўп халқларда яхшилик, ювошлик, сахийлик, ёмонлик, айёрлик, ваҳшийлик, қўполлик тимсоли сифатида маълум ҳайвон ёки паррандаларнинг номлари қабул қилинган. Масалан, ёмонлик, зараркунандалик тимсоли — илон, чаён; ваҳшийлик тимсоли — бўри; ювошлик тимсоли — мусича, қўй; меҳнатсеварлик тимсоли — чумоли ва асалари; катталик тимсоли — фил, туя; айёрлик тимсоли — тўлқи; қўполлик тимсоли — айиқ; бефаҳмлик ва бефаросатлик тимсоли — эшак, чўчқа; тинчлик тимсоли — каптар; гўзаллик тимсоли — товус; хушхонлик тимсоли — булбулдир. Ва ҳоказо.

Аммо турли халқларда ўхшатиш ва сифатлаш тимсоллари, юқорида қайд этилгандай, ўзига хос хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин. В. Далнинг «Пословицы и поговорки русского народа» (рус халқининг мақол ва маталлари) номли китобида келтирилган: «ребёнок, что жеребёнок» бирикмасида болани тойчоққа ўхшатиш ўзбекларда ҳам учрайди: *тойчоқ*, *тойчоғим* ва ҳоказо. Бироқ ўзбек тилида худди ўша луғатда келтирилган «ребёнок, что поросёнок» фразеологик бутунлигига мувофиқ келадиган биронта ҳам ибора йўқ. Ўзбек ўз боласини туянинг боласига (*бўтам*, *бўталоғим*), отнинг боласига (*тойчоқ*, *тойчоғим*) ўхшатадиган, аммо, айтайлик, сигирнинг боласига нисбат бериб «гўсалам» ёки «бузоқчам», эшакнинг боласига нисбат бериб «куррачам» ёки «хўтукчам» демайди. Чунки ўзбекнинг наздида бу эркалаш эмас, кечириб бўлмайдиган хунук ҳақорат бўлиб туюлади.

Шундай қилиб, тилда турли-туман ўхшатиш ва сифатлашлар асосида ниманинг образини ишлатиш анъана бўлиб келган бўлса, таржимада ҳам шунга риоя қилиш зарур. Зотан, агар бирон ўзбек ёзувчиси ўзи тасвирлаётган қизнинг гўзаллигини образли қилиб гавдалантириш мақсадида уни... сигирга ўхшатса, бу жуда қўпол чиқиши турган гап. Шунинг учун бошқа халқларда ҳам бу ҳайвон номининг гўзаллик тимсоли сифатида қўрилишини тасаввур қилолмаймиз. Лекин амалда бундай эмас (масалан, ҳиндлар).

Халқлар ўртасидаги диний ва ирқий тафовутларнинг

таржима мушкулотини туғдириши хусусида гап кетганда, «Қалила ва Димна» таржимаси муносабати билан буюк ўзбек алломаси Абу Райҳон Беруний бундан минг йил илгари айнн мазкур масала юзасидан ғоят муҳим фикрни айтган эди. «Бизнингча «Қалила ва Димна» деб машҳур бўлган «Панча-тантра» деган китобни имконият топиб таржима қилсам, деган орзуим бор, — деб ёзган эди мутафаккир олим ўзининг машҳур «Ҳиндистон» асарида.— Чунки у китоб Абдулла ибн ал-Муқаффа каби ўзгартириб юбормасликларига ишониб бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан ҳиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиб келинди. Абдулла ибн ал-Муқаффа «Қалила» китобига ўзидан Барзобайх бобини қўшди, бундан мақсади динга эътиқодлари кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни маннония мазҳабига қақираётганларга зарба бериш эди. Боб орттириб ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам орттириб ишончсиз бўлишдан холи қолмайди».

Бадний таржимада тушунарлилик талаби билан до-нишийлик принципи, илмий аниқлик билан мажозийлик ва образлилик ҳамма вақт бир-бири билан зиддиятга киришган ҳолда, айнн вақтда яхлитлик, бир бутун-ликни ташкил этади. Таржима қилинаётган асар ўзга халқ-нинг бадний жавоҳироти намунаси ўлароқ, ўгирилгандан сўнг таржимачи-тилда барпо этилган ватан адабиёти ихтиёрига ўтар, унинг манфаатларига хизмат қилар экан, унда «бегона-лик» билан «ўзлик» қўшилади, омухталанади, синтезлашади. Бинобарин, реалистик таржима талабига кўра, бошқа адабий муҳитда яратилган асарни «бус-бутун ўзимизники»га айланти-риб юборишга, миллий мансублик ва ўзига хослик тушунча-лари билан боғлиқ ашёларни эркин айирбошлашга ке-рагидан ортиқ ружу қилиш ярамайди. Тилимизга ўгирилган асарда тасвирланган бошқа халқ моддий ва маънавий ҳаёти-нинг биз учун ҳайратомуз, ғалати томонлари ҳам ўрни ва меъёри билан сақланмоғи лозим.

Санскритда «ришабҳа» калимаси «буқа», «қўтос» маънола-рини беради. Агар ҳинд бирон кишига нисбатан бундай сифат-ни ишлатса, яъни унга *буқа*, *қўтос* деб мурожаат этса, бу уни «ботир», «довюрак», «валломат» дегани бўлади. Дарвоқе, «Шоҳнома»да ҳам Рустамга нисбатан *филтан* (фил гавдали), *гов* (ҳўкиз) сифатлари берилиши унинг бағоят эъзозланишини англатади.

Бу сингари юзлаб, минглаб лисоний ёки ғайрилисоний, афсонавий, тарихий, диний, этнографик, лаҳжавий ва ҳоказо иборалар, сўзлар, истилоҳлар, шартли ишоралар, тимсоллар борки, башарти, уларнинг барчасини ўзбекча «шундай», «муқобил» тушунчалар билан алмаштирилса, бу ҳинд «Рама-яна»си, форс «Шоҳнома»си, қирғиз «Манас»и, юнон «Илиа-да»си, араб «Минг бир кеча»си бўлмайди. Таржимада ҳамма нарсани сидирғасига ўгиравермай, унинг ўзига хос энг муҳим



аломатлари, тишик миллий тусини сақлаш зарурати асл нуханинг санъат асари сифатида миллий моҳиятини ифодалашга бўлган уринишдан келиб чиқади.

Таржимада тушунарлик ва сирлилиқ, мураккаблиқ ва соддалиқ

Эстон шоири Арви Карлович Сийг бошқирд шоири Мустай Каримнинг шеърларини ўз тилига таржима қилади. Эҳтимол, шу муносабат биландир, ўз навбатида, Мустай Карим ҳам Арви Сийг ижоди билан қизиқиб қолади, ва, диалог\* мазмунига қараганда, унда ҳам эстон адабининг асарларини бошқирдчага ўгириш истаги пайдо бўла бошлаганга ўхшайди. Лекин Мустай Карим таржимачилик амалиётида жуда кам учрайдиган фавқулодда қизиқ бир ҳолга эътиборни қаратади. Аслида, *биз ҳар хил шоирлармиз*, дейди Мустай Карим, турли авлодларга мансуб, тақдири бир-биридан фарқланадиган ижодкорлармиз. Сиз — шаҳар шоирсиз, мен бўлсам — тақдири азалдан ва характерим билан қишлоқликман, ҳар бир нарсани деҳқон назари билан идрок этаман. Бундан ташқари, биз — Сиз билан мен — *турлича миллий анъаналар* заминида қалам сурамиз: Эстония билан Бошқирдистон бир-биридан узоқ жойлашган. Агар шартли ифодаланса, бу қуйидагича бўлади:

Бошқирдистон  
Бошқирд адабиёти  
Мустай Карим  
Қишлоқ мавзуи

Эстония  
Эстон адабиёти  
Арви Сийг  
Шаҳар мавзуи

Территория, миллий турмуш тахлити, адабий-тарихий анъаналар, тил, индивидуал-ижодий типология, услубий хосликлар тарафидан бу ерда қандайдир туташтирувчи кўприк кўзга ташланмайди. Бошқача айтганда, айни ҳолда ҳамма нарса бир-биридан йироқ. Бу икки шоирнинг суҳбати бир-бирини тушунишга интилишнинг самараси ўлароқ, «ижодий-индивидуал бегоналиқ» шароитида ҳам мукаммал таржима намуналари яратиш мумкин эканлигини исботлайди.

Арви Сийг Мустай Каримнинг «Йиллар кетидан йиллар» тўпламини таржима қилишга танлаган экан, бунда бошқирд шеъриятининг эстонлар учун бутунлай нотаниш ва фавқулодда поэзия эканлиги уни ўзига жазб этган. Сирасини айтганда, Мустай Карим билан танишув менинг бошқирд маданияти билан илк бор учрашувим бўлди, дейди таржимон. Тўпلام билан танишаркан, Мустай Карим шеърларининг соддалиги таржимонни лол қолдиради. Чунки ҳамма гап шундаки, эстон ўқувчиси бундай соддаликка ўрганмаган. Таржимон матнни иккинчи дафъа ўқиркан, бошқирдчада шеърлардан аллақандай қатъий, ёрқин, биллурий қабарик аломатлар топиб, унга ўзидан қандайдир ҳикматона рамзлар қўшиб, асл нухани гўё «эстоний услуб»га ўткази бошлайди. Учинчи бор мутот

\* «Взаимоузнавание». Диалог поэтов (беседа записал Л. Аниский). Журн. «Дружба народов», 1978, № 7, с. 128—167.



лаада у, ниҳоят, Мустай Карим ашъорини таг-томири билан сийқалаштираётганини пайқаб қолади. Сўнгра ўзи кашф қилган барча «лақашиқилдоқ»ларнинг баҳридан ўтаркан, қарши-сида оппоқ қоғоздан бўлак ҳеч вақо қолмайди. Фақат тўртинчи уринишдагина Мустай Карим шеърларининг соддалиги замирида яшириниб ётган жозибадор самимият эстон шоирига ўз жамолини бир чеккадан оча бошлайди. Ана шунда Арви Сийг бошқирдча шеърий жозибани қайта яратишга ўзининг «эстонча воситалари» кифоя қилмаслигини пайқаб қолади, чунки «эстонча воситалар» ўзгача анъаналар ва ўзгача муҳитда қарор топган бўлиб, улар бирмунча бошқачароқ диддаги китобхонларга мўлжаллангандир. Шу тариқа эстон шоири йўл, восита, тадбир қидиради. Нима қилиш керак? У Мустай шеърларида мавжуд образлар ёнидан яна қандайдир ёрқин образлар ахтаради. Бошқирд шоирининг асарларига асос бўлган образлар — қушлар, отлар, дарёлар, маъшуқа, онайизор, юрак — буларнинг барчасини эстон тилига оқизмай-томизмай ўтказилса, бежамадор сийқа бир қолип пайдо бўлади, холос. Сийқаланган сўзлар замиридаги жонли ҳаёт нафасини эстон тилида юзага чиқариш ғоятда мушкул, чунки эстонларда сўзлар «бу зайлда» истифода этилмайди. Эстонларда ҳамма нарса бошқача, чунончи, биз, дейди Арви Қарлович, беихтиёр суратда мураккаблашган бир ифода тарзига ўтиб оламиз, бундай шароитда эса Мустай Карим лирикасининг бош фазилати ҳисобланмиш табиий бетакаллуфлик эстон ўқувчисига бориб етмайди, унга тушунарли бўлмайди.

Мустай Карим билан Арви Сийг ўртасидаги суҳбатдан шеърий таржима проблемасига донр бир қанча жумбоқлар ечилгандай, уларга аниқлик киритилгандай бўлади. Таржима бу икки тил, икки луғат, икки адабиёт, икки шоирнинг учрашувигина эмас, балки икки тарихий-миллий адабий анъаналар дучлашуви ҳосиласи ўлароқ дунёга келиши назарияда маълум эди. Аммо бундай учрашув ҳамда дучлашувлар конкрет шоирлар ижодида қандай воқе бўлади, таржима қилувчи тарафларнинг ўз таржимонлик вазифаларини қандай тушунишларини уларнинг фаолиятига не тариқа таъсир ўткази, бундан бир-бирларини таржима қилувчи тарафлар қандай наф кўрадилар деган аллақанча муаммолар бир йўналишда бораётган икки қарама-қарши қутб — турли ижодкорлар фаолиятида синаб кўрилмаган эди. Арви Сийг билан Мустай Карим сиймосида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки индивидуал ижодкор шахс, бир-биридан узоқ икки тил, поэзиянинг табиати, таржиманинг механизми, таржимоннинг вазифасига икки хил қараш бир-бири билан дучлашганида, бадий ижоднинг бу соҳасида мавжуд барча душворликлар ҳам юзма-юз келгандай, юзага қалқиб чиққандай бўлади.

Албатта, ҳар гал шеърий таржима билан банд бўлган шоирлар ишида мундарижаси бир хил «стандарт» мушкулотлар содир бўлавермайди. Йўқ, аввал типик қийинчиликлар содир

бўлиш ҳолларини қайд этайлик. Бу ўғирилаётган асар мансуб бўлган жанр, давр, ижодкорларнинг қандай адабий мактабга мансублиги каби омиллар тақозоси билан юз бериши мумкин бўлган душворликлар. Айтайлик, «Декамерон» билан «Дон Кихот» романлари таржимаси қаршисида вужудга келадиган қийинчиликлар давр колоритини акс эттириш, бинобарин, лугат, услубий мослаштириш, индивидуал услуб даражасида бўлиши мумкин. «Алпомиш» билан «Манас», «Гилгомиш» билан «Рустам-хон», «Игорь жангномаси» билан «Қопланди ботир» таржималаридаги мушкулотни шу асарларнинг жанр хусусияти белгилайди ва ҳоказо (II бобга қаранг).

Бироқ таржима қийинчиликлари фақат лисоний фарқлар билангина белгиланмайди. Баъзан яқин тиллардан таржима қилиш муаммоси узоқ тиллар таржимасиникига қараганда ҳам мураккаброқ бўлади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг қирғиз тилига таржимаси душворлиги шу асарнинг рус тилига таржимасига нисбатан заррача кам эмас. Бу ўзбек ва қирғиз ёзма адабиётлари анъаналари ўртасида мавжуд жуда катта тафовут билан изоҳланади. Оддий айтганда, Алишер Навоийнинг гоят бой архаик лугат қатламига ҳозирги қирғиз тилида муқобилот топиш амри маҳол. Бошқа ҳолларда эса, айтайлик, икки қутб: таржима қилувчи ёки таржима қилинувчи тиллар бир-биридан лексик-грамматик, структуравий тарафдан йироқ бўлса-да, уларда мавзу, адабий анъана, икки халқнинг маданий тараққиёт босқичи нуқтан назарларидан яқинлик, умумийлик, ҳамоҳанглик, муштараклик сезилган тақдирда, таржима проблемасини муваффақиятли ҳал қилиш имконияти туғилади.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Мактабдош, услубдош ижодкорлар бир-бирларининг асарларини таржима қилганларида чинакам санъат намуналарини яратишлари мумкин. Бадий таржимачилик амалиётида бу то ҳозиргача типик ҳол саналади. Ушбу сатрлар авторни ҳам ўзининг «Тил ва таржима» номли монографиясида ва бир қанча мақолаларида ана шу тезисни изчиллик билан илгари сўриб келди. Эндиликда ҳам худди шу принципга содиқ қолган ҳолда, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ҳамид Ғулом, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирзакалон Исмоилий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг турли миллий адабиётлардан қилган хилма-хил етук таржималари, рус ва қардош халқлар таржимачилиги сабоқларини ўрганиш асосида шундай тўхтамга келиш мумкинки, таржимон, агар у катта ҳаётий ва ижодий тажриба тўплаган бўлса, хилма-хил услубларни ҳам акс эттира олади. Бундай қилишга ижодкор таржимонни бошқа халқларнинг маънавиёти оламига қизиқиш, ўз қаламдош ҳамкасаларининг тажрибаларини ўрганиш, ўзга миллий адабиётларда мавжуд янги адабий анъаналарни ватан адабиётига татбиқ этиш ва ривожлантириш манфаатлари олиб келади.

Фақат эскирган сўзлардангина ташкил топган ёки нуқул янги сўзлардан иборат тил бўлиши мумкин эмас. Фақат архаизмлардан иборат ёки нуқул неологизмлардан ясалган асар ҳам бўлмайди. Мавзу тасвирланаётган давр, жамиятнинг табақаланиши ёки алоҳида олинган индивидларнинг характерини яратиш талаби билан автор тилнинг луғавий қатламларини турлича истифода этиши мумкин. Айтилик, завод, йирик корхона ишчиларининг ҳаётига бағишланган роман ёки қисса бир-икки аср олдинги тил услубида ёзилса, ё бўлмаса тарихимизда кечмиш кўҳнадан-кўҳна воқеа-ҳодисалар шу кеча-кундуздаги адабий тил учун норма ҳисобланган стилистик воситалар билан ҳикоя қилинса, бунда лисоний-услубий номутаносиблик пайдо бўлади. Шу сабаб, ҳар бир адиб ўзининг турли касб, айрим мавзу ва бошқа-бошқа давр кишилари образини яратишга бағишланган асарларининг ҳар бирини уларга мувофиқ келадиган индивидуал услуб нормаси билан ёзади. Башарти, у китобларининг барчасини сидирғасига бир хилда, бир қолипдаги чекланган услубда ёзганида, улар завқсиз, зерикарли, қуруқ, тарихий ҳақиқатга зид, ишонарсиз бўлиб чиқарди.

Ҳамма ёзувчилар учун, тасвирланаётган давр ва мавзу талабини ҳисобга олган ҳолда, бирдай мувофиқ келадиган услуб нормасини тайин этиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, ҳар бир йирик ёзувчи, шоир ё драматург айни бир давр воқеалари, ижтимоий ҳаётнинг айни бир соҳаси ёки айни бир шахс ҳаётини тасвирлаганида ҳам уларда услубий мослаштириш тарзи-даражаси турлича бўлади. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий фожиаси билан Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» тарихий романида — буларнинг ҳар иккаласида ҳам тасвир услубининг XIV аср тилига мос келишига ҳаракат қилинганлиги, бироқ бунинг меъёри ва даражаси иккала адибда ҳар хил эканлиги юқорида қайд этиб ўтилди. Чунончи, «Мирзо Улуғбек» трагедиясида қаҳрамон ҳам, бошқа образ ва персонажлар ҳам романга нисбатан бирмунча «замонавийроқ» тилда гапирдилар. Айтилик, улар бамисоли беш-олти аср олдинги тил билан бирмунча кейинги давр тили ҳамда ҳозирги адабий тилга хос услублар чатишмасидан ташкил топган бир адабий тилда сўзлашганга ўхшайдилар. Одил Ёқубовда бўлса, қаҳрамон ва персонажлар янада «кўҳнароқ» услубда, Улуғбек яшаган давр ёки унга яқинроқ замонларга хос тилда гапиргандай туюлади.

Ёзувчиларда бундай услубий тафовутнинг юз беришига сабаб нима? Бунинг тўртта сабаби бор. Биринчидан, ҳар бир адиб китобхоннинг тайёргарлик даражаси ва тушуниш қobiliнати турлича баҳолаши мумкин. Иккинчидан, бу авторларнинг адабий-эстетик қарашларидаги тафовутга ҳам боғлиқ. Бир ёзувчи муайян давр воқеаларини тасвирлашга бир хил услубни мақбул деб ҳисобласа, иккинчиси «тил чегараси»ни янада нарироқ ёки бериоқдан олади. Бир адиб асарда ўтмиш давр кишилари ҳам бизнинг замондошларимизга кўпроқ тушунарли

тилда сўзлашларини маъқул кўрса, бошқаси аждодларимизнинг — бизга, яъни авлодларга тушунарли бўлишидан ҳам аввал биринчи галда, ўзаро бир-бирларига кўпроқ *тушунарли* бўлишларини муҳим деб билади ва, ўз навбатида, бу тарихий-лисоний ҳаққоният бизнинг замондошларимизга ҳам бемалол англашиларли бўлади, деб ҳисоблайди. Учинчидан, ҳар бир жанрнинг ўзига хос лугати бўлади. Ҳатто муайян бир жанрнинг ҳар хил турларида, шохобчаларида, баҳрларида ҳам тил тафовути мавжуд. Масалан, трагедия тили билан комедия ёзиб бўлмайди. Ҳазал тили билан поэманинг лугати ёки рубоий услуби билан сонет тили бир-биридан фарқланади. Турли жанрлар ўртасида эса бундай тил ва услуб томондан ажралиш (фарқланиш) янада яққол сезилади. Чунинчи, роман фақат ўқилади, фожиа эса, асосан, кўриш ва тинглашга асосланган. Саҳна асарининг жой ва вақт ичида чекланганлиги унинг тилида ҳам акс этади. Тўртинчидан, бу жамият аъзолари орасида, биринчи навбатда эса, адабий жамоатчилик ўртасида маълум адабий-лисоний-эстетик принципларнинг қанчалик қарор топганлиги, шароитнинг етилганлиги билан ҳам боғлиқ. Фараз қилайлик, агар Одил Ёқубов «Ўлуғбек хазинаси» романини чорак аср олгари ёзганида, унда тил воситаларининг қўлланилиши тарафидан бир қадар тушунмовчиликка, анча жиддий тўсиққа дуч келиш эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Бизнингча, лисоний имкониятга фақат адабий-тасвирий восита сифатидагина эмас, балки кенг миқёсда тил хусусияти тарафидан қараладиган бўлса, турли тиллар фақат ёш, қурилиш спецификаси жиҳатидан эмас, балки ўзининг лугавий воситалари, биринчи галда, архаизм, неологизм ва диалектизмларга муносабати ва улар билан боғлиқлик даражаси тарафдан ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан, бу нуқтаи назардан бир оилга мансуб ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, татар, уйғур, қорақалпоқ, усмонли турк тиллари ўртасида анча жиддий лисоний градация сезилади. Ёки турли қурилишга эга бўлган рус-ўзбек ва тожик-ўзбек тиллари ўртасида ҳам тафовутлар мавжудлиги табиий. Яхши ишлаб чиқилган ижтимоий-сиёсий терминологияси бўлмаган тилга чуқур фалсафий, тарихий, публицистик асарларни таржима қилиш амри маҳол бўлгани каби, бой архаик бисотга эга бўлмаган тилга тарихий мавзуда ёзилган йирик бадиий обидаларни ўгириш ҳам мушкулдир. Башарти, ўгирилган тақдирда ҳам, ўша таржимада замон нафаси, давр колоритини бериш жуда маҳол.

Тил бадиий асарнинг муҳим шакл кўрсаткичларидан бири ҳисобланиши юқорида айтилди. Таржимада ана шу бош омил ўзгаради, бир тил ўрнини бошқа тил эгаллайди, тил ўзгариши баробарида баъзан услубий силжиш ҳодисаси юз беради. Кўп ҳолларда таржимоннинг ўзи онгли равишда, кўра-била туриб бунга йўл қўяди, ундан **тадбир** сифатида фойдаланади. Бундай ҳолларда стилизация, яъни **услубий мослаштириш** ҳодисаси қалқиб чиқади. Мақсад таржима қилинаётган асар



Бундай эътироз жўяли. Чиндан ҳам, Ҳамлет отасининг арвоҳига юзланиб:

Эй илоҳий азизлар, нажот берингиз,  
Сен руҳи яздонмисан, ё зилли шайтон?—

деб мурожаат қиларкан, атиги икки мисрада арабча *яздон* ва *зилл* сўзлари келадики, бу бизнинг китобхонга ёки томошабинга тушунарли эмас. Нега *яздон* ўрнига *худо*, *зилл* ўрнига *соя* (ёки кўланка) сўзларини қўллаб бўлмас экан?

Бундай қараш тарафдорларининг эътирозига эътироз билан жавоб беришга тўғри келади. Шекспирни ўз замонасида ҳам барча баравар тушуна олмас эди. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, у ўз даври кишилари, замондошларининг наздида ҳам с и р л и эди. Нега энди уни ўз замондошлари тушунмай қийналишган экан-у, биз «тушунишимиз» керак? Йўқ, сирлилиқ ҳам санъат сирларидан биридир. Эҳтимол, санъат асаридаги барча нарсани ҳамма «тушунаверса», у санъат намунаси бўлмасди. Таржимада содда нарсани мураккаблаштириш қанчалик мантиқсиз уриниш бўлса, мураккаб нарсани соддалаштириш ҳам худди шундай беҳуда уриниш бўларди. Бас, Шекспирни XX аср даражасига «кўтариб», услубан қуйига «тушириш» ярамайди, балки ўз мавқеида сақлашга, ўз сирли санъати, «ғалати» тилида гапиртиришга интилиш айти табиийдир. Юқоридаги иккита калима масаласига келганда шуни айтиш керакки, ҳар бир сўз, жумла, ибора, таркиб, истилоҳ ва ҳоказолар мавзу, контекст, услуб, асарнинг умумий оҳанги, вазни ичида яшайди ва уларнинг ҳар бири ўз ўрнида в о ж и б д и р.

«Рамаяна»да услуб, ифода тарзи айти асар ёзилган адабий жанр, унинг яратилиш даври, дostonда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг табиатига мос бўлгани учун таржимада мавжуд нарсаларнинг барчаси т а б и и й, и ш о н а р л и, з а в қ - б а х ш.

Рус таржимони «Джанака был бездетен» (391) деса, ўзбек таржимони «Жонак тирноққа зор эди» (15) дейди; рус таржимони Вишвамитрани «знаменитый подвижник», «великий отшельник» иборалари билан таърифласа, ўзбекчада у *машҳури офоқ донишманд*, *зоҳиди замон* деб тавсифланади.

И зонт его круглый увидела Джанаки лева,  
И посох тройчатый висел на плече его слева (436).

Жонак дилбанди кўрди шамсия расои,  
Чап кифтида осиглиқ уч бўғимлик асои (56).

«Зонт» сўзини *шамсия расо* (тик офтоб, яъни тўғри ёрочга юмалоқ шаклда мато ўрнатиб ясалган соябон) деб ўғирни ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Дарвоқе, тилимизда ҳозир «зонт» бемаънол ишлатилади, жилла бўлмаганда *соябон* деб қўлланса ҳам бўларди, «шамсия расо» қаердан пайдо бўлди? Чамаси, бу иккинчи мисрадаги *асо* калимасига қофия қилиб тиркаш учун атайин тўқилган бўлса керак? деган мулоҳазалар туғилиши



мумкин. Йўқ, ундай эмас. Гап қаландар устида кетяпти. Зонт кўтариб юрган... қаландар ёки дарвешни ким кўрибди? «Рокша-салар сарвари», «авлиё», «қўлда қабза-ю кашкул»и билан у... «зонт» кўтарганида, бундай алфозни тасаввур этиш жуда кулгили ва ғайри табиий бўларди!

Таржимон услубий мослаштириш тадбирини қўллаганида, ўқувчи, дафъатан, ҳамма нарса тушунарли бўлавермайди. Лекин «Рамайна»да сирлилиқ коэффиценти меъёридан ошиб кетмаган, негаки, услублаштириш тақозоси билан киритилган ёки яратилган бундай истилоҳлар, иборалар умумий контекст ичида бемалол англашиларли. Ҳикоя қилинаётган воқеа оқими ёхуд асарнинг умумий контексти муҳотида маъно-мазмун тушунарли бўлмаган унсурларга эса китоб охирида мукамал изоҳлар берилган. Улардан ҳам топиб бўлмайдиганларини ўқувчи бошқа манбалардан қидиради. Шубҳасиз, санъат асари асл нусхасида нақадар сирли бўлса, у таржимадан ҳам шундай мураккаб чиқиши лозим. Зеро, мураккаб санъат асарларининг омма тушунадиган даражада соддалаштириб, жўнлаштириб қилинган таржималарини нормал таржима деб бўлмайди. Мураккаб ва мукамал таржима китобхоннинг фаол мутолаасига мўлжалланган бўлади.

Пародия деганда бирон ёзувчи ёки адабий асар услубига кулгили тақлид қилиш мақсадида тил воситаларидан ўзига хос тарзда фойдаланишни тушунилади. Маълумки, адабий асарда шакл мазмунга чамбарчас боғлиқдир. Улар ўртасидаги манتيкий алоқа, диалектик бирлик бузилса, шу заҳоти услубий номувофиқлик рўй беради.

Бундай қараганда, таржимада услубий мослаштириш ҳам тақлидга ўхшаб кетади, лекин бу тақлид эмас, балки моҳият эътибори билан монандликдир. Бу жиҳатдан ўрганилаётган масалага пародиянинг алоқаси йўқ. Аммо шуниси борки, нозик услубий мослаштиришга уриниш ҳам баъзан асарнинг тақлидنامо жаранглашига сабаб бўлади. Шунинг учун бу адабий ҳодиса (пародия)га тўхташга тўғри келади. Бунинг акси ўлароқ, асл нусханинг услубий ўзига хослигини акс эттира билмаслик ёки бундан қочиш таржимани бадийи ширадан, маънодорликдан маҳрум этиб, уни жўн бир нарсага айлантириб қўяди.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Хисрав билан Фарҳод ўртасидаги диалог, асарнинг умумий кўтаринки, тантанавор оҳангига мос равишда, юксак услубда баён қилинган. Уларнинг сўзлари ва «сиёсати»дан шоҳ қанчалик ўз салтанатига ишонса, буюк ошиқ Фарҳод ўз инсоний ғурури билан ундан устун келади. Агар бу диалог услубини шартли равишда бир идиш деб олинса-ю, унинг ичидаги шеърий элексири ўрнига оддий сув тўлдирилса, маъно бутунлай ўзгариб кетади: жиддий йўқолади, олижаноб ҳис-туйғулар, ғурур, ишонч, эътиқод ўрнини қандайдир эзмалик, бачканалик эгаллайди.



Муроджон Раҳмонов Хисрав-Фарҳод мунозарасидаги «ҳоким-тобе томонлар муносабати» формасидан ҳамда диалог ичидаги *гумроҳ, дарвеш, мажнунлик, касб рўзи, маст, истиғфор, нўши лаб, жафо, суд* (баҳра), *ўт* (оташ), *куймак, зиён, заҳр, қатл* сингари сўз ва бирикмалар ишорасидан фойдаланиб (эътибор қилинг: *ичмоқ-заҳри қотил-мастлик* (гумроҳлик) — *суд...*), «Ҳушёрхонада мунозара» деган пародия ёзган, унда не тахлит «милиционер савол айлагани», «Пиён полвон жавоб айлагани» баён этилади. Шу зайлда шоҳ билан ошиқ мунозараси милиционер билан кайфи тарақ бўлиб ҳушёрхонага тушган телба ўртасидаги савол-жавобни акс эттирувчи тергов протоколига айланади ва фавқулодда кулгили вазиятни келтириб чиқаради.

Қиёс қилинг:

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.

Пародияда:

Деди:— Қай чоғдин қўйдинг кайфга ҳавас?

Деди:— Эрмас эрди руҳ танга пайваст.

Яна:

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!

Деди: ишқида мақсудимга етгум.

Пародияда:

Деди:— Дам олишга ўн беш кун етар?

Деди:— Тенг ярмини қисқартса нетар?

Ва ҳоказо.

Мазкур дostonнинг русча ва қирғизча таржималарини ўқиганда, Лев Пеньковский билан Смар Шимеевлар бутун асар давомида кузатилгани сингари, Хисрав-Фарҳод диалогини қайта тиклашда ҳам ўзларининг маҳоратларини ишга солганлари яққол кўзга ташланади. Булар имкон доирасидаги жуда яхши таржималар. Мазмун тўқис, аниқ, пухта. Лекин услуб «у» эмас. Дostonнинг шу қисмида тасвирланажак воқеаларнинг насрий баёни мундарижасини Алишер Навоий шундай баён қилади: «Фарҳодни ул хайлнинг Хисрав қошига еткургонн ва Хисрав анинг бошидин аёғигача салосил ва алғол ҳукми сургони ва бузург Умид ҳикмат била бандларға муқайяд девона димоғига ҳуш кетургони ва Хисрав ҳужжат юзидин анга сўз қотқони ва Хисравнинг саволоти шишларин жавоблари хоролари била ушотқони ва анинг бу навъ қаттиқ сўзлари санг боронидин Хисравнинг кўнглидоғи саволлари шишасидек синиб анинг қатлига жозим бўлғони ва ул муҳлик сўзлари ҳимояти била қатлдин қутулғони». Ички сажлар туфайли ҳосил қилинган муболағадор ажойиб мусиқий жарангос, тантанавор услуб протокол тарзидаги қисқа формада қуйидагича ағдарилган: «Фарҳад в цепях. Допрос. Приговор. Речь Фархада. Заступничество

Бузург-Умида. Заточение Фархада в темницу Селасиль»<sup>1</sup>. Бунда «Фарҳод», «темница», «Селасиль» сўзларини демаса, услубан воқеа қарорларидир шу кунларда содир бўлгандир, деб ўйлайди ўқувчи. Гапни асл нусхада қандай берилган бўлса, айнан ўшандайлигича, сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Умуман, ҳижжалаб ўғириш соғлом бадий-эстетик таржимаининг руҳи ва талабига зид. Бинобарин, таржима жараёнида гапнинг қурилиши маълум даражада, баъзан бутунлай ўзгаради. Таржимада сўзларнинг ўрни асл нусхага нисбатан олиб қараганда айрим ҳолларда батамом алмашиб кетиши мумкин. Айрим тил унсурлари таржимада ўз ўрнини топмайди, яъни умуман берилмай қолади, баъзи бир лексик-грамматик унсурлар қўшилади ёки ўзгаради.

Булар барчаси, агар таржима қилинаётган асарнинг мазмуни, руҳи, услубига зарар етказмайдиган бўлса, таржима учун нормал ҳол ҳисобланади. Таржимада фикрнинг қобиғи эмас, маъни, шакли эмас, мазмуни, сўзлар тизмаси эмас, бадий-эстетик борлиғи акс эттирилади.

**Синтаксис ва таржима** Таржимада асарнинг шакл хусусиятлари аҳамиятсиз, уларни эътиборсиз қолдирса ҳам бўлавераркан, деб ўйлаш хато. Дуруст таржимада асл нусханинг формал мантиқий-грамматик кўрсаткичлари, сўз бирикмаларининг категориал белгилари, тур, тус, майл, жинс кўрсаткичлари эмас, балки улар воситасида ифодаланган фикр, маъно етакчилик қилади. Зеро бунда муайян сўз туркумларини ёки гап бўлаклари тамомил аўлақ грамматик унсурлар, категориялар билан ифодаланиши ҳам мумкин. Аммо бу айтилганлардан асл нусхадаги гапнинг мазмуни таржима учун ҳам муҳим экан, ана шу мазмун қай тарзда, қандай йўсинда ифодаланиши муҳим эмас, деган тезисни мутлақо илгари суриб бўлмайди. Чунки муайян грамматик шакл ифодаланаётган маълум бадий-эстетик мазмуннинг либоси экан, таржимада бундан назардан соқит қилиш мумкин эмас.

Рус тилида «мать» сўзи «мама», «мамаша», «маманя», «мамуля», «мамочка» ва ҳоказо шаклларда истифода этиларкан, ўзбек тилида уларнинг ҳаммасини, фарқлаб ўтирмай, сидирғасига *она* деб ўғиравериш тўғри бўлмайди. Чунки бизда ҳам, ўрнига қараб, *она, ойи, волида, онажон, онагинам, онажонгинам* деб мурожаат этадилар. Шунингдек, *ота* сўзини ҳам *падар бузрук, падари бузруквор, қиблагоҳ* ва ҳоказо қабилда ишлатадилар. Таржимада энг майда грамматик унсурнинг ҳам (-гина, -кина, -вачча, -жон, -хон, -вой, -ой...) маъно жилваларини албатта ҳисобга олиниши лозим.

Гапни олайлик. Асл нусхада у ёйиқ гапми ёки йиғиқ гапми, содда гапми ёки қўшма гапми, дарак, сўроқ ёки ундов гапми — буларнинг ҳаммаси, яъни умуман грамматик шакл шу гаплар воситасида баён қилинаётган мазмун ёинки ифода этилаётган.

<sup>1</sup> Алишер Навоӣ. Соч. в десяти томах, т. IV, Ташкент, 1968, с. 261.

фикр билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Гап қурилиши асл нусхага нисбатан маълум даражада мувофиқ грамматик таркиб билан бериладими, ё бўлмаса унинг синтактик қурилмасини синдириб, парчалаб юбориладими — асл нусха услубининг нечоғли тўғри акс эттирилиши шунга ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Буни ҳеч қачон шаклбозлик, формализм билан қориштирмаслик керак. Асарнинг барча лексик-грамматик шаклий аломатларини оқизмай-томизмай кўчиришни талаб қилиш, шубҳасиз, формализмга олиб келади ва бу реалистик таржима принципига, унинг руҳига бус-бутун ёт. Лекин ана шу шакл хусусиятларни замирида ўз ифодасини топган услуб нафосати, манзаранинг яхлитлиги ва баён қилинаётган фикрнинг салмоғини бериш таржиманинг асосий вазифаларидан биридир.

Таржимада ўзга тилнинг синтактик чизмасидан нусха кўчирилмайди. Айни вақтда бадий тасвир услубининг асосий воситаларидан бири асл нуханинг синтактик қурилмасида ўз ифодасини топади. Бу хусусиятни акс эттирмай туриб, муаллиф услубини бериб бўлмайди. Бундан ташқари, бадий тасвирга хос белгилардан — маром (ритм), такрор, сўз тартиби, инверсия, мантиқий урғу, сажъ ва ҳоказолар ҳам асл нусха услуби билан чамбарчас боғлиқдир. Буларни таржимада четлаб ўтиш оригиналнинг бадий таъсир қувватини сезиларли даражада сусайтиради.

«Таржимоннинг яхши илғаб олиш қобилияти ёзувчининг овозини эшитишга қодир,— деб ёзади проф. М. Морозов.— Горькийнинг ўз овози бор, Чеховнинг ҳам ўз овози бор. Горькийнинг ҳар бир қаҳрамони ҳам, Чеховнинг ҳар бир қаҳрамони ҳам ўз овозига эга. Совет таржимони С. Я. Маршак таржимонни ҳар хил овозларни илғайдиган антеннага ўхшатади»<sup>1</sup>.

XIX асрда Чарльз Диккенс асарларини рус тилига ўгирган таржимонлар бу ёзувчининг асарларига хос бўлган такрорларни кўпинча оқибатсиз қолдирганлар. К. И. Чуковский бундай такрорлар ёзувчининг услуби учун жуда муҳим, уларни таржимада бермаслик эса Диккенс услубига хиёнат қилиш билан барабар, деб қарайди<sup>2</sup>.

Проф. А. В. Фёдоров Чарльз Диккенс ижодини рус тилига ўгирган олдинги таржимонлар нима учун инглиз ёзувчисининг услубига хос бундай хусусият — таъкидланаётган, бош маъно ифода этувчи сўз — образларни қиёс этиш ва бир-бирига зид қўйиш усулини ўз таржималарида акс эттирмадилар? Улар бу хусусиятни таржимада бериш номатлуб деб ҳисоблашганми? деган саволга жавоб бериб, бу инглиз ва рус тилларида такрорланаётган ўша сўзларнинг муқобиллари ритм жиҳатдан бир-биридан жиддий фарқ қилганлиги туфайли содир бўлган деб ҳисоблайди ва сўзларнинг узун-қисқалигини важ қилиб кўрса-

<sup>1</sup> М. М. Морозов. Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. М., 1956, с. 36.

<sup>2</sup> К. Чуковский. Высокое искусство. М., 1964, с. 157—158.

тади. Масалан: инглиз тилида *pew, was, were, years, time* сўзлари бир бўғинли бўлгани ҳолда, рус тилида «новый», «новое», «были», «годы», «время» — икки, баъзан уч бўғинлидир. Бу эса гапнинг чўзилишига, ибораларнинг чайналишига, асл нусхадаги ихчам табиий антитеза ёки қиёснинг таржимада бесўнақай катта гапга айланиб кетиб, таъсирнинг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Ана шуни ҳисобга олган таржимонлар С. П. Бобров ва М. П. Богословская Ч. Диккенснинг «Икки шаҳар қиссаси» асарини янгидан рус тилига ўгиришда умуман муаллиф услубига хос такрорлаш принципини сақлаганлари ҳолда, оригиналда такрор ишлатилган барча сўзларни айнан ўзидай қайтариб ўтирмадилар ва бу билан матнга шаклий мувофиқликдан қочиб, бадий муқобиллик ҳосил қилишга эришадилар.

Шундай қилиб, проф. А. В. Фёдоровнинг фикрича, насрий асарларни ўгиришда таржимон маромни акс эттириш муаммосига тез-тез дуч келиб туради. Бироқ ҳар бир ёзувчининг асарида акс этган бундай хусусият ўша тилнинг лексик-фонетик, грамматик-структурал воситаларига асосланган бўладики, таржима жараёнида буларни кўр-кўрона кўчиравериш ярамайди. Таржимада ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услубини бошқа тилнинг имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта яратиш даркор<sup>1</sup>.

Совет адабиётининг атоқли намоёндаси, истеъдодли таржимон Мухтор Аvezов насрий таржимада муаллиф услубини бериш ва асл нусханинг маромий (ритмикавий) хусусиятларини акс эттиришга алоҳида эътиборни қаратган эди. Насрий асарни ўгирганда маром, наср тўлқинини жумлама-жумла эмас, балки услубга қараб акс эттирмоқ лозим, деб ҳисоблайди у. Асарнинг ҳиссий маъносини, юксак бадий мақомини илғаб олмоқ керак. Насрий асарни таржима қилишда асл нусханинг синтаксисини акс эттириш орқали юксак нутқ маданияти намуналарини яратишга ҳаракат қилиш зарур.

И. С. Тургеневнинг тили енгил, жозибадор тил, лекин унда ҳам яхлит тасвир намуналари, мураккаб гаплар хийлагина учрайди. Л. Н. Толстойнинг гаплари эса яна ҳам мураккаброқ. Бир замонлар туркий халқларнинг тараққиёт даражаси тақозоси билан Тургенев, Толстой асарларидаги яхлит тасвир намуналари, мураккаб гаплар, катта-катта синтактик қурилмаларни парчалаб, бурдалаб берилган. Лекин эндиликда бундай аҳволдан тамомила воз кечмоқ керак.

Мухтор Аvezов ўз даъвосини ажойиб бир тарзда далиллаган эди. Л. Н. Толстойнинг катта, мураккаб гаплари ўз даврида чаласавод рус деҳқонига тушунарли эдими? Йўқ, бинобарин, таржимада ҳам «тушунарлилиқ»ни дастак қилиб олиш ярамайди. Турган гапки, Н. В. Гоголнинг катта, мураккаб гапларини

<sup>1</sup> Қаранг. А. В. Федоров. Основы общей теории перевода (лингвистический очерк). М., 1968, с. 337 — 340.

айнан ўзидай бераман деб ҳеч кимга тушунарли бўлмаган «Бесўнақай лисоний жимжимадорликни бино қилишнинг ҳожати йўқ: ҳамма нарса қозоқ, ўзбек ва қирғиз китобхонларига табиий равишда бориб етадиган бўлсин. Лекин янги маданият яратиш маъносида биз насрий таржимада янги, мақбул йўл қидириб топишимиз лозим, акс ҳолда Гоголь — Гоголь бўлмайди, Толстой — Толстой бўлмайди, Тургенев — Тургенев бўлмайди, Шолохов — Шолохов бўлмайди. Пушкин, Тургенев, Шолохов ўрнига биз китобхонга таржимоннинг услубини тақдир этган бўламиз»<sup>1</sup>.

Аслида, жумланинг синтактик тасвир бутунлигини акс эттириш жуда қалтис иш, негаки, эҳтиёт бўлинмаса, гапнинг шаклига маҳлиё бўлиб, унинг мазмунига путур етказиб қўйиш мумкин. Бунинг устига, рус ва ўзбек тиллари ўз грамматик қурилиши эътибори билан тубдан фарқ қилади. Гап ичида сўзлар, иборалар, бирикмалар тартиби, ўрни бир-бирига айнан мос келиш ҳоллари жуда камдан-кам учрайди. Шу сабабдан таржимада гапнинг синтактик қурилишига унчалик риоя қилинмайди, катта гапларни бир неча бўлақларга ажратиб юборилаверади. Таржима амалиётида бу одатий бир нарсага айланиб қолган. Бироқ, юқорида қайд этилганидай, гапнинг тарчаланиши маънога таъсир этмай қолмайди, фикр яхлитлигини, тасвир бутунлигини, оҳанг салмоқдорлигига маълум даражада шикаст етати. Бу хавфни ҳисобга олган тажрибакор ўзбек таржимонлари илҳом борида синтактик тарзининг бутунлигини ва жўламдорлигини сақлашга ҳаракат қиладилар.

Қодир Мирмуҳаммедов «Декамерон» таржимасида жумла тузилиши тароватини маънога ҳалал етказмаслик шарти билан ифодалашнинг жуда яхши намуналарини берган. Қуйида бир мисол келтирамиз.

«Однако по воле того, кто, будучи сам бесконечен, установил незыблемый закон, согласно которому всё существующее на свете долженствует иметь конец, пламенная любовь моя, которую не в силах были угасить или хотя бы утишить ни моё стремление побороть её, ни дружеские увещания, ни боязнь позора, ни грозившая мне опасность, с течением времени сама собой сошла на нет, и теперь в душе моей осталось от неё лишь то блаженное чувство, какое она обыкновенно вызывает у людей, особенно далеко не заплывающих в бездне её вод, и насколько мучительной была она для меня прежде, настолько же ныне, когда боль прошла, воспоминания о ней мне отрадны!»<sup>2</sup>.

Таржимаси:

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Материалы регионального совещания по переводу литературы с русского языка на языки народов Средней Азии, Казахстана и Азербайджана (15—18 января 1958 г.)». Алма-Ата, 1960, с. 362—363.

<sup>2</sup> Джованни Боккаччо. Декамерон. Пер. Н. Любимова. М., 1970, с. 29.

«Бироқ ўзи боқий бўла туриб, жаҳондаги жамики мавжудотнинг омонат эканлиги ҳақида амр қилган эгамнинг продаси билан, менинг оташ муҳаббатим,— қайсики, на уни маҳв этишга бўлган интилишим, на дўстларимнинг ўғитлари, на бадномликдан қўрқиш туйғуси, на менга таҳдид қилиб турган хавф-хатарлар сўндира олган, ҳеч бўлмаса, алангасини пасайтиришга ҳам қурбон етмаган оташ муҳаббатим, — вақт ўтиши билан ўз-ўзидан сўниб ғойиб бўла бошлади ва эндиликда вужудимда у нарсадан шундай бир девонаваш ҳиссиёт қолдики, одатда бундай ҳиссиёт муҳаббат гирдобининг теран ерларига шўнғимайдиган одамларда вужудга келади, бинобарин, бу муҳаббат жафоси авваллари қанчалик изтиробли бўлган бўлса, эндиликда унинг фақат аламли асорати қолгандан кейин, у ҳақда хотирлаш мен учун шунчалик қувончли бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Русча аслидаги 101 та сўздан таркиб топган бир яхлит гап ўзбек тилида 105 та сўздан тузилган шундай гап билан жуда моҳирона ағдарилган. Масала сўзларнинг миқдориди эмас, балки фикрнинг яхлитлиги, мазмуннинг теранлиги табиий равишда жаранглаётганидир. «...По воле того, кто, будучи сам» жумласида «того», «кто», «сам» олмошларини шу тарзда олмош билан сираям бериб бўлмайди, шунинг учун таржимон олмошни конкретлаштирган, «атаган»: *эгам*. Русча-ўзбекча бир томликда «бесконечный» — *бениҳоя, чексиз, ҳадсиз, охири йўқ, битмас-туганмас, узундан-узоқ* сўзлари билан берилган. Аммо «эгам»га нисбатан бу ўринда луғат тавсия этган сўзлар мувофиқ келмайди. Тўғрироғи, муаллиф муддаосини ўша сўзлардан биронтасидан фойдаланиб ифодаласа ҳам бўлади. Бироқ таржиманинг ўз мантиқи, таржимоннинг ўз талаби бор. Маънога қараб бу «абдий, доимий, мангу» тушунчаларини ифодаловчи *боқий* сўзи билан, «конец» (охир, интиҳо) эса *омонат* деб ўғирилган.

Одатда, унчалик муҳим деб топилмайдиган кириш сўзлар, қўшимчалар, юклама ва ундовлар ҳамда шу каби ёрдамчи луғавий унсурлар таржимада ё оқибатсиз қолдирилади, ё бўлмаса муайян доимий муқобиллари билан алмаштирилади. Қодир Мирмуҳаммедов бу масалада ҳам таржиманинг янги-янги имкониятларини очди, ҳозиргача истифода этилмайдиган аллақанча луғавий бойликларни ишга солди, «эскирган» деб тамға босилган сўз, ибора ва таркибларга янги ҳаёт бағишлади. Масалан: «но» — *илло*, «так как» (30) — *азбаски* (8), «милый» (116) — *тасаддуқ, ўргилай* (96), «как скоро» (567) — *алқисса* (573) ва ҳоказо. Булардан ташқари, «неблагодарность» — *кўр-намаклик*, «причуды» — *хурмача қилиқ*, «как известно» (30) — *маълумингизки* (9) тарзида яхши ағдарилган.

— «Всякое дело, милейшие дамы, какое только не замыслит человек, должно совершать во имя того, кто положил начало

<sup>1</sup> Жованни Боккаччо. Декамерон. Қ. Мирмуҳаммедов таржимаси. Тошкент, 1978, 8-бет.

всему сущему, имя же его чудотворно и свято. Вот почему и я, раз уж мне выпал жребий открыть наши собеседования, намерен поведать вам одно из поразительных деяний, дабы, мы, услышав о таковом, положились на него, как нечто незыблемое, и вечно славили его имя» (50).

— «Дилнавоз хонимлар, одамзод тахайюл қилган ҳар қандай иш, жамики мавжудотнинг ибтидосини бунёд этган парвардигор йўлида бажарилмоғи лозим. Зеро унинг номи пуркаромат ва муқаддасдир. Мана шу боисдан, баски, мусоҳабамизни очиш менинг зиммамга тушган экан, мен ҳам эгамнинг ғоят ҳайратангиз ишларидан бирини баён этмоқчиманки, сиз уни тинглаб, унинг устуворлигига астойдил ишонинг ва тоабад унинг номига ҳамду сано ўқинг» (28).

Эътибор қилинг:

милейшие дамы  
замыслил  
человек  
того  
начало  
сущему  
чудотворно  
свято  
вот почему  
раз уж  
мне выпал  
собеседования  
поведать  
поразительных  
деяния  
положились на него  
незыблемое  
вечно  
славили

дилнавоз хонимлар,  
тахайюл қилган,  
одамзод,  
парвардигор,  
ибтидо,  
мавжудотнинг,  
пуркаромат,  
муқаддас,  
шу боисдан,  
баски,  
менинг зиммамга тушган,  
мусоҳабамиз,  
баён этмоқчиман,  
ҳайратангиз,  
ишлари,  
астойдил ишонинг,  
устуворлигига,  
тоабад,  
ҳамду сано ўқинг.

Келтирилган матн луғатига бошдан-оёқ услубий «бўёқ» берилган. Таржимоннинг билими кенг, луғат бойлиги катта эканлиги кўриниб турибди.

Товламачи, бузуқ жувон «Фьордализе» хонимнинг хизматкори рус тилида «служанка» дейилса, буни Қ. Мирмуҳаммедов *канизак* деб олган; «знатная дама» (111) — *нажиба хоним* (91), «сударыня» (112) — *ойимтилла* (92), *хоним афанди* (93) деб ўғирилган. Таржимон ҳар бир сўзни ўз ўрнига қараб қўллайди. Масалан, Андреуччо нотаниш қизга бузуқ ният билан қарар экан, у «ойимтилла», шубҳали «опаси» сифатида мурожаат қиларкан, сипороқ муомалага ўтади, энди у «хоним афанди»га айланади (рус тилида ҳар икки ҳолда ҳам айни «сударыня» сўзн келган).

Мутаржим ҳар бир сўз, тафсилот, детални иложи борица акс эттиришга ҳаракат қилади, лекин шу билан баробар, иложи



борича ҳижжалаб ўғиришдан қочади. У таржимада мисоли шундай принципга амал қиладики, «сўзин — сўз билан» эмас, балки «маънони — маъно билан» қоплайди. Маъно сўздан ташқарида ёки сўз маънодан хорижда бўлмайди. Бовужуд, турли тилларда айни бир тушунчани бошқа-бошқа сўз билан ифода-лаш ёки айни бир сўз бошқа-бошқа маъноларни бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари, айни бир ҳодиса турли халқларда ҳар хил талқин этилиши ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бу ҳар бир халқнинг моддий ҳамда маънавий турмуш шароитларига боғлиқ.

Хуллас, Қ. Мирмуҳаммедов ҳижжалаб таржима қилишга қарши бўлгани ҳолда, ҳар гал услубан, баён тарзи йўриғидан «худди шундай ҳолатда ўзбеклар қандай гапирган бўлардилар?» деган мулоҳаза билан иш кўради.

Тўққизинчи куннинг тўққизинчи ҳикоятидан бир мисол: «Я гость, мне не пристало прекословить хозяину» (575). Бу: мен меҳмонман, хўжайин билан ади-бади айтишиш менга чикора, дегани. Таржимон эса фақат жумлага, абзацга, саҳифа ёки бутун новеллага ҳам эмас, яхлит асар контекстига қараб иш кўради. Қимда-ким бирон абзац ёки жумлани алоҳида ажратиб олган ҳолда, ундан асл нусхага нисбатан номувофиқликлар топса, шу асосда таржимонни койиб бўлмайди. Таржимон бошда қатъий принцип, йўл, тадбир танладими, бу нарсасарнинг охиригача изчил давом этади, ҳар галги ҳар бир хусусий масала ўша умумий андозада ҳал этилади.

Юқорида келтирилган мисол таржимада мана бундай кўри-нишга эга: «Мен — меҳмонман, мезбоннинг раъйига юришим шарт» (570). Дастлабки икки сўздан ташқари, қолган тўртта калима русча таржимага ҳам, унинг юқоридаги дастлабки ўзбекча талқинига ҳам айнан тўғри келмайди. Хонадон соҳибини бизда меҳмонга нисбатан қараганда мезбон дейдилар, бас, русча «хозяин» сўзини ўзимиздаги тайёргина хўжайин билан алмаштириб қўя қолиш билан таржима бўлмайди.

«Дескамерон» таржимаси тилининг бойлиги, луғатининг ранг-баранглиги, услуби латифлигини унда ҳар бир ҳикоя бошида келадиган гўзал хонимларга мурожаат формаларидан ҳам билса бўлади (XI—128, 129).

Ўзбек тилида маҳбубаларга нисбатан қўлланилган сифатларни бир кўздан кечирайлик: *дилрабо* (1), *дилнавоз* (2), *муҳтарама* (3), *шойиста* (4), *азиз* (5), *дилкаш* (6), *дилором* (7), *латофатли* (8), *эъозли* (9), *латифа* (10), *малоҳатли* (11), *соҳибжамол* (12), *дилбар* (13), *мафтункор* (14), *навниҳол* (15), *жозибадор* (16), *дилрабо* (17), *пушшафқат* (18), *хушфеъл* (19), *фусункор* (20), *пурлатофат* (21), *лобар* (22), *илтифотли* (23), *лазиза* (24), *бебаҳо* (25), *машҳура* (26), *марҳаматли* (27), *нажиба* (28), *оқила* (29), *соҳибилтифот* (30), *меҳрибон* (31), *раҳмдил* (32), *хуштабиат* (33). Гўзалларнинг таърифини ифода-ловчи ўттиздан ортиқ сифат! Мана шу луғавий-услубий омилнинг ўзинёқ тилимизнинг олам-жаҳон луғавий-услубий потенци-

алга эга эканлигини, умуман, «Декамерон» таржимаси ўзбек тилининг бошқа ҳар қандай етук адабий тил билан таржима майдонида «беллаша» олишга қодир эканини яққол кўрсатади.

Ёзувчининг образлар олами, фалсафий мушоҳадалари, ўзига хос такрорланмас, беназир услуби, мураккаб, яхлит, фасиҳ, синтактик манзараларини чуқур ҳис этмаган таржимон эса ифодавий ланжлик, мантиқий мубҳамликни келтириб чиқариши ҳеч гапмас. Масалан, машҳур француз романтик шоири, романнавис Альфред Мюссе (1810—1857) қаламига мансуб «Дил изҳори» асарида муҳаббат тасвири, унинг сеҳр-каромати қуйидагича таърифланади:

«Жить, да ощущать сильно, глубоко, что ты существуешь, что ты человек, созданный богом,— вот первое и главное благодеяние любви. Любовь — неизъяснимое таинство, в этом нет сомнения. Несмотря на тяжёлые цепи, несмотря на пошлость, я бы сказал даже — несмотря на всю мерзость, которой окружают её, несмотря на целую гору извращающих и искажающих её предрассудков, под которой она погребена, несмотря на всю грязь, которой её обливают,— любовь стойкая и роковая любовь всё же является божественным законом, столь же могущественным, и столь же непостижимым, как тот закон, который заставляет солнце сиять в небе. Скажите мне, что такое эти узы, которые крепче, прочнее железа и которые нельзя ни видеть, ни осязать? Чем объясните, что вы встречаете женщину, смотрите на неё, говорите ей два слова и уже никогда больше не можете её забыть? Почему именно её, а не другую? Сошлитесь на рассудок, привычку, чувственность, на ум, на сердце и объясните, если сможете. Вы увидите лишь два тела, одно здесь, другое там, и между ними... Что же? Воздух, пространство, бесконечность? О глупцы, считающие себя людьми и осмеливающиеся рассуждать о любви! Разве вы видели её, что можете говорить о ней? Нет, вы только ощущали её. Вы обменялись взглядом с неизвестным вам существом, проходившим мимо, и вдруг от вас отлетело нечто, не имеющее названия. Вы пустили корни в землю, как зерно, которое пряталось в траве и вдруг почувствовало, что жизнь проснулась в нём и скоро оно созреет для жатвы» (121).

Таржима билан танишайлик.

«Яшаётганлигини, тириклигини, худо яратган бир инсонлигини кучли, чуқур ҳис этиб турасан — муҳаббатнинг дастлабки ва асосий хосиятларидан бу. Муҳаббат — тасвишлаб бўлмайдиган бир сир, бунга шубҳа йўқ. Оғир занжири бор, фисқу фужурли, ҳатто айтиш мумкинки, тубанлик деб ҳисобласалар ҳамки, ҳар қанча бузуқ қилиб, нотўғри тасвишлаб кўрсатадиган таассубларга уни кўмиб қўйишган бўлса ҳамки, унга улоқтириб туриладиган не-не ифлосликларга қарамай, муҳаббат, доимий ва қалтис ишқ илоҳий бир қонундирки, шунчалик қодир, шунчалик ақл бовар қилмайдиган бир кучки, кучи қуёшни осмонда порлатадиган қувватга тенг.

Темирдан қаттиқроқ, мустаҳкамроқ, кўринмайдиган, ушлаб

қараб бўлмайдиган, бу қанақа ип ўзи? Бир аёлга дуч келасиз, унга қарайсиз, у билан икки оғизгина гаплашасиз, шундан кейин уни эсдан чиқара олмайсиз. Нима бу? Нега ўша бир аёлнигина, бошқаларни эмас? Фаросатингизни, одатингизни, ақлингизни, қалбингизни ишга солинг, тушунтиринг-чи, қўлингиздан келармикин. Сиз фақат икки танин кўрасиз, бири шу ерда, бошқаси у ерда, улар орасида... Нима бу? Кенг масофами, бениҳоялиқми? Ўзини одам ҳисоблаб юрган ва муҳаббат тўғрисида мулоҳаза юритадиган тентаклар! Кўргаимисиз уни, кўрмай туриб, унинг тўғрисида нима дея олар эдингиз? Кўрмадингиз, ҳис этдингиз, холос. Ёнингиздан ўтиб кетаётган нотаниш бир мавжудот билан кўзларингиз тўқнашди, ўз номига эга бўлмаган алланарса тўсатдан вужудингиздан отилди. Ўтлар орасида ётган бир дондек илдиз отдингиз, унда ҳаёт уйғонгандек бўлди, тезда ҳосил ҳам етишади» (168—169).

Жилвакор тасвир-у, қитиқдор тавсиф, нозик-нафис маъно-ю, маъсуи фикр... бари-бариси Альфред Мюссенинг ихтиёрида қолиб кетган, таржимага ҳатто юқмаган ҳам. Тўғри, сўзларнинг соялари бор, аммо ўзлари йўқ; жумлаларнинг қолипи бор, лекин аслига монанд шаклу шамойили йўқ; таржимон «бир нима» демоқчи, бироқ ўша «индалло» кўринмайди...

«Несмотря на тяжёлые цепи», «несмотря на пошлость», «несмотря на всю мерзость», «несмотря не целую гору», «несмотря на всю грязь»; «столь же могущественный», «столь же непостижимый», «ни видеть», «ни осязать»... Булар барчаси шунчаки гапни «жимжимадор» қилиш учунгина эмас, балки фикрни таъкидлаш, ўймакорларча тасвирлаш мақсадларига хизмат қилган. Таржимада қани улар?

Шаклий гўзалликни ҳам қўя туриб, мазмунга кўчайлик. «Говорите ей два слова» — «у билан икки оғизгина гаплашасиз». Аммо бундай вазиятда «гаплашилмайди», балки «луқма ташланади». «О глупцы, считающие себя людьми и осмеливающиеся рассуждать о любви!» — «Ўзини одам ҳисоблаб юрган ва муҳаббат тўғрисида мулоҳаза юритадиган тентаклар!» Пичинг, истеҳзо, ёқа ушлаб тонг қолиш ҳолатини келтириб чиқарадиган оҳанг қаёққа кетди? Наҳотки таржима — «сураткашликдан» иборат касбга айланган бўлса? «Ё жаббор: ўзларини киройи одам ҳисоблаб, ишқ-муҳаббатдан лоф урадиган нодонлар!» деса бўлмайdimи?

Охирги гапни олайлик. «Вы пустили корни в землю, как зерно, которое пряталось в траве и вдруг почувствовало, что жизнь проснулась в нём и скоро оно созреет для жатвы». «Ўтлар орасида ётган бир дондек илдиз отдингиз, унда ҳаёт уйғонгандек бўлди, тезда ҳосил ҳам етишади». Жуда жўн таржима. Русча асл нусхада асосий объектлар «земля» (замин), «зерно» (дон), «трава» (ўт) бўлиб, уларнинг хосса ва ҳаракатларини ифодалайдиган олмошлар грамматик род (жинс) йўли билан: которое — зерно, зерно — пряталось, почувствовало — зерно, жизнь — проснулась, в нём — в зерне, оно — зерно тар-

зида қовушиб, бирикиб, мослашиб кетаверади. Бинобарин, «ўтлар орасида ётган бир дондек илдиз отдингиз» эмас, балки «новданинг пушти камарида яширинган дондек илдиз отдингиз» бўлиши керак.

Хуллас, Альфред Мюссенинг бу таржимада илдиз отмасдан қуриган севги тавсифи Навоний, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Ойбеклар қалами билан бунёд этилган абадий сўнмас, оташин ишқ-муҳаббат лавҳаларига замин бўлган ўзбек тилининг пурмаъно мўъжизакор бадий-тасвирий бўёқларига сира ҳам муносиб таъриф эмас. Чунки туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида, ўтмишда ва ҳозирда, атоқли ғарб сўз усталарининг ўзларини ҳам лол қолдирадиган севги афсоналари яратилганки, сўзни Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини французчага мароқ билан таржима қилган Луи Арагондан эшитайлик:

«Вийон, Гюго ва Бодлерлар маскани бўлган Парижда, қироллар ва революционерлар маскани бўлган Парижда, ҳар бир тоши бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берадиган кўп асрли рассомлар маскани Парижда, бошидан кўп савдоларни кечирган, кўп нарсани кўрган ва билган шу Парижда, «Жамила»-ни ўқидим-у, ногоҳон, «Вертер» ҳам, «Вероника» ҳам, «Антоний ва Клеопатра» ҳам, «Манон Леско» ҳам, «Севги тарбияси» ҳам, «Доминика» ҳам — ҳамма-ҳаммаси кўзимга илинмай қолди. Ромео ва Жульетта ҳам, Паоло ва Франческа ҳам, Эрнани ва донья Соль ҳам кўзимга илинмай қолди, чунки мен жаҳонда энг гўзал севги қиссаси «Жамила»ни ўқиган эдим»<sup>1</sup>.

**Услубий мослаштиришда семантика, синонимия, идиоматика ва терминология**

Синоним сўзлардан фойдаланиш оригинал бадий асар яратишда қанчалик муҳим бўлса, бадий таржимада бу омил яна ҳам катта аҳамиятга эга. М. Ю. Лермонтовнинг «Бэла» асаридаги мана бу

мисол ва унинг таржимасига диққат қилинг: «Бэла начала печалиться о том, что она не христианка, и что на том свете душа её никогда не встретится с душою Григория Александровича, и что иная женщина будет в раю его подругой»<sup>2</sup>. Маълумки, мусулмон динида ривоят қилинишича, эр билан хотин вафот қилганларидан кейин уларнинг танаси ерда чириб кетади-ю, аммо руҳи арши аълога учади. Ниҳоят, жаннатга кирганида, эрнинг руҳи кўз очиб кўрган хотинининг руҳи билан бирга учрашади. Бэла ўлими олдидан ана шу ривоятни эслаб хўрсинади, у христиан динига мансуб кишига турмушга чиққани учун севган эри билан ўзининг руҳи нариги дунёда учрашмаслигидан изтироб чекади. Демак, бу парчани ўзбекчалаштирувчи кишидан диний архаик сўзлардан яхши хабардор бўлиш, сўзларнинг

<sup>1</sup> Луи Арагон. Самая прекрасная повесть о любви в мире. Журн. «Культура и жизнь», 1959, № 7, с. 13.—Таржима манбаи: Асил Рашидов, Сўнмас юлдузлар. Тошкент, 1981, 196-бет.

<sup>2</sup> М. Ю. Лермонтов. Бэла. М., 1948. с. 47.

турли синонимларини билиш талаб этилади. Масалан, текстда ишлатилган *подруга* сўзини *дугона* деб бериб бўлмайди, чунки ўзбекларда фақат хотин-қизларгина бир-бирлари билан дугона бўлишлари мумкин. *Дўст, ўртоқ, ҳамшира* сўзлари ҳам тўғри келмайди. Таржимон «сирдош дўст, ҳамдам» маъноларини ифодалайдиган *махрам* сўзини топган (НАЛ, 386—387; УТИЛ, I, 458). Ҳамонки, М. Ю. Лермонтовнинг асарида умрининг охиригача мусулмон динида қолган Бэланинг образи тасвирланиб, мусулмон динининг ривоятларидан бири ҳақида гап борар экан, таржимон, табиий, диний лексикондаги сўзлардан фойдаланишга ҳақли. «Ўзининг Исо уммати эмаслигига афсус еб, у дунёда руҳим Григорий Александрович руҳи билан ҳеч вақт топишмайди, жаннатда унинг маҳрами бўлак хотин бўлади деб қайгура бошлади»<sup>1</sup>.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида бир образ тилидан Швабрин ҳақида гап борар экан, «...Он и в господа бога не верует» деган сўзларга дуч келасиз. Рус тилида инкор формасидаги *не верить* феълига ўзбек тилида айнан шундай инкор маъносидаги бир нечта сўзларни келтириш мумкин: *ишонмайди, иқрор эмас, тан олмайди* ва ҳоказо. Аммо бизда бу сўзнинг инкор маъносидаги, аммо тасдиқ формасида келувчи, аини контекстга жуда мос *мункир* деган синоними ҳам бор: «... У худога ҳам мункир».

Айни бир синоним турли услубий мақсадларда ҳар хил маъно англатиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида «боласиз» сўзининг *зурёдсиз, тирноққа зор* каби синонимлари бор. «Бой ила хизматчи» драмасида «ёмон номи етти иқлимга кетган», «чакки босар» Хонзода ҳақида гап борганда «тирноққа зор» дейилар экан, бу Хонзодага нисбатан ҳеч қандай хайрихоҳлик ҳиссини туғдирмайди. Аммо М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» асарида мазкур сўзнинг ишлатилиш ҳолати диққатга сазовор.

«Хозяин и хозяйка в аккурат дома были. Вошёл я, моргаю им обими глазами, бодро так говорю: «Вот и нашёл я своего Ванюшку! Принимайте нас, добрые люди!» Они, оба мои бездетные, сразу сообразили, в чём дело, засуетились, забегали»<sup>2</sup>.

«Ошнам ҳам, хотини ҳам уйда экан. Ичкари кирдим-у, уларга кўзимни қисиб қўйиб: «Мана ўғлим Ванюшкани топиб олдим! Қани бизни, кутиб олинглар, яхшилар!» дедим дадил. Уларнинг ўзлари ҳам тирноққа зор эмасми, нима гаплигини дарров пайқашиб, парвона бўлиб қолишди»<sup>3</sup>.

Ўзининг фарзандсизлигидан куюниб, «Гулбаҳорни боласи билан ўлдирган қотил» Хонзодага нисбатан ҳамда мутлақо бегона Ванюшани ўз болаларидай кутиб, хурсандликларидан териларига сиғмай, «парвона бўлиб қолишган» оқ кўнгил совет

<sup>1</sup> М. Ю. Лермонтов. Бэла. Тошкент, 1951, 53- бет.

<sup>2</sup> М. Шолохов. Судьба человека. М., 1957, с. 53.

<sup>3</sup> М. Шолохов. Инсон тақдири. Тошкент, 1957, 67- бет.

кишиларига нисбатан айни бир *тирноққа зор* ибораси қўлланилган экан, у ҳар икки ҳолатда, икки хил контекст ичида тамомила бошқа-бошқа стилистик мақсадларга хизмат қилиб, гўё бир-биридан фарқ қилувчи иккита бошқа иборадай жаранглайди.

Русча-ўзбекча бир томлик луғатда *бедный* сўзининг: 1. *камбағал, қашшоқ, йўқсил*; 2. *кам, оз, сийқа, арзимас*; 3. *бечора, шўрлик, боёқиш* каби эквивалентлари келтирилган (РЎЛ, 38). Шу луғатнинг масъул муҳаррири Р. Абдураҳмонов Н. В. Гоголнинг «Улик жонлар» поэмасидаги: «Павел Иванович, успокойтесь... о бедной душе своей помыслите»<sup>1</sup> гапида *бедный* сўзига унинг юқоридаги луғатда берилган биронта эквивалентини раво кўрмай, мутлақо бошқа, *ғариб* сўзи билан беради: «Павел Иванович, ўзингизни босинг... ўз ғариб жонингиз ҳақида фикр қилинг»<sup>2</sup>. Айни контекст ичида таржимон бечора (шўрлик, боёқиш) *жон* бирикмасини семантик томондан номақбул ҳисоблаб, луғатда акс этмаган *ғариб* сўзини *жон* сўзига маъно томондан маъқул кўради (*ғариб жон*). Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: биринчидан, ҳар қандай мукамал луғатда ҳам тилда мавжуд барча синоним сўзларни бериб бўлмайди; иккинчидан, таржимоннинг луғат запаси расмий луғатларда мавжуд сўзлардангина иборат эмас. Ҳар бир таржимон луғатдан фойдаланиш билан бирга, таржима жараёнида ўзи луғат ҳам яратади. Агар русча-ўзбекча икки тилли луғатлар стандарт сўзлар асосида эмас, балки жонли таржима амалиёти тажрибалари негизида тузилса, лексикографияда ҳам, таржима амалиёти ва назарияси соҳасида ҳам бағоят улуг иш қилинган бўлар эди.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида ғирт пиёниста ва саводсиз француз мураббийси Бопреннинг кайфи тарақ бўлгандаги аҳволи шундай тасвирланган: «Бопре в смятении хотел было привстать, и не мог: несчастный француз был мёртво пьян. Семь бед, один ответ»<sup>3</sup>.

«Бопре ҳаяжон билан турмоқ истаса ҳам, фақат еридан қўзғала олмади. Чунки, бадбахт француз ўлгудай маст эди»<sup>4</sup>.

«Бопре гангиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тура олмади: бечора француз ўлгундай маст эди. Ўн балога бир даво деганлар»<sup>5</sup>.

Албатта, *несчастный* сўзининг *бахтсиз* деб берилиши табиий нарса. Аммо айни контекст ичида асарнинг биринчи таржимасидаги каби, Бопрега нисбатан *бадбахт* сўзининг қўлланиши услубан ниҳоятда мақбул иш эди. Зотан, Бопре «бахтсиз» эмас, «бадбахт»дир. Шунингдек, Анна Каренина Л. Н. Толстойнинг

<sup>1</sup> Н. В. Гоголь. Мёртвые души. М., 1957, с. 51.

<sup>2</sup> Н. В. Гоголь. Улик жоилар. Тошкент, 1959, 442- бет.

<sup>3</sup> А. С. Пушкин. Капитанская дочка. Барнаул, 1949, с. 234—235.

<sup>4</sup> А. С. Пушкин. Капитан қизи. Тошкент — 1933 — Самарқанд, 4- бет.

<sup>5</sup> А. С. Пушкин. Капитан қизи. Тошкент, 1949, 5- бет.



шу номли романида:— «... Я именно несчастна. Если кто несчастен, так это я»<sup>1</sup> дер экан, бу сўзлар ўзбек тилига шундай ўгирилган: «...Ҳа, мен шундай бахти қорамен. Агар дунёда бирон бахти қора, шўрпешона бўлса — ўша мен»<sup>2</sup>. Бу ўринда энди айтиш мумкин, бу сўзларнинг маъноси «несчастный» сўзини юқоридаги каби, *бадбахт* билан мутлақо бериб бўлмайди, шунингдек, *бахтсиз* сўзи ҳам «камлик қилади». Чунки Анна машъум зодагонлар муҳитида, аёллар ҳуқуқи поймол қилинган бир шароитда шунчаки бахтсиз эмас, балки *бахти қора* ва *шўрпешона* эди. Бу ҳолда ҳам *несчастный* сўзи русча-ўзбекча луғатда *бахтсиз, толеи паст* деб берилган ҳолда (РЎЛ, 438), унинг «Капитан қизи» ва «Анна Каренина» асарлари таржималарида учраган *бадбахт, бахти қора* ва *шўрпешона* каби синонимлари қайд этилмаган.

Таржимада ёзувчининг услубини акс эттиришда синоним саралашнинг аҳамияти катта. Буни, хусусан, бир асарнинг бир неча таржималарини қиёс қилганда яққол кўриш мумкин.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида Андрей Иванович Чмихов дўсти Антон Антонович Сквозник-Дмухановскийга ёзган хатида у ҳоким бўлган шаҳарга яширин ревизор бораётганини шипшитиб ўтгач, «...за тобою, как за всяким, водятся грешки»<sup>3</sup> деган сўзларни айтади.

Асарнинг бошқа тилларга қилинган кўпгина таржималарида ҳамда Санжар Сиддиқнинг 1934 йилги ўзбекча таржимасида *грешки* сўзи *гуноҳ* деб берилган: «...Мен биларманки, ҳар кимсада бўлгани каби сенда ҳам баъзи гуноҳлар бор...»<sup>4</sup>. Чмиховнинг фикрича, бу «гуноҳ» шундан иборатки, ҳоким «эси жойида бўлгани учун», қўлига кирган нарсани қўлдан чиқариб юборишни хушламайди. Демак, гап пора устида боряпти. Аммо пора олишни на ҳокимнинг ўзи ва на унинг атрофидаги кишилар... гуноҳ деб ҳисобламайдилар. Юқорида кўрилганидай, ҳатто Чмиховнинг ўзи ҳам пора олишни ақлли одамнинг иши деб ўйлайди. Шу сабабли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор *грешки* сўзини бу ўринда «юмшатиб», *қусур* деб ағдарган. Қиёсланг: «Гуноҳ 1. Шариат қонунига, диний ақидаларга хилоф иш. 2. Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ножўя хатти-ҳаракат; айб». «Гуноҳкор» сўзи талқинида эса, юқоридаги дефинициялардан ташқари, янги қуйидагича сифат орттирилади: «Жиноят қилган, жиноятчи, айбдор» (ЎТИЛ, I, 199). Мана «қусур»нинг изоҳи: «Камчилик, нуқсон, айб, хато. Унинг битта қусури — камбағаллиги. Ойбек. «Қутлуғ қон» (ЎТИЛ, II, 626).

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович» ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти» қиссасидан олинган қуйидаги парча билан унинг икки таржимаси ҳам бу тарафдан диққатга лойиқ: «Весьма рад, что вас вижу,— отвечал судья.—

<sup>1</sup> Л. Н. Толстой. Анна Каренина. М., 1956, с. 240.

<sup>2</sup> Л. Н. Толстой. Анна Каренина. Тошкент, 1960, 259- бет.

<sup>3</sup> Н. В. Гоголь. Ревизор. М., 1952, с. 8.

<sup>4</sup> Н. В. Гоголь. Терговчи. Беш пардали театр асари. Тошкент — 1934. Самарқанд, 7 — 8- бетлар.



Но все не могу представить себе, что заставило вас предпринять труд и одолжить нас такою приятною нечаянностью»<sup>1</sup>.

«Сизни кўрганимга жуда мамнунман,— деди судья,— лекин ҳанузгача тахаййур ва таажжубдадирманким, оё қандай сабаблар билан жаноблари бу ерларга қадам ранжида қилдилар ва бизларни бу кутилмаган давлатга эриштирдилар»<sup>2</sup>.

— «Сизни кўриб жуда хурсанд бўлдим, бизнинг ҳузуримизга тўсатдан келиб қолиб, кўп хурсанд қилдингиз, лекин ўзингизни койитганингиз сабабини билолмасдан ҳайронман»<sup>3</sup>.

Бу икки таржимада гарчи айнан бир фикр айтилаётган бўлса-да, аммо бу фикр тамомила бошқа-бошқа услуб билан ифода этилган. Асл нусхада сўзлар биринчи шахс тилидан айтилган, асарнинг 1952 йил таржимасида бу ҳолат сақланган. Аммо илк таржимада эса фикр учинчи шахс тилидан баён қилинган. Таржимон тилимизнинг ажойиб хусусиятидан усталик билан фойдаланган. Чунончи, ўзбек тилида учинчи шахс кўплик формасида мурожаат қилиш сўзловчининг унга ҳаддан ташқари ҳурмат билан қарашини билдиради. Дарҳақиқат, мурожаат этишининг ана шу баландпарвоз, дабдабадор усули Иван Ивановичга хушомадгўйлик билан тилёғламалик қилаётган суд раисининг нутқиға жуда ҳам ярашган. 1952 йил таржимасида *не могу представить себе* сўзлари *ҳайронман* деб берилган бўлса, аввалги таржимада бу сўзнинг *тахаййур ва таажжуб* деган бошқа синонимлари истифода этилган эди. Шунингдек, 1952 йил таржимасида *приятная нечаянность* — *келиб қолмоқ* деб берилган бўлса, дастлабки таржимада *қадам ранжида қилмоқ* деган идиоматик ибора қўлланган эдики, бу ҳам асл нусха мазмунига жуда ёпишиб тушганди.

Демак, синоним ва маънодош сўзлар, таркиблар танлай билиш асарнинг услубини акс эттиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, ёзувчининг сўз бойлиги ва бадий маҳорат қувватини намойиш этувчи асосий омиллардан биридир.

Асарни таржима қилиш — авторнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ёки персонажнинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб, ўз ўрнида ишлата билиш демакдир. Н. В. Гоголь қиссасининг икки таржимасини қиёслаш дастлабки тажрибанинг луғати ниҳоятда бойлиги, унда асл нусхадаги сўзларнинг маъно нозикликларига айнан мувофиқ тушадиган хилма-хил сўз ва иборалар топиб қўлланилганини яққол кўрсатади.

<sup>1</sup> Н. В. Гоголь. Повесть о том, как поссорились Иван Иванович с Иваном Никифоровичем. М., 1952, с. 62.

<sup>2</sup> Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти Тошкент, 1936, 33- бет. (Масъул муҳаррир: Эминжон Аббос.)

<sup>3</sup> Н. В. Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти. Тошкент, 1952, 34- бет.

Тўғри, 1936 йилги таржимада арханк ва тарихий сўзлар, грамматик таркиблар анча сероб. Бу тасодифий эмас. Таржимон асарда тасвирланаётган давр, образ ва персонажларнинг услубий-семантик алфозини ҳисобга олган ҳолда, онгли суратда шундай қилган ва бу билан воқеа помешчиклар Россияси даврида бўлиб ўтганлигини тарихий ва давр колорити яратиш орқали акс эттиришга, ўша «жанжалли воқеалар»нинг фавқулодда ҳажвий-юмористик хусусиятини тўла сақлашга муяссар бўлган. Тарихий мавзуда ёзилган адабий асарларни ҳозирги ўзбек адабий тилига ағдариниш унчалик қийин эмас, аммо бунда давр хусусиятини сақлаш, миллий анъаналарни акс эттириш, давр услубини бериш биринчисига нисбатан беқиёс қийин.

Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасига мурожаат қилайлик: «Что ни разворачивал Чичиков книгу, на всякой странице: *проявление, развитие, абстракт, замкнутость* и *сомкнутость*, и чёрт знает, чего там не было. «Это не по мне», — сказал Чичиков...»<sup>1</sup>.

Таржимага мурожаат этишдан олдин юқорида ажратиб кўрсатилган бешта сўзнинг русча-ўзбекча луғатда қандай берилиши билан танишиш зарурати туғилади: «*Проявление* 1. кўрсатиш, намоён қилиш, юзага чиқариш; 2. кўриниш, намоён бўлиш, юз бериш» (РЎЛ, 679); «*развитие* 1. тараққиёт, ривожланиш» (РЎЛ, 696); «*абстракт* абстракт» (РЎЛ, 16); «*замкнутость* одамларга аралашмаслик, якка ҳолда бекиниб яшашлик, одам ёқмаслик, писмиқлик» (РЎЛ, 219); «*сомкнутость* узлуксизлик, зичлик, туташлик» (РЎЛ, 814).

Юқоридаги парчанинг таржимаси эса мана бундай кўринишга эга: «Чичиков қайси китобни очса ҳар бир саҳифасида *зуҳурот, тараққиёт, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* ва яна аллақандай сўзларни кўрарди. «Буларга менинг тишим ўтмайди», — деди Чичиков...»<sup>2</sup>. Бунда луғат билан таржима ўртасида зиддият келиб чиққандай бўлади, айни бир киши сиймосида мужассамлашган таржимон лексикограф (луғатшунос)ни рад этади ва ҳоказо. Аммо бадий таржиманинг ўзига хос хусусиятинигина эмас, балки умуман тилни билган киши бундай мулоҳаза юритмайди.

Дарҳақиқат, *зуҳурот, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* каби истилоҳлар ҳозир архаиклашиб, тилдан чиқиб кетган. Аммо Чичиков яшаган давр колоритини акс эттиришда бу терминларнинг ишлатилиши табиий бир ҳол бўлиб, у замонларда ҳали бу истилоҳлар эскирмаган эди. Зотан, асарда ҳозирги давр воқеалари эмас, балки Гоголь яшаган ва ундан олдинги тарихий даврларда бўлиб ўтган воқеаларнинг бадий манзараси яратилган. Бас, таржимон ҳам тарихийлик принципига оғишмай амал қилган.

<sup>1</sup> Н. В. Гоголь. Мёртвые души. М., 1957, с. 446.

<sup>2</sup> Н. В. Гоголь. Ўлик жонлар. Тошкент, 1959, 387 — 388-бетлар.

Иккинчи томондан, русча-ўзбекча луғат, асосан, ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари материали асосида тузилган бўлиб, унда эскирган жуда кўп сўзлар йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак. Аммо, шу билан бирга, бу ҳол ўзбек тилининг тарихий-этимологик ҳамда архаик сўзлар луғати нақадар зарур эканлигини ҳам яққол кўрсатади.

Русча-ўзбекча луғатда *обидеться* сўзининг *хафа бўлмоқ*, *кўнгли оғримоқ*, *озор топмоқ*, *алам қилмоқ*, *ранжимоқ*, *ўпкаламоқ*, *ўпкаланмоқ* каби маънолари бор (РЎЛ, 452). Н. В. Гоголнинг Иван Иванович билан Иван Никифорович жанжали ҳақидаги қиссасида Иван Ивановичнинг ниҳоятда таъби нозик одам эканлиги, ўзи сўз орасида ҳеч қачон беҳуда сўзларни ишлатмаслиги, аммо шу билан бирга, бошқа биров беҳосдан «куфр» сўзларни айтиб юборса ҳам, унинг кўнгли оғриши ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу ўринда автор Иван Ивановичга нисбатан *обидится* сўзини қўллайди. Буни худди шундай контекстда *хафа бўлади* тарзида бериш мазкур сўзни таржима қилмаслик билан барабар. Асарнинг 1952 йилги нашрида шундай қилинган (8). 1936 йил таржимасида эса бу «зоти олий»лари шундай тасвирланган эди: «Иван Иванович жуда таъби нозик одам ва одоб билан гаплашганда оғзидан ҳеч бир беҳуда сўз чиқмайди ва ўзгалар айтганда ҳам дарров хотири ранжида бўлади» (7). *Обидеться* — *хафа бўлмоқ* сўзининг *хотири ранжида бўлмоқ* синоними Иван Ивановичдай «таъби нозик» одамга нисбатан жуда ёпишиб тушган.

Шундай қилиб, А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов ва бошқа рус ёзувчилари асарларининг ўзбекча таржималарида ўрни билан сўзларнинг ҳозир эскирган, китобий бўлиб қолган ёки эскираётган синонимлари маълум услубий мақсадда қўлланилиши табиий ҳолдир. Ўзбек классик адабиётининг русча таржималарига нисбатан ҳам шундай тезисни илгари суриш мумкин.

# ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА ВАЗН ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЭКВИРИТМИЯ

Асл нусха (оригинал) таржимага нисбатан умрбоқийлиги билан ҳам фарқланиши, бошқача айтганда, таржиманинг умри асл нусханикига нисбатан қисқа бўлиши маълум. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Шулардан бири таржиманинг услуб тарафдан «кексайиши» ҳамда бундай лисоний жараённинг содир бўлишига тил ва услуб юзасидан ёки улар атрофида ҳукм сурган назарий ақидалар, шундай назарий қарашлар асосида қарор топган муайян адабий қончиликлар, анъаналарнинг таъсирини ўрганish жуда муҳим. Бундан ташқари, ҳар бир конкрет таржима, таъбир жоиз бўлса, таржимоннинг таржимани қандай тушуниши маҳсулидир. Бу ерда фикр услуб тушунчасига бош маънони юклаган ҳолда ифодаланмоқда. Агар бундай нуқтаи назарни оригинал адабиётга нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлса, айтиш мумкинки, ҳар бир конкрет бадиий асар унн ёзган адибнинг адабиётни қандай тушуниши маҳсулидир.

## Вазн ва қофия

Вазн араб тилида *ўлҷов, меъёр* маъноларини беради. «Ҳар бир шеърда конкрет равишда рўёбга чиқувчи ритм ҳолисаси **вазн** деб аталади»<sup>1</sup>.

Конкрет шеърий асарда шаклий унсурлар гоё билан мураккаб алоқага киришади, бунда таржимон асарни ўз тилига ўгириш учун шаклий калит қидиришда даставвал форманинг мазмун функциясига асосланмоғи даркор. Шеърнинг овоз шакли билан унинг мазмуни чамбарчас боғланган, лекин, Иржи Левийнинг фикрича, бу «шеърларнинг шиддатли ритми қаҳрамон отининг шиддатли чопиши ҳақида тасаввур беради» ва ҳоказо деб тасдиқлашга асос бўла олмайди. Муайян шеърий унсур ўз-ўзича ҳеч нарсани англатмайди, дейди у. Шеърнинг акустик воситалари ниҳоятти бир нечта сийқа маъно контрастлари: динамика ва статика, равшанлик ва зулмат ва ҳоказо шунга ўхшаш контрастларнинггина ифодалай олади, холос. Шеърнинг бу маъно потенциалари асар мазмуни билан алоқага киришади ва унинг баъзи маъно унсурларини ё кучайтиради (шиддатли пойга ёки бошқа динамик ҳаракат мавзунга мос «шиддатбоп» ритм танланади), ёки у билан зид келиб қолади. Баъзан таржимада кейинги ҳол рўй беради; бирон ифодавий восита кўр-кўрона асл нусхадан таржимага кўчирилиши оқибатида мазмун билан шакл

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980, 307- бет.

гармониясига халал етказилади: асл нусха тилида, юзаки қараганда, мўътадил кўринган нарса ўзга тил муҳитига кўр-кўрона ўтказилганда юзага қалқиб чиқиши ва авторнинг муддаосига зарар етказиши мумкин. Шундай қилиб, агар биз шеърдаги мазмун ва шакл мутаносиблигига халал етказишни истамасак, деган фикрни изҳор этади чех олими, формал қолип (вазн)га қараб эмас, балки унинг конкрет товуш томонига (ритм, суръат ва б.) мувофиқ иш кўрмоғимиз лозим.

Айни бир вазн турли тилларда бир-биридан фарқ қиладиган тамомила бошқа функцияларни бажариши мумкин. Чунки ҳар бир тил ўзига хос овоз, оҳанг, талаффузга эга. Бундан ташқари, турли тилларда сўзлар узун-қисқалиги тарафидан ҳам фарқ қиладилар. Чунончи, голланд тилшунос олими Хердан инглиз, немис ва рус тилларида сўзларнинг узун-қисқалиги жадвалини тузган эди (матндаги ҳар мингга сўзга қуйидагича миқдордаги бўғин тўғри келади):

Тиллар	1 бўғин	2 бўғин	3 бўғин	4 бўғин	5 бўғин	6 бўғин	Ўртача узунлиги
инглиз	824	139	30	6	1	—	1,22
немис	420	342	121	41	8	—	1,74
рус	328	288	237	121	19	6	2,24

Хердан келтирган статистика шундан далолат берадики, рус сўзларига қараганда инглизча сўзлар икки марта, немисча сўзлар эса бир ярим марта қисқадир<sup>1</sup>.

Литвалик шоир-таржимон Антанас Венцлованинг кузатишича, кўп қўлланиладиган аксарият русча сўзлар шундай литва сўзларига қараганда қисқа, бас, эквиметриявий таржима, яъни вазн мувофиқлиги даражасида ўгириш амри маҳол, деган хулосага келади, у.

Рус тилида	Литва тилида	Ўзбек тилида	Хор. учал тилда
Бўғинлар сони	Бўғинлар сони	Бўғинлар сони	Бўғинлар таъносиби
день (1) ночь (1) час (1) весна (2) лето (2) жизнь (1) петь (1)	diena (3) naktis (2) va'anda (3) pavasachis (4) vasara (3) divenimas (4) daunnoti (4)	кун (1) тун (1) соат (2) баҳор (2) ёз (1) ҳаёт (2) қуйламоқ (3)	1—3—1 1—2—1 1—3—2 2—4—2 2—3—1 1—1—2 1—4—3 9—23—12

Грузинча сўзлар ҳам инглиз сўзларига нисбатан аксарият уч-тўрт барабар узунлик қилади. Тиллар аро бундай тафовутдан

<sup>1</sup> G. Herdan. Language as choice and chance. Gronningen, 1936, 62-жадвал.

ғрузин мутахассислари тегишли хулоса чиқарганлар. Чунончи, 1874 йилдаёқ «Қирол Лир» трагедиясини ўғириш вақтида Илья Чавчагадзе билан Иван Мачабели инглизча 10 ҳижоли пентаметр ўрнига 14 ҳижоли шеърӣй вазни танлаган эдилар. Ўша даврдан бошлаб Грузияда шеърӣй драмалар 14 ҳижоли вазнда таржима қилинадиган бўлган. Чунончи, Мачабели таржимасида: «Ҳамлет» (1886), «Отелло» (1888), «Ричард III» (1893) бунга далил бўла олади.

«Ритмик жиҳатдан уюшган нутқда сўзларнинг оҳангдош бўлиб тизилиб келиши қофия деб аталади»<sup>1</sup>.

Асл нусхадаги икки қофиядош сўзга таржимада худди шундай қофиядош сўзнинг мос тушиши, ўша сўзларга улар билан бирикиб келадиган бўлак сўзларнинг маъно томондан айнан тўғри келиши амри маҳол.

Одатда, бундай мос келишлик ҳолларини яқин тиллардан таржима қилганда кузатиш мумкин. Шу билан бирга, тиллар орасида қардошлик тарафидан яқинлик бўлмаса-да, миллий маданиятлари ва адабий-тарихий анъаналарида муштараклик, адабий ҳамкорлик, ҳамдўстлик ўрнатилган халқлар яратган шеърӣй обидаларда ҳам ҳамқофиялик ҳоллари кўзга ташланади.

Генетик қардошлик тарафидан бир-биридан узоқ тилларда ҳам асл нусха қофияларининг маъносини берса бўлади, лекин, турган гап, булар бошқа-бошқа лексик-фразеологик-стилистик воситалар орқали амалга оширилади.

А. Н. Колмогоровнинг ҳисоб-китобига қараганда, 50 та русча сўздан, ўрта ҳисобда, 6 та қофиядош жуфт сўз чиқади. Пьер Гиронинг кузатишича, 50 та французча сўзга 9 та қофиядош жуфтлик тўғри келади. 100 таси такрорланмайдиган 200 та сўздан иборат французча матнда эса бу лисоний материалдан 37 та қофия яшаш мумкин.

Қофия шеърда бир қанча вазифаларни бажаради:

а) маъно функцияси — қофиядош сўзлараро (шу билан бирга, мисралар орасида) маъно алоқасини ўрнатади;

б) ритмикавий функция;

в) эвфоникавий функция.

Қофия, аслини олганда, жўровозлик, жарангдорлик демакдир. У шеърнинг композицион томондан энг муҳим бўлган нуқтасидан жой олади, натижада маъно рнтмнкавпй хоссаларга эга бўлади.

Бу уч функция ҳар бир шоирнинг қофиялаш системасига хос бўлиб, ўзаро бир-бири билан чирмашиб кетади. Айрим шоирлар жарангдор қофияларга кўпроқ мойил бўлади, бунда қофияларнинг эвфоникавий хоссаси зўрайиб кўринади. Бошқалари қофиянинг маънодорлиги тарафига эътиборни кучайтиради. Ва ҳоказо. Қофиялаш нормаси замонлар ўтиши билан ўзгариб боради.

Луғавий бирликлар (сўзлар) сони миллий тил луғат бойли-

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980, 333-бет.

гининг миқдорий томонини ташкил этади, тилда маъно нозикликларини бериш имконияти шунга боғлиқ. Пьер Гиронинг ҳисобига кўра, инглиз тилига қараганда баъзи синтетик лисоний афзалликларга эга бўлган француз тилида бир ярим миллионга яқин қофиявий комбинациялар мавжуд. «Бу миқдор,— деб ёзади П. Гиро,— агар биз грамматик қофияларни рад этсак, 650000 тага қисқаради; агар тўлиқ қофиялар изласак, 100000 тага келади; башарти, ҳам тўлиқ, ҳам айни вақтда грамматик томондан бир турга мансуб бўлмаганларни сараласак, 40000 тага қисқаради... Ўз-ўзидан маълумки, маъно вазифалари ва, айниқса, контекст талаби бу 40000 та қофияни бир снқимга келтириб қўяди. Ўзимизга маълум бўлган *отвге-совге*, *типéв-гес-тепéвгес* типидagi чинакам яхши қофияларгина қолади, холос. Лекин бундай қофиялар шунчалик камки, улар аллақачонлардан буён барчага маълум ва ишлатилавериш сийқаси чиқиб кетган»<sup>1</sup>.

Мутахассисларнинг кузатишига қараганда, аналитик инглиз тилининг қофиявий луғатида 400 га яқин барқарор қофия ҳосил қилувчи группалар, яъни бир хил тугайдиган сўзлар туркуми мавжуд. Француз тилида 600 га яқин шундай группа бор. Ҳар бпр сўз фақат ўз туркумидagi ўзга сўзлар билан қофияга киришади, бошқа туркум сўзлари билан қофияланмайди. Италиян, рус, чех ва немис тилларида эса бошқа туркум сўзлари билан ҳам ўзаро қофия ҳосил бўлаверар экан.

Италян шоири аге (амаге) юзасидан мингта қофия ҳосил қилади. Инглиз шоири эса, агар у ҳар қанча устаси фаранг бўлса-да, дейди Иржи Левый, *love* сўзига учтадан ортиқ қофиядош сўз ўйлаб тополмайди, шундай қилиб, у *муҳаббат* каломига ўз тилдан жарангдор қофиялар топишдан маҳрум.

Чехларда кенг тарқалган *laska-paska* (муҳаббат — лента) қофияси чех тилида муҳаббатнинг алоқа, иттифоқ маъносига эга эканлигини намоиш этади. Италиянча *amare-suore* (муҳаббат-юрак) юракни муҳаббат тимсоли сифатида тасвирлайди, инглизча *love-dove* (муҳаббат — каптар) эса мазкур қушларнинг ўзаро «севги шавқи»га ишора қилса, *wotw-totw* (оғуш — гўр) эса кенг тарқалган туғилиш-ўлиш антитезасини ифодалайди. Кўпинча тил ўз луғати структураси хусусиятларига кўра ҳам бир қанча бадппй восита типлари учун қўлайлик туғдиради. Чунончи, инглиз тилида омоним ва синонимларнинг мўллиги сўз ўйинлари ясашда жуда қўл келади.

**Куйни куй билан бериш.  
Шеърй таржимада эв-  
фония**

Эвфония (ингл. *euphony*) «жарангдошлик» маъносини ифодалайди. Турли нутқ формаларида фонетик усуллар мажмуасидан иборат бўлиб, аллитерация, ассонанс, ҳар хил мақомдаги товушлар такрори, саж ва бошқалар тушунилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: Иржи Левый. Искусство перевода. М., 1974, с. 285—286.

<sup>2</sup> О. С. Ахманова. Словарь лингвистических терминов. М., 1966, с. 522.



Сўзнинг товуш состави билан унинг маъноси ўртасида алоқадорлик бор деб даъво қиладиган адабиёт тарихчилари таржимонларнинг йўлига сунъий тўсиқлар қўядилар, дейди чех олими Иржи Левый. Л. Тимофеев совет авторларининг хулосаларини мунозарали тарзда якунлайди: «Чунончи, Слонимский Пушкиннинг «И озарён луною бледной» («Хира ой сочганда ёғду») шеъринда «ой ёруги билан боғланган сокин муеиқий л ва н ш\* қайд этади»<sup>1</sup>. Овозли образ тушунчаси илгари сурилади — бу бевосита тасвирий аҳамиятга эга бўлган товушлар мажмуасидан иборат эмиш. Чунончи, ж, р ва юшоқ л товушларини танлаш, А. Слонимский фикрича, фавворанинг ҳазин шовиллашини англатади («Мастерство Пушкина», 270). «Лўлилар»да Мариула исми у товушининг мўл истифода этилишини тақозо этаркан. «У товуши,— деб тушунтиради автор,— бир томондан, хувиллаган кенгликлар, шамолнинг ғувиллаши ва ҳоказоларнинг (унинг тақлидий маъноси шунда) ҳамда, иккинчи томондан, ўз артикуляциясига кўра (лабларнинг чўччайиши)— йиғи, ўткир хоҳиш-истак маъносини ва ҳоказоларни ифодалайди»<sup>2</sup>.

Турган гап, алоҳида олинган товушлар ўз-ўзича ҳеч нарсани ифодаламайди, деб қайд этади чех олими. Бундай таҳлил қилганда танқидчи алоҳида сўзларгагина эмас, балки бир жойда такрорланиб келган товушларга ҳам маъно беради, турли контекстларда аини бир товушнинг ўзига турлича «маъно» бағишлайди. Морис Грамон томонидан илгари сурилган бу эски гап ҳозирги шеър тадқиқотчиларининг асарларига ҳам кўчгани қизиқ, дейди у. Агарда маъно билан товуш ўртасига бундай боғлиқлик аломати қўйиладиган бўлса, бундай шеърый асарни таржима қилиш амри маҳол, деган хулоса келиб чиққан бўларди, негаки, бир тилдан иккинчи тилга фақат маънонигина эмас, балки «маъноли» товушларни ҳам ўгиришнинг иложи топилмаган бўлур эди<sup>3</sup>.

А. С. Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асарида рус шеърый системаси имкониятидан усталик билан фойдаланиш натижасида сатрлар охири ўзаро оҳангдош сўзлар билан тугайди. Улар аксарият муаннас жинс (женский род)га мансуб сўзлардан иборат. Эртакнинг 1937 йилги ўзбекча нашрида шоир Элбек Пушкин шеърининг ана шу шаклий жиҳатларини ҳам сақлаб қолишга уринган эди:

Қайтиб келгач чол кампири ёнига  
Ажабланиб қолибдур бирданига:  
Қаршисида ажаб баланд кошона,  
Кампири турганмиш пиллапояда.  
Почапўстин кийган эмиш эгпига,  
Ураганмиш зардўз рўмол бошига,  
Марваридлар қаторлашиб бўйида.

\* «Луна» сўзидаги л, н ундошларига ишора. (Ғ. С.)

<sup>1</sup> А. Слонимский. Мастерство Пушкина. М., 1959, с. 300.

<sup>2</sup> Л. Тимофеев. Стих-слово-образ. Журн. «Вопросы литературы», М., 1962, № 6, с. 79—80.

<sup>3</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. М., 1974, с. 324—325.

Ҳар бир тилда айрим товушларнинг комбинацияси маълум семантик категорияларда содир бўлади, муайян маъно билан унга мувофиқ келадиган товушлар комбинацияси ўртасида ўзаро алоқадорлик пайдо бўлади. «Тақлидий сўзлар билан бирга фонетик интенсив сўзлар деб аталувчи сўзлар туркуми мавжуддирки, уларнинг жаранглаши сирли бир тарзда маълум даражада шу сўзларнинг маъносига вобаста бўлади. Масалан, сўз бошида келган *fl* товуши ғира-шира милтиллаётган нур ҳақидаги тасаввурга туртки беради: *flare, flash, flicker, flame, flimter*; сўз бошида келган *gl* ҳам нур, лекин текис нур ҳақида тасаввур пайдо қилади: *glare, glint, glow, glisten*. Бошда келадиган *sl* эса «текис суюқлик сатҳ»ни англатади: *slippery, slick, slide, slime, slop, slosh, slover, slushy*»<sup>1</sup>.

Аслида эса, аниқ ҳисоблашларга қараганда, инглизча *sl* билан бошланувчи сўзлар «текис суюқлик сатҳи» маъносини англатувчи жами сўзларнинг атиги 6 процентини, *gl* билан бошланувчи сўзлар инглиз тилидаги ғира-шира милтиллаётган нур маъносини берувчи сўзларнинг ниҳояти 4 фоизини, *fl* билан бошланувчи сўзлар эса милтиллаётган нурни англатувчи калималарнинг атиги 2 процентини ташкил этади. Бу сўзларнинг юқорида қайд этилгандай маънодорлиги эса барқарор эмас ва субъектив, шунинг учун бундай товушларни таржимада айнан акс эттиришни талаб қилиб бўлмайди. Дарвоқе, оригинал матнининг ўзида ҳам улар китобхонларга ҳар хил таъсир қилади, деб ҳисоблайди Иржи Левый.

Албатта, товушни умумий лисоний тўқима, грамматик, конкрет шеърӣй образ ва ҳоказолардан ажратган ҳолда, унга қандайдир автоном сирли «маънодорлик» бағишлашни тўғри деб бўлмайди. Бироқ, шу билан бирга, Л. Тимофеев, Л. Перрайн ва бошқа кўп олимларнинг кузатишларини соф филологик, семантик, фонетик-стилистик нуқтаи назаридан ҳам, таржима назарияси ва амалиёти манфаати тарафидан ҳам эътибордан қочириб бўлмайди.

Инсон тақдири, руҳий кайфияти билан боғлиқ икки қарама-қарши тушунчани ифодаловчи — *мунг, мусибат* ҳамда *шодлик, завқ-шавқ* сўзларининг ўзиниёқ олиб қарайлик. «Хафақонлик» ва «бахтсизлик» маъносидаги дастлабки икки калиманинг фонетик табиатида «му»лар мавжудлиги-ю, «хурсандлик», «қувноқлик» маъносидаги сўнгги икки сўз таркибидаги «мо», «ша»лар тасодифиймикан?

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

(Алишер Навоӣй.).

<sup>1</sup> Perrine L. Sound and Sense (Товуш ва маъно). New York, 1956. p. 169.

«Фурбат», «ғариб», «қафас», «тикан»ларга маъно томондан зид бўлган, юксак инсоний, руҳий, фалсафий тушунчаларни ифода этувчи *шодмон, шафиқ, ошён* сўзларидаги «шо», «ша», «ош» фонетик ҳодисаларин-чи?

Оқара бошлади сочу, тўкила бошлади тиш.  
Сафар яроғин қилғилки, тушти бошингга иш.  
Ингитлигим борибон келди бошма қарилғи,  
Фано йўлинда бу янглиғ эмиш — боришу келиш.

Киши қарий бошлагандан сўнг, иложи бор қадар «шовқинли», яъни таркибида «ш», «ч», «с» товушлари бўлган сўзлардан қочишга ҳаракат қилади. Юқоридаги, буюк Навоий қаламига мансуб, қариликдан ўқсиб ёзилган ажойиб фалсафий рубонийдаги қуйидаги сўзларга эътибор қилинсин:

I 2- бош, 5- бош, 6- тиш, 3- соч

II 4- туш, 5- бош, 6- иш

III 4- бош

IV 5- миш, 6- риш, 7- лиш

«Тишсизлик», «сочсизлик», «иш»лик, «боришлик» бошига тушиб турган кишининг сўник кайфиятини бу «шовқинли» товушлар т а б и и й суратда жуда таъсирчан акс эттиради.

Қарилик даврида «худди шундай» шеър ёзган, ўз мўйсафидлик тақдиридан мамнун, ҳаётсевар, оташин ўзбек совет шоири Ғафур Ғулом баҳсни гўё давом эттиради:

Қариган бошимда сочининг қайғуси,  
Баъзида оқини, қорасин кўриб,  
Баъзида қизим ҳам қирқ кокил ўриб,  
Сочини тарайди келмай уйқуси.

Баъзида чаккага қўяди ғажак,  
Энсам ҳам қотади қилиғин кўриб.  
Гўёки мен эккан гуллар югуриб  
Боғимни ўради мисли гулнечак.

...Ўғил-қизларимнинг сочини силаб,  
Бахтини тилайман, доим вақтим чоғ.  
Аммо тушган тишу сочинин кўриб,  
Мендан кулмоқдадир эскиган тароғ.

Ҳар иккала шоирда ҳам бир хил табиий инсоний тақдир тасвири — кексалик. Навоий қўлланган воситалар: оқара бошлаган со ч, тўкила бошлаган ти ш. Даъват — «сафар яроғи»ни ҳозирлаш. Ғафур Ғуломда ҳам моҳиятан шу гап. Лекин унда, «соч» ва «тиш»дан ташқари, яна қўшимча образлар: пардоз-андоз билан машғул қизалоқдаги ғ а ж а к, қ и р қ к о к и л, боғда ўсаётган г у л п е ч а к билан эски т а р о қ нинг «кулишп» бир-бирига зидлаштирилиб, жиддий фалсафий мавзу ва мазмун енгил услубий мақомда талқин этилган. Шундай: бировга — соч қайғуси, бошқада — қирқ кокил; бировга — ғажак ташвиши, бошқада — энса (чакак) қотиши; тўкилиб кетган сочга — тишлари тўкилиб кетиб «кулаётган» тароқ; кексаликдаги вақти чоғликка — эски тароқнинг иржайиши мос.

Ғафур Ғуломда чуқур фалсафий мавзу ўйноқи, енгил баён билан омукталаниб, ғоятда ўзига хос таъсирчанлик юзага келган. Лекин шеър қанчалик бардамлик, шукроналик, вақти чоғлик, мамнуният, бағри бутунлик билан ёзилган бўлмасин, «сафар яроғини ҳозирлаш» палласи яқинлашаётганини чуқур

ҳис қилиш табиий ҳазин кайфиятни сира-сира яширишга имкон бермайди.

I 1-қар, 4-қай  
II 2-оқ, 3-қор  
III 2-қиз, 4-қир  
IV 4-қу  
V 3-қў  
VI 3-қо, 4-қил

VII О  
VIII 1-оғ  
IX 1-ўғ, 2-қиз  
X 4-ақ, 5-оғ  
XI О  
XII 2-оқ, 4-оғ

Бунда ижтимоий-маънавий қувонч, қувноқлик билан табиий қайғуриш, ўзни қистов, қисти-қафасбандликда ҳис этишни ўқувчи фақат «тушуниб»гина қолмай, балки «эшитиб» ҳам туради.

Хуллас, бадний асарнинг ички ғоявий ҳарорати унинг ташқи лисоний либоси, шакли, моддий материяси билан чамбарчас боғлиқдир. Бунга иқрор бўлиш таржимоннинг қисматини Иржи Левый ташвишланаётганчалик мушкуллаштирадими? Ҳа, турган гап. Бироқ таржимоннинг аҳволига қараб, бор нарсадан кўз юмиб бўладими? Йўқ. Таржимада бошқа тилнинг (асл нусха тилининг) **хусусиятини** айнан бериб бўлмайди. Бунга интилиш ашаддий формализмга олиб келган бўлар эди. Таржимада ўзга тил (асл нусха тилининг х и с л а т и) асар ўгирилаётган тилнинг хусусияти, имконияти орқали акс эттирилади. Башарти, бизнинг тилимизда оригинал тилининг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик воситалари ёки хоссаларидан баъзилари мавжуд бўлмаган тақдирда (бундай бўлиши табиий ҳол), улар қисман бошқа воситалар билан компенсация қилинади, қисман эса қурбон берилади.

Таржимон қурбон беришга ҳамма вақт улгуради. Аммо ўгирилаётган асарнинг руҳига чуқур кириб борган, унинг мусиқий жарангосини нозик идрок этган таланти таржимонлар асл нусхадаги саж, параллелизм, зидлаш (антитеза) ва ҳоказоларни ҳосил этишда қатнашган бадний фонетика ҳодисаларини ҳам иложи борица тўқис беришга ҳаракат қиладилар.

Инглиз шоири Байроннинг «Шильон тутқуни» асарининг тўққизинчи фаслида қуйидаги мисралар учрайди:

For all was black, and bleak, and grey;  
It was not night, it was not day;  
It was not ewen dungeon-light,  
So hateful to my heavy sight,  
But vacancy absorbing space,  
And fixedness—without place;  
There were no stars, no earth, no time,  
No check, no change, no good, no crime,  
But silence, and sterless breath  
Which neither was of life nor beath;  
A sea of stagnant idleness,  
Blind boundless, mute and motionless!  
(Byron. „The Prisoner of Chillon“, IX).

И виделось как в тяжком сне,  
Все бледным, темным, тусклым мне;  
Все в мутную слилось тень;  
То не было ни ночь, ни день,  
Ни тяжкий свет тюрьмы моей,  
Столь ненавистный для очей:  
То было тьма без темноты;  
То было бездна пустоты  
Без протяженья и границ;

То были образы без лиц;  
То страшный мир какой-то был  
Без неба, света и светил,  
Без времени, без дней и лет,  
Без промысла, без благ и бед,  
Ни жизнь, ни смерть — как сон гробов,  
Как океан без берегов,  
Задавленный тяжелой мглой,  
Недвижный, темный и немой.

Бу мисралар шоир Муҳаммад Али таржимасида қуйидагича берилган:

Бари, бари рўёдай хира,  
Нурсиз, рангсиз, афтода тийра  
Ғира-шира сояларга ғарқ;  
Недир — аяиб, ётолмадим фарқ —  
Саҳарми, шом, зиндоннинг манфур  
Ёруғими — қўзим қилган кўр?  
Бу — қоронғу зим-зиё зулмат,  
Масофада билмагувчи ҳад  
Чоҳи адам эди, тубсиз қаър;

Фариштаспз юз, қиёфалар  
Ила тўлмиш бу ваҳший дунё;  
Осмони йўқ, беранг, безиё,  
Замони йўқ, бевақт, беадад,  
Беҳунару бебахт, беофат,  
Тобутларда кечган тушсимон,  
Ё мисоли қирғоқсиз уммон  
Қарахт эди, гангу кар эди,  
Зулматларга чулганар эди.

Байроннинг инглизча нусхаси русча ва ўзбекча таржималарда фақат мазмун тўқислигидагина эмас, балки шакл гўзаллигини ҳам жуда нозик акс эттирган ҳолда намоён бўлган. Чунончи, инкор маъносини ифодаловчи *no* қўшимчаси рус ва ўзбек тилларида ҳам муқобил *без* ҳамда *бе-* унсурлари билан ифодаланган:

There were no stars, no earth, no time,  
No cheek, no change, no good, no crime.

Без неба, света и светил,  
Без времени, без дней и лет,  
Без промысла, без благ и бед.

Осмони йўқ, беранг, безиё,  
Замони йўқ, бевақт, беадад,  
Беҳунару бебахт, беофат.

Еш олима Муҳаббат Боқоеванинг қайд этишича, ҳар иккала таржимада ҳам шеърӣй оҳангдошликка эришилган: русча таржимада *т, б, с*, ўзбекча таржимада эса *б, р, с, з* товушлари оҳанг уйғунлигини таъминлаган<sup>1</sup>.

Саж, ички қофиядошлик, сўз ўйинлари, услубий такрорлар айниқса халқ дostonларида кўп учрайди. «Алпомиш» дostonидан бир нечта мисол.

— Э, Бойбўри билан Бойсар! Бу тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенларнинг нимангдан қайтади? Ўлсаларинг молларингга ҳар меросхўр чиқадики, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан буёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-бети бўлади. Биз сенларнинг давлатингдан бўлиб оламизми?<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қараңг: М. Бакаева. Проблемы перевода английской поэзии на узбекский язык. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Ташкент, 1980, с. 10—11.

<sup>2</sup> Фозил Йўлдош ўғли. Алпомиш. Тошкент, 1957, 21-бет.

Ўғилнинг ўғлидан, қизлининг қизидан, ошнинг кети-бети сингари услубий қайтариқ-тавтология бу дostonда жуда кўп учрайди. Таржимон Лев Пеньковский муаммони шундай ҳал қилади:

— Э, Байбури э, Байсари! Что ни говори про богатства и честь, ответ вам простой: окупится той через тех, у кого наследники есть. А на вас, бездетные баи, надежда плохая. Где ваши джигиты? Где ваши красавицы? А умрете, на ваши богатства наследников много объявится да с такой пастью, на наше несчастье, что живьём человека проглотят. Богатства ваши нам не сладки. Потому вам здесь и подают остатки!¹.

Насрий текст ичида *честь-есть-пасть; не сладки-остатки* сўзларининг ҳамоҳанг, ҳамқофия бўлиб келиши асл нусхага услубий-миллий монандликни келтириб чиқарган.

Шеърий парчаларда халқ оғзаки ижодига хос такрор таъкидловга хизмат қиладиган радифни акс эттириш тажрибаси ҳам диққатга сазовор.

Барчин турар ҳурдай бўлиб,  
Тиши гавҳар дурдай бўлиб,  
Жамолларн ойдай бўлиб,  
Мисли асов тойдай бўлиб,  
Бир минг қўйли бойдай бўлиб,  
Қуралай кўзи чўғдай бўлиб...

Ҳаммаларн бирдай бўлиб,  
Богда очилган гулдай бўлиб,  
Чаманда булбулдай бўлиб,  
Ўтириб эди сўхбат қуриб (62).

«Бўлиб» радифи олдида қалашиб келган мароқли қофиялар, эпосга хос фавқулодда ўхшатиш, сифатлаш, анъанавий муболағалар мазкур нарчани ва шундай бадий тасвир воситаларни, тўйинтирилган миллий бўёқлар, лисоний-услубий хосликлар билан тўлиб-тошган бутун асарни бошқа тилларга таржима қилишни қарийб имконсиз бир нарсага айлантириб қўяди. Лекин Лев Пеньковский таржимасидаги «Алпомыш» билан танишган киши бундай фикрдан қайтиб, таржимон маҳоратига таҳсин ўқийди.

Зубы — жемчуга у Барчин,  
Юная сайга ай-Барчин,  
Полумесяц серъга у Барчин,  
Ликом полнолуныя нежней,  
Станом кипариса стройней,  
А глаза газельи у ней...

С нею для забав и услуг  
Сорок перазлучных подруг.  
Сладок их привольный досуг.  
Розами цветут на холме,  
Соловьями поют на холме (60).

Таржимон рус шеърий анъанасига ёт бўлган радифни кўр-кўрона такрорлаш йўлидан бормаган. Гарчи икки ўринда бу хусусиятни ҳам усталлик билан акс эттирган бўлса-да (жемчуга — сайга, цветут поют), кўпроқ шеърий жўровозлик ҳосил қилишга асосий эътиборни қаратган ҳолда, айниқса, қофияларни тўлароқ акс эттиришга интилиб, радиф функциясини ҳам компенсация қилишга муяссар бўлган.

Л. М. Пеньковский тағлама (подстрочник) орқали таржима қилар эди. Лекин шунга қарамай, миллий турмуш тарзи, адабий

¹ Ф. Ю л д а ш. Алпамыш. Узбекские народные поэмы. Ташкент, 1958, с. 10.

муҳит, жанр хусусиятини чуқур ўрганиш, халқ бахшилари репертуари билан яқиндан танишиши, уларни тинглаши ва матн устида жиддий филологик тадқиқот олиб бориши натижасида асл нусха билан баҳслаша оладиган пухта таржималар яратди.

Лекин асл нусха тилини билишга не етсин! Қуйида шоир Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим» шеърининг иккита русча таржимаси келтирилади. Бири А. Преловскийнинг тағлама орқали қилинган таржимаси бўлиб, иккинчиси — туркий тиллар бўйича йирик мутахассис, талантли таржимон С. Н. Иванов қаламига мансуб. Кейинги таржима ўзбекчага жуда яқинлигидан ташқари, унинг миллий руҳи, шаклий гўзаллиги, музикий жарангосини ҳам мукаммал акс эттирганлиги кўриниб туради.

*Абдулла Орипов*

### **БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ**

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,  
Зухра юлдуз милтираб, хира ханда отганда,  
Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим,

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,  
Айро ҳам тушдим баъзан қалб билан имон билан,  
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,  
Мангу ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.  
Лекин нисон ҳамиша бир ҳисга асир экан...  
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,  
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ,  
Эрта ҳазон гул каби сарғайиб, сўлганим йўқ,  
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Ғуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай,  
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим,  
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим,  
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Елғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> А. Орипов. Юзма-юз. Шеърлар. Тошкент, 1978, 166—167-бетлар.



## ПЕРВАЯ ЛЮБОВЬ

Вчера, когда па темном небе сверкала жёлтая луна,  
Когда ответно ей мерцала звезда неясная одна,  
Душа была полна пелали, покоя дивного полна,—  
Ночной порою размышлений я вспомнил первую любовь,  
Я о тебе тогда подумал, о первая моя любовь.

Бездумно юность пролетела, и шумно молодость прошла,  
Бывало, все мне удавалось, бывало, плохо шли дела.  
Порою совесть с глупым сердцем в разладе временном была,  
И потерял я безвозвратно, навеки первую любовь,  
А почему, понять не в силах. О первая моя любовь!

Мир так таинственно устроен, что в многоликости своей  
Он то вселенной бесконечность, то дом без окон и дверей,  
И человек в нем вечный пленник своих надежд, своих страстей.  
Но почему не знал я раньше об этом, первая любовь?  
Зачем тогда мы разминувшись, о первая моя любовь?

Меня мечта не оставляла, надежда теплилась всегда,  
Луна не гасла в темном небе, и посылала свет звезда,  
Я оставлял обитель скорби, чтоб возвратиться в мир труда,  
Но и в заботах и в лишениях я помнил первую любовь,  
И в радости — тобой терзался, о первая моя любовь.

Кто заблудился, путь находит во тьме при помощи любви,  
От горя человек спасется лишь доброй помощью любви.  
Все потерявший обретает жизнь только с помощью любви.  
А на кого мне опереться, как не на первую любовь?  
Я лишь тобою жив на свете, о первая моя любовь.

Подай же голос. Где ты нынче? Хоть слово мне пошли в ответ,  
Мне без тебя в огромном мире отрады нет, покоя нет.  
Меня за этими стихами застанет трудовой рассвет,  
И сердце вновь сильнее забьется, почуяв первую любовь.  
Ты для меня — всегда спасенье, о первая моя любовь!<sup>1</sup>

Пер. А. Преловского.

## ПЕРВАЯ МОЯ ЛЮБОВЬ

Когда, пройдя весь небосвод, луна за облако зайдет.  
И луч Венеры проблеснет, светя с тускнеющих высот,  
И душу мне печаль сожмет, и в сердце тишина зайдет,  
Припоминаешься мне ты, о моя первая любовь,  
И о тебе мои мечты, о моя первая любовь.

Минула юность — дни отрад и озорства веселый чад,  
Бывал печален я и рад, и прав бывал и виноват,  
И ведал с сердцем я разлад, и поступал я невольнопад,  
Но я утратил юный пыл, о моя первая любовь,  
И сердцем словно бы застыл, о моя первая любовь.

Кто этот мир понять бы смог? Как тайна, он суров и строг.  
Он то просторен и широк, то — словно без дверей чертог!  
И всех людей он подстерег и всех к себе он в плен завлек.  
Зачем я этого не знал, о моя первая любовь?  
Был беззаботен я и мал, о моя первая любовь!

<sup>1</sup> Абдулла Арипов. Стихи. М., 1975.

Нет, радостной мечты порыв во мне еще покуда жив,  
 Но я не искристо смешлив, не лунной уж красой красив!  
 Хоть вялой осени разлив во мне еще не так бурлив,  
 Но все ж, горю я по тебе, о моя первая любовь,  
 Печаль таю я по тебе, о моя первая любовь.

Путь потерявший человек в любви опору обретет,  
 В беду попавший человек в любви опору обретет,  
 Печаль познавший человек в любви опору обретет,  
 А в ком опору я найду, о моя первая любовь?  
 Ты вспомнишься — я как в чаду, о моя первая любовь!

О, весь я превратился в слух — скажи, где отзвук твой затих?  
 Я ко всему на свете глух, — лишь ты в видениях моих!  
 Рассветный луч еще не тух, как написал я этот стих, —  
 Ты — сердца стон и свет в очах, о моя первая любовь,  
 Ты — мой единственный аллах, о моя первая любовь!<sup>1</sup>

Пер. С. Иванова.

Классик аруздан — ҳи-  
 жоли системага

«Шоҳнома»нинг биринчи жилдидан жой-  
 олган таржимон қайдларида эпопеяни  
 ўзбекчага ўгириш принциплари ҳақида  
 жуда қизиқ фикрлар, қисман мунозарали тезислар акс этган.  
 Булар, асосан, дoston таржимасида вазн, луғат, ҳозирги ўқувчи-  
 нинг арузга муносабати ва уни тушуниш даражаси масалалари-  
 га тааллуқлидир.

«Шоҳнома» мутақориб баҳрининг маҳзуф ва мақсур тармоғи-  
 да ёзилган, унинг рукнларн фаулун фаулун фаулун фаул (ёки  
 фауул), парадигмаси (тақтеи) у — — у — — у — — у — (ёки  
 у — — ) бўладн. Ўзбек классик адабиёти учун бу нарсa янгилнк  
 эмас эди. Барчага аёнки, Алишер Навоий «Хамса»сининг бе-  
 шпнчи жангнома достони «Садди Искандарий» шу баҳрда ёзил-  
 ган. Шундай экан, ҳозирги вақтда «Шоҳнома»ни «Садди Искан-  
 дарий» й ў л и д а, шундай вазн билан ўгирса бўладими? Бу ху-  
 сусда таржимонлардан шарқшунос олим ва адиб, фақат Фирдав-  
 сий эмас, балки Умар Хайём, Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий,  
 Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил ва бошқа мутафаккир шоирлар-  
 нинг бир қанча маснавий, ғазал, рубойларини маҳорат билан  
 ўзбекчага ўгирган Шоислом Шомуҳаммедов изҳор этган фикр-  
 лар ҳамда далиллар билан танишишга тўғри келади.

Биз дастлаб «Шоҳнома»нинг ўз в а з н и ни сақлаш керак,  
 деган фикрда эдик, дейди у. «Кейинчалик бу улкан эпосни  
 ўзбекларга ёт вазнда эмас, балки ўзбекларнинг улкан  
 эпослари (масалан, Алпомиш ва Гўрўғли) вазнларида таржима  
 қилинса ўзбек китобхонига асарнинг бутун ш а в қ у ш у к у ҳ и  
 яхши етиб бормасмикин, деган фикрга келдик ва бу фикр  
 1966 йил февралда бўлган Бутуниттифоқ таржимонлар кенга-  
 шида ўртага ташланган эди» (таъкидлов бизники — F. C.)<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> С. И в а н о в. Кровное слово. Ташкент, 1981, с. 577—578.

<sup>2</sup> «Шоҳнома». Биринчи китоб. Тошкент, 1971, 711- бет.

Ш. М. Шомуҳаммедов «Шоҳнома»нинг биринчи китобига ёзган сўзбошисида, матбуотда эълон қилган мақолалари ва илмий анжуманларда қилган докладларида таржима вақтида тутилган энг катта муаммо — вазн масаласи эканини алоҳида қайд этади. Шундай бўлиши табиий. «Шеърнинг вазнини акс эттириш — унинг куйи, музыкаси, бинобарин кайфият ва туйғуларини акс эттириш демакдир».

Кўпгина таржимонлар, айниқса, назариячилар асл нусханинг вазнини айнан сақлашни талаб қиладилар, ёки шундай принципга кўра иш тутадилар. Илмий тил билан айтганда, таржимада эквиметрикавий ақида дастур қилиб олинади. Бироқ амалда бу маънодаги тўла «вазний мувофиқлик»ка эришиш амри маҳол. Чунки вазн халқ тили, адабий тил, унинг тарихан таркиб топган миллий-эстетик аъъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ҳодиса. Ҳар бир миллий адабиётнинг (баъзан бир неча қўшни халқлар адабиётларининг) ўз шеърӣ системаси, барқарорлашган вазн тури бор. Таржимада бу ҳол билан ҳисоблашмаслик иложи йўқ. Вазнини айнан сақлашга интилиш баъзан тилга «зўравонлик қилиш»га олиб келади. Немис таржимонлари бир вақтлар Шайх Саъдийнинг машҳур «Бўстон»ини ўз вазни мутақорибда қайта яратишга уриниб кўрган эдилар, лекин кўзланган натижага эришилмаган. Бунга мисоллар кўп. Шу сабабли бир-биридан узоқ адабиётлардан таржима қилганда вазнини айнан сақлаш эмас, балки ватан адабиётидан унга мувофиқ, яқин келадиган, ҳамоҳанг вазн турини топиб қўллашга уриниш мантиқан асослироқ кўринади. Бошқача айтганда, таржимада эквиметрпә (вазний муқобиллик) эмас, балки эквиритмия (ритмик муқобиллик, оҳангдошлик) принципи кўпроқ қўл келади.

«Шоҳнома» В. А. Жуковский замонидан бери рус тилига ўн беш марта таржима қилинган бўлса, ҳар гал янги вазн қўлланган. Чунончи, В. Жуковский, М. Зотов, С. Соколовлар — олти туроқли ямб (оқ шеър), М. Дьяконов, М. Лозинский ва Ц. Бону — тўрт туроқли амфибрахий (Ц. Бонуда нуқул музаккар қофияли), В. Державин ва бошқалар — беш туроқли ямб (муаннас ва музаккар қофиялар алмашиниб туради), И. Сельвинский рукилари уч ҳижоли бўлган амфибрахий ва анапест, гоҳи 12—14 ҳижоли ямб, В. Левик ва К. Линскеровлар — тўрт туроқли амфибрахий ва тўрт туроқли ямб билан таржима қилганлар. Хуллас, бу аъим эпопеяни қайта яратиш тажрибасида А. С. Пушкин замонидан тортиб энг янги давргача бўлган рус поэзияси вазнлари синаб кўрилган. Бу таржималардан ҳар бирининг ўз афзаллиги ва ўз камчилиги бор. В. Державин таржималарини «Шоҳнома»нинг оммавий нашрларида ҳамон қўлланилмоқда.

Миллий ҳосиликнинг вазнида ифодаланиши

Шеър таржимасида ўзгаришлар, қурбонлар бўлиши табиий ва зарурий ҳол. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Бироқ ана шу қурбонлар, ўзгаришлар нималар ҳисобига бўлади,

уларнинг характери, моҳияти қанақа? Қурбонлар эвазига нимага эришилади? Бу нарса асарнинг қийматига таъсир қиладими ёки йўқми? Ўзгаришлар, эркинликлар оқибатда ижодий аниқликка олиб келадими ёхуд оригиналнинг ўзига хослигини ўзгартириб юборадими? Масалала ана шу нуқтаи назардан ёндашилса, эркинлик билан аниқлик чегараларини топиш, таржимонларнинг усул ва услуби, тадбир ва санъаткорлигини илғаб олишга йўл очилади.

Ҳар қандай таржима — икки тилни муқояса этиш жараёни. Бас, бунда маҳорат тиллар орасидаги фарқни енгиб ўтишдан бошланади. Жумладан, шеър таржимасида ҳам аҳвол шу. Аммо шуниси борки, бу фарқлар шеърин таржиманда янгича маъно касб этади, лисоний тўсиқларни енгиб ўтиш қийинчилиги пучаяди. Бунинг сабаби фақат шеърда миллийликнинг чуқур томир ёйганлиги ёки шеърин тилнинг ўзига хослигида эмас. Бунинг боиси шеърда вазн ва оҳанг мавжудлиги, нутқнинг ўлчовларга бўйсунганлигидадир. Тиллар орасидаги фарқлар шеърин системалараро тафовутлар билан қўшилиб кетади. Шоир-таржимон бу иккала говни ҳам енгизиш керак. Агар шеърин асарлар таржимасига диққат қилинса, ундаги ўзгаришлар, оригиналдан ажралиб турадиган томонлар кўпинча икки нарса — вазн ва қофия талаби билан содир бўлганини кўриш қийин эмас.

Вазн — шеърнинг асосий хусусияти. Бу шунчаки нутқ ўлчови эмас. Вазн — ритмнинг асоси, бу — шеърин системаларни вужудга келтирадиган замин. Жаҳон шеърин системаларининг (аруз, ҳижо, силлабо-тоник, тоник, александрия, метрик) ҳаммаси вазн табиатидан пайдо бўлган. Вазн хусусияти эса ҳар бир тилнинг фонетик қурлишидан ҳосил бўлади. Вазн муайян тилдаги ритмик имкониятнинг назмга кўчган шакли. Бир хил шеърин вазн бир неча халқ адабиёти учун муштарак бўлиши мумкин. Чунончи, силлабо-тоник система немис, рус, чех шеърларида қўлланилади; аруз араб, эроний ва туркий халқлар адабиётида амал қилиб келган. Лекин шуни айтиш керакки, бир вазн бир неча халқ адабиётида амал қилса-да, аммо ҳар бир миллий адабиётда унинг ўзгача ҳислати бор.

Шеърин бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш уни бир вазн бағридан ўзга вазн системасига ўтказиш, трансформация қилиш демак. Ҳа, бу ерда фақат трансформация ҳақида гапириш мумкин. Зеро, вазини бошқа тилга кўчириш мумкин эмас, яъни бошқа шеърин системада ёзилган асарни аслидаги вазин билан айнан қабул қилиб бўлмайди. Масалан, арузда битилган ғазални рус тилига аруз билан, силлабо-тоник шеърни ўзбек тилига силлабо-тоник вазн билан беришнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб, шеърни таржима қилганда фақат ҳар бир адабиётда мавжуд бўлган вазндан фойдаланиш мумкин. Вазини айнан сақлаш масаласи ўз-ўзидан кун тартибидан тушади. Бинобарин, вазн ўзгариши аксарият шеърин таржиманинг табиий, зарурий хусусияти эканлиги равшан бўлади. Шундай бўлгач,

шеърӣй таржимада вазн ҳосил қиладиган ритм ҳам ўзгариши табиий, зарурий ҳолми? Бу саволга қатъий қилиб, ҳа ёки йўқ деб жавоб беришдан олдин масалага конкретроқ ёндашиб фикр юритишга тўғри келади. Гап шундаки, вазн системалари ўз табиати билан бир-биридан катта фарқ қилгани ҳолда, улар орасида батамом ўхшаш бўлмаса-да, лекин яқин келадиган жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, арузда яратилган асарларни уларнинг жапз тузилиши ва фойдаланилган баҳр турига қараб силлабо-тоник вазннинг турли шохобчалари орқали таржима қилиш имкони бор. Алишер Навоӣ «Хамса»си дostonлари беш туроқли ямбда (музаккар қофиялар билан), ғазаллари эса шу вазннинг 8—10 туроқли системасида, баъзан хорейда; рубоӣй ва туюқлари беш ва тўрт туроқли ямб билан таржима қилинган.

Баъзи тадқиқотчилар Шарқ классик эпик дostonлари таржимасида беш туроқли ямбни номувофиқ деб ҳисоблайдилар. Чунончи, Алишер Навоӣ асарларининг моҳир таржимонларидан бири С. Н. Иванов «Хамса»даги дostonларнинг ҳаммасини бир вазн билан ўгириш, шунда ҳам нуқул ямбни қўллаш нодуруст, деган хулосага келади. Унинг фикрича, бу формал яқинлик бўлиб (ҳижолаарнинг сони тахминан тенг келишига асосланган), интонация, функционал яқинлик нуқтаи назаридан яроқсиздир. Беш туроқли ямб шеърнинг ўқилишини тезлаштириб, Навоӣйга хос сеҳрли босиқ оҳангни беролмайди<sup>1</sup>.

Шуни айтиш керакки, В. Державин ва бошқа айрим рус таржимонлари Навоӣй поэмаларидан ташқари, «Шоҳнома», Жомӣй дostonларини ҳам шу вазнда ўгирганлар. Бу эса бир оҳангликка олиб келган. Таржимонлар орасида тажриба ва изланиш давом этмоқда.

Шунинг сингари, рус таржимонларининг севган вазни тўрт туроқли ямбни ўзбек тилига тўққиз бўгинли (тўрт+беш) туроқ системаси орқали таржима қилиш анъанага айланди. Бу вазн шохобчалари бир-бирига хос ритмни маълум даражада қоплай олиш имкониятига эга. Шундай қилиб, юқорида қайд этилганидай, вазнда ҳам мувофиқлик қидириб топиш — эквиметрлик проблемаси пайдо бўлади. Вазн муқобиллигини таъминлаш ҳам қурбонсиз амалга ошмайди.

А. С. Пушкиннинг «Сибирга мактуб» шеърисида:

Во глубине, сибирских руд  
Храните гордое терпенье.  
Не пропадет ваш скорбный труд  
И дум высокое стремленье...

Миртемир таржимаси:

Сибирь конларининг тагида  
Мағрур сақланг сабот ва ҷидам.  
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда —  
Юксак ҳаёл, амалингиз ҳам...

<sup>1</sup> Қаранг С. И в а н о в. Поэма Алишера Навои «Язык птиц» (опыт переводческого истолкования). Сб. «Мастерство перевода», 1975, с. 147—148.

Пушкин шеърнi тўрт туроқли ямбда ёзилган. Музаққар ва муаннас қофиялар алманиб туради. Ўзбекча таржима ҳижонинг 4+5=9 бўғинли системасидedir. Буида диққат қилинса, шеърдаги ҳижолар сонн Миртемир танилаган ҳижо системасига қарийб мос: русчада биринчи ва учинчи қатор 8 бўғиндан, иккинчи ва тўртинчи қаторлар 9 бўғиндан иборат. Аммо рус тилида ундошларнинг қаторлашиб келиши, гарчи ҳижонинг миқдорига қўшилмасе-да, аммо вазига муайян таъсир ўтказиб туради. Бу урғуланиш пайтида сезилмай қолади. **Урғуларнинг вазн ҳосил қилиш хусусияти ўзбек тилига хос эмас.** Шунинг учун шеър ўзбекчага ўгирилгач, силлабо-тоникликнинг (ҳижо-урғу вазни) тоник хусусияти тушиб қолиб, силлабийлик хусусияти сақланади. Натижада ритмнинг урғуга асосланган қисми — талаффуз ўзгаради. Бунинг натижасида рус тилидаги шеърнй талаффуз қондаси ўрнини ўзбек тилининг талаффуз қондаси эгаллайди. Лекин мисраларнинг ҳажм ўлчови сақлангани сабабли интонацион ритм, маъно ритми акс этиб, ихчамлик сақланган. Бунн шеърнй таржимада эквиметрик ҳолат вужудга келтириш — вазн муқобиллигини ҳосил қилиш санъати деб айтилади. Бу ерда вазн муқобиллиги шеърдаги бошқа унсурларнинг функционал муқобиллигига мос келган. Шеърнй образ деганда фақат тасъирий-ифодавий тил (лисоний образлилик), сюжетли шеърларда эса персонажлар образигина назарда тутилмайди. Шеърда ритм ҳам, муסיқа ҳам образдир. Ритмсиз (вазнсиз) ва муסיқасиз (оҳангсиз) образлар оддий проза бўлиб қолади, улардаги парвоз, лисоний маънони ўқувчи вужудига сингдирадиган нур — бу ана шу муסיқавий образлиликдан ҳосил бўлади. Бу хусусият (лисоний-ритмикавий ва муסיқий образ) шеър ижодкорининг характеридан келиб чиқади. Лирик шеър ва поэма-ларда бу нарса лирик қаҳрамон образида яққол намоён бўлади. Лирик қаҳрамон — шоирнинг ўзи, унинг хислати, дунёқарашн, интилиши ва курашидир.

**Анъанавий-поэтик муш-  
тараклик, аруз ва тар-  
жима**

Мутақориб салобатли, тантанавор ритм-ни юзага келтирадиган вазн тури. Дақиқий ва Фирдавсий мазкур баҳрни бежиз танламаганлар. У бошқа вазнларга нисбатан жангнома оҳангини ифодалашга мос тушади. «Шоҳнома»дан кейин барпо қилинган барча қаҳрамонлик дostonлари шу баҳрда эканлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Тўғри, мутақорибда фақат жангнома эмас, бошқа назм турлари ҳам ижод қилинган. Масалан, Абулқосим Фирдавсийнинг замондошлари Лўкари Чангзан, Абушукур Балхий, Манжиқий, Розий, Шокир Бухорий, Хусравоний, Масъуд Марвазий, Мусо Фароловий, Шаҳид Балхий ва бошқалар бу баҳрда қасида, қитъа, кичик маснавийлар ва насиҳатномалар ёзганлар. Фирдавсийнинг ўзи ишқий-романтик дostonи «Юсуф ва Зулайхо»ни шу баҳрда бунёд этган. Кейинги асрларда ҳам мутақорибда турли мазмундаги асарлар яратилди (Саъдийнинг «Бўстон»и, Қирмонийнинг «Хумой ва Хумоюн» дostonи ва бошқалар).

«Шоҳнома» татбиқида Фирдавсий мутақориб имкониятларидан шу қадар усталик билан фойдаланганки, гўё бу вазни унинг ўзи илк бор кашф этгандай. Достонни ўқиганда, у фақат шу баҳрда зоҳир бўлиши мумкиндай, бошқа баҳрда бундай тантанавор шеърини нома ёзишнинг иложи йўқдай туюлади. Шундан бўлса керак, мутақориб деганда классик адабиётда дафъатан «Шоҳнома» кўз олдимизда гавдаланади.

Шарқ классик адабиётидан таржима қилганда, бундай қараганда, ўзбек адиблари олдида вазн муаммоси йўқдай туюлади. Ҳақиқатан, кўп асрлик бой, ранг-баранг шеъримиз арузда мужассам, адабий-эстетик анъаналар ва усуллар йўриғидан ўзбек ва форс-тожик поэзияси орасида яқинлик ҳамда муштараклик мавжуд. «Қутадғу биллик» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Садди Искандарий» (Алишер Навоий), «Чор дарвеш» (Хиромий) ва бошқа бир қанча достонларимиз мутақориб баҳрида ёзилган. Ҳамонки, шундай бўлгач, «Шоҳнома»ни бемалол ўз вазни — мутақориб мусаммани мақсур баҳрида таржима қилиш мумкин, деган хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Бироқ бунчалик жўн кўринган бу масала аслида жуда мураккаб. Башарти, «Шоҳнома»ни бир неча юз йил илгари ўзбекчага таржима қилиш ҳақида гап борганида, умуман вазн проблемаси кўндаланг бўлмас, муқаррар равишда арузни аруз билан формуласи асос қилиб олинар эди. Негаки, инқилобга қадар шеъримизнинг ётакчи вазни аруз, совет даври ўзбек поэзиясининг дастури эса ҳаёто системасидир. Шунга биноан ҳозирги китобхонларнинг аксарияти бармоқ шеърини руҳида тарбияланган. Шу маънода таржимонларимизнинг: ўзбек интеллигенцияси арузда ёзилган шеърни ҳазм қилолмайди, уни бармоқ қолипига солиб ўқийди, деган даъволарида асос бор. Турган гап, бу тезисни китобхонларнинг барча тоифасига нисбат бериб бўлмайди. Зотан, арузни талаффуз қилолмайдиган «чала» зиёлилар билан бирга, бу вазнда ёзилган шеърни жуда қадрлайдиган, бениҳоя севиб, тушуниб ўқийдиган «оддий китобхонлар» ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Шу нарса шак-шубҳасизки, гап қайси вазн тилимизга мос келиш-келмаслигида эмас, балки кишининг қай муҳитда, қандай адабий анъаналар руҳида тарбия топганидир. Ҳам аруз, ҳам бармоқ шеъритига бирдай тиши ўтадиган адабиёт шинавандаларни бу икки хазинадан бажонидил баҳраманд бўлмоқдалар. Умуман, вазнлар хусусидаги баҳс фақат таржима муносабати билан қўзғолган бўлмай, балки оригинал адабиёт танқидчилигида давом этмоқда. Оригинал адабиётда бармоқ ва аруз вазнларида яратувчилик тажрибаси ёнма-ён ривожланиб бораётгани ва булар бир-бирига тўсиқ бўлмаётгани каби, шарқ шеъритидан таржима қилишда ҳам икки хил вазн муваффақиятли равишда барабар қўлланмоқда. Масалан, Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Қамол Хўжандий ғазаллари, айрим достонлардан парчалар аруз вазнида ўгирилган, Хайём ва Бедил рубойлари, «Искандар хирадномаси» (Жомий), «Бўстон», «Гулистон» (Саъдий) асарлари бармоқда



таржима қилинган. Шу жумладан, «Шоҳнома» ҳам бармоқ вазнида ўзбекчалаштирилди.

Хуллас, масала қайси вазннинг афзаллиги, дуруст ёки нодурустлигида эмас. Аъло ёки яроқсиз шеър, тўғри ёки қинғир таржима бўлиши мумкин, лекин яхши ёки ёмон вазн бўлмайди (қаловини топган шоирга барча вазнлар яхши). Ҳар бир вазн маълум даврда ёки айрим вазиятда, махсус контекст ичида кишиларнинг кайфияти ва туйғуларинин, муайян ижтимоий мазмунни акс эттиришга хизмат қилади. Аруз шунчаки бир ўлчов бўлмасдан, балки тарихий колоритни белгилайдиган, замон нафаси ва қалб тепишининг етказадиган адабий ҳодисадир. Бошқача айтганда, вазнни бир қолип деб билиб, унинг ичидаги мазмунини олиб бошқа шакл — қолипга солса бўлаверади, деб ўйлаш тўғри эмас. Бинобарин, ҳар қандай вазн, жумладан, аруз — бу бир система, тарихан қарор топган адабий анъаналар, қонун-қондалар, талаб ва андазаларни ўзида муҳассамлаштирган ҳодиса, асардаги тасвирий унсурларни маълум ритмик оҳанглар оқимига йўналтириб турадиган тарозу. Арузда ёзилган асарнинг образлари, жамики бадий тасвир воситалари, мусиқаси, хуллас, бутун вужуди шунга муқобил равишда битилган бўлади. Бу унсурлар бошқа вазн қолипида кўчганда аксарият бегоналашиб қолади, қандайдир қовушмаганлик пайдо бўлади.

Оташин лаъле: ки тожи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Бу улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг машҳур «Тухфатул афкор» номли қасидасининг матлаъидир. Мазкур қасида кейинги вақтларда Ш. Шомухаммедов таржимасида босилиб чиқди.

Подшоҳлар тожида ёлқинли лаъл бўлса, безак,  
Бошдаги ҳар хом хаёлга тоб берувчи чўғ демак.

Ўз вазнидаги жуда аниқ, ғоят чиройли таржима. Олтмиш байтли каттакон қасида бошдан-охиригача шу зайлда ўгирилган. Дарвоқе, Ш. Шомухаммедов «Шоҳнома»дан қилган илк таржималари ҳам арузда эди. Бунинг таъсири таржиманинг биринчи китобида маълум даражада сезилиб туради. Аруз оҳангига мос, мутақориб баҳри рукнларига бемалол тушадиган байтлар баъзан учраб қолади.

Ҳамон ин|з чун Со|ми чангн|бувад,  
Далеру|хушиво|ру сангн|бувад.

Агар Сом|каби ул|тиришқоқ|экан,  
Баҳодир|ақли|тиришқоқ|экан...

Бад-ин те|зи андар|наёяд|ба чанг,  
Набойд|гирифтан|чунин кор|танг<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А булқосимн Фирдавси. Шоҳнома. Жилди II. Ба чоғ тайёрку-  
нандагон Камол Айнӣ, Зоҳир Аҳгорн, Баҳром Сирус. Душанбе, 1964, саҳ. 234

Бу ишда | жадаллик | келишмас | эрга,  
Масал бор | шошилган | ялчимас | эрга<sup>1</sup>

Демак, Фирдавсий шеърини қиссасининг жарангоси таржимон-шоирларни беихтиёр мутақориб баҳрига мувофиқ оҳанг берадиган ритмикавий муқобиллик излашга рағбатлантирган, натижада айрим ўринларда байтлар ё соф арузда, ёки арузий тахлитда ижод қилинган. Шунинг оқибати бўлса керакки, таржимада мисраларнинг кўпи ўн бир ҳижоли вазнининг 6+5 ёки 5+6 туроқлашув қабилида эмас, балки 3+3+3+2 ёхуд 3+3+5 туроқлашув системасида тартиб берилган.

3                      3                      3                      2  
За-во-ра | фил-тан-га | ке-ла-ди | я-қин.  
Я-қо-си | йир-тил-ган | юз-ла-ри | сўз-гин

Бу андаза мутақориб рукнлари ҳижоларининг гуруҳланиш тартибига мосдир. Мутақорибда ҳам, агар уни бармоқ вазни сингари, ҳижолар системасига солиб чиқилса,  $3+3+3+2=11$  ҳосил бўлади. Бундай таркиб паузалар такрорига, бир хилдаги ритмнинг давом этишига қулай бўлиб, бармоқ вазнининг мутақориб баҳрига ҳамоҳанг вариантини топиш йўлидаги таржимонлар илмий ва ижодий изланишда эканликларидан дарак беради.

Таржимада шеърни ўз вазни билан бериш мураккаб назарий масала, амалда эса бу — шеърнинг кўпи, мусиқаси, бинобарин, кайфият ва тўғуларини акс эттириш деган сўз. Таржимага асос қилиб олинган вазн китобхонга тўғу бахш эта олиши керак, бошқа тилдан муқобил вазн қидириб топиш мушкул иш, одатда, асл нусхага яқин, унга монандроқ жаранглайдиган вазн танлашга тўғри келади. Чунончи, «Шоҳнома»ни ўзбек тилига ўгиришда унинг в а з н и, яъни арузда ёзилган кўра, ж а н р и, яъни эпос, жангнома эканлигини асос қилиб олиш муҳим, деган тезис илгари сурилади. «Шоҳнома» сингари эпосин арузда, унинг муайян баҳри ва тармоғида ўзбекчалаштириш шарт эмас, айтишнинг ҳожати ҳам йўқ, деб ҳисоблайдилар.

«...Аруз системаси ўзбек тилининг фонетик системасига у қадар қойим эмас,— деган фикр илгари сурилади.— Бу вазнлар ичда айримлари, масалан, рамал, ҳазаж ўзбек классиклари поэзиясида кенг қўлланилар, чунки улар баъзи вазнлар (масалан, мутақориб, ражаз кабилар)га нисбатан ўзбек тили хусусиятига мос тушар эди. Аруз вазнида яратилган шеърларда арабий, форсий сўзлар кўп учрайди, шу ваздан ҳозирги вақтда ўзбек классикларининг бу шеърларини шарҳламасдан тушуниш анча мушкул»<sup>2</sup>.

Бадий асар фақат «тушуниш», «англаш» учунгина эмас, балки, шу билан бирга, лаззатланиш, маънавий озиқланиш, ҳис

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Тошкент, 1975, 442—443-бетлар.

<sup>2</sup> Таржимондан. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб. Тошкент, 1975, 710—711-бетлар.

этиш, таъсирланиш учун ёзилади ва ўқилади. Қалб торларини чертмайдиган, ўқувчини ҳаяжонлантирмайдиган қисса бадий асар бўла олмайди. Ҳар бир ижод намунаси эса ўз жанри, ўз вазни, ўз шаклу шамоили билан гўзал, маънодор, таъсирчан. Айтайлик, эркин шеърда изҳор этилган ҳамма нарсани ҳам сонетда ифодалаб бўлмагани сингари, лапар текстини балладага айлантириш мумкин эмас. «Шоҳнома» ҳам, шубҳасиз, аруз вазнида тушунарли, виқорли, завқбахш. Муштарак шеърый системага эга бўлмаган бошқа халқлар уни ўз тилларига ўгириб, Фирдавсий даҳосидан баҳраманд бўлиш учун *вазн* излар эканлар, бу *зарурат* тақозосидир. Лекин кўп асрли, бой арузий меросга эга бўлган ҳолда, шарқ классик шеърятининг мислсиз обидаларини ўз вазнида таржима қилишдек бой имкониятни қўлдан бой бермаслигимиз керак.

Принцип юзасидан айтганда, башарти, шеърый таржимада вазни ўзгартириш, яъни поэтик асарни бошқа вазнга ўтказиб таржима қилиш қатъиян ман этилганида, поэзияни бир тилдан бошқа тилга, хусусан, адабий-эстетик анъаналари бир-биридан узоқ халқлар тилларига ўгириш ноимконий бир нарсага айланиб қолган бўларди. Бундай тақдирда шарқ тилларига, айтайлик, терцина ёки сонетни, ғарб тилларига эса, олайлик, хокку ёки туюқни таржима қилиб бўлмасди. Бу эса шеърятда аксинча таржимачилик қарашларининг тўла тантанаси деган сўз эди. Йўқ, таржима санъатида вазн ўзгариши умуман нормал ҳол ҳисобланади. Бироқ... ҳар бир шеърый асар ўзи яратилган вазнда яшайди ва у ўз вазни, ўлчови, шакли, оҳанги билан чиройли. Шакл алмашуви эса муқаррар суратда мазмунга таъсир кўрсатади. Шундай бўлгач, таржимада шакл ўзгариш мазмунга ҳам таъсир этаркан, бошқа тил заминига ўтганда асл нусха ҳеч қачон айнан ўзидай сақланиб қолмайди. Бунда маълум камомат ва орттирмалар содир бўлади.

Таржимада ҳар қандай асар ҳам янгилади. У ўзининг бир қанча хусусиятларидан маҳрум бўлади, аллақанча янги фазилатлар орттиради ҳам. Бу ёғи таржимоннинг иқтидори ва тажрибасига боғлиқ.

Принцип эътиборида, таржимада бутун бошлиқ шеърый системанинг ўзгариши у ёқда турсин, баъзан ҳатто айни бир вазн чегарасида бир шеърый тур ёки баҳрдан бошқасига ўтказиб ўнгирганда ҳам асар ўз қиёфасини ўзгартиради.

Ҳазал таржимасига диққат қилайлик.

Маълумки, ғазал арузнинг турли баҳрларида ёзилади. Масалан, Алишер Навоий ўз ғазалларида арузнинг 19 баҳрига кирадиган 80 дан ортиқ шахобчаларидан фойдаланган<sup>1</sup>. Аруз вазни — бу мусиқий оҳанглар ўлчови демак. Шунинг учун ёзилган ғазалларнинг аксарияти қўшиқ қилиб айтилган. Классик «Шашмақом»нинг матни фақат аруздан иборат. Ҳазални

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний. Танқидий мати. Ҳамид Сулаймон тайёрлаган. Тошкент, 1959.

«оддий» ўқиганда ҳам, «ўз куйи»га туширилмаса, дуруст чиқмайди. Қадимда девонларни мутолаа қилганда овоз чиқариб, «қироат» билан ўқиганлар. Бу бежиз эмас. Ҳазал ўз ярашиқ оҳанги билан «қулоққа қабул қилинади». Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, «қулоқни хафа қилмаслик» учун ҳар бир ғазални ўз «йўлида» ўқимоқ лозим.

Модомики шундай экан, ҳар бир ғазал учун танланган аруз баҳри ўша асар интонацияси ва ритмини ифодалаб, лирик қаҳрамон кайфиятига мос тушиши керак. Чунки арузнинг ҳар бир баҳри муайян мусиқий оҳангни акс эттириб келади ва кинида ўшанга мос руҳий кайфият пайдо қилади. Мазмунни ҳазин бўлган ғазалнинг вазн оҳанги ҳам ҳазин; қувноқ, ўйшоқни мазмунли ғазалларнинг вазни енгил, таронали бўлади. Шунинг учун ҳар бир ғазални ўз вази билан таржима қилган шоирлар муваффақият қозonganлар. Ҳофиз Шерозий ғазалларидан Хуршид қилган таржималарнинг ҳофизона чиқишига асосий сабаблардан бири уларда баҳр турларининг айнан сақланганидир. Чустийнинг бир қанча таржималарида эса бу нарсага камроқ эътибор қилинган. Шу сабабли унда ғазалнинг мазмунини, образлари хийла яхши берилган бўлса ҳамки, баҳр бошқа бўлгани сабаб, оҳанг ўзгарган, ғазалнинг умумий нафоси ҳам ўзгачароқ тус олган.

Ҳофизнинг мана бу ғазалига эътибор қилинг:

Гул жамоли дилга ёқмас бенигор,  
Завқи йўқдир бодасиз бўлса баҳор.

Баҳраси йўқ боғу бўстон сайрини,  
Бўлмаса бир лола юзли гулизор.

Қилмаса булбул тараннум боғаро,  
Сарву гул рақсида бўлмас эътибор.

Нозу неъмат, боғу гул яхши, вале —  
Лаззати йўқ бўлмаса суҳбатда ёр.

Ер юзидан ўзгаси манзур эмас,  
Ҳушни банд этгувчи ҳар суратни бор.

Гулбадан, лаъли шакар дилдор билан  
Бўсасиз бўлса висол не завқи бор?

Қадри йўқ Ҳофиздаги жон нақдини,  
Арзимас қилмоқ учун ёрга нисор<sup>1</sup>.

Айрим майда қусурларни инobatга олинмаса (бешинчи бандда мисралар бир-бири билан боғланмагандай; шунингдек, бешинчи ва олтинчи байтларнинг иккинчи мисраларида қофияланишнинг нуқсонли эканлиги), бу мукамал шеър. Аллитерация асарни жарангдор қилган (биринчи мисрадаги *бенигор, бодасиз*,

<sup>1</sup> Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. Тошкент, 1958, 101-бет.

*бўлса, баҳор* сўзларининг тизилиб келиши), қофиялар тўлиқ, вазн тўқис, маъно-мазмун бут. Қисқаси, ҳамма нарса жойида. Буюк Ҳофизнинг ҳаётбахш нафаси уфуриб тургандай, ором-бахш, завқли, жонон газал. Таржиманинг бу фазилатлари уни асл нусха билан қиёслаганда ҳам кўриниб туради.

Гул бе руҳи ёр хуш набошад,  
Бе бода баҳор хуш набошад.  
Тарфи «аману ҳавон бўстон,  
Бе лолаизор хуш набошад. -

Рақсидани сарву ҳолати гул  
Бе савти ҳазор хуш набошад.

Боғу гулу мул хуш аст, лекни  
Бе сўбати ёр хуш набошад.

Ҳар нақш, ки дасти ақл баидад,  
Бе нақшу нигор хуш набошад.

Бо ёри шакарлаби гуландом,  
Бе бўсу канор хуш набошад.

Жон нақди муҳаққир аст Ҳофиз,  
Аз баҳри нисор хуш набошад<sup>1</sup>.

«Хуш набошад» (хуш бўлмағай) радифи мазкур газалда саккиз марта такрорланган, таржимада эса радифни бермаслик оқибатида бўлишсиз формадаги феъл воситасида қайта-қайта таъкидланган инкор маъноси мисралар таркибига едирилиб ифодаланган (*ёқмас, йўқ, бўлмаса, қилмаса, эмас, арзимас*). Асл нусха билан таржимада қофияга олинган сўзлар:

1) ёр	бенигор
2) баҳор	баҳор
3) лолаизор	гулизор
4) ҳазор	эътибор
5) ёр	ёр
6) нигор	бор
7) канор	бор
8) нисор	нисор

Бунда *ёр* (1,5 — 5), *баҳор* (2 — 2), *нисор* (8 — 8) сўзлари ўзбекчада ҳам айнан қофияланган, *нигор* (6 — 1) таржимада бўлишсиз формада берилган (*бенизор*), *лолаизор* (3 — 3) эса бошқа синоними билан алмаштирилган (*гулизор*).

Шуниси ажабланарлики, таржимада асл нусхадаги «ҳамма нарса» муҳайё, ҳатто «ортиғи» билан бор. Айни вақтда унда «нимадир», жуда муҳим «бир нарса» етишмаётганлиги аниқ сезилиб турибдики, бу форсча асл нусхага нисбатан таржимани ниҳоятда файзсиз қилиб қўйган. Энди ана шу ортиқча ва етишмаётган нарсаларни тайин этишга уриниб кўрайлик. Ишни соф технологиядан, шеърин материалнинг луғавий-фонетик таркибини аниқлашдан бошлаймиз.

<sup>1</sup> Ҳофиз Шероzi. Мунтахаби девон. Сталинобод, 1957, саҳ. 235.

Ғазал оригиналида жами 383 белги мавжуд. Жумладан, 8 мисрада такрорланиб келган ҳар бири 11 белгидан иборат «хуш набошад» радифларининг умумий ҳажми — 88 белгини чиқариб ташланса, мазкур ғазал 285 белгидан ташкил топганлиги маълум бўлади. Ҳар бир мисра, ўрта ҳисобда, 21,07 белгини қамрайди. Ўзбекча таржимада эса ҳаммаси бўлиб 449 белги бор. Ҳар бир мисра, ўртача, 32,07 белгидан иборат. Шундай қилиб, атиги 285 белгидан таркиб топган бир кичик ғазал таржимасида асар ҳажми нақ 154 белгига ошиб кетган. Ҳар мисра бошига ҳисоблаганда, оригиналга нисбатан (21,07) 11 белги зиёд. Бу ҳисоблар кўрсатадики, таҳлил этилаётган ғазал таржимаси ҳажман аслига қараганда учдан икки ҳисса ошириб юборилган.

Энг муҳими: Ҳофиз ғазали хушвақтлик, кайфи чоғликни ифодалайди (бундай ўринда ҳар қандай *тафсилот* ортиқча). Шунга мувофиқ шоир ҳазажни мусаддаси мақсур вазинини танлаган. Парадигмаси: *мафъулу мафоилун мафойил*. Таржимага эса рамали мусаддаси маҳзуф асос қилиб олинган бўлиб, парадигмаси: *фоилотун фоилотун фоилун*. Худди шу нарса Ҳофиз шеърининг оҳангини ўзгартириб юборган, мастона шўхлик, енгил кайфият ҳисси сустлашган. Тўғри, таржима тамоман тескари кайфият туғдирмайди, у ҳазин ёки мунгли туйғу уйғотадиган бўлиб қолган, деб бўлмайди. Ўзбекча байтлар ҳам баҳору ёр висоли, унинг лаззати, нашидаси ҳақида хабар беради. Аммо китобхонда фаол, жонли туйғу қўзғамайди, уни форсий нусха сингарни ҳаяжонлантирмайди. «Таржима унинг аслидай ўйноқни ва енгил жарангламайди... аслидан анча узоқлашиб қолган»<sup>1</sup>.

Классик адабиёт намуналарини таржима қилишдан мақсад ўқувчинин бошқа тилда яратилган асарнинг мазмуни билан таништириш, уни ўша асарда ҳикоя қилинган воқеалардан воқиф этиш, асл нусханинг ўзига хос қўшиғини ўз куйимизга солиб куйлаш, унинг бадний хусусиятларини ҳозирги купги адабиётимиз учун традицион ҳисобланган бадний шакллар андазасига солишдангина иборат эмас. Муаллифнинг ўзига хос индивидуал услубини қайта яратиш, асл нусхада акс этган миллий, тарихий ва замон колоритини акс эттириш талаби ҳамда принциплари таржиманинг асосий, энг муҳим проблемаларидан ҳисобланади. Булар эса мавҳум тушунчалар эмас, балки оригиналда акс этган конкрет тарихий воқелик, айни асарни келтириб чиқарган, уни жаҳон адабиёти хазинасига узатган муҳит, ўз даври учун характерли бўлган адабий аъёналар билан боғлиқ фалсафий-эстетик концепциялар инъикосида ўз ифодасини топадики, таржимон бу омилларни четлаб ўта олмайди. Владимир Маяковскийнинг инқилобий руҳ билан суғорилган ажойиб поэма, марш, шеърларини қасидага айлантириб таржима қилиш қанчалик ғайри табиий бўлса, айтайлик, Алишер Навоий

<sup>1</sup> Ш. Ш о м у ҳ а м м е д о в. Ҳам санъат, ҳам илм. «Таржима санъати» (мақолалар тўплами). Тошкент, 1973, 46- бет.

«Хамса»сини эркин шеърда ўғириш ҳам шунчалик ноўрин бўлар эди.

Шоислом Шомуҳаммедов «Шоҳнома» билан «Садди Искандарий» вазндош эканлигидан дарак берар экан, Навоий достонидан яхши бир байт келтиради:

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,  
Етар яхшилиқдан анга яхшилиқ.

Ҳикмат, ибрат, идрок билан суғорилган бу каби байтларнинг маънодорлиги-ю, таъсирчанлиги шеърий санъат, мусиқа, шоирнинг маҳорати билан қўшилиб, ўқувчини жазб этадиган қуйма ҳолга келган, мақол ва афоризмларга айланиб кетган. Шунингдек, «Садди Искандарий» достонидан олинган ушбу байтда ҳам жуда чуқур фикр изҳор этилган:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса сен яхши бўл («Хамса», 1645).

Фирдавсий яратган азамат эпопеянинг навоси унинг ўз вазни, шакли, санъати, радиф ва қофиялари, бадий тасвир воситалари ичида яширинган.

Одатда, арузнинг ҳозирги ўзбек адабиёти учун «яроқсизлиги»ни исботлашга уринганда унинг луғатида арабий ва форсий сўзлар кўп қўлланилишини далил келтирадилар. Лекин форс-тожик классик адабиёти таржимасига келганда, мутақорибни рад этиб, бармоққа мурожаат қилиш эвазига унда араб ва форс сўзларининг салмоғини камайган деб бўлмайди. Бинобарин, ҳозирги таржиманинг луғати чегарасида ҳам бемалол маснавий бунёд этиш мумкин. Қолаверса, тилнинг интернационал-луғавий бисоти мундарижасини тайин этишда бу жамғармага фақат гарб тилларидан кирган сўз ва терминларни киритиб, Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари тилларидан қабул қилинган, минг йиллар мобайнида халқимиз истифода этиб келаётган лексик бирликларни «эскирган» деб тушуниш ҳам объектив илмий концепция бўлолмайди. Зотан, тилда «янги» деб қабул қилинган барча нарсалар ҳамма вақт ҳам ҳаётий бўлавермаганини сингари, «эски» нарсаларнинг барчасини ҳам зарарли деб бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум.

«Гарчи эски бўлса-да, ҳамма гўзал нарсани сақлаб қолиш керак,— деган эди В. И. Ленин,— ундан намуна сифатида фойдаланиш керак, унга амал қилиш керак. Нима учун биз ҳақиқатан ҳам гўзал бўлган нарсадан у «эски» бўлганлиги туфайлигина юз ўғирар эканмиз, ундан воз кечар эканмиз, нима учун ундан келгуси тараққиёт йўлида негиз сифатида фойдаланмас эканмиз? Нима учун биз янги нарсага худога сажда қилгандек сажда қилишимиз керак? Нима учун «у янги» бўлганлиги учунгина унга маҳлиё бўлишимиз керак? Бу бемаънилик, турган-битгани бемаънилик! Бунда мунофиқлик ва, албатта, Ғарбда ҳукм сураётган бадий модани онгсиз равишда афзал кўриш ҳоллари жуда кўп. Биз жуда яхши революционерлармиз, лекин биз нима учундир, биз ҳам «ҳозирги маданият



чўққисида» турибмиз, деб исботлашга уринамиз. Мен ўзимни «варвар» деб айтишга ҳам журъат этаман. Мен экспрессионизм, футуризм, кубизм ва шу каби «изм»ларга оид асарларни бадний маҳоратнинг олий намунаси деб ҳисоблай олмайман. Мен уларни тушунмайман. Улар мени завқлантирмайди»<sup>1</sup>.

Форс-тожик тили билимдони, Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомуҳаммедов фақат шарқ адабиёти мутахассиси, комментатори ва тарғиботчисигина эмас, унинг истеъдодли таржимони ҳам. У шарқ адабиёти таржимасида ижод қилаётган бошқа шоирларнинг фаолиятига ҳам, ўз таржималарига ҳам талабчанлик ва масъулият билан қарайди, хусусан, ўғирилаётган асарнинг вазни ва мусиқасига жуда сезгир, эҳтиёткор. Чунончи, форс-тожик адабиётидан бир қанча асарларни у арузда таржима қилишнинг ажойиб намуналарини берди, бу илҳомли масалани моҳирона ҳал қила олди.

Шерозлик буюк форс-тожик шоири Шайх Саъдийнинг қолипловчи байтлари «Биншинаму сабр пеш гирам! Дунболан кори хеш гирам» мисралари билан яқунланувчи ажойиб таржебандини Ш. М. Шомуҳаммедов «Лол ўлтирамен, сабр қилиб лол! Иш оқибати хаёлда алҳол» тарзида ўз вазни билан ниҳоятда чиройли таржима қилган.

Саъдий Шерозий:

Эй сарви баланди қомати дўст  
Ваҳ-ваҳ, ки шамонлат чи некўс<sup>2</sup>

### Ш. Шомуҳаммедов таржимаси:

Эй қомати хуш сарви серноз,  
Ваҳ-ваҳки шамойилинг нечук соз<sup>3</sup>.

Ўн уч банддан ташкил топган бу шеър бошдан-охиригача мана шу тарзда мукаммал таржима қилинган.

Шеърини мазмун тўқислиги, вазннинг енгиллиги ва завқбахшилиги билан бирга, сурункасига тизилиб келган: *дўст-некўс-чўст-пўст-минўст-анбаринбўст - дўст-дуоғўст-баложўст-рўст - бад-хўст-бедўст* сингари қофиялар ўзбекчада: *серноз-соз-танноз эъзоз-ҳамроз-пардоз-муртоз-устоз-алфоз-боз-сеҳрбоз-дилбоз-шаҳноз-носоз* каби янги қофиялар билан таржима қилиб берилган. Ана шундай қофияланиш тартиби сўнгги туркумларда ҳам давом эттирилади (афсуски, Саъдийнинг мазкур таржебанди қисқартириб ўғирилган). Бу ёрқин маҳорат, саъдиёна шеър намунаси деса арзигулик таржима.

<sup>1</sup> Клара Цеткин. Ленин тўғрисида хотиралар. М., 1955, 12—17-бетлар. Қаранг: «Ленин маданият ва санъат тўғрисида». Тошкент, 1962, 577-бет.

<sup>2</sup> Гулшани адаб. Намунаи пазм иборат аз панж жилд. Намунаҳои назми форсу тожик. Асрҳои XII—XIV, жилд I. Душанбе. 1975, саҳ. 128.

Саъдий Шерозий шеърятидан. Форсийдан халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Шоислом Шомуҳаммедов таржимаси. Тошкент, 1976, 141—142-бетлар.

Шу нарсa таҳсинга сазоворки, Ҳофиз Шерозийнинг ўз ватан-доши Шайх Саъдий йўлида ёзган ғоят фарахли ўхшатма таржеъбандини бошқа бир шоир — Чустий ҳам ўз вазни билан ўзбек тилига ўнгирган эди. Бу форсий асл нусхалар билан уларнинг ажойиб сўз санъати намунаси деб қабул қилса арзигулик таржималари бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, уларнинг бири — Саъдий қаламига мансуб, бошқаси — Ҳофизники эканлиги услуб, бадий тасвир воситалари ва оҳангидан билиниб туради.

Ҳофиз:

Эй дола ба ёди дўстдори!  
Ин буд вафову аҳди ёри!<sup>1</sup>

Чустий таржимаси:

Дўстликин нега совурдинг, э ёр,  
Шул бўлди му ваъда, эй жафокор!<sup>2</sup>

Ҳофиз Шерозийнинг саккиз банддан иборат бу шеъри ҳам вазн ва оҳанг эътибори билан моҳирона ўзбекчалаштирилган.

Бу ерда ҳам асл нусха билан таржимада луғат ва қофия бир-биридан жиддий фарқланади. Чунончи, Ҳофиз қофиялари: *дўстдори-ёри-супори-беқарори-хори-созкори-бидори-ори*; Чустий қофиялари: *ёр-жафокор-озор-бор-хор-ситамкор-дилдор-вафодор*. Булардан ёр ҳамда хор сўзларидан ясалган қофияларгина сақланган, холос.

Саъдий ва Ҳофизнинг икки таржеъбандининг Чустий ва Шонслом Шомуҳаммедовлар қилган таржималарини асл нусхалари билан ўзаро чоғиштириш шунинг кўрсатадики, арузда ёзилган асарни ўзбек тилига ўз вазнида ўгириш, таржималар матнида арабий ҳамда форсий сўзларнинг кўплиги бу асарларнинг таъсир кучи, уларнинг кенг халқ оммасига тушунарли бўлишини заррача сусайтирмаган. Аксинча, мазкур асарларни бармоқ вазнида таржима қилишни умуман тасаввур қилиш ҳам қийин. Мабодо бунинг иложи топилган тақдирда ҳам, булар буюк Саъдий ва Ҳофизларнинг қаламига мансуб эканлигига шарқ классик адабиётидан яхши хабардор бўлган шеърсевар китобхонни ишонтириш осон бўлмасди.

Таржимонни ўзга тилда бунёд этилган мафтунокор, мислсиз сўз санъатини ўз она тилида кўриш, «бегона мўъжизани, бир лаҳза бўлса-да, ўзиники дсб билиш, уни эгаллаш истаги» (А. А. Фет) ёндаиради. Шунинг учун у енгиб бўлмайдиган бир иштиёқ билан қалам суради. Баъзан тантана қилади, шафқатсиз мағлубият аламини чеккан дамлари ҳам бўлади. Лекин В. Брюсов таъбири билан айтганда, «Данте билан курашда оқсоқ бўлиб қолиш ҳам катта шараф»<sup>3</sup>. Бу кураш, бу халқаро

<sup>1</sup> Ҳофиз Шероzi. Мунтахаби девон. Сталинобод, 1957, саҳ. 545.

<sup>2</sup> Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. Тошкент, 1958, 229-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: «Русские писатели о переводе (XVIII — XX вв.)». Л., 1960, с. 543.

ижодий турнир жаҳон адабиёти майдонида бир неча асарлардан бўён давом этиб келади. Шоирлар ҳар гал ўзлари яшаб турган замонанинг адабий-эстетик ақдлари, янгича дид ва талаблар тақозоси юзасидан классика билан беллашнинг жаҳд қилар эканлар, қандайдир ўзига хос тадбир, йўл, усул қидирадилар, ўз биеотларидаги восита ва имкониятлардан фойдаланишга интиладилар.

Оригинал адабиётда бўлган сингари, бадий таржимачилик жабҳасида ҳам ворисийлик мавжуддир. В. Шекспир, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Ф. Шиллер, И. Гёте, Г. Гейне асарлари таржималари билан бир қаторда, Шарқ адабиётидан Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий асарларини ўзбек тилига ўгиришда муайян тарихий тажриба, тадрижий тараққиёт, қарор топа бошлаган принциплар мавжуддир. Реалистик таржима, совет таржима мактаби, рус ва бошқа қардош халқлар таржимонлари яратган бой тажрибалардан сабоқ олган ўзбек совет таржима усталари Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммад Темур, Мунис ва Қомил Хоразмий, Сидқий Хондайлиқий, Ажзий (Сидқий), Қори Фазлуллоҳ Алмаий каби кўплаб шоир ва мутаржимлар қолдирган маданий меросдан истифода этиш имкониятига эгадирлар. Жумладан, жаҳон адабиётининг йирик шеърий эпопеялари қаторидан ўрин олган «Шоҳнома»ни ўзбек тилига таржима қилишда ҳам ғоят қимматли тарихий тажрибага эгамиз.

«1682 йилда мулла Хомуший «Шоҳнома» достонини ўзбек тилига таржима этиб... уни «Шоҳномаи Фирдавсий» деб атади. Хомуший ўз таржимасига Жаъфар Нажафий томонидан тузилган «Шоҳнома»нинг насрий вариантини асос қилиб олди,— деган маълумотни беради проф. Ж. Ш. Шарипов.— Хомушийнинг таржимаси эпопеянинг учинчи қисмини ўз ичига олади»<sup>1</sup>.

Икки аср муқаддам яратилган бу таржима унга объект қилиб олинган нусханинг хусусиятига кўра, гарчи Фирдавсий «Шоҳнома»сининг мазмун-мундарижасидан йироқлашган бўлишига қарамай, шеърий қисми арузга, жангномалар оҳанги, салобатли мутақорибий вазнга асосланганлиги билан мўътабардир.

Заҳомат била Рустами филтан,  
Шижоат била сафдару сафшикан.

Қаду қомати ёл, болу баланд,  
Басе дил пазиру, басе дилписанд.

Самангон эли барча шодоб ўлуб,  
Бу тифл оти ичра сўхроб ўлуб.

Қилиб тўй шоҳи Самангон сарир,  
Жавон бахт ўлуб шаҳриёри далир.

<sup>1</sup> Жуманиёз Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан (революциядан олдинги давр). Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1965, 78- бет.

— Ки мундин кейин менга не шодлиқ,  
«Бузуғ кўнiglума недур ободлиқ!»

Муни дер эди йиғлар эрди бaсе,  
Йўқ эрди ўзиким ўзида эси.

Сочиb бошига хож, йиртиb юзин,  
Кўтариb уруб ерга ўзи-ўзин.

Тўкар эрди ёшу юлар эрди мўй,  
Хуруш айлабон ҳар замон тоза рўй.

Анга деди Сўҳроб:— «Кўб йиғлама,  
Ғаму ҳасрату дарду қайғу ема.

Ки ўз қилгон ишга пушаймон недур  
Бaсе сўгу зорию хирмон недур!»

Бу эркан манга эзиди покдин,  
Ато илкида ўлмак афлоқдин.

Ки бу йиғламоқ ўлмакимга на суд?  
Бу эркан манга мунча тобмоқ вужуд»<sup>1</sup>.

Баркамол санъат асарида адибнинг индивидуал услуби алоҳида олинган ҳар унсурда, жузъий ҳодисада намоён бўлади,— умумий жиҳатлар жузъий ҳодисалар табнaтини белгилaгани сингари, аксинча, майда, типик тафсилотлар асарнинг умумий ғоясига сезиларли таъсир кўрсатади. Бинобарин, «Шоҳнома»даги мухтасар тасвир услуби, долғали оҳанг, бадний-фалсафий умумлашма унинг образлари, ташбиҳ ва истиораларида ҳам из қолдирган.

«Шоҳнома» ўзи яратилган форс-тожик тили бағрида яшайди, ўз вазнида жаранглайди. Бошқа тилга, ўзга халқ орасига йўлланма олар экан, аввало, у ўзининг бирламчи лисоний шаклидан маҳрум бўлиш туфайли табиий жаранглашининг бир ҳиссасини ўз-ўзидан, муқаррар равишда йўқотади.

Достоннинг хотима қисмида башорат қилиб айтилган мана бу пурмаъно байтлар келади:

Биноҳи обод гардад хароб,  
Зи борону аз тобиши офтоб.

Пайафканда аз назм кохе баланд,  
Ки аз боду борон наёбад газанд.

---

<sup>1</sup> «Шоҳнома»дан. Хомуший таржимаси. «Ўзбек адабиёти». Тўртинчи том, Иккинчи китоб. Тошкент, 1960, 275—289- бетлар.

Ҳатто асл нусхасида ҳам арузий қироат билан ўқилмаса, бу байтлар қандайдир «шеърнамо» оддий матнга айланиб қолади. Фирдавсийнинг башорати, ҳикмати, фикри руқнлари *фаулун фаулун фаулун фаул* билан белгиланган мутақориб вазнида куйга солиб ўқилганда гўё янгидан жонланади, ҳаракатга келади, қалбларни ларзага солади. Шуниси қизиқки, олти байтдаги жами 30 та сўздан қарийб тенг ярми, 13 таси ўзбек китобхонида яхши таниш. Булар: *бино, обод, хароб, тоб, офтоб, назм, баланд, бод, ман, зинда, тухум, сухан, пароканда*. Шунингдек, яна бир қанча сўзларнинг маъносини «тусмоллаб» билса бўлади. Масалан, *кох, газанд* калималарини олайлик. Ўзбек тилида *кох* «юксак бино, қаср» маъноларида қўлланган бўларди (НАЛ, 319). Бу ҳозирги вақтда эскирган. Албатта, бугунги ўқувчи «газанд — зарар, зиён-заҳмат, офат; газанд етмак — зиён-заҳмат етмоқ» (НАЛ, 155) эканини билмайди. Лекин бу ҳаракатни ифодаловчи феълдан ясалган от — *газанда* сўзи тилимизда бор. Матн луғатининг эллик фоизи таниш экан, байтлар мазмунини тушуниш мумкин: «Обод бинолар ёмғир ва офтобнинг тобланишидан хароб бўладилар. Шеърдан шундай бир баланд қаср ясадимки, унга шамолу ёмғир таъсиридан офат етмайди. Сўз уруғини қадаб чиққан эканман, бас, мен ўлмайман, доим барҳаётман». Таржимада эса бу қуйидагича жаранглайди:

Қўп олий қасрлар бўлурлар хароб,  
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.

Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,  
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.

Сухан тухмин экдим чекиб меҳнатим,  
Мен ўлмам, асрлар яшайдур отим<sup>1</sup>.

Асл нусхани яратишда Фирдавсий ўз замонасининг тили, луғати, услуби, тасаввурлари, адабий анъаналари замирида, ўз истеъдодига таяниб фаолият кўрсатган. Таржимон эса билადики, у минг йиллик кўҳна шеърини обида билан иш кўрмоқда. Демак, унинг таржимасида тарихий тадриж, қадимий миллий ўзига хослик, узоқ ўтмиш нафаси сезилиб туриши керак. Лекин у яна билადики, таржима бизнинг замондошларимиз, Фирдавсий кўрган, билган, эшитган одамлардан тамомила фарқланувчи, бошқача фикрловчи, ўзгача жамиятда, шароитда, бўлакча ахлоқ-одоб муносабатлари асос бўлган маънавий ҳаётда эркин яшаётган кишиларга бағишланмоқда. Ана шу икки омил ҳамма вақт таржимоннинг диққат марказида туради.

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Биринчи китоб, 6-бет.

Шеърнинг завқбахшлиги, таъсир кучини тасвирлайдиган ифодалар, образлар, Абулқосим Фирдавсийнинг бадий тасвир услубини таржимонлар бера олганлар. Образни образ билан таржима қилиш тадбири маъно ва мазмун муқобиллигини ҳосил қилган. Шу тариқа маъно аниқлиги, шеърӣ оҳангдошлик ҳамда синтактик композицион монандлик бирга қўшилиб, ўқувчини «Шоҳнома» бағрига, Фирдавсийнинг нафосат оламига етаклайди.

**Шеърӣ таржимада миллий рух, вазн ва луғат**

Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳу Гадо» достонини ўзбек тилига ўғирар экан, Муҳаммадризо Огаҳӣй «Бу қисса таржимасининг боиси» ҳақида ўз ижодий дастурини қуйидагича баён этади ва асослайди:

Фарсий лафз ила эрур манзум,  
Аҳли атроқ аро эмас мафҳум.  
Турк алфози ила айла баён,  
Назм баҳри била ул гуҳарафшон.  
Нухани вазни бирла маснавий эт,  
Барча байтини баҳри маънавий эт...  
Чунки доно мусаннифи онинг,  
Назм қилгон муаллифи онинг.  
Ҳар на сўздин қилибдурур таҳрир,  
Байт-барбайт айладим тақрир.  
Барча сўзим дедим онинг сўзидур.  
Мен демайким, деган онинг сўзидур.  
Гўйиё мен анинг тилидурмен,  
Тутгани хомани айдурмен<sup>1</sup>.

Шеърӣ таржимани бундай принцип билан мазмун-вазнсанъат бирлигида ўғиришни таржима идеали дейиш мумкин. Аммо турли сабабларга кўра, бундай олий нав таржимага ҳамма вақт ҳам эришиб бўлавермайди. Одатда шундай бўладикки, агар таржима қилинаётган оригиналнинг барча «ашёлари» — жанри, мазмуни, вазни, мусиқаси, луғавий ўзига хослиги ва ҳоказоларни шартли равишда ўнта бирликдан иборат деб олинса, энг сара таржимада бу узвларнинг олти ёки еттитасини сақлаш мумкин. Қолганлари турли ўзгаришларга учрайди, қурбон берилади. Бироқ ҳамма гап шундаки, таржимон ҳар бир конкрет асар таржимасида нимани сақлаш шарту, ниманинг баҳридан ўтиш мумкинлигини билиши лозим. Ҳар бир муаллиф, ҳар бир алоҳида олинган шеър, қасида, ғазал, достон, баллада ва ҳоказоларда бундай «зарурий» ва «нозарурий» компонентлар мундарижаси ўзгариб боради. Мабодо таржимон ўз ишида айна асар таржимаси учун акс эттириш унчалик зарур бўлмаган унсурларнинг (олайик, сўзлар, жумлалар, грамматик таркиблар) барчасини бирма-бир олиб қолган ҳолда, асосий нарсаларни (мусиқа, ғоявий талқин, услубий ўзига хослик, қофия ва ҳоказо) «қурбон» берса, на ўша

<sup>1</sup> ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инвентарь № 809, 151-а — 152-б варақлар.

шоирнинг ўзидан, на унинг асаридан ҳеч нарса қолмаган бўлар эди.

Шеърӣй таржима диалектикасига хос умумий, типик хусусият шундаки, асл нусханнинг фақат луғавий мазмунини тўқис беришга ружу қилиш унинг назмий табиатига лат етказади, ёки аксинча, «шеър асосида шеър» яратишга зўр бериш таржимонни — автордан, таржимани — оригиналдан узоқлаштириб юборади.

«Нусхани вазни бирла маснавий эт». Бу, асар айнан шундай шеърӣй ўлчовга эга бўлган халқнинг тилига таржима қилганда ҳам, мураккаб талаб. Ҳар ким уддалай олмайди. Муштарак адабий анъанага эга бўлмаган халқлар тилларига таржима қилганда эса, бу талабни умуман амалга ошириб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

Турли халқларнинг таржима соҳасида орттирган тажрибалари билан танишиш шуни кўрсатадики, мураккаб, баркамол шеърӣй асар бошқа адабий муҳитга кўчганида ўзининг аксар табиий фазилатларидан маҳрум бўлиб, «вазминлашиб» ўтса, баъзан бунинг аксича, аслига қараганда ҳам мураккаброқ, «сипороқ», қатъийроқ шаклга киради. Масалан, арманларнинг классик шоири, Абулқосим Фирдавсийнинг (940 — 41 — 1020 — 26) замондоши Григор Нарекаци (951 — 1003) ўз асарларини эркин шеър билан ёзган. Лекин Наум Гребнев уларни қатъий қофияга келтириб, рус тилига беш туроқли ямб билан таржима қилган<sup>1</sup>. Левон Мкртчяннинг айти нaшрга илова қилган сўзма-сўз филологик таржималари билан танишар экан, Леонид Миль Наум Гребнев таржимага танлаган вазнга эътироз билдиради. Унинг фикрича, Нарекачининг эркин шеърини қатъий қофияга олиш асл нусха стихиясини «сиполаштиришга», матн мазмунини бир қадар енгиллаштиришга сабаб бўлган. Бироқ эркин шеърни қофияли қилиб ўгириш ҳодисаси тез-тез учраб туради. Масалан, худди ўша Н. Гребнев М. Шайхзоданинг эркин шеърда бунёд этган «Мирзо Улуғбек» тарихий фожиасини, Н. Заболоцкий машҳур «Игорь жангномаси» достонини қофиялаб таржима қилганлар. «Рамаяна»нинг русча ва ўзбекча таржималари хусусида ҳам гап шу.

Ст. Рассадин билан Л. Мкртчяннинг фикрича, Наум Гребневнинг Григор Нарекацидан қилган қофияли таржималари муваффақиятли чиққан. Гап шундаки, Нарекаци минг йил муқаддам ёзган эркин шеър бизнинг тасаввуримиздаги ҳозирги верлибрдан фарқ қилади. Ст. Рассадиннинг фикрича, башарти, Г. Нарекачини рус тилига ҳозирги верлибр билан ўгирилса, уни Уитмен ва Аполлинерларнинг ...«издошига» айлантириб қўйиш мумкин. Бошқача айтганда, верлибрда қарор топган ҳозирги

---

<sup>1</sup> Григор Нарекаци. Книга скорби. На древнеармянском и русско-м языкaх. Изд-во «Советакан грох», 1977.



стереотип асосида таржима қилинган Нарекаци ўқувчида тамомила ўзгача туйғу, сохта ассоциация тугдириши табиий<sup>1</sup>.

Шеърый таржимада муқобил вазн ва оҳанг кашф этиш тажрибаси ўзбек поэзиясида ҳам учрайди. Асқад Мухторнинг арман совет адабиёти классиги Аветик Исаакяндан қилган таржимаси бунга яққол мисол бўла олади<sup>2</sup>. А. Исаакяннинг буюк араб мутафаккири Абул Аъло ал-Маъаррий образини бош қаҳрамон қилиб олган асари рус тилида дастлаб Валерий Брюсов таржимасида босилиб, арманча аслига мос ҳолда «етти сурадан иборат қасида» деб номланган эди<sup>3</sup>. Кейинчалик уни Павел Антокольский рус тилига қайта таржима қилди<sup>4</sup>. Мазкур асарнинг ўзбекча таржимаси илк бор «Гулистон» журналида босилиб чиқди<sup>5</sup>, орадан бир йил ўтар-ўтмас алоҳида китобча ҳолида чоп этилди. Ҳар икки ўзбекча нашр ҳам, асл нусхага монанд ҳолда «қасида» эмас, балки «достон» деб аталди. Таржиманинг журнал варианти билан алоҳида наشري ўртасида жиддий матний ёки талқиний фарқлар айтирли учрамаса-да (журнал босмасида достоннинг номи «Абул Аъло ал-Мааррий» деб аталса, алоҳида нашрда «Абул Аъло ал-Маъаррий» тарзида ўзгартирилган), умуман, 156 та тузатиш кўзга ташланадики, буларнинг айримларини «тузатиш» дейишдан кўра «бузиш» деб таърифланса тўғрироқ бўлади.

Асқад Мухтор асарни ўзбекчалаштиришда муайян бир русча таржимага (В. Брюсов ёки П. Антокольский) таянмасдан, балки ҳар иккала таржиманинг ҳам «энг аниқ» жойларидан фойдаланган. Асар асл арманчасида, сўнгра биринчи русча таржимасида «қасида» деб номланганлиги, иккинчи русча таржимасида маснавий шаклини олганлиги (мисралар жуфтлашиб берилганлиги), фасллар, Қуръонда бўлганидай, «сура» деб аталishi, бу қасиданинг «шоири» вазнида ёзилганлиги, асл нусханинг бош қаҳрамони — араб шоири ва мутафаккири, номи ўзбек халқига азалдан таниш бўлган Абул Аъло ал-Маъаррий эканлиги ва ҳоказо ҳолатлар Асқад Мухторга таржимада фавқулодда янги бир тадбир қўллаш — уни аруз вазнига солишга туртки берган. Бошқача айтганда, ўша ўзимизнинг минг йиллик қадимги аруз вазнимиз атоқли арман совет шоирининг ижодини ўзбек тилига таржима қилишда янгича талқин, ғоятда маънодор, салобатли, жарангдор услуб яратишда восита ролини ўйнаган.

<sup>1</sup> Қаранг: Леонид Милъ, Левон Мкртчян. Как переводить классику на современный язык? Журн. «Дружба народов», 1978, № 10, с. 262—263.

<sup>2</sup> Аветик Исаакян. Абул Аъло ал-Маъаррий. Тошкент, 1976.

<sup>3</sup> Аветик Исаакян. Абул Ала Маарн. Қасида в 7-сурах. Пер. В. Брюсова. «Стихотворения и поэмы», Л., 1975, с. 400—416.

<sup>4</sup> Аветик Исаакян. Абул Ала Маари. Пер. П. Антокольского. Избр. соч. в двух томах. т. 1. Поэзия. ГИХЛ, М., 1956, с. 255—265.

<sup>5</sup> Аветик Исаакян. Абул Аъло ал-Мааррий. Асқад Мухтор таржимаси. «Гулистон» журн. 1975, 9-сон, 16—17-бетлар.

Достоннинг муқаддима қисми ҳар иккала русча таржимада ҳам, ўзбекчасида ҳам эркин шеър билан берилган (фақат озарбайжон таржимони дебочани ҳам қатъий вазн ва қофия билан ағдарган). Асқад Мухторда 9—12 бўғин ўртасида ўзгариб турадиган мисралар қатъий вазнга бўйсунмайди, қофиялар кўринмайди, аммо дебоचा шундай оҳангда жаранглайдики, у содир бўлажак даҳшатли фожиадан дарак бераётгандай...

Абул Аъло Маарий эди номи,  
У Бағдоднинг машҳур шоири.  
Яшар эди кўп йиллардан бери  
Халифатнинг шу муҳташам пойтахтида.  
Базмларда бўлди давлатмандлар билан,  
Донишмандлар билан баҳслашди.  
Синади у дўстлар вафосини,  
Гоҳо гурбат чекди узоқ элларда;  
Идрок этар экан урф-одатлару  
Инсон ишларининг моҳиятини,  
Юрагида бутун ипсон зотиға  
Беомон бир нафрат уйғонди.

На хотин, на фарзанд бор эди;  
Мол-мулкин улашиб бева-юпунга,  
Теваларга ортиб йўл жабдуғини,  
Кичик бир қарвонни йўлга шайлади.  
Дажла соҳилида хурмозорлар тинчиб,

Бағдод шом қўйнида мудраган маҳал  
Абул Аъло бўлди йўлга равона... (5).

Шундан сўнгра вазн «фоилотун фоилотун фоилотун фоилун» тарзида қатъий тус олиб, охиригача оғишмай давом этади.

«Чўли жазираи ваҳмноки оташ»да қум тўфони тасвири Валерий Брюсовда шундай:

Смертоносную дрожь вызывали, свистя, и на сто голосов  
завывали вокруг,

Словно звери на воле, от боли рыча, из железных  
затворов ринулись вдруг (408).

Худди шу тасвир Павел Антокольскийда:

Рычали и выли ветры на тысячи голосов,  
В ушелях металась гулко, шумели в глуши лесов (261).

Расмана таржимада, одатда, асл нусхадаги шеър ўзбекчага сўзма-сўз ўгирилади-да, сўнгра, нари борганда, мисралар охирига қофия тиркалади, иш қистовроқ бўлса, баъзан ўша қофия ҳам «қурбон»лар қаторига ўтказилади. Аммо байт, банд, фасллар ичидаги ўзига хос оҳанг бирлигини акс эттириш ҳақида ўйлаб кўрилмайди. Жумладан, юқорида келтирилган мисолда (В. Брюсов) биринчи мисра ичида «вызывали-завывали», «свистя-сто-смерто (носную)» ҳамда иккинчи мисрада «воле-боли...» сўзларининг ички қофия, оҳангдошлик ҳосил қилиб келатганига эътибор қилинса, буларни таржимада акс эттириш имкони йўқдай туюлади. Асқад Мухтор эса бу жўровозликни умуман акс эттиришгина эмас, балки гўзал аруз мақомида фасоҳат билан таржима қилади:

1 2 3 4 5 6 7  
 Қўм бўроннинг бўғзида минг хил суронлар туғилар,  
 8 9 10 11 12 13  
 Ғор ичида изғириб, чангал ичида бўғилар (13).

Чўл стихиясида минг хил оҳангда хуштак чалаётган тентак шамол тасвири Асқад Мухторда, таъбир жоиз бўлса, фавқуллодда ажойиб «товушлар ўйини» ҳосил қилган: бўрон (2) — сурон (6), бўғ (3) — туғ (7) — бўғ (13), хил (5) — ғил (7) — гил (13), ғор (8) — гир (10). Агар Валерий Брюсов билан Павел Антокольский таржимасини «асл нусха» деб олинса, Асқад Мухтор шеърини, с а н ъ а т а с а р и сифатида, аслидан ўтказиб қилинган таржима қаторига қўшишга тўғри келади. Энг муҳими, бу аруз вазни бизга ёт, унда фақат қандайдир қолигга сиғадиган ҳисларнигина бериш мумкин, мураккаб туйғулар, нозик кечинмаларни унда ифодалаб бўлмайди қабилдаги назарий қарашлар тўғри эмаслигини кўрсатади.

1 2 3 4 5 6  
 Ҳамда ҳорғини кўзларига қўм сочар ҳалқумидан,  
 7 8 9 10 11 12  
 Рақс этар мисл қутурган гулдирак ёлқинидан.

Бунда ҳам гин (2) — қўм (4) — қўм (6) — қин (12) товушлари уюшиб, ички оҳангдошликни келтириб чиқарган («қўм сочар ҳалқумидан: гулдирак ёлқинидан»).

Олтинчи суранинг охири (Павел Антокольскийда):

Спеша вперед без оглядки, он, как мертвец, молчал,  
 Не слал ничему привета и встречных не замечал (264).

Сўзма-сўз таржима қилинса, тахминан, шундай бўлади: «Ортига қарамай еларди у, мурда синғари, гунг бўлиб: на салом берар, на алиқ оларди».

1 2 3 4 5 6 7  
 Ҳеч ичма кўр | мас гўё, йўл | да йўловчи | лол эди,  
 8 9 10 11 12 13 14 15  
 Ўй сураб ўй | да оқар, мис | ли ўзи ха | ёл эди (19).

Асл нусхадаги сўзлар юз фоиз алмаштирилиб, тамомила бошқа калималар топилган. Бироқ шуниси ҳайратомузки, аини бир фикр, ўша-ўша мазмун бутунлай «номатлуб» сўзлар орқали ифодаланган. Аммо ўзбек таржимони луғавий бирликларни қандай бўлмасин, муқаррар равишда ўзгартириш, уларни бошқалари билан алмаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Бошқача айтганда, Асқад Мухтор сўзни эмас, балки куй, мусиқа, оҳанг, санъатни таржима қилган. Бас, шундай экан, шонирга ҳар қандай «луғат» эмас, балки «махсус», «таронали», «арузбоп», «мақом»га ўйнайдиган, бири бири билан товушда уйғун сўзларгина ҳожатбарор ҳисобланади. Эътибор қилинг: йўл (4) — йўл (5) — лол (6) — ёл (14); ўй (8) — ўй (10) товушлари ҳамоҳанг бўлиш баробарида, «йўлда йўловчи», «ўй сураб, ўйда оқар» бирикмалари ҳам оҳангдош. Йўқ, бу қуруқ такрор, тавтология эмас, балки оқим, манзара, жонли ҳаётнинг табиий тасвири деган сўз.

Валерий Брюсовда бешинчи суранинг бешинчи байти Павел Антокольский ва Асқад Мухторда олтинчи суранинг учинчи байти бўлиб келган.

Уже вижу я львов рыжешерстных вдали, что глядят на  
меня, тая свой порыв.

И ветер свекает тысячу искр на желтый песок с их  
желтеющих грив (Брюсов, 411).

П. Антокольскийда:

Вы рыжие львы, смотрите, глаза широко раскрыл  
Пусть ветер огненный треплет золото ваших грив (263).

В. Брюсов «ветер свекает тысячу искр» (шамол учқунланиб) дер экан, мисра охирини «желтеющие гривы (сарғиш ёл) билан тугаллайди; П. Антокольскийда бу «огненный ветер» (мисдай қизиган шамол) ҳамда «золото ваших грив» (ёлларингиз олтини) бирикмалари билан уйғунлашади. Ўзбек шоирининг шу қадар омади юришадики, у ҳаттоки айнан, сўзма-сўз ўгирганида ҳам, сўз ва жумлалари, ибора ва таркиблари уйғунлашиб кетгандай, булар барчаси «ўз-ўзидан», «туйқусдан», «оёқ остидан» чиқиб қолгандай кўринади:

1	2	3	4	5	6	
Сиз	сариг	дев	лар,	биёбон	ларга даҳшат	солингиз,
7	8	9	10	11	12	
Ўтли	еллар	титкилаб	куй	дирсин олтин	ёлингиз	(17).

Сиз (1) — сариг (2) — солингиз (6); ол (6) — ел (8) — ол — (11) — ёл (12) товушлари ўзаро ҳамоҳанг. Аммо бунда ажиб ҳодиса рўй берган: таржимон русча «ветер» сўзини — *ел*, «грив»ни эса *ёл* деб ўгирар экан, аслида қофиядош ёки умуман ҳамоҳанг ҳам бўлмаган калималар ўзбекчага қофиядош бўлиб ўтган ва байтнинг умумий таронасига қўшилиб кетган. Чамаси, Асқад Мухтор шеърни «ўгирмайди», балки **ижод қилади**. Ҳа ўзбек тилида у шеър ёзади, таржимада эса гўё куй басталайди. Оригиналда бадний яратувчилик ҳам, бадний таржима ҳам Асқад Мухтор учун — бирдай масъулиятли, бирдай ижод.

Асқад Мухтор таржимасида арузнинг ўзига хос луғати, сўзларнинг «одатий», адабий талаффузига нисбатан бошқача, махсус орфоэпия ва транслитерациясига амал қилинган. Чунончи, биринчи суранинг тўртинчи байти журнал варнантида дастлаб шундай ўгирилган эди:

Мисли кулгу, янграб инжу зарралар фаввораси,  
Мушк анбар бунда эзгу гўшалар овораси.

Китоб нашрида эса *овораси* сўзи аруз вазнининг талаби талаффузига кўра *аввораси* деб дуруст тузатилган. Бу ерда яна шу нарса характерлики, «водометы» (В. Брюсов), «фонтаны» (П. Антокольский) калималари ўзбекчага — *фаввора* деб, «благовонные лобзания» бирикмаси — *мушк-анбар* деб берилгани ҳолда, В. Брюсовда «дворцы» (саройлар) тарзида қўлланилган сўзни Асқад Мухтор П. Антокольский талқини асосида («чертог») *гўша* деб берган. Қизиги шундаки, озарбайжон таржимони

буни В. Брюсов талқинига таяниб, атир йайър сарай кошку (атир таратар сарой кушки) деб ўгирган. Хуллас, шу бир байт таржимасида қўлланилган *инжу*, *фаввора*, *мушк-анбар*, *гўша*, *аввора* сўзлари «аруз луғати» учун жуда хосдир. Худди шундай аруз вазни ва талаффузига хос сўзлар қаторига *сарсари* (иккинчи сура, биринчи байт), *меҳвар* (учинчи сура, биринчи байт), *дайр* (ўн бешинчи байт), *нажим* (олтинчи байт), *асиғ* (ўн тўққизинчи байт), *мози* (тўртинчи сура, еттинчи байт), *шабна-рак* (биринчи байт), *фаллоҳ* (бешинчи сура, ўнинчи байт), *кент* (олтинчи сура, ўн еттинчи байт), *тева* (охирги сура, еттинчи байт), *хуммор* (тўртинчи байт) сўзларини қўшиш мумкин. Шунингдек, аруз оҳангига кўра, айрим мисраларда унлиларга махсус урғу берилмаса, вазн ноқислиги содир бўлади.

Тонг юрти, кимсасиз алвон кенгликлар томон  
Парвоз эт, қалбим, қуёшдек, ҳам қуёшдек ён, ён (6).

Биринчи мисрадаги *тонг* ҳамда *алвон*, иккинчи мисрадаги *ён* калималари чўзиб талаффуз этилмаса (то-онг, алво-он, ё-он), вазн бузилади.

Майли, йиртқич|ҳамла қилсин|куйласин бў|ронлар!  
То ажал кел|гунча, шаҳдам|босабер, кар|вонлар! (7).

байтида ҳам *бўронлар*, *карвонлар* «насрий мақомда» ўқилса, вазн мукамал чиқмайди, «нимадир» етишмагандай туюлади. Бу етишмовчиликни тўлдириш мақсадида мазкур сўзларни тантанавор оҳангда *бўро-онлар*, *карво-онлар* деб қироат ила талаффуз этиш лозим.

Тўртинчи суранинг биринчи байти.

В. Брюсовда:

Как гигантская птица, черная ночь широко простерла  
крылья свои;

Огромные крылья нависли, покрыв караван, всю  
пустыню, оазы, ручьи...

Озарбайжонча таржимада:

Кеча нафан бир гуш кими ганад кермиш кайната,  
Карван, чешма кениш вайа бурунмушдур бир зулмата.

П. Антокольскийда:

Спустилась ночь грозовая. Был крыльев её размах  
Летучей мыши подобен, летящей слепо впотьмах.

Асқад Мухторда:

Ларзадан гум|бур олис чақ|моқдан бер|гай дарак,  
Тун — гўё зул|мат аро уч|ган қора кўр|шабпарак.

Асқад Мухтор шеъри П. Антокольскийникига нисбатан фақат эквивалент эмас, балки ундан мукамалроқдир. Лекин биринчи мисрани тўғри ўқий билиш зарур:

Ларзадан гум|бур олис чақ|мо-оқдан бер|гай дарак.

Худди шунинг сингари, еттинчи суранинг ўн олтинчи байтини ҳам:

Бир ум(и)р бе|ноом, мангу|ка-ар бўлсам|майлига,  
Кўзларим кўр|зим-зиё, бат|та-ар бўлсам|майлига.

мақомида талаффуз этилмаса, вазн нуқсонли, кемтик, синиқдай бўлиб қолади.

Таржиманинг сифатини яхшилашда таҳрирнинг аҳамияти жуда катта. Чунончи, А. Исаакян қасидаси (достони)нинг қайта нашрида зийрак муҳаррир, дидли шоир Рауф Парфи қаламининг излари билиниб туради. Дебочада, тўртинчи мисрада «хилофат» сўзи учрайди. Бу қўпол хато «халифат» деб тузатилган. Иккинчи суранинг тўққизинчи байти В. Брюсовда:

Но жаждущим душам женщин любовь только горечь  
сулит, как морская вода  
В сладострастном томленье ты тело лобзал, не насыщен  
и с новым желаньем всегда.

П. Антокольскийда:

О женская плоть! О бренность! О, хрупкий сосуд греха!  
О ты, что черна как полночь, как наважденье глуха!

Таржимаси:

О, аёл зоти! Ҳаётнинг энг нафис, мўрт косаси,  
Сен ярим тундек қоронғу, сен ҳаёл васвасаси!

Биринчи мисрадаги «ҳаёт» сўзи «ҳаё» деб ўзгартирилган.

Тўртинчи сура, тўртинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги ўшқириб сўзи ш а м о л г а нисбат берилгани учун «пзгириб» деб тузатилган.

Еттинчи суранинг ўн бешинчи байти (П. Антокольский):

И в губы сухие впейся лобзанием огненным,  
И осчастлив меня, солнце, объятием светлым твоим.

қуйидагича ўгирилган эди:

Қовжираб лабларга бос оташ лабингни, офтоб,  
Оч менга қайноқ оғушингни, менинг бахтимни топ.

Биринчи мисрадаги қовжираб сўзи қ у ё ш г а нисбат берилиши натижасида маънога ҳалал етганди, бундаги «аб» қўшимчасини оқ деб ўзгартириш, яъни бир қалам туртиш билан равишдод-сифатга айланиб, сифат қуёшдан л а бга кўчган (қовжироқ лаб!). Қисқаси, бу каби ўринли тузатиш, таҳрирлар таржимада жуда кўп, уларнинг аксарияти шоир Рауф Парфининг хизматидир. Лекин шу билан бирга, афсуски, тузатаман деб бузиб қўйиш ҳоллари ҳам бирмунча учрайди. Бунинг устига, йўл қўйилган «тузатишлар» жузъий бўлмай, гоҳо таржиманинг сифатига хийла сезиларли таъсир кўрсатган: маънога лат берган, вазнини шикастлантирган ёки шеърнинг тароватини хиралаштиришга сабаб бўлган.

Иккинчи суранинг ўн еттинчи байти дастлаб қуйидаги кўринишда эди:

То денгиз мавжи ураркан, то минг йиллар ўтар,  
Мен кўнгул қўймам аёлга, ошён қурмам, етар.

Бу П. Антокольский таржимасига мос:

И столько веков, покуда моря прибойми бьют,—  
Я женщин не пожелаю, у них не найду приют!

Биринчи мисрадаги *минг йиллар ўтар* жумласи китоб нашрида «минг йўллар ўтар»га айланиб, маъно бузилган — вақт масофага айланган.

Дунёнинг ибтидосию интиҳоси, ўтмишию кечмиши, минг турли сеҳр мўжизалари ҳусусида ал-Маъаррийни шундай муаммолар банд этади:

Кто же сплел эту сказу, роскошный рассказ, сплел  
с ней вместе созвездья, бессчётность чудес?

Говорит беспрестанно с таким волшебством на  
бессчётность ладов, говорит, но исчез?

П. Антокольскийда ўша мазмун ихчамроқ ифодаланган:

Но кто сложил эту сказку, кто выдумал звездный кров,  
Кто создал в несчетных формах явления дивных миров?

Асқад Мухтор таржимаси:

Аммо ким эртак тўқувчи, ё ҳокаму ё нажим,  
Беҳисоб шаклу шумул оламин барпо этди ким?

Ўзгартирилган:

Аммо ким эртак тўқувчи, ё ҳакаму, ё нажим,  
Беҳисоб шаклу шамойил оламин барпо этди ким?

«Кто выдумал звездный кров?» жумласини арабча *нажим* (юлдузлар) бунёдкори (худонинг 1001 сифатидан бири) сўзи билан ўгирилган. Бу жуда яхши, лекин дастлаб *ҳокам* деб берилган сўз нимани англатади? Муҳаррир уни «ҳакам» деб тузатган. Тангрига нисбатан бу калимани қўллаш ҳам асосли кўринмайди. *Ҳакам*, *ҳоким*, *ҳаким*... Қай бири маъқул? *Ҳоким* — сифат, *ҳаким* эса от. Булардан яратувчининг ўша 1001 сифатини ифода этувчи калимани танлаган маъқулга ўхшайди. Лекин асосий қусур бунда эмас. Иккинчи мисрада *шаклу шумул* бирикмаси бор. *Шумул ўраб олиш: ўз ичига қамраб олиш, ўрнашиш, жойлашиш* (НАЛ, 708) маъноларини беради. Икки бўғинли бу сўзни уч бўғинли *шамойил* билан алмаштириш, *оламин* калимасини *оламин* деб ўзгартириш орқасида вазн бузилган.

Кимсаки, ким | бўлмасин | бир | кирдикори | бўрдур,  
Бой такаббур | ва беор, қаш | шоқ-лаганбар | дордур.

Биринчи мисра арузга яхши қойим бўлгани ҳолда, иккинчи мисранинг жаранглашида бир озгина оғирлик сезилади.

Кимсаки ким | бўлмасин, бир | кирдикори | бо-ордур,  
Бой такаббур | ва беор қаш | шоқ-лаганбар | до-ордур.

Лекин худди шу оғир иккинчи мисрадаги *бой* — «бою», *такаббур* — «такаббуру» деб ўзгартирилиши, *ва* боғловчисини олиб ташлаш оқибатида вазн ноқислиги келиб чиққан.

Албатта, турган гап, арузнинг таржима учун бир қанча ўнғайсиз томонлари йўқ эмас. Бу, даставвал, бизнинг бадий



тарбиямизда **арузий талаффуз** масаласининг оқсашидир. Бироқ, бу вазннинг камчилигидан кўра, шу вазнга муносабатда бўлувчи кишилар, мутахассисларнинг нуқсонида ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, мазкур классик вазнда маълум шартлиликлар, «навбатчи» сўзлар мавжудки, булар сунъийлик, ғализликни келтириб чиқариши мумкин. Назарий томондан олиб қараганда, арузда ёзганда ёки таржима қилганда, ҳар хил «навбатчи» сўзлар, «шаблон» эвазига матн ҳажман кенгайиб кетиши керакдай туюлади. Лекин, масалан, Асқад Мухтор таржимасида ҳатто акс ҳолат кўзга ташланади. Буни исбот қилиш учун баъзи формал ҳисоб-китобларни ишга соламиз.

Валерий Брюсов, Павел Антокольский, Асқад Мухтор таржималарининг ҳажмини аниқлаш учун ҳар бир сурадан ихтиёрий бир байтни олиб, уларда сўзлар ва белгилар санаб чиқилди. Сўнгра уларни жамлаб, еттига тақсим қилиб, ўртача кўрсаткич аниқланди ва буни ҳар бир таржимада байтлар миқдорига зарб урилди. Чунончи, ҳар учала таржимадан: 1-суранинг 3-байти, 2-суранинг 8- байти, 3- суранинг 1- байти, 4-суранинг 9- байти, 5- суранинг 2- байти, 6- суранинг 7- байти, 7- суранинг 4- байти ҳисоблаб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

Кимнинг таржимаси	Сўзлар сони	Белгилар миқдори
Валерий Брюсов	166	978
Павел Антокольский	100	651
Асқад Мухтор	85	608

Маълум бўлишича, ўрта ҳисобда ҳар бир байтда В. Брюсовда — 24 сўз, 139 белги, П. Антокольскийда — 14 сўз, 93 белги, Асқад Мухторда — 12 сўз, 87 белги бор экан. Бутун дoston таржимасида:

Таржиманинг номи	Сўзлар сони	Белгилар миқдори
В. Брюсов	3.912	22.657
П. Антокольский	2.030	13.485
А. Мухтор	1.908	13.833

Қизиғи шундаки, одатда, таржимада текст ҳажман муайян миқдорда кенгайди. Айни ҳолда эса аксинча ҳолат юз берган: Асқад Мухтор таржимасида дoston Валерий Брюсовникига қараганда ҳар иккала кўрсаткич бўйича ҳам салкам икки барабар қисқарган. П. Антокольский таржимасига эса қарийб тенгдир.

Текширишлар шуни кўрсатдики, Асқад Мухтор таржимасида аруз талаби билан асл нусха матнининг бирмунча қисқариши асар учун унчалик характерли бўлмаган тафсилотлар ҳисобига юз берган. Арман шоири Аветик Исаакян қасидаси (дostonи)нинг

фалсафий-эстетик моҳияти, бадий қиймати, таъсир кучи, санъати ўзбек шоири Асқад Мухтор таржимасида ўз кучини мукаммал сақлаган.

**Тожик-ўзбек адабий ҳамкорлигида таржима баҳси**

Шарқ халқлари яратган маданият ёдгорликлари доимо ўртада баҳам кўрилган, улар барча гўзалликларни бирга яратиб, бирга баҳраманд бўлганлар. Академик-шоир Фафур Фулом ёзганидай: «Эски Шарқ жўғрофиюнлари, сайёҳлари Осиё, Африка ва Европадан иборат бўлган қадимги дунёни Шарқдан Ғарбга қараб тахминан етти барабар хаёлий чизиқларга тақсим қилдилар. Бу чизиқлар ўртасини иқлим деб атадилар. Шу етти иқлимдан чиққан олим бўлсин, шоир бўлсин, санъаткор бўлсин, давлат арбоби бўлсин, ҳеч қачон кишилар ўртасидаги диний, ирқий ва миллий айирмалар ёки олийлик ва тубанлик тўғрисида сўз юритмаганлар... Шу етти иқлим халқларининг тарихлари, маданиятлари, машаққатлари бир-бирлари билан шериклик, бир-бирларига оҳангдош эди. Бунинг учун жуда қадим мисолларга бориб ўтирмасдан, ҳинд эртаги «Калила ва Димна», «Тўтинома», «Баҳори дониш»лар бизга қарийб минг йиллардан буён маълумлигини, Фирдавсий, Саъдий, Хайём, Ҳофиз асарларининг ҳатто дарслик қаторида ўқирилишини, «Алифлайло ва лайл» қиссаси, Абу Аъло ал Мааррий ғазаллари энг севиб ўқийдирган китобларимиз эканлигини баён қилмоқ кифоядир»<sup>1</sup>.

Шу етти иқлимнинг бирида ўзбек ва тожиклар яшаб келганлар. Улар бирга ашъор айтиб, кураш ва ғалабаларда ёнма-ён туриб, гам ва шодлик айёмларини бирга ўтказганлар. Тарихий тақдири бир бўлган бу икки халқ кишилари қалбан ва руҳан шунчалик яқин, шунчалик иноққи, уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиш қийин. Абдурахмон Жомий ёзганлар:

...Қ-ни писар мешавад фарзанд?

Ё на шогирди тусту хешованд?

Гуфт: у турк асту ман тожик,

Лек дорем хешни наздик.

Мазмун: бу ўғил сенга фарзанд бўладими ёки сенинг шогирдинг ё қариндошингми? Деди:— у туркдир, мен эса тожик, лекин яқин қариндошлигимиз бор.

Алишер Навоий буюрадилар:

Нигорин турку тожикам кунад сад хона вайрона,

Ба он чашмони тожиконаву мижғони туркона.

Мазмун: турку тожик қиёфали нигорин ўзининг тожикона кўзлари ва туркона киприклари билан юзлаб кўнгил уйини бузади.

Абдурахмон Жомий гўё жавоб берадилар:

Нестам чун ёр туркигў, вале то зиндаам,

Чашмин турку лаъли туркигўи онро бандаам.

<sup>1</sup> Фафур Фулом. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1971, 215-бет.

Мазмун: ёр сингари туркиғў эмасман, аммо то тирикман, унинг туркона кўзлари-ю, туркиғў лабларининг бандасиман.

Жомий «ёри туркиғў» (туркиғў ёр) дея азиз дўсти Алишер Навоийни назарда тутди. Жомий билан Навоий орасидаги шахсий дўстлик ва адабий ҳамкорлик — ўзбек ва тожик халқлари қардошлигининг ёрқин ифодасидир. Алишер Навоий Абдурахмон Жомийни пир, устоз, мўътабар зот сифатида қадрлайди, истеъдоди, асарларига юксак баҳо беради. Жомий эса Навоийни фарзанд деб, вафоли ва сафобахш дўст деб тилга олади, уни халқ мададкори, адолат ва шафқатнинг курашчан ҳомийси, шеърятнинг шери беназири, дея тавсифлайди.

Тожик шоири ўз ҳабиби бўлмиш ўзбек шоирининг «Хамса» яратиш йўлидаги ижодий режаларн, ватанпарварлик жасоратини қўллаб-қувватлайди, унга оқ фотиҳа беради. Ўзбек шоирининг маслаҳати билан Жомий ўз шеърларини тўрт девон қилиб тузди. Тожик шоири Абдурахмон Жомий Лутфий билан Навоийнинг ўзбекча ва тожикча ғазалларига жавобиялар битади, ўз навбатида, Алишер Навоий улуғ тожик шоирининг шеърларига татаббуъ айтади, «Чиҳил ҳадис», «Нафаҳотул-унс» асарларини таржима қилади. Бу икки буюк мутафаккирнинг дунёқараши, ижодий принциплари яқин бўлганидан, уларнинг асарларида муштарак томонлар, бир-бирини тўлдирувчи мотивлар равшан кўзга ташланиб туради.

Форс-тожик адабиётига қизиқиш ўзбек халқи орасида совет даврида янада баваж бўлди. Янгича социалистик маданият яратилди, айни вақтда ўтмиш меросини ленинча таълимот асосида ўзлаштириш янада кучайди. Шарқ адабиёти классикларининг асарларини таржима қилиш, тадқиқ этиш ва нашр эттиришга Ўзбекистонда алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳали йигирманчи йиллардаёқ таниқли ўзбек адиблари Хайём билан Бедил меросини тадқиқ этиб, аллақанча насрий ва назмий таржималар эълон қилган эдилар. Кейинчалик, бирин-кетин Абу Абдулло Рудакий (1957), Ҳофиз Шерозий (1958), Умар Хайём (1958), Шайх Саъдий («Бўстон»—1960, «Гулистон»—1968), Абдурахмон Жомий (1971), Мирзо Бедил («Қомде ва Мудан»—1960, рубойлари—1975), Камол Хўжандий (1962), Хусрав Деҳлавий (1972), Абулқосим Фирдавсий («Шоҳнома», 1975—1977) асарлари ўзбек тилида чоп этилди. Бундан ташқари, Низомий, Носир Хусрав асарларидан намуналар таржима қилинди, Зебуннисо ғазаллари китоб ҳолида босилиб чиқди.

Тожик совет шоирларидан Абулқосим Лоҳутий, Пайрав Сулаймоний, Мирзо Турсунзода, Мирсайд Миршакар каби шоирларнинг, ҳозирги эрон тараққийпарвар адабиёти вакиллари Маликушшуаро Баҳор, Ишқий, Жола ва бошқаларнинг шеърлари, ғазал ва дostonлари ўзбекчалаштирилди. Ҳиндистоннинг ғазалнавис шоирлари Мирзо Ғолиб ва Муҳаммад Иқболларнинг меросидан ҳам намуналар таржима этилди.

Қадим Шарқ шеъряти дурдоналарини ўзбек тилига таржи-

ма қилишда Ғафур Ғулом, Шоислом Шомухаммедов, ғазалнавис шоирлар Хуршид, Васфий, Ҳабибий, Чустий, Муинзода, Анисий, Улфат, Бокир, шунингдек, Назармат, Эркин Воҳидовларнинг меҳнати сингган.

Ғазал таърифида Ғазал лириканинг энг мақбул жанри сифатида Ўрта ва Яқин Шарқда жуда кенг тарқалган. Шеъриятда қалам тебратган ҳар бир киши ғазал ёзишдан бошлаган. Девонларнинг асосий қисми ғазалдан иборат эди. Шоирнинг маҳорати, иқтидори, аввало, ғазал ижод қилишда синалган.

Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ,  
Ки андин яхши йўқ назм аҳтимоли;  
Бирн мўъжазбасилиқ соҳири ҳинд<sup>1</sup>,  
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли;  
Бирн исонафаслиқ ринди Шероз<sup>2</sup>  
Ғано дайрида масту лоуболи;  
Бирн қудсинафаслик орифи жом<sup>3</sup>,  
Ки жами жамдурур сингон сафоли.

Алишер Навоий номларини тилга олган бу уч шоир — Хусрав, Ҳофиз, Жомий форс-тожик адабиётида ғазалнинг учта беназир устаси бўлиб қолдилар. Хусрав Деҳлавий ўз лирикасини уч девон, Жомий эса тўрт девонда тартиб берганлар. Аммо Ҳофиз ўз ғазалларини девон ҳолига келтирмаган. Кейинчалик Мухаммад Гулаом Ҳофиз ашъорининг бир қисmini йиғиб, девон тартиб берди. Навоийнинг қитъасига диққат қилинса, унда ҳар бир шоирнинг услуби, ижодидаги хусусиятларга аниқ таъриф берилган: Хусрав — мўъжазбаён, шеърларида ишқий мавзу устун, сўзу гудоз (ёниш, ўртаниш) кучли; Ҳофиз — ринд, нафаси ўликни тириктирадиган, ижодининг хусусияти — бу дунё гўзаллигини куйлаш, унга масту мафтун бўлиш, шеърларида бебошлик, қўрқмаслик, бетакаллуфлик устун; Жомий — ориф, маърифат эгаси, фаршталик ҳислари бор, унинг маҳорати тенгсиз, мислсиз.

Улуғ ўзбек шоирининг бу уч сиймо ижодига берган баҳоси ҳозирги адабиётимиз учун ҳам бағоят қимматлидир. Ғазалнавис шоирларнинг услуби (Навоийча — *таври*, *тарзи*) қандай аниқланади? Ғазал бўлгандан кейин ҳаммаси бир «қолип»даги шеърларми? Ёхуд улардан ижодкорнинг қалби, ўзига хослигини англаб олса бўладими? Ниҳоят, ана шу ғазалнавислик тарзини таржимада бериб бўладими?

Ғазалнавис шоирнинг тавру тарзини назира (татаббуъ) аytувчи ҳам сақлайди. Чунончи, Алишер Навоийнинг форсий («Девони Фоний»)да ўзи айтган шу уч шоир — Ҳофиз, Хусрав ва Жомий ғазалларига татаббуъ серобдир (Булар орасида энг кўпини Ҳофизга қилинган татаббуълар ташкил этади). Навоий-Фоний ўз жавобияларида — «фалончи тарзида», «фалончи таврида», «фалончи татаббуъида» деб қайд этган.

<sup>1</sup> Хусрав Деҳлавий.

<sup>2</sup> Шамсуддин Мухаммад Ҳофиз Шерозий.

<sup>3</sup> Абдурахмон Жомий.

Филология фанлари кандидати А. Ш. Шомухаммедовнинг аниқлашича, «Девони Фоний»нинг турли нашрларида шоирнинг Абдурахмон Жомий номи билан боғланган шеърлари миқдори қуйидагича<sup>1</sup>:

Татаббуълар ва уларнинг прототиплари	„Девони Фоний“ нинг (ДФ) Техрон нашрида	„ДФ“ нинг Тошкент нашрида	„ДФ“ нинг Парижда сақланган микрофильмида
„Жомийга“ деб қайд этилган ғазаллар	39	37	57
Жомийда Навоний ғазалларининг прототиплари	32	31	44
Жомийда топилмаган Фоний ғазалларининг прототиплари	7	6	13

Фақат тожикча ғазалларида эмас, ўзбекча ғазалларида ҳам Ҳофиз, Хусрав ва Жомийнинг таъсири борлигини Алишер Навоий юқорида келтирилган қитъанинг охирида қайд этади.

Демак, услубга риоя қилиш таржимада ҳам, назирда ҳам зарур. Бас, булар орасидаги тафовут нимада, ўхшаш томонларчи? Бу проблема изчил қиёсий таҳлилни талаб этади.

Шарқ шеъриятининг қасида, қитъа, рубоний, фард, соқийнома, таржеъбанд, мухаммас каби лирик жанрлари ҳам бор. Хўш, ғазал булардан нимаси билан фарқ қилади? Фақат шаклий тузилиши биланми? Йўқ, фақат шугина эмас. Қасида — араб адабиётидан кириб келган бўлиб, мадҳу сано, таъриф, тавсифга мўлжалланган. Кейинчалик фалсафий мавзуларда ҳам қасидалар ёзилди. Қитъа асосан, панд насиҳат ёзиш; ҳар хил фикрларни ифодалашда фойдаланилган. Фард ҳам шундай. Рубоний ишқий кечинмаларни баён этишда қўлланилади, лекин аксарият фалсафий ҳикматларни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Соқийномада жамият, ҳаёт ҳақидаги ўйлар, ҳулосалар, хотиротлар баён этилган. Таржеъбанд, таркиббанд, мухаммас, мусаддас — ғазалдан ўсиб чиққан жанр турларидир.

Ғазал нима? Ғазал — бу 5 байтдан 9—11 байтгача бўладиган, биринчи байтнинг мисралари ўзаро қофияланиб, қолган байтларининг иккинчи мисраси биринчи байт билан қофиядош бўлган шеър. Охирги байтда муаллифнинг тахаллуси келтирилади. Лекин бу шаклий белгиларига кўра берилган таърифдир, холос. Ғазалнинг бошқа таърифи ҳам бор. Чупончи, атоқли адабиётшунос Шамс Қайси Розий (XIII аср) ўзининг «Ал муъжам фи шеърул Ажам» китобида ёзади: «Ғазалнинг луғавий маъноси — аёллар ҳақида гапириш, уларга нисбатан бизнинг вужудимизда пайдо бўлган хушторлик ва севгини изҳор этиш, дегани бўлади. Ғазалнавислик катта ишқибозлик натижасида пайдо бўлади. Кўп шоирлар маъшуқа жамолининг зикрини ва севги ҳамда

<sup>1</sup> А. Ш. Шомухаммедов. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои (на примерах Татаббуат Фани на газели Джами). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Ташкент, 1981, с. 13.

жазманлик даражасининг тасвирини ғазал деб атайдилар. Ғазал ёзишдан мақсад жонга роҳат ва дилга ҳаловат бағишлашдир. Бинобарин, ғазал ёқимли, маъқул, ширин бир вазнда, очиқ, ойдин ва нафис сўзлар билан олижаноб фикрларни куйлаши лозим». Бу таъриф мазкур жанрга берилган асосий дастур ҳисобланиб келган.

**Ғазал таржимасида  
шакл билан мазмун бир-  
лиги**

Шеърий жанрлар ичида лирикани таржима қилиш инжиқ иш. Айниқса, Шарқ лирикасини ва, хусусан, ғазални таржима қилиш янада мураккаб. Ғазални рус тилига ўгиришнинг мушкуллиги хусусида Е. Дунаевский ёзади: «Ғазал формасини рус тилида бериш ҳаддан ташқари оғир вазифа... Формани аниқ қайта яратишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблаймиз... Одатдаги европача шеърий тузилиш билан таржима қилиш, гарчи тил имковиятларидан эркинроқ фойдаланишга йўл очса-да, лекин асл нусханинг ташқи қиёфасини бутунлай ўзгартирадн...»<sup>1</sup>.

Шарқ лирикасининг жанр хусусиятлари уларнинг шаклий тузилиши билан чамбарчас алоқада. Бу формат жиҳатлар бузилиши билан ғазалнинг мавжудлик ҳолати, яшаш тарзи йўқолади. Ғазалнинг қофияланиш системаси, радифи, байтларининг жойлашуви, матлаъ ва мақтаъи орасидаги яхлитлик, асрлар давомида қарор топган анъанавий шеърий тил, ҳар бир ғазал учун олинган аруз баҳри, шоир кайфиятини ифодалайдиган интонация, пафос — буларнинг барчаси таржимада ҳам мавжуд бўлиши лозим. Бундан ташқари, ҳар бир ғазалнависнинг «тарзи баёни», севган мажозий маънолари, сўз ўйинлари, ёппасига оҳангдош мисралар колоритини ҳис қила олсагина таржимон муваффақият қозониши мумкин.

Ғазал — мусиқий сатрлардан тузилган шеър, куй матни, унинг ўз образли ифодалари, ўз талаби, андазаси бор. Ғазални аруздан ташқари тасаввур қилиш қийин. Шундай бўлгач, модомики Европа халқлари адабиётида аруз йўқ экан, унда ғазални қандай таржима қилиш мумкин? Ўз анъанавий шаклидан маҳрум этилиб, бўлак поэтик шаклга бурканган мазмунда муайян жиддий ўзгаришлар содир бўлиши қайд этиб ўтилди.

Шарқ адабиётидан немис, инглиз, рус тилларига таржима қилувчилар бу борада кўп йиллар давомида тажриба олиб бордилар, бир неча намуналар яратдилар, ҳар хил усулларни синаб кўрдилар. Масалан, Фридрих Рюккерт Саъдийнинг «Бўстон» асарини мутақориб (*файлун, файлун, файлун, фаул*) баҳрини ва маснавий формасини (*аа, бб...* тарзида қофиялаш системаси) сақлашга ҳаракат қилган бўлса<sup>2</sup>, Нессельман Ҳофиз ғазалларининг шаклини беришга бирмунча эришган (1856, Берлин нашри)<sup>3</sup>. Бу машқлар Европада умумий муваффақият

<sup>1</sup> Е. Дунаевский. О переводе газели. «Хафиз. Лирика», М., 1955, с. 39.

<sup>2</sup> Иржи Левый. Искусство перевода. М., Изд-во «Прогресс», 1974, с. 255.

<sup>3</sup> К. Фрейтаг. Хафиз. В кн. «Хафиз. Лирика», М., 1955, с. II.

қозонмади. Немис, инглиз, рус ва бошқа тилларга қилинган аксарият таржималар ўша халқларнинг шеърий системалари асосида бажарилган. Кўпчилик таржимонлар ғазалнинг байт тузилишини беришга риоя қилганлар. Гарчи арузнинг ўзи акс эттирилмаган бўлса-да, аммо шарқона оҳанги бир қадар ифодалайдиган шеърий интонация ҳосил қилишга уриниб кўрилган. Атоқли таржимашунос олим Иржи Левый квантатив (метрик) вазнга асосланган қадимги шеъриятни (юнон, рим, форс, туркий шеърлар) ҳозирги европа тилларига таржима қилиш тажрибаларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни баён этган.

1. Вазни сақлаш: бунда шеърнинг ритмикаси фақат бир гуруҳ ўқувчиларга ҳазм бўлиши мумкин.

2. Ватан адабиётида шу хилдаги квантатив шеърларни таржима қилишга мўлжалланган бошқа вазнга ўтказиб ўгириш (адаптация).

3. Эркин шеър билан таржима қилиш. Бу жўн тадбир ҳисобланади. Баъзи ҳолларда верлибр билан қилинган таржималар китобхонга вазни аниқ берилган таржималардай таъсир этади. Ҳар учала усул ҳам, моҳият эътиборига кўра, масалани муросасозлик билан ҳал қилишга уринишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Бу гаплар бир-биридан жиддий фарқ қиладиган шеърий системалар, яъни узоқ адабиётлар таржимасига тааллуқли. Аммо яқин адабиётлардан таржимада-чи? Ғазал шарқ халқлари тилларига ҳам таржима қилинади. Ҳофиз ғазаллари ўзбек, озарбайжон, араб, татар тилларига ўгирилгани юқорида айтиб ўтилди. Хўш, бунда ҳам ўша европа таржимонлари бошдан кечирган қийинчиликлар содир бўладими? Ғазал ўзбек ва озарбайжон адабиётларида қадимдан мавжуд, уларнинг дилига сингиб кетган. Туркман, татар, бошқирд китобхонларига ҳам ғазал оҳанги таниш. Адабиётларнинг кўп асрлик яқин алоқаси, услублар, жанрлар, методларнинг бирлиги бу халқларнинг адабий тили лугатига ҳам таъсир этган. Форс-тожик шеъриятидаги жуда кўп сўз ва иборалар ўзбек тилида ва ўзбек шоирларининг асарларида учраб туради.

Бундай адабий-луғавий муштараклик ғазал таржимасида қулайлик туғдиради. Тожик тилидаги шеърни ўзбек тилига ёки ўзбек классик шеъриятини тожикчага таржима қилиш бу халқлар адабиётидан европа тилларига таржима қилишга қараганда анча осон. Аммо бу Ҳофиз ёки Жомий ғазалини ўзбекчалаштириш хийла жўн иш экан, деган гап эмас. Бунинг яна ўз муаммолари ва талаблари бор. Аруздан аруз ясаш, форс ғазалидаги жозибани ҳозирги ўзбек адабий тили орқали бериш кўп меҳнат ва маҳорат талаб қилиши маълум. Бунинг сабаби классик ғазалчилик эстетикасининг ҳозирги ўзбек китобхони учун бир қадар эскиргани ва кўпгина иборалар, сўзларнинг архаиклашиб қолгани бўлса, иккинчи томондан ва, асосан, тожик ва ўзбек тилининг грамма-

<sup>1</sup> Иржи Левый. Искусство перевода, с. 260.



тик қурилиш тарафидан ўзаро фарқланиши билан изоҳланади. Тожик тилида ёзилган шеърнинг сўзлари, ибора ва ифодалари ўзбек тилига ўтказилганда, вазн, қофия, радиф кабиларнинг андасига ҳар доим сиғавермайди. Демак, бунда лисоний тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. «...Таржима санъатининг бутун моҳияти, зиддиятлардан (тиллар орасидаги зиддиятлар) қочиш эмас, балки бу зиддиятларни ижодий енгишдан иборатдир. Бу зиддиятлардан чўчишнинг ҳожати йўқ — зиддиятлар бизни олдинга қараб етаклайди»<sup>1</sup>.

Шунинг учун ўзбек ва тожик адабиётларидаги анъанавий тарихий яқинликлардан ғазал ва бошқа шеърӣ жанрлар таржимасида оқилона фойдаланиш лозим. Бунда фарқ ва ўхшашликларни аниқ ажрата билиш, формал жиҳатлар, сўз ва ибораларни таржимасиз қабул қилиш усуллари, меъёрни тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай яқинлигу — узоқлик, мувофиқлигу — номувофиқлик диалектикаси зўр маҳорат ва ижодий меҳнат орқали, ўзига хос таржимонлик истеъдоди, классик адабиётнинг тараққиёт омиллари ва хусусиятларини чуқур идрок этадиган қалб саховати билан ҳал этилади.

Агар он турки шерозий ба даст орад  
Хофиз. «Агар он турки шерозий...» ғазалининг таржималари дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Мовароуннаҳрнинг бу икки азим шаҳрини шунчаки қофия ёки сўз ўйини учун шеърига киритгани йўқ. У жуда нозик йўл билан жаҳонгирлик ва талончиликка қарши норозилик билдирган. Ўз умрида Шероздан чиқмаган шоирнинг лутфи, исёнкор, эрқарвар овози асрлар давомида Эрон ва Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистон, Туркия ва Арабистонда янграб турди; Россия ва Германия, Англия ва Америкада, Чехословакия ва Австрияда уни таржима қилиб ўқидилар. Ғазалларини кетма-кет нашр эттирдилар.

Биргина «Агар он турки шерозий...» ғазалининг тақдирини кузатайлик. Бу ғазал Ҳофиз ҳаётлиги давридаёқ бошқа тилга таржима қилинган эди. Унинг биринчи мутаржими озарбайжон шоираси Салмохонум бўлган. Шоира Ҳофизга замондош бўлиб, улар мактуб орқали алоқа қилиб туришган. XVI асрнинг ўрталарида яшаган Туркия шоири Судий Ҳофизнинг анча ғазалларини, шу жумладан «Агар он турки шерозий»ни таржима қилади ва шарҳлайди. XVII—XVIII асрлар орасида ғазал уч марта лотин тилига ўгирилган, 1791 йилда Валь деган киши уни немис тилига таржима қилади. «Агар он турки шерозий» инглиз тилига тўрт марта (Вильям Жонс — наср ва назмда, Ричардсон, Нотт, Оузли — назмда), француз тилига бир марта таржима бўлган. 1834 йилда ғазал Судийнинг шарҳи билан бирга Қоҳирада араб тилида босилади.

<sup>1</sup> И. С. Брагинский. Теория художественного перевода как наука. Сб. «Проблемы востоковедения». М., Изд-во «Наука», 1974, с. 443.

Биринчи бобда қайд этилганидай, атоқли немис шарқшуноси Иозеф Ҳаммер (1774 — 1856) Ҳофиз девонининг катта бир қисмини муваффақиятли таржима қилиб, чоп эттиргандан кейин шоир Германияда жуда машҳур бўлиб кетади. Айниқса, улуғ мутафаккир Гётенинг Ҳофизни ғоятда эъзозлаши, унинг таъсирида «Ғарбу Шарқ девони»ни ижод қилиши катта воқеа бўлди. Ҳофизнинг Европадаги ҳақиқий шухрати шундан кейин бошланди. Германияда ғазал ёзиш расм бўлди, ўнлаб шоирлар немисча ғазал битиб, девон шаклида нашр эттирдилар. Ҳофиз Европага ўзи билан бирга буюк Шарқни, унинг руҳи, фалсафаси ва тафаккурини олиб борди. У Шарқнинг Ғарб оламидаги биринчи тўла ҳуқуқли, тан олинган мухтор элчиси эди. Шарқшунос олим И. С. Брагинский Гётенинг Ҳофиз таъсирида яратган «Ғарбу Шарқ девони»ни икки буюк маданиятнинг қўшилиш нуқтаси, синтезлашуви деб баҳолайди<sup>1</sup>.

Немисча таржималар Россия, Франция, Англия, Австрия, Чехословакия, Финляндия, Булғория сингари мамлакатларга ёйилади.

Рус адабиёти классиклари В. А. Жуковский, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, А. А. Фет, С. Есенин Ҳофиздан баҳра олдилар, «ҳофизона» оҳангларда шеър ижод қилдилар. А. Фет Ҳофизнинг 28 та ғазалини таржима қилди ва: «Эй Шамсуддин, биз ўз шаробимиз билан Шайх Ҳофизнинг муҳибимиз: биз, Ҳофиз ва унинг барча муридлари алоҳида хислатли, ғалати кишилармиз»,— деб ўзининг шоирга бўлган чуқур ихлосини ифода этади<sup>2</sup>.

«Агар он турки шерозий» рус тилига уч марта (Е. Дунаевский, К. Липскеров), туркманчага икки марта (М. Ғойибий, О. Чориев), озарбайжон тилига тўрт марта (Ж. Мамадқулизода, М. Ҳодий, А. Султонали ва Ҳасрат), татарчага олти марта (Ж. Саид Аҳмад, А. Раҳим, Н. Арслонов, Л. Эҳсонова ва бошқалар), бошқирд тилига уч марта (А. Харисов, Р. Ғарипов ва бошқалар), грузин тилига уч марта (А. Челидзе, В. Котетишвили, М. Тодуа), бир мартадан қозоқчага (С. Асанов) ва булғорчага (И. Милев) таржима бўлган. Ўзбек тилида мазкур ғазалнинг Хуршид бажарган назмий ва Азиз Қаюмовнинг насрий (баъзи байтлари) таржимаси мавжуд. Мақсуд Шайхзода ғазалнинг биринчи байтини бир шеърида ўз таржимасида келтирган.

«Агар он турки шерозий» ғазали кўпдан-кўп жавобияларга сабаб бўлган. Бу жавобия-татаббуълари бир ерга йиғилса, каттақош китоб ҳолига келади, ўзига хос мушоирага айланади.

Юқорида номлари зикр этилганлардан ташқари, Абуисҳоқ, Жомий, Фузулий, Собир Термизий, Сайидо Насафий, Шавкат Бухорий, Нишотий, Хоразмий, Мунис, Оғаҳий, Амирий, Шавқий, Нозим Хиравий, Роқим Хоразмий, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад

<sup>1</sup> И. С. Брагинский. Проблемы востоковедения (раздел «Гете»). М., Изд-во «Наука», 1974, с. 301.

<sup>2</sup> А. А. Фет. Поли. собр. стихотворений, т. П, СПб., 1901, с. 31.

Иқбол, Сарфи Кашмирий, Носирали Маликушшуаро Файзий, Робиндранат Тагор каби шоир ва ёзувчилар Ҳофиздан таъсирланиб, шеърлар битганлар, газалларига мухаммаслар боғлаганлар. Шундай қилиб, Ҳофиз руҳи Шарқу Фарбда, Осиё ва Европада кезиб юрибди, каломининг сеҳри янгидан-янги авлодлар қалбини банд этмоқда.

**Ғазални таржима қилиш техникаси ва таҳлил методикаси** Ғазал таржимаси таҳлилида қуйидагиларга эътибор қилинади: а) мазмун ва маънонинг берилиши; б) образли ифодалар, сўз ўйинлари, киноя ва мажозларнинг акс этиши; в) интонация, пафоснинг ифодаланиши; г) вазннинг сақланиши; д) қофиянинг берилиши; е) радифнинг акс этиши.

Бундай схема асосида таҳлил қилишни айрим олимлар таржимани объектив таҳлил қилиш воситаси деб биладилар. Чунончи, Л. Брагинская Ҳофизнинг «Юсуфи гумгашта...» ғазалининг бешта русча таржимасини шу принцип асосида ўзаро солиштириб текширади ва мазкур «объектив анализ»ни таржимани баҳолашнинг энг мақбул йўли деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Л. Брагинскаянинг схемалари ишонарли, батафсил, пухта. Чунончи, у ғазални қуйидагича таҳлил қилади:

Схема А (асл нусха). Ғазал таржимасига доир қайдлар.

I. Дастлабки қайдлар.

1. Вазн (газалнинг вазни келтирилади).

2. Қофия (қофия элементи келтирилади):

а) ички қофиядошлик;

б) умуман оҳангдош товушлар.

3. Ҳажм (неча байтдан иборатлиги).

II. Таъриф.

4. Умумий характеристика (байтнинг тузилиш хусусияти, байтлар орасидаги алоқа, асосий ғоя):

а) мотивлари (ҳар бир байтнинг маъноси баён этилади);

б) қаҳрамонлари (лирик қаҳрамон, ошиқ, маъшуқа, рақиб ва ҳоказо).

5. Ғазалнинг композицион тузилиши (байтларни бир-бирига боғловчи воситалар, яхлитлик ҳосил қилиш усуллари).

Ғазалнинг ҳар хил шарҳланиши мумкинлиги.

6. Алоҳида байтларнинг хусусиятлари (санъатлар, сўз ўйинлари, ҳикмат ва бошқалар).

7. Оҳанг, интонация (қандай кайфият ҳосил қилиши, умумий руҳи).

Сўнгра ана шу қолип асосида таржимага ёндашилиб, нима сақлангани ва нима сақланмагани қайд қилинади.

Бундай таҳлил усули, ҳақиқатан ҳам, академик изчилликка олиб боради ва тадқиқот жараёнида энг майда тафсилотларга қадар кўздан қочирмасликка имкон туғдиради. Тадқиқотчи

<sup>1</sup> Л. Брагинская я. Об объективности в оценке поэтического перевода (на примере русских переводов газелей Хафиза). В кн. «Литература народов Востока». М., Изд-во «Наука», 1970, с. 19 — 30.

эҳтиросларга берилмай, ўзининг субъектив таассуротларини яширган ҳолда кузатиш олиб бориши мумкин.

Албатта, адабий асар, санъат хусусида ёзганда нуқул статистика, математика тили билан гапириш қийин. Зотан, таржимашуносликда, адабиётшуносликнинг бошқа соҳаларида бўлганидай, ҳар икки усулни қўшиб олиб бориш фойдали, яъни изчил таҳлилда қиёс ҳамада адабий-танқидий руҳ қўшиб олиб борилмоғи даркор. Бундан ташқари, ғазалнинг ҳар бир таркибий қисмини алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилгандан кўра, уни яхлит текшириш ва таржимага ҳам шу асосда баҳо бериш дуруст натижага олиб келади. Шунингдек, таржимани баҳолаганда кўпинча асл нусха мавқеида туриб фикр юритилади. Бу тўғри. Асосий талаб таржимани оригинал уфқида яқинлаштиришдан иборат. Шу билан бирга, ижодкор сифатида, таржимоннинг овози, она тилининг имкониятини ҳам унутиш ярамайди. Она тили талабини қондирмаган таржима аслига нисбатан олиб қараганда ҳам, китобхоннинг талаби ва диди тарафидан қараганда ҳам яроқсиздир.

Ғазалнинг қийматини илгари кўпинча матлаъи билан белгилаганлар. Чунки оригинал, дилнишин чиққан матлаъ ўқувчини ром этиб, бутун ғазал ҳуснига ҳусн қўшиб турган.

Хуршид қаламига мансуб мана бу байтларни аъло таржималар қаторига қўйиш мумкин:

Қўл тортмоғум тилакдан, лутф этмагунча дилбар,  
Ё жон кетар танимдан, ё васл бўлур муяссар!  
Ўлгач очиб мазорим, боқгил ўлук танимга  
Бағрим ёниб кафандан, кўкка чиқар тутунлар.  
Кўрсат юзингни, жонон, тонг қолсин аҳли олам,  
Оч лабни, эр-аёллар қилсун фиғон баробар.  
Жон лабга келди, кўнгул ҳасратдадур лабнигдан,  
Мақсадга восил ўлмай, жон чиқмағи муқаррар.  
Оғзингни шавқи бир-ла қийналди хаста жоним,  
Йўқсуллар ул оғизда ҳеч ёд этилмагайлар.  
Ёд айласа ошиқлар яхши сифатларини,  
Ҳар ерда, ҳар йиғинда Ҳофизни номи янграб.

Асл нусхаси билан муқояса қилинг:

Даст аз талаб надорам то коми ман барояд,  
Ё тан расад ба жонон, ё жон зи тан барояд.  
Бикшой турбатамро баъд аз вафоту бингар,  
Қ-аз оташи дарунам дуд аз кафан барояд!  
Бинмой руҳ, ки халқе, вола шаванду ҳайрон,  
Бикшой лаб ки фарёд аз марду зан барояд.  
Жон бар лабасту ҳасрат дар дил, ки аз лабонаш,  
Нагрифта ҳеч коме жон аз бадан барояд.  
Аз ҳасрати даҳонаш омад ба танг жонам,  
Худ коми тангдастон кай э-он даҳан барояд.  
Ғунд зикри хайраш дар хайли ишқбозон,  
Ҳар жо ки номи Ҳофиз дар анжуман барояд<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. Тошкент, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 118—119-бетлар.

Олти байтли бу мўъжиз ғазал ўз вазни-оҳанги, ибора-ифодалари, бутун латофати билан чиройли қилиб ўзбекчалаштирилган. Таржиманинг ҳусни ҳам нуқсонларини аниқлаш мақсадида Ҳофиз ғазалини насрий баёнга кўчиришга тўғри келади.

I байт. Мақсадга етмагунча талабдан қўл тортмайман: ё таним жонига етишди, ё жон танамдан чиқади.

II байт. Ўлганимдан кейин қабримни очиб қара: ичимдаги ўтнинг зўридан қафанимдан тутун чиқмоқда.

III байт. Юзингни кўрсат, токи бутун халқ шайдо ва ҳайрон бўлсин, лаб оч (гапир), токи эркак ва аёллар фарёд кўтарсин.

IV байт. Жон лабимга келган (чиқиш арафасида), аммо лабларимдан ҳеч мурод топмай (бўса олмай), жон бадандан чиқаётганида кўнгилда армон қолмоқда.

V байт. Оғзинг ҳасратида (умидида) жон қийноқда қолди. Ўзи камбағалларнинг у оғиздан қачон муроди ҳосил бўлувди!

VI байт. Қаерда, қайси мажлисдаки Ҳофизнинг номи эшитилса, ошиқлар аҳли уни яхшилик билан эсга олдилар.

Махсус ташбиҳлар, сўз ўйинларига эътибор қилинг.

Тўртинчи байтда: биринчи мисрадаги «жон бар лаб», «лабонаш» ва иккинчи мисрадаги «ком» сўзлари орасида таносиб санъати воситасида сўз ўйини ижод қилинган. «Жон бар лаб омад» иборасидаги «лаб» — ошиқнинг лаби, «лабонаш» деганда эса маъшуқа лаби назарда тутилади. Ошиқнинг аҳволи жуда душвор, — ўлим олдида турибди, аммо дилида бир армон бор: ёрнинг ширин лабларидан бирон марта бўса олмаган, яъни муроди ҳосил бўлмаган («ком») — мурод-мақсад, баҳра олиш, лаззат топиш маъноларида ҳам келади — НАЛ, 316).

Бешинчи байт. «Даҳон» сўзи билан «ба танг омад» ва «тангдастон» сўзлари яна «ком» ва «даҳон» билан ўшандай чиройли ташбиҳотни вужудга келтирган. Чунки классик адабиётда маҳбуба оғзини тор (жуда тор) деб таърифлаш анъанага айланган эди, бу Шарқ эстетикаси, дидига мувофиқдир (тор оғиз, юпқа, қизил лаб, оқ-қизил юз, камондай эгилган ингичка қош, оҳу кўз, ҳалқа-ҳалқа зулф, сарв каби тик қомат, ингичка бел ва ҳоказо). Бу тушунчаларни муболағадор тарзда бўрттириб ифодалашда шоирлар ким ўзарга мусобақалашиб келганлар. Лекин Ҳофизда бундай муболаға йўқ. У оғзининг кичкина (тор)лигини қўли қисқалик (камбағаллик) билан таносибга келтирган. Биринчи мисрада «оғзинг ҳасратида жоним танг бўлди» деб сўз ўйини қилса, шунинг иккинчи мисрада давом эттириб, «қўли қисқаларнинг муроди тор оғиздан қачон ҳосил бўлган эди», дейди.

Кўриниб турибдики, сўз ўйинлари, таносиб санъати асосида яратилган ташбиҳларни ҳатто насрий таржимада ҳам ихчам баён этиш анча мушкул. Уларни махсус шарҳу изоҳларсиз тушунтириб бўлмайди. Шундай бўлгач, бу санъатни янги тил негизида ғазалда қайта тиклаш яна ҳам қийин бўлади. Зеро, бундай таносиблар ҳар бир тилнинг мутлақо ўзига хос ҳодисасидир. Шоир она тилидаги сўзларнинг кўп маънолиги («ком») ва ташқи ўхшашлигидан («ба танг омадан» — «танг дастий») усталик билан фойдаланган.

Бу сингари иборалар айнан ағдарилганда, аксарият, ўз хусусиятини йўқотади. «Ком» сўзини ё мурод-мақсад, ё баҳра олиш, ё оғиз бўшлиғи деб ўгиришга тўғри келади, лекин Ҳофизда кўрилганидай, шу маъноларнинг барчасини бир йўла ифода-лайдиган сўз топиш амри маҳолдир. Шу учун бўлса керак, ўзбек классик шоирлари бу сўзнинг ўзини қўллайверганлар. Хуршид ҳам шундай қилиши мумкин эди. Бироқ бу нарса ҳозирги китобхонга тушунарли бўлмасди. Натижада таржимон «ком» сўзидан воз кечган. Хўш, бундай тадбир таржиманинг сифатига таъсир этганми?

Тўртинчи байтда бу унчалик билинмайди. Хуршид «ком»нинг бир маъноси — «мақсадга восил ўлмоқ» орқали мақсадни ифода-лай олган. Лекин кейинги байтга келиб таржимон қийналган. Гап таносиб санъатининг акс этмаганида эмас. Эҳтимол бу-нинг иложи топилмас ҳам. Ишқал шундаки, «йўқсуллар ул оғизда ҳеч ёд этилмаганлар» мисраси биринчи мисра билан боғланмай қолган. Чунки бу икки мисрани боғлаб турган ип, семантик ўқ ўша ташбиҳ эди. Ташбиҳ тушиб қолгач, «ип» ҳам узилган. Ажабмаски, таржимон аввалги мисраларда қўллан-ган тадбирини ишга солиб, ижодий эркинлик йўлини ихтиёр этганида, натижа бошқачароқ бўлармиди. Агар Хуршид таржи-масини Ҳофиз ғазалининг сўзма-сўз баёни билан қиёсланса, таржимоннинг топқирлиги, маҳорати ярқ этиб кўзга ташлана-ди. Шунини айтиш керакки, Хуршид бунда радифни сақлашдан воз кечган, қофияни бутунлай бошқа сўзлардан тузган. Аммо бу-нинг эвазига вазн сақланган, маъно берилган, оҳанг, руҳ акс этган:

Қўл тортмоғум тилакдан, дутф этмагунча дилбар,  
Ё жон кетар танимдан, ё васл ўлур муяссар.

Аниқлик, равлонлик, параллелизм, бирдамлик руҳи — барчаси муҳайё. Бундай байтлар ҳар қандай юксак талаб билан ёндош-ганда ҳам, аъло баҳолашга лойиқ. Бу таржималар ўзбек клас-сик ғазаллари билан бемалол беллаша олади.

Ўзбек таржимонлари ғазал таржимасида қуйидаги усуллар-ни синая кўрганлар.

1. Ғазални ўз вазни билан таржима қилиш. 2. Вазнни ўзгартириб (яъни бошқа баҳрга солиб) ўгириш. 3. Қофияларни айнан сақлаб қолиш. 4. Қофия сўзларни бутунлай ўзгартириш. 5. Асл нусхадаги қофиялардан фойдаланиш баробарида қофия-да бошқа сўзларни истифода этиш. 6. Ғазалнинг ички қофияла-рини акс эттириш. 7. Ички қофияни бермасдан ўгириш. 8. Ра-дифларни сақлаб қолиш. 9. Радифни соф ўзбекча радиф билан алмаштириш. 10. Радифни қолдириб таржима қилиш. 11. Ра-дифсиз ғазални радифли қилиб бериш.

Таржима ва татаббуъ  
Гўзал, бадий баркамол таржималарни  
Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва  
Камол Хўжандийларнинг ўзбек тилида босилган китобларидан  
топиш мумкин.

Қуйдаги икки асар билан танишинг.

Биринчи ғазал:

Қўлдан кетиб қолди дилим, эй дилрабо, додимга ет,  
Тунларда ҳижрон жабрдан бўлдим адо. додимга ет!  
Токайгача жон олғувчи ҳижрон қилур менга ситам,  
Гар боқмасанг менга, санам, айлаб имо додимга ет.  
Тун кечалар тонг отқуча ҳажринг ўтида ёнам,  
Доду фиғоним ойгача чиқди расо, додимга ет.  
Сенсиз, азизим, дилда ҳам ҳеч қолмади сабру қарор,  
Бўлди жигар ҳам чок-чок, қилғил даво, додимга ет.  
Жон олғучи ул икки кўз олди жаҳон-жоним бутун,  
Хусрав жонига келмайин икки бало додимга ет!<sup>1</sup>

Иккинчи ғазал:

Ишқинг тикони етказар сийнамга кўп озорлар,  
Озорининг захми ила чеҳрам эрур гулзорлар.  
Хаста таним чангдек букик, кўкка фиғоним чирмашур,  
Киприкда кўз ёшим равон гўё чийранган торлар...  
Гулшан сари айла хиром, шавқингда гул гулшан аро  
Айлаб яқосин чок-чок, қон айласин рухсорлар.  
Зоҳид юриб масжид сари, ҳожи биёбонни кезар,  
Май топмаганлик дастидан шундай қилур бекорлар.  
Ҳар дам сотарман жон сенга, бир бўсадир унга баҳр,  
Савдойиман, кезгум келур ҳар лаҳзада бозорлар.  
Нокасга сен дил боғладинг, рашкдан мени этдинг ҳалок,  
Гар бир йўла ўлса киши, Жомий ўлар минг борлар!<sup>2</sup>

Бу ғазалларга хос нарсa шуки, иккаласи ҳам бир хил вазнда (разажи мусаммани солим: мустаъфилун, мустаъфилун, мустаъфилун, мустаъфилун), бир мавзуда (ошиқнинг ёр жабрида қийналишини изҳор этиш) ёзилган. Аммо шунга қарамай, бу икки шеърни ўқиган киши муаллифларнинг услубини дарҳол пайқаб олади. Хусравда «сўзу гудоз» (Навоий), фиғону ноалалар (шунга яраша иборалар, ташбиҳлар) баралла эшитилса, Жомийда ошиқнинг ожизлиги, хаста, хоксор ва бенаволиги тасвирланган. Шу ернинг ўзида Ҳофизнинг тарзи баёни булардан бутунлай фарқ қилиб туриши ҳам аниқ сезилади.

Абдураҳмон Жомийнинг мазкур ғазалига Алишер Навоий татаббуъ битган. Бу татаббуъни таржима билан солиштириб ўрганиш диққатга сазовор. Ғазалнинг асли билан танишишга тўғри келади:

Аз хор-хори ишқи ту дар сина дорам хорҳо,  
Ҳардам шукуфта бар руҳим з-он хорҳо гулзорҳо.  
Аз бас фиғону шеванам, чангист ҳам гашта танам,  
Ашк омада то доманам аз ҳар мижа чун торҳо.  
Раҳ жониби бўстон фиган, к-аз шавқи ту гул дар чаман,  
Сад чок карда пирахан, шуста ба хун рухсорҳо.

<sup>1</sup> Амир Хусрав Деҳлавий. Асарлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 40-бет. (Ғазалларни Васфий ва Чустий таржима қилган.)

<sup>2</sup> Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 26-бет. (Ғазалларни Ғафур Ғулом, Шоислом Шомухаммедов, Васфий, Чустий, Ҳабибий, Улфат, Бокир ва Анисий таржима қилган.)



То сўйи боғ ори гузар, сарву санавбарро нигар,  
 Умре пайи наззора сар баркарда аз деворҳо.  
 Зоҳид ба масжид бурда пай, ҳожи биёбон карда тай.  
 Он жо ки бошад нуқлу май, бекори аст ин корҳо.  
 Ҳар дам фурушам жон туро, бўса ситонам дар баҳо,  
 Савдоням, бошад маро бо худ баче бозорҳо.  
 Ту дода дил бо ҳар касе, ман мурда аз ғайрат баче,  
 Якбора мирад ҳар касе, бечора Жомӣ борҳо<sup>1</sup>.

## Алишер Навоӣ татаббуъ:

Эй аз баҳори ҳусни ту бар чеҳраам гулзорҳо,  
 Дар чеҳра з-он гулзорҳо дорам залида хорҳо.  
 Аз неши ҳажраш муттасил, гў риштаи жонам гусил,  
 Чун дўхт натвон чоки дил з-он сўзану з-он торҳо.  
 Дар кулбаи ғам гар барам он наёби пайкарам,  
 Бас хоки хори бар сарам, к-афтода аз деворҳо.  
 Аз ҳумрати рухсор кай битвон шундан ҳамранги вай,  
 Моро ба хун, ўро ба май чу ранг шуд рухсорҳо.  
 Чун з-он бути ошуфтаҳў, орам ба сўйи қибла рў,  
 Баста чу аз ҳар тори мў бар гарданам зуннорҳо.  
 Бударм ба ақли зуфунун пири хирад пеш аз жунун,  
 Тифлон давонандам кунун дар кўчаю бозорҳо.  
 Зин назми нав, чархи кўхун, якбора гў ҳайрат макун,  
 Фоний чу таълими сухун дорад зи Жомӣ борҳо<sup>2</sup>.

Жомийда ҳам, Навоийда ҳам ғазал етти байтдан иборат. Вазн бир хил, қофияларда (*хорҳо—гулзорҳо—гулзорҳо—хорҳо; торҳо — торҳо; деворҳо — деворҳо*) ва ҳатто мисралардаги ички қофияларда ҳам (*пай-тай-май — Жомийда, кай-вай-май — Навоийда*) ўхшашлик бор. Турган ғап, мазмун ва оҳангда ҳам яқинлик мавжуд. Булар татаббуъ — жавобиянинг талабларидир. Бироқ Навоӣ ғазали Жомийнинг такрори эмас. Навоӣ оҳангни, услубни сақлаган, ғазалнинг шаклий тузилишига эргашган, лекин байтлар маъноси бошқа: янги, нозик маънолар янги шеърӣ ифодалар орқали баён этилган. Бу Жомӣ ғазалидан таъсирланиб ёзилган, Жомӣ услубини эслатиб турадиган ғазал. Татаббуъ ҳам, таржима ҳам адабий алоқа формаларидир. Татаббуъда таъсир ва ижодий акс-садо, анъана ва новаторлик биргаликда мужассамланган бўлади. Таржима эса бундан фарқ қилади. Таржима муаллифни ижодий давом эттириш эмас, балки унинг бошқа тилдаги такрори бўлмоғи лозим. Таржимон ҳам худди жавобия айтувчи каби, асл нусхадан таъсирланади, илҳомланади. Аммо жавобия айтувчи бу илҳомни, таассуротни оригиналга ўхшаш асар яратишга сарф этса, таржимон оригинални она тилида ифодалашга қаратади. Татаббуъ битувчи шоир салафнинг анъаналарини давом эттириб, бойитиб тарғиб этса, таржимон шоирни бевосита ўз асарлари орқали тарғиб этишга бел боғлаган киши сифатида майдонга чиқади. Татаббуъ ҳам, таржима ҳам — адабий ҳамкорлик, адабий мусобақа, куч

<sup>1</sup> Абдурахмон Жомӣ. Асарҳои мунтахаб, ҷилди якум: Душанбе, нашриёти «Ирфон», 1964, саҳ. 13.

<sup>2</sup> Алишер Навоӣ. Асарлар, 15 томлик, 5-жилд (1-китоб). «Девони Фоний». «Тошкент» бадиӣ адабиёт нашриёти, 1965, 36-бет.

синаш майдони. Татаббуъ ёзишга киришган шоир устодлари даражасида қобилияти борлигини, ўша шаклда, ўша мотивда деър айтишга ўзининг қодир эканини намоиш этади; таржимон эса шоирнинг асарини ўз тилида қайта ижод этишга чоғланади. Шундай қилиб, татаббуъ айтувчи шоир таржимон-шоирга қараганда эркинроқ, ҳуқуқи кенгроқ эканлиги маълум бўлади.

Айтилган гаплар, шубҳасиз, аниқ таржимага тааллуқлидир. Асл нусханинг руҳига кириб, унинг оҳангида ўз мисраларини тақдим этувчи таржимонлар ҳам кўп бўлган. Булар ўз ижодларининг моҳияти ва натижаси билан татаббуънавис шоирларга қин туради. Бироқ шун эсда тутиш керакки, таржима ҳам ижодий жараён, аynиқса, шеърини таржимада меъёрдаги эркинлик жонзидир. Шундай экан, таржима асарни бошқа тилда қайта яратишдан иборат деганда бунини «нусха кўчириш», ҳижжавий мувофиқлик маъносига тушунмаслик даркор. Бу такрорийлик маъно-мазмун, оҳанг-услуб, нбора-образларнинг бир-бирига мувофиқлигидан иборат. Бундай мувофиқлик ижодийлик орқали, адил илҳомнинг меваси сифатида қўлга киритилади. Бу нарса ҳазал таржимасида ҳам жуда муҳим.

Шундай экан, таржима билан татаббуъ орасида қандайдир қинлик бўлса-да, аммо булар икки хил адабий ҳодиса бўлиб, лоҳида-алоҳида қонуниятларга эга. Шу боисдан бу икки ижодий ҳодисага бир хил талаб билан ёндашишнинг иложи йўқ. Агарчи бу икки ҳодисанинг табиати ва натижаси бошқа-бошқа бўлса-да, савия, бадий қиммат жиҳатидан бир хил даражада бўлиши керак. Бошқача айтганда, бадийлик, шеърини нафосат ва балогат нуқтаи назаридан бу икки хил адабий ҳодисага бир хил талаб қўйиш мумкин. Аниқроғи, Жомийнинг «Аз хор-хори...» ғазалини шундай таржима қилиш керакки, у савия эътибори-ла Навоий жавобияси билан тенг кучга эга бўлсин ёки, ҳеч бўлмастга, унга яқин турсин. Афсуски, Абдурахмон Жомий ғазалларининг биздаги мавжуд таржимаси бундай олий талабга жавоб бермайди. Ҳатто юқорида яхши таржима сифатида келтирилган ҳисолда ҳам ғазал нафосатини хиралаштирадиган жойлар кўзга ташланади. Чунончи, бир байт ташлаб кетилган. Учинчи байтда «улшан» ва «айлаб» сўзларининг такрорланиши ғализлик уғдирган.

Айтишлари мумкин: таржимани бадий баркамоллик тарафидан Навоий татаббуъига етказиш учун Навоий даражасидаги иқтидорга эга бўлиш лозим! Бу тўғри фикр. Ахир, китобхон Жомий шеърини ўқишга чоғланяпти. Навоий Жомийнинг маҳоратига тассанно айтганлигини адабиёт мухлислари яхши биладилар. Бинобарин, ана шундай уфқ, мукамалликка эришишга чоғланган, ана шундай юксак идеалга муяссар бўлишга интилган заҳматкаш таржимонгина чинакам санъат асари яратишга қодир.

Ўрта Осиё кўҳна маданият ўчоқларидан биридир. Қадимги даврларда ва ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ўз даврига нисбатан юксак тараққий этган техника ва суғориш иншоотлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат ёдгорликлари мавжуд эди. VIII асрда Ўрта Осиёни араблар забт этгандан сўнг, марказлашган ягона давлат, халифалик даврида араб тили умумий давлат тили бўлиб қолди. Халифалик составига кирган барча территорияларда илм-фан асарлари ҳам араб тилида ёзиладиган бўлди. Бу даврларда икки тарафлама ва кўп тарафлама беқиёс кўп таржималарнинг марказида ҳам араб тили мустаҳкам мавқени ишғол этган эди.

Бағдод шаҳрида қарор топган таржима мактаби «Дорул ҳикма»нинг фаолияти натижасида қадимги замон юнон классик фанининг жуда кўп асарлари араб тилига ўғирилди. Ана шу таржималар баъзи ҳолларда асл юнонча нусхаларида йўқолиб кетган нодир илмий асарларнинг бизнинг давримизгача етиб келишига сабаб бўлган. Испаниянинг Толедо шаҳрида қарор топган таржима мактаби эса Бағдод таржима мактабининг оламшумул самараларини Ғарбий Европага узатишда бениҳоя катта воситачилик ролини ўйнади. Бунинг натижасида ўрта асрларда араб тилида яратилган ёки арабчага ўғирилган илму ҳикмат асарлари, янги назарий ғоялар, фундаментал фанларнинг натижалари Европа заминига кўчиб, у ерда янада чуқур томир олди.

Математика, геометрия, механика, астрономия, физика, кимё, тиббиёт, тарих, санъат назарияси, адабиёт соҳаларида араб тилида ёзилган, у орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига, жумладан, Ғарбий Европага таржима қилиб тарқатилган жуда кўплаб пшлар орасида ўрта осиелик мутафаннын олимлар, мутафаккирлар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абунаср Форобий, Улуғбек ва бошқаларнинг аллақанча асарлари ҳам бор. Бу олимларнинг асарлари таржималарини чуқур ўрганиш фан тарихини ёритиш, илгор илмий ва маърифий ғояларнинг пайдо бўлиш манбаини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Ўлимий сферадан адабий алоқалар, турли миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири, шарқ-ғарб маданий муносабатлари тарихи ва таржима аспектига ўтилиб, бу масала Алишер Навоий, Христофор Арманий, Ҳофиз, Гёте, Жалололдин Румий, Бобораҳим Машраб, Абдураҳмон Жомийларнинг ижодидаги инсонпарварлик мотивларини типологик-қийёсий асосда текшириш йўли билан ойдинлаштирилди.

Қўлланманинг марксизм классикларининг таржимага қарашлари ёритилган қисмда асосий эътибор таржимага қўйиладиган талабларни аниқлашга қаратилган. Бу ерда таржимада тил маҳорати, таржимоннинг тил билиш қуввати, лисоний ва экстралингвистик омиллар таҳлил қилинди. В. И. Ленин ва таржима масалалари фаотида проблема икки аспектда қўйилди:

— В. И. Лениннинг таржимага қарашлари;

— дохий асарларининг миллий тилларга таржималари таҳлили.

Услуб ёзувчи ижодининг ўзига хослигини белгиловчи асосий кўрсаткич экан, унинг ижодий манераси, бадий мушоҳада формаси, тасвирлаш мароми демакдир. Шу сабабли унинг даҳоси ва қалби ҳар бир асарининг алоҳида олинган бадий воситаларидан тортиб, муддаоси, асар ғояси, мавзун, сюжет-композицион қурилмаси, синтаксиси, оҳанги, ритмикасига кенг кўламда ёхуд майда баёний-тасвирий унсурларда зуҳур кўрғазади. Бинобарин, услуб проблемасини хоҳ оригинал ижод асари, хоҳ бадий таржимага татбиқан кенг, умумлаштирувчи ёки тор, конкрет план асосида ўрганиш мумкин. Ҳар бир асарнинг услубини автор танлаган мавзу белгилайди. Лекин айна бир мавзуда турли адиблар ёки айна бир адибнинг ўзи ҳам турлича услуб билан ёритилган бадий асарларни яратишлари мумкин. (Қайд этилган кейинги ҳолда бир ёзувчининг айна бир мавзуда турли жанрларда яратган асарлари назарда тутилади.)

Совет адабиётида ижодий метод бирлиги (социалистик реализм) турли адибларга турлича мавзуларда ранг-баранг услубларда ижодий бунёдкорлик фаолияти кўрғазиш имкониятини чекламайди. Хусусан, бадий яратувчилик тажрибасининг турли босқичларида турган кўп миллатли ва кўп тилли қардош адабиётларнинг атоқли намоёндалари ижодида индивидуал услубнинг камалакдай товланиши кузатилади. Бадий таржима адабий бунёдкорлик соҳаси, табиатан сўз санъатида қайта яратишдан иборат жараён экан, унда услуб фавқулодда катта аҳамиятга молик.

Қанчалик нафис ва пухта ишланган, узоқ йиллар давомида қарор топган бўлмасин, услубий яқранглик бора-бора ёзувчининг бурдини кетказади. Шу боисдан ҳар бир йирик санъаткорнинг ижодида қарор топган бир нечта услуб йўналишлари мавжуд бўлади. Қайси давр қаламга олинаётгани, қай бир мавзу ёритилаётгани ва қандай жанрда фаолият кўрсатилаётганига қараб, ўшанга мақбул услуб танланади. Бадий таржимада буни муқаррар инобатга олиш керак. Бу эса таржимондан ўзи ўғирмоқчи бўлган санъаткорнинг ижодий эволюцияси, асарларининг индивидуал-услубий аломатлари ҳамда фазилатларини қунт билан кузатишни талаб қилади. Таржимон ҳар бир асар таржимасига мос услуб калити топа билмоғи даркор. Акс ҳолда у яратган таржима асл нусха (оригинал)нинг тасвирий-услубий бўёқлари ҳақида ҳаққоний тасаввур бера олмайди. Услубий силжиш ёки сохтакорлик ҳодисаси рўй берадики, бу ҳол адиб-

нинг бошқа муҳитда тарбияланган миллионлаб ўқувчилар назаридан қолнишига сабаб бўлиши мумкин.

Тил ва услуб бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо улар бир хил ҳодисалар жумласига кирмайди. Таржима жараёнида асл нусха тили «алмашади», аммо муаллифнинг **ифода тарзи**, яъни индивидуал услуби акс этиши лозим. Бошқача айтганда, асл нусхада бир тил негизинда муайянлашган индивидуал-услубий ўзига хослик бошқа тил ресурслари орқали **қайта ифодаланади**. Услубни қайта яратиш, асосан, бадиий таржимага хос проблемадир.

Қўлланмада бадиий таржима ҳодисаларини қиёсий-услубий планда ўрганиш самарадор илмий методика эканлигига алоҳида аҳамият берилди. Қиёслаш объектлари, миқёси ва даражаси тадқиқотчининг мақсадига боғлиқлиги уқтирилди.

**Эквивалентлик** ҳар қандай турдаги таржима сифатини белгиловчи мезондир. Бадиий таржиманинг асл нусхага муқобиллигини тайин этишда ғоявий-бадиий-услубий эквивалентлик хусусида гапириш мумкин. Муайян бир асарнинг турли тилларга қилинган таржималари асл нусхага нисбатан турлича эквивалентлик ҳолатида бўлади. Шунга кўра:

— воситали таржималарда эквивалентлик ҳолати оралиқ (медиум)-таржимага нисбатан белгиланади;

— генетик яқин тиллардан таржима жараёнида, мавжуд қардош тилдан эмас, балки оралиқ таржимадан ўгирганда, барпо этилган таржима гарчи ўша воситачи нусхага муқобил бўлса-да, аммо асл нусхадан анча узоқлашади;

— юқоридаги моддада қайд этилган ҳолатга кўра, қардошлик тарафидан яқин тилларга ўгирганда воситачи-таржимачининг хизматига юзланиш тавсия этилмайди.

Муайян таржима турининг нисбатан қийинлиги ёки осонлиги, мураккаблиги ёки соддалиги ҳақида гап борганда, тилларнинг тузилиш ва қардошлик тарафидан узоқ-яқинлигини асос қилиб олгандан кўра, адабий тил сифатида таржимачи-тилнинг ўз имкониятлари қанчалик ишланганига қараб ҳукм чиқарилса дуруст бўлади. Бундан ташқари, таржимачи-тилда адабий-лисоний анъаналарнинг қарор топиши ёғидан унинг асл нусха тилига қанчалик мослиги ёки мос эмаслиги ҳам тилнинг таржимавий қувватини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар бир тилда бошқа тиллардан олиб ўзлаштирилган сўзларнинг лексик-грамматик-семантик структураси ва маъно функцияларида жуда катта фарқ сезилади. Араб ва форс тилларидан Ўрта Осиё халқлари тилларига кириб ўзлашган сўзларнинг ҳозир англатаётган маъноларида асл манбага нисбатан ҳам, уларни олиб ўзлаштирган бошқа тилларда англатаётган маъноларига нисбатан ҳам тафовутлар борлиги кўзга ташланади.

Тиллараро нисбий соддалик ва мураккабликни таржима категорияларидан бири сифатида эътироф қилиш лозим. Бугина эмас, мазкур тушунчалар адабиёт мазмунининг спецификасини

ифодалайдиган кўрсаткич сифатида ҳам қайд этилиши керак. Тиллараро нисбий соддалик ва мураккаблик (сирлилик) таржима жараёнида, ўғприлаётган асарнинг хусусиятига қараб, турлича меъёрдаги «авторлаштириш», «локализация», «модернизация» ва бошқа турли хил мослаштиришларга сабабчи бўлади.

Бадий таржиманинг икки хусусияти: асл нусхага нисбатан тез эскириши ҳамда услубдош ва мактабдош адибларнинг асарларини ўғирганда аслига яқин таржима яратиш мумкинлиги шартларидан иккита амалий хулосага келиш мумкин.

— эскира бошлаган таржималарни бот-бот янгилаб туришга тўғри келади (хусусан, мактаб дарсликлари ва хрестоматияларга киритилган таржималарни муқаррар янгилаб бориш керак);

— бадий бунёдкорлик соҳасида ўз услубини топган ижодкор «услубий ётлик» шаронтида ҳам мукамал таржима яратиши мумкин экан, бу истиснони барча таржимонларга нисбатан ёппасига қўллаш мумкин эмас.

Таржимашунослик таҳсили юзасидан яратилган ушбу дастурда яна бир проблемага диққат қилинди: бу бадий таржимада асл нусхада акс этган миллий ўзига хослиқни ифодалаш масаласидир. Бадий асарда акс этган миллий колорит ўз мазмунини ва мундарижасига кўра жуда мураккаб бўлиб, хусусан, миллий адабиётлараро таржималарда бу ўзининг бутун эйдиллатлари, чигалликлари, душворликлари билан тўла намойён бўлади. Миллийлик бадий таржимада универсал хусусият касб этади. Масаланинг универсаллиги шунда ўз ифодасини топадики, алоҳида олинган сўздан тортиб, оҳанг, услуб, адабий шакл, жанр, тур ва ҳоказоларгача — қайси бир таржима бирлиги объекти ё компонентини олиб қараманг, аксарият у бевосита ёки билвосита миллий маъно касб этган бўлади, бинобарин, иш давомида соф таржима техникаси билан боғлиқ мураккаб профессионал масалалар қаторида ҳар гал миллий бўёқ ифодасини акс эттириш билан боғлиқ махсус муаммоларни ҳам ечишга тўғри келади. Асл нусха ва таржима, муаллиф ва таржимон, таржимавий муносабатга киришаётган икки ёки баъзан ундан ҳам ортиқ миллий этнографик муҳит, миллий адабиётлар дучлашуви, пайвандлашувидан туғиладиган бош таржима принципини аниқлашда ҳам бу омил юзага қалқиб чиқади. Чунончи, ўғприлаётган асарда асл нусханинг миллий моҳиятини кўпроқ акс эттириш лозимми ёки у янги адабий муҳит талабларига кўпроқ мойил бўлиши керакми? Унда авторнинг овози баралла янграб турсинми ёки бошқа миллий муҳит бағрида етилган таржимоннинг ўзига хос услуби ўктамлик қилсинми? Шу сингари алоҳида олинган ҳар бир асар таржимаси муносабати билан ҳар гал туғиладиган ўнлаб принципаал масалалар ҳам миллийлик марказида фокусланади.

Таржима душворлиги, таржима имконияти, таржима бўлиш ёки таржима бўлмаслик ақидаларининг манбаи ва сабаблари ҳам кўпинча миллий мазмун ёки мундарижага бориб тақалади.



Кузатишлар шуни кўрсатадики, миллий моҳият чуқур ва қуюқ ифодаланган шоир ва ёзувчиларнинг асарларини бошқа тилларга таржима қилиш қийин бўлади. Хусусан, икки тилда баравар ижод қилувчи зуллисонайн адибларда миллийлик кўрсаткичига қараб фарқланиш диққатни ўзига тортади. Билингв-адибларнинг ўз эътирофларига кўра, улар умуминсоний, умумсоциал ва ҳоказо мавзуларни қаламга олганда рус тилида ёзишга рағбат пайдо қилсалар, конкрет миллий заминда пайдо бўлган, халқнинг тарихи, ўзига хос турмуш тахлити билан боғлиқ мавзуларда ижод қилганда ўз миллий тилларида қалам тебратишни ихтиёр этадилар.

Дарсликнинг ушбу бобида *колорит* тушунчасининг миллий мазмун, мундарижа ва моҳият билан боғлиқ жиҳатлари ойдинлаштирилиб, турли санъат ва адабий турларга қараб унинг дифференциациялашувини кўрсатишга, *ранг, бўёқ* туйғусининг таржимавий талқинини беришга ҳаракат қилинди. Психологик тасвир ва деталь мавзуида масаланинг миллийлик, маҳорат, индивидуал услуб билан боғлиқ томонлари ёритилди.

Миллий ранг ҳар бир тилдаги мақол, матал, идиомаларда ҳам инъикос этади. Гарчи бир нечта тиллар учун муштарак фразеологизмлар ҳам учраса-да (*Куй железо, пока горячо — темирни қизигида бос, цыплят по осени считают — жўжани кузда санайдилар* ва ҳоказо), лекин халқ тилига хос бундай ихчам шаклга эга бўлган нутқий ҳодисалар кўпинча миллий хослик рангига бўялган бўладилар. Ҳикматли сўзлар (афоризмлар)да эса миллий хосликдан кўра умумий, муштарак жиҳатлар кўпроқ кўзга ташланади.

«Синтаксис ва таржима» фаслида қуйидаги тезислар илгари сурилди.

Биринчидан, муаллиф ёки бирон асар услуби она тилининг синтактик воситалари ва хусусиятларида ўз аксини топади. Автор услубини қайта яратиш бадий таржиманинг асосий талабларидан бири экан, бу асл нусхада ўз аксини топган гап тузилиши хусусиятларини ҳам беришни тақозо этади.

Иккинчидан, таржимада бошқа тилнинг гап қурилмаси тартибини айнан ўзидай бериб бўлмайди. Бу таржимада формализмга олиб келган бўлар эди. Асл нусханинг гап қурилиши хусусиятларини таржима тилининг ўзига хос гап қурилиши асосида бериш жоиздир. Зеро, бошқа тилда табиий жаранглаган нарсга таржима тилида ҳам табиий садо бермоғи лозим.

Учинчидан, муаллиф услубини акс эттиришда оригинал тилининг гап қурилмаси хусусиятларини беришнинг барча ҳоллар учун баравар мувофиқ келадиган қатъий темир қолипи йўқ. Ҳар бир мукамал таржима — бадий баркамоллик сари қўйиладиган янги қадам, янги бадий ихтиродир. Бинобарин, бу муаммони ҳар бир етук таржимон ўзича ҳал қилиши мумкин.

Классик адабиёт асарларини таржима қилишнинг мураккаб-лиги уларда тасвирланган воқеаларнинг кўҳналиги тақозоси ўлароқ, мавҳумликлар тўлиб-тошиб ётганлигидан ташқари, боз



устига, хусусан воёнта тил орқали ўгириш шароитида, фактик чигалликлар сони янада кўпайишида зоҳир бўлади. Бундан ташқари, узоқ ўтмиш замонларда кечмиш воқеалар тасвири шунга мувофиқ ва муқобил услубий тадбир, лисоний-грамматик воситалар қидириб топишни талаб қилади.

Классик адабиётда ифодаланган тарихийлик туйғусининг замонавий талқини ҳинд эпоси «Рамаяна», юнон трагедияси «Занжирбанд Прометей», итальян романи «Декамерон», француз адиби Альфред Мюссенин «Дил изҳори» асарлари таржималарига асосланиб таҳлил этилди. «Рамаяна» таржимасида шоир Муҳаммад Али, «Декамерон» таржимасида Қодир Мирмуҳаммедовларнинг муваффақиятини таъминлаган бош омил улар мансуб бўлган ижодий мактабнинг халқчиллик принциплари, **эпос таржимасида** катта тажриба орттирганлигида ўз ифодасини топади. Булардан ташқари, объектив омил, яъни фақат айни асарнинг ўзинингина эмас, балки ҳиндлар, итальянларнинг моддий ва маънавий ҳаёт таранга тааллуқли жуда кўп нарсаларни қўли билан ўрганиш, тинимсиз меҳнат, шоирона талант, таржимонлик иқтидори ҳамда айни асарни ўзбекчалаштиришда муқобил услуб калити топилганлиги ҳам анча мукамал таржима яратилишига сабаб бўлган.

Классик адабиёт таржималари намунаси миллионлаб ўқувчиларга фақат бадий завқ берибгина қолмай, балки улкан донишмандлик ифтихори аҳамиятга ҳам моликдир. Шу сабабли таржимонлар ўтқир дид, иқтидор, шоирона илҳомдан ташқари, чинакам тадқиқотчи сифатида, чуқур билим, завқ ва иштиёқ билан ишга киришганлар.

«Рамаяна» бошдан-оёқ ҳиндиёна миллийлик руҳи билан суғорилган асар. Бунда ўз ифодасини топган миллий ўзига хослик фақат зоҳирий ашёлар, безаклар, антиқа урф-одатларгина ёки фақат шулар орқали акс этган бўлмай, айни вақтда бу таркибий характерга эгадир. Унда тасвирланган қаҳрамонлар, афсонавий мавжудотлар, маъбудлар, инсонларгина эмас, балки фаунавий, флоравий, ахлоқий, диний, илоҳий, хурофий, табиий жамики нарсалар миллийлик супрасида йўғрилгандир.

Адабиёт ҳақида гапирилганда, дафъатан **бадийликка** эътибор қилинади. Бу тўғри. Лекин бадийлик эса мажозийлик ва сирлилик асосида пайдо бўлади. Шу сабаб, адабиётнинг спецификасини тайин этишда фақат бадийлик нуқтасида тўхтаб қолмай, ундан — мажозийлик ва сирлиликка қараб юриш, ёки аксинча, мажозийлик ва сирлиликдан бадийликка ўтиш лозим.

Классик адабиёт асарлари таржимасида сирлилик қуйидаги восита ва тадбирлар орқали ҳосил қилинади:

— ҳозирги адабий тил заминида туриб, лисоний кўҳналик тасаввурини туғдириш;

— баён ва тасвирда, асл нусханинг характерига қараб, услубий мослаштиришга юзлаиш;

— оригиналда акс этган миллий колоритнинг биз учун ғалатлигини сақлаш;

— асл нусха тилига хос бадий тасвир воситалари: ўхшатиш, сифатлаш, муболага, мажоз ва ҳоказоларни сийқалаштирмаган ҳолда, эҳтиёткорлик билан айнан ўзидай ёки она тили воситалари орқали қиёслаб, ё улар билан омукталаб таржима қилиш.

Тасвирланаётган давр, адабий метод, йўналиш, оқим, анъана жанр, мавзу ҳамда адибнинг мақсадига кўра, айни бир хил табий, заминий, самовий объектлар турли-туман маъно ва ҳолатларда гавдаланиши мумкин. Афсонага кўра, ҳар бир кишининг «ўз юлдузи» бўлгани каби, ҳар бир халқ, тил ва унда яратилган адабиёт ҳамда ўзга санъат асарларининг ҳам «ўз юлдузи» мавжуддир. Масалан, Одил Ёқубовнинг реалистик тасвирида («Улуғбек хазинаси») Ой ва юлдузлар турли қаҳрамонларнинг тасвирида ҳар хил жилваланган бўлсалар, «Рама-яна»да самовий жисмлар тасвири анъанавий-романтик-мифологик характерга эгадир.

Валмики-Фирдавсий-Навоий адабий ҳамкорлиги, «Рамаяна» — «Шоҳнома» — «Хамса»ларда адабий таъсир излари борлиги шубҳасиз. Бадий таржима халқлар ва миллий маданиятлар ўртасида ўзаро адабий ҳамкорлик ифодаси ҳамда маҳсули ўлароқ майдонга чиқаркан, ўз навбатида, у ҳам адабий алоқалар равнақига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилади. Қадимги адабиёт асарларининг таржималарида эсанинг ҳамкорлик, боғловчилик функциясининг яна бир қирраси очилади. Чунончи, янги даврда «Шоҳнома» ва «Рамаяна»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши натижасида улар ўртасида адабий-тарихий ва анъанавий-услубий муштарақликлар мавжудлиги маълум бўлди. Демак, классик адабиёт асарларининг замонавий таржималари халқлар ўртасида мозийда ўрнатилган ва узоқ асрлар мобайнида ривожланиб келган адабий алоқаларнинг тарихий илдизларини очишга имкон яратади.

Классиканинг замонавий таржимаси мақсадсиз ва самарасиз ижодий жараён эмас, балки у ўзининг улкан дониший-маърифий аҳамиятидан ташқари, турли миллий маданиятлар тажрибаси, жаҳон адабий ҳаракатчилигида ворисийлик туйғусини ҳосил қилади.

Бадий таржима жаҳон адабий ҳаракати флотилнясини йўналтирувчи қудратли лангардир. У турфа миллатлар, халқлар, тиллар, маданиятлар билан бирга, турли қитъалар ва бири-биридан узоқ масофада жойлашган манзиллар, замонларни ҳам бир-бири билан туташтиради.

Услубий мослаштириш (стилизация) бадий таржимада муҳим омиллардан биридир. Бунда услубий мослаштириш ҳодисаси бадий ижоднинг турли соҳалари ва йўналишлари бўйича қараб чиқилди. Самарадор қиёсий-услубий методика асосида ўзбек таржимачилиги адабиётида услубий мослаштириш юзасидан синаб кўрилган бир қанча тажрибаларнинг натижалари ўрганилди.

Таржиманинг муваффақияти, аввало, таржимон истеъдодига алоқадор бўлса, бошқа тарафдан, объектив шарт-шароит ҳисобланмиш ўгирилаётган асар билан ватан адабиёти орасидаги даврий ва миллий «масофа», яқин-йироқлик, адабий-эстетик анъаналар, дпд ва тушунчалар орасидаги тафовутлар, адабий алоқа ва таъсирнинг характери, халқ тилининг бойлиги, адабий тилининг тараққиёт босқичи, поэтик имкониятлар ҳамда китобхон савияси, шунга мувофиқ талаб ва эҳтиёжларига вобастадир.

Таржимон асарни бутун салмоғи, ғоявий-бадний нафосатини сақлаган ҳолда қалб қўри билан ўгиришга шайланадп, ўз қалам тебратиш йўсинини авторнинг услуби «антенна»ларига мослаб ижод этишга киришади. Бунинг самараси ўлароқ, санъат асари бошқа тилга, ўзга адабий муҳитга, янги китобхонлар орасига қараб йўл олади. Энди бу меҳнатни, таржимон чеккан заҳматни қадрлай оладиган дидли китобхон керак. Мабодо таржимани китобхон тушуниб, севиб қаршиламаса, завқ олмаса, мутаржимнинг барча саъй-ҳаракати зое. Баъзилар бундан қочиб, асарни ватан адабиёти руҳига батамом мослаштириб, бус-бутун «ўзимизники» қилиб юборишга зўр берадилар. Бу муаллиф услубини сохталаштиради, унинг асарида ифодасини топган миллий-этнографик ўзига хосликдан маҳрум этади, давр нафасини сўндиради, натижада ўқувчи айна таржимадан кутган янгилликни ололмайди. Ваҳоланки, таржимадан мақсад ўзимизда мавжуд бадний асарларнинг бошқачароқ талқини ёки «варнанти»га эга бўлиш эмас, балки янги гўзаллик олами, янги адабиёт, янги ёзувчи кашф этиш, оммага янги эстетик олам эшигини очишдан иборат. Худди шундай таржиманинг ватан адабиётини бойитишга қурби етади. Ҳозирги ўзбек таржимонларининг кўпи ана шу иккинчи йўлни ихтиёр этганлар. Улар ўзга адабиётларга мансуб нодир бадний обидаларнинг ўзига хос ғоявий, миллий мазмуни ва мундарижасини, услубий безакларини сақлаган ҳолда, уларни ўзбек адабиёти бағрига ўтказиб, ўқувчиларни хушнуд этмоқдалар. Зотан, реалистик таржима принциплари шунга талаб қилади, бу эса ўзпга хос таржимонлик ўқуви, малакаси ва истеъдодини тақозо этадиган чинакам катта ижодий меҳнат орқали қўлга киритилади.

Шеърый асар насрий асардан нима билан фарқланса, назм таржимаси ҳам насрий таржимадан худди шундай ва шунчалик фарқланади. Шеърый асар, жанр тақозосига кўра, шаклан қатъий чегараланган. Назм таржимасида эса ана шу чегараланганлик янада кўпроқ воқе бўлади. Чунки маълум система, вазн, оҳангдорлик нуқтаи назаридан муайян бир ўлчовга солинган бадний асарни бошқа тилда қайта яратиш жуда мураккаб ижодий жараёндирки, бу муаммони шоирлик иқтидоридан ташқари, икки тилни мукамал эгаллаган моҳир таржимон-адибгина ҳал қила олади.

Шеърый таржима проблемасининг мазмуни ва талаблари поэтик жанрнинг тур, хил, баҳр тармоқларига кўра ўзгаради. Бир шеърый тур таржимаси учун зарур ёки шарт ҳисобланган

нарсa бошқа баҳр, шахобчалар учун унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин. Масалан, рубойда — ҳикмат, туюқда — сўз ўйини, эпосда — мазмун ва салмоқ, қасидада — оҳангни қайта тиклаш талаби биринчи планга қалқиб чиқади.

Шеърй асарда луғат, услуб, вазн, қофия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир конкрет асар таржимасида унинг жанр талабини ҳисобга олиб иш кўришга тўғри келади. Башарти, бу нарсa инobatга олинмаса, таржимада шакл билан мазмун бирлигига жиддий путур етади, оригинал-таржима бирлигининг эквивалентлик ҳолати барҳам топади.

Бадий таржимада эквивалентлик қатъий зарурий талабдир. Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Байрон, Ғете, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов, Леся Украинка, В. В. Маяковский, Самад Вургун, Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Муса Ғали ва бошқа шоирлардан кўплаб мукамал таржималар бердилар.

Ўзбек тилида муайян бир асарнинг икки ёки бир нечта таржималари мавжуд экан (А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Байрон, Ғете, Леся Украинкадан такрорий таржималар бизда кўп):

— бу таржималарнинг савияси ҳар хил, уларнинг баъзилари ҳозир эскирган;

— улар орасида тенг қийматлилари ҳам учрайди.

Леся Украинкадан айни бир шеърнинг Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар қилган таржималари аслига яқинлиги тарафидан тенг қийматли. Демак, эквивалентлик ҳодисаси конкрет бир таржима ичра чегараланган эмас. Бошқача айтганда, айни бир асарнинг бир нечта тенг қийматли таржималарини яратиш мумкин. Фарқи шундаки, оригинал-таржима муносабатида эквивалентлик даражаси турли бадий координаталарда воқе бўлади: бир таржимада — оҳанг, бошқасида — мазмун, яна бирида — ҳис-туйғу мукамалроқ берилган бўлиши мумкин.

Эквивалентлик даврга қараб ҳам ўзгарадиган таржима категориясидир, унинг бу хусусияти таржима принципларининг тарихийлиги талаби билан чамбарчас боғлиқ. «Шоҳнома»нинг Хомуший таржимаси инқилобдан олдинги ўзбекларнинг талабини қондирган. Аммо у наср-назм аралаш таржима эди. Бинобарин, мазкур кўҳна таржима ҳозирги Ш. Шомухаммедов, Ҳ. Ғулом, Ж. Жабборов ва Назарматларнинг янги шеърй таржимаси билан тенглаша олмайди.

Орадан вақт ўтиши билан эскирган барча таржималарни ҳам буткул яроқсиз ҳолга келиб қолган, деб бўлмайди. Ҳар бир жиддий таржима асл нусхани бошқа тилда таржима йўли билан ўзлаштириш бобидаги бир тажрибадир. Ана шу маънода бу тажрибаларнинг ҳар бири таржимашунослик нуқтаи назаридан маълум қимматга эгадир.

Эскирган деб ҳисобланган таржиманинг ҳам айти асар-нинг янги таржимасига нисбатан қисман афзаллиги бўлиши мумкин. Масалан, «Шоҳнома»нинг янги таржимаси қадимги, Хомуший таржимасига қараганда шак-шубҳасиз устунликка эга бўлса-да, наср-назм аралаш қилинган Хомуший таржимаси-нинг шеърӣ қисми арузда бўлганлиги тарафидан ҳозирги таржимоларга вази калити ва, қисман, услубий калит бериши мумкин эди.

Юқорида айтилганлардан «Минг бир кеча» («Алф Лайл ва Лайла»), «Қалила ва Димна», «Қобуснома» сингари ҳамда бошқа кўплаб шарқ классик адабиёти обидаларининг Октябрь инқилобидан олдинги, шунингдек, ғарб адабиёти ва рус адабиёти асарларининг революциядан кейинги дастлабки давр-ларда яратилган таржималарининг акадeмик наشريни чиқариш зарурати келиб чиқади. Тарих, тажриба, сабоқ ва, қисман, эстетик қиммат жиҳатидан бундай нашрлар катта аҳамиятга эга.

Эквивалентлик даврма-давр, поғонама-поғона, босқичма-босқич амалга ошади. Масалан, «Шоҳнома»нинг Хомуший таржимасига қараганда Шоислом Шомуҳаммедов раҳбарлигида амалга оширилган янги таржима ўзининг назмий тўқислиги билан асл нусхага яқин. Лекин бу таржиманинг Абулқосим Фирдавсий нусхасига яқинлиги ҳам бирламчи шеърӣ тажриба эканлиги билан белгиланади. Бу тажриба келажакда мазкур эпопеянинг аруз вазнида яратилиши эҳтимоли бўлган улкан ижодий ишни тайёрлайди, унга замин ҳозирлайди.

Таржимага қўйиладиган талаб, унинг принциплари тадрижий равишда ўзгариб боради. Ватан адабиётининг ўзи ҳам доимо бир маромда турмайди, ўсиб-улғайиб, ранг-баранг жанр-лар, янги формалар ва услублар ҳисобига бойиб, жаҳон адабиёти ютуқларини ўзида сингдириб, унга уйғунлашиб бораверади. Демак, шунга мувофиқ тарзда, бегона адабиётни таржима қилишнинг характери, босқичлари ҳам ўзгаради. Адекват таржима яратиш жараёнига тадрижий тараққиёт давомида синаб кўрилган тажрибалар, эришилган ютуқлар кучли таъсир кўрсатади. Натижада бора-бора бир йўла аниқ, бадий баркамол таржимани амалга ошириш имконияти туғили-ши ҳам мумкин. «Илоҳий комедия», «Фауст», «Рамаяна», «Шоҳ Эдип»га ўхшаш мураккаб санъат обидалари бизда хийла пухта, ижодий аниқ таржима қилинди. Бу эса ўша А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, В. Шекспир, Ш. Руставели, Т. Шевченко, В. В. Маяковский ва бошқа кўплаб атоқли адиблар асарларини бир неча ўн йиллар давомида таржима қилиш борасида ортти-рилган анъаналар, бой тажриба заминидан рўёбга чиқди.

Бу тажриба яна шунини тасдиқлайдики, бадий таржима ўзбек адабиёти тараққиёти билан елкама-елка ривожланиб, барабар ўсиб-улғайиб борган тақдирдагина ўзга адиблар томонидан бино қилинган сўз санъати намунаси ўз салмоғи ва тароватини

сақлаган ҳолда, эндиликда бизнинг ўзимизники бўлиб қолиши мумкин.

Асқад Мухторнинг Аветик Исаакяндан қилган таржимасида турли халқлар, адабиётлар, адабий-лисоний услублар, миллий ва интернационал алоқалар (араб-арман-рус-ўзбек) ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Тасвирланган давр, танланган мавзу адабий жанр, объект ҳамда ўзбек тилининг объектив-тарихий имконияти «Абул Аъло Маъаррий» қасидасини ўгиришда Асқад Мухторга услубий мослаштириш тадбирини дадил қўлланиш имконини берган.

Таржима асарга янги лисоний қиёфа бағишлаб, она тилининг бадний-тасвирий қувватини намойиш этувчи адабий ҳодиса бўлиб қолар экан, таржимоннинг маҳорати, санъаткорлиги ҳам кўпроқ ана шу тил соҳасидаги ижодкорликда кўзга ташланади.

Тилининг қашшоқ ва ғариблиги, бадний ижод иқтидорининг камлиги, шоирона заковат, дид ва истеъдод етишмаслиги таржиманинг ранглар, номукамал, бетаъсир бўлиб чиқишига сабаб бўлади, асар ички жозибасининг сўнишига олиб келади. Афсуски, завқбахш таржималар билан баробар, асл нусханинг соясинигина эслатувчи, бадний фазилатдан маҳрум суюқ нарсалар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, хом-хатала, бўш оригинал асарлар каби, қуруқ мазмунни баён этувчи, ҳароратсиз, шуурсиз таржималар кони зарардир.

Шундай қилиб, ушбу қўлланмада таржима проблемалари: адекватлик, муқобилот (эквивалентлик), миллий хослик, услуб ва услубий мослаштириш, адабий жанр ва тур атрибутлари комплекс тарзда адабий-лисоний анъана билан чамбарчас боғлиқ ҳолда баён этилди. Ўзбек адабиёти, таржимашунослик ва таржимачилигимиз амалиётида масала биринчи марта таҳсил предмети сифатида шу тахлитда қўйилди ва конкрет натижаларга эришилди. Қўлланмани ёзишда қиёсий-услубий ва типологик таҳлил методикаси асос қилиб олинганлиги ишнинг назарий табиати, унга далил қилиб олинган фактик материалнинг хусусиятидан келиб чиқди.

Қўлланмада адабий-тарихий йўналиш билан назарий-филологик аспект бақамти олиб борилди. Қўйилган масалаларнинг мазмуни мундарижа жиҳатдан қуйидагича белгиланди:

— реалистик таржима принципларининг тарихан қарор топиш ва ривожланиш тенденциялари;

— таржима тараққиётининг тарихийлиги;

— ҳар бир давр таржима маданиятининг ўша давр адабий муҳити хусусиятлари билан боғлиқлиги;

— услубий ворислик;

— бадний таржимачилик амалиётида ғарбу шарқ адабий анъаналарининг синтезлашуви;

— адабий алоқа, бадний таржима ва таъсир (ижодий баҳрамандлик);

— таржима ва қиёсий услубиёт;

— услубий мослаштириш талаблари ва шарт-шароитлари;



— шеърӣй таржимада вазн (аруз ва силлабика трансформациялари).

Адабий анъана ва бадий таржима проблемаларини ўрганишда қўлга киритилган натижалар яна қуйидагилардан иборат.

Ҳозирги вақтда ўзбек совет адабиёти умумсовет адабиётида ўзига муносиб мавқе эгаллагани ҳолда тобора ривожланмоқда. Унда барча жанрлар — наср: романилик, қиссачилик, ҳикоячилик; назм: бармоқ ва аруз системасидаги шеърятнинг барча формалари, дostonчилик, лирик ва эпик турлар; сахна асарлари: драма, комедия, тарихий мавзулардаги трагедиялар — барабар ривожланмоқда. Шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек совет адабиёти тобора камол топмоқда. Унинг асосий ижодий дастури социалистик реализм методидир. Октябрь революциясидан олдинги ўзбек адабиёти билан ҳозирги ўзбек совет адабиёти барча кўрсаткичлар: мазмун (социалистик), шакл (миллий), метод (социалистик реализм) ҳамда савия, маҳорат, халқчилик, партиявийлик ва ўзга сифатлари билан фарқ қилади. Ўзбек совет адабиёти арсеналидаги тараққийпарвар миллий анъаналар ҳозир ҳам сақланиб қолгани ҳолда, мазмунан янгиланиб бормоқда. Шу билан бирга, унда европача руҳ чуқур томир отмоқда. Бу жараён илғор рус адабиёти ва кўпинча у орқали қардош адабиётлар ҳамда тараққийпарвар хорижий ғарбу шарқ адабиётларининг таъсирида юз бермоқда. Бу жабҳада бадий таржима адабиётининг ҳаётбахш таъсири жуда катта. Бир сўз билан айтганда, барча соҳалар, жанрлар, турлар, даврлар ва қамраб олинган тиллар бўйича кенгайиб бораётган улкан таржима адабиёти ватан адабиёти тақдирида фаол роль ўйнамоқда. Таржималар кўп миллионли ўзбек китобхонлари учун катта дониш аҳамият қозониши билан баробар, ўзбек адабиётининг рус классик ва совет адабиёти, қардош халқлар адабиётлари, социалистик ва халқ демократиясп мамлакатлари адабиётлари ҳамда ғарбу шарқ хорижий прогрессив адабиётлари билан интернационал алоқаларини кенгайтирмоқда, айти вақтда бу таржималар ўзбек тилида бунёд этилаётган оригинал адабиётнинг мазмунини янада бойитиш, мундарижаси координаталарини кенгайтириш, ёзувчиларимизнинг маҳоратларини оширишда беҳад катта роль ўйнамоқда. Таржимачилик ўзбек адабиётига, янги-ча руҳ, янги адабий жанрлар ва турлар, илғор ижодий метод, изчил синфий ва партиявий моҳият, оммавийлик бағишлашда бебаҳо роль ўйнаши билан бирга, тилга олинган барча кўрсаткичлар бўйича унинг бундан муқаддам суст ривожланган пайларини чиниқтирди. Ўзбек совет адабиётида, унинг ҳамма тараққиёт босқичларида реализм, жумладан, танқидий реализм, хусусан социалистик реализмнинг муайян даражада воқе бўлиши, кейингисининг эса узлуксиз, мунтазам, ижодий метод ва система тарзида барқарорлашувида таржима адабиёти мислсиз катта роль ўйнади.



Ўзбек совет адабиёти яхлит бир бутунликдан иборат бўлган, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ҳамда бойитувчи икки манба — йўналиш бўйлаб ривож топади: булар — **оригинал адабиёт ва таржима адабиёти**. Уларнинг ҳар иккаласи яхлит ҳолда в а т а н а д а б и ё т и н и ташкил этади (оригинал адабиётдан таржима адабиётини фарқлаш мақсадида биринчисининг ўзинигина «ватан адабиёти» деб аталгани шартлидир).

Ушбу китобда адабий анъана — бадий таржима — ижодий методнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва бу силсилада қатнашувчи адабий-тарихий, лисоний-эстетик тушунчаларнинг ўзаро тақозодорлигини таҳлилдан ўтказиш жараёнида яна бир ҳодисани аниқлашга, унинг табиатини очишга муяссар бўлинди.

Бизда социалистик реализм методи асосида барқ уриб ривожланаётган кўп миллатли ва кўп тилли барча қардош совет адабиётларида бадий таржимачилик сифатига қўйиладиган талаблар бир хил. Лекин маълум объектив сабабларга кўра, турли тилда яратилаётган миллий адабиётлар таржимачилигида қарор топган ёки орттирилган адабий анъаналар ҳар хил. Инқилобдан олдинги даврда ўзбек адабиётида таржимачилик, асосан, шарқ ориентациясига қараб борган бўлса, ҳозирги даврда у гарб ориентацияси бўйича бақамти ҳолда ривожланмоқда. Бизда шарқ адабиётларидан қилинаётган таржималарда (форс, ҳинд, турк, араб ва ҳоказо) маданий бисотимизда мавжуд адабий анъаналаримиз ҳозирда бирмунча асқотаётган бўлса-да, гарб адабиётларидан (инглиз, немис, француз, испан, итальян) ўгирилаётган ишларда етарли тажриба йўқлиги орқасида қийинчиликлар жуда кўп. Булардан энг мураккаби тил билан боғлиқ проблемадир. Рус, аксарият Закавказье ва Болтиқ бўйи халқлари адабиётларида хорижий гарб бадий асарлари бевосита тилдан-тилга ўгирилади. Аммо ўзбек адабиётида улар восита тил орқали таржима қилинади (бундай ҳолда рус тили воситачилик ролини ўйнайди). Социалистик ҳамдўстлик шароитида, қардош халқлар ўртасида жаҳон маданияти обидаларини айирбошлаш ишини жадаллаштириш маъносида бу, шубҳасиз, тараққийпарвар аҳамиятга молик, ижобий ҳодиса. Бироқ соф профессионал маънода, таржима техникаси талаблари нуқтан назаридан воситали таржима имкониятлари чегаралангандир. Ўзбек адабиёти асарларининг рус тилига тағлама (подстрочник) орқали ўгирилиши ва бошқа қўпчилик халқлар тилларига ана шу таржималардан таржима қилинишини ҳам шундай баҳолаш керак.

Мустай Қарим билан Арви Сийг диалогларига таяниб, ўз қўлида жамланган ва узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишлари, мушоҳадалари, таҳлилига таянган қўлланма автори қудратли социалистик ҳамдўстлик, ўзаро ҳамкорлик, қардошлик шароитида қадимда этник-территориал томондан бир-биридан йироқ, лисоний бегоналик, адабий-анъанавий ётлик шароитида яшаб келган маданий регионлар ҳам бир-бирлари

билан таржима тўфайли мулоқотга киришадилар, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қиладилар, деган тезисни илгари суради. Бундан таржима фақат турли миллат адибларининг мактабдошлик, услубий уйғунлик ифодасигина эмас, балки бир миллатнинг маънавий ҳаётида мавжуд бўлмаган фазилатни бошқа халқлардан олиб ижодий ўзлаштириш қуроли эканлиги аниқланади.

Қўлланма автори шеърий таржимада вазн алмашувини нормал ҳол деб таърифларкан, бунда турли вазний трансформацияларга эҳтиёт бўлишга даъват этади. Шеърий таржимада вазн-услубий мослаштиришлар ҳар гал лисоний-анъанавий, объектив асосланган бўлиши лозим.

# МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
I БОБ	
Маданий-илмий ҳамкорлик ва таржима . . . . .	5
Миллий мансублик ва интернационал муштараклик туйғуси . . . . .	5
Илмий ҳамкорлик ва фан тараққиёти хизматида . . . . .	14
Мароғи мактаби ва Николай Коперник (16). Бағдод ва Толедо таржима мактаблари (18). Алоқа — таржима — таъсир (21). Таржима, терминология ва этимология (26). Ибн Сино ва Гегель. Беруний ва Ньютон (30).	
Адабий алоқа ва бадний таржима . . . . .	36
✓ Бадний таржима ва адабий анъана (38). Жанр «айирбошлаш» тажрибалари (39).	
Таржима тарихи сабоқлари . . . . .	43
Назарий принципларнинг ворисийлиги (43). Алишер Навоий ва Христофор Арманий (45). Ҳофиз ва Гёте (46). Адабий муштараклик ва типологик қиёс (48). Миллий адабиётларда инсонпарварлик ва озодлик ғояларининг ҳамоҳанглиги (54).	
Марксизм классиклари таржима ҳақида . . . . .	58
В. И. Ленин ва таржима масалалари . . . . .	60
II БОБ	
Бадний таржимада услуб . . . . .	64
Услубнинг таржимавий-типологик талқини ва татбиқи (64). Тилнинг лексик-иғдовий қатламлари ва таржима (77). Образни образ билан бериш. Анъанавий-лисоний ва индивидуал-услубий ўхшатиш (92). Турли адабий жанрларда услубнинг ўзига хослиги сабаблари (95).	
III БОБ	
Миллий колоритни ифодалашнинг мазмуни ва мундарижаси . . . . .	98
Сўз, мусиқа, ҳаракат ва ранг уйғунлиги (99). Бадний таржимада миллийлаштириш (101). Психологик таъсир ва деталь (105). Юморни юмор билан бериш. Семантик (маъновий) помуқобилликка асосланган юмор таржимаси (114). Мақол, матал ва идиомалар таржимаси (116). Ҳикматли сўзлар (афоризмлар) таржимаси (121).	
IV БОБ	
Услубий-миллий хослик ва стилизация. (Миллий мослаштириш принциплари) . . . . .	126
Асл нусха даражасида соддаликка эришиш талаби (126). Автор ва таржимон услуби. Субъективизмнинг икки хил кўриниши (127). Стилизация принципини икки хил қараш (128). Таржимада тушунарлик ва сирлилик, мураккаблик ва соддалик (138). Услубий мослаштириш антиномиялари. Пародия (143). Синтаксис ва таржима (147). Услубий мослаштиришда семантика, синонимия, идиоматика ва терминология (156).	
V БОБ	
Шеърий таржимада вазн трансформацияси ва эквиритмия . . . . .	163
Вазн ва қофия (163). Куйин куй билан бериш. Шеърий таржимада эвфония (166). Классик аруздан — ҳижвий системага (175). Миллий хослиқнинг вазиди ифодаланиши (176). Анъанавий-поэтик муштараклик, аруз ва таржима (179). Шеърий таржимада миллий руҳ, вазн ва луғат (193). Тожиқ-ўзбек адабий ҳамкорлигида таржима баҳси (203). Ғазал таржимасида шакл билан мазмун бирлиги (207). Ҳофиз. «Агар он турки Шерозий...» ғазалининг таржималари (209). Ғазали таржима қилиш техникаси ва таҳлил методикаси (211). Таржима ва таътаббуъ (214).	
Хулоса . . . . .	218